

«Кучли, башоратли ва илҳомлантирувчи китоб».

**Кристин Кейн**, «A21» компанияси ва  
«Рағбатлантирувчи аёл» хизмати асосчиси

Ўзингни ноёб,  
такрорланмас киши сифатида  
қабул қил, нотинчлик ва қиёслаш даврида  
ўз мақсадингни рўёбга чиқар

# РАҚОБАТДАН ТАШҚАРИДА

## ЛИЗА БИВЕР

«Шерларнинг уйғониши» ва

«Қилич тутган қизлар» каби машҳур китобларнинг муаллифи

Қадрли дўстим,

Сиз Худо томонидан кучли ва собитқадам бўлиш учун ноёб тарзда яратилгансиз. Бироқ кўпчилигимиз саросимада ва қатъиятсизликда жуда кўп вақт сарфладик. Биз доимо ўзимизни бошқалар билан таққослаб, тинчлик ва хурсандчиликни йўқотдик.

Ўриндан туриш ва гўзаллик, куч, қадр-қиммат ва таъсир этиш билан рақобатдан ташқарида яшашни бошлаш вақти келди. Умид билан порлаётган, хизматда содиқ бўлган ва ҳар бир ишингизда севадиган Масиҳдаги ҳақиқий ўзлигингизни топинг.

Бу хабар барча ёшдаги аёллар учун аталган ва сизни, дўстимни ва синглимни шу китоб билан марҳаматлаш имконига эга бўлиш, мен учун катта шарафдир. Бу материални сизга таниш бўлган барча билан дадил ўртоқлашинг. Бу менинг сизга аталган совғам!

Жасорат, севги, мардонаворлик ва интилиш билан яшанг!

Ҳурмат билан,



Лиза Бивер  
LisaBevere@ymail.com



«Кучли, башоратли ва илҳомлантирувчи китоб».

**Кристин Кейн**, «A21» компанияси ва  
«Рағбатлантирувчи аёл» хизмати асосчиси

Ўзингни ноёб,  
такрорланмас киши сифатида  
қабул қил, нотинчлик ва қиёслаш даврида  
ўз мақсадингни рўёбга чиқар

# РАҚОБАТДАН ТАШҚАРИДА

## ЛИЗА БИВЕР

«Шерларнинг уйғониши» ва

«Қилич тутган қизлар» каби машҳур китобларнинг муаллифи


**Without Rival** by Lisa Bevere, Uzbek  
Copyright © 2024 Messenger International  
MessengerInternational.org  
Originally published in English as *Without Rival*  
Additional resources in Uzbek are available for free download and video  
streaming at **MessengerX.com** and on the **MessengerX** App  
To contact the author: LisaBevere@ymail.com

This book is a gift from Messenger International and is NOT FOR SALE

«**Рақобатдан ташқарида**» Лиза Бивер, ўзбек тилида  
Copyright © 2024 Messenger International  
MessengerInternational.org  
Дастлаб «Without Rival» номи остида инглиз тилида нашр қилинган.

Жон ва Лиза Биверларнинг ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини  
ва хабарлар оқимини **MessengerX.com** ва **MessengerX** иловасидан  
бепул юклаб олишингиз мумкин  
Муаллиф билан алоқа қилиш учун электрон манзил:  
LisaBevere@ymail.com

Бу китоб - «Messenger International» хизматининг совғаси ва  
СОТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.



App Store АҚШда ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган Apple Inc.нинг товар  
белгисидир.

Google Play ва Google Play логотипи Google LLC нинг товар белгиси ҳисобланади.

*Қадрдоним!*

*Сиз тенги йўқсиз, Отанинг севикли қизисиз ва бу мисли кўрилмаган вақтда, сизга тенгсиз мактуб ва ваъда ишониб топширилган. Сиз ҳозирги пайт учун, айна замонда буюк ва даҳшатли вақт учун танлангансиз. Айна шунинг учун сиз мардонавор севишингиз... қаттиқ ишонишингиз... кучли умид қилишингиз керак.*



## МУНДАРИЖА

1. Рақобатдан ташқаридаги Шахс . . . . . 1
2. Бизнинг Худоимиз рақобатдан ташқарида . . . . . 19
3. Бизга берилган ваъда рақобатдан ташқарида . . 41
4. Таққослай кўрманг! . . . . . 67
5. Сизга рақиб сифатида қараганда . . . . . 87
6. Рақобатдан ташқаридаги жинс . . . . . 111
7. Қўрқув ва севги ўртасидаги рақобат . . . . . 143
8. Чуқур қудуқлар ва тилаклар қудуқлари . . . . . 165
9. Рақобатдан ташқаридаги Худонинг қизи . . . . . 189
10. Рақобатдан ташқаридаги ҳаёт . . . . . 213





## Рақобатдан ташқаридаги Шахс

“Бизнинг асосий истагимиз – бу ўзимизнинг ким бўлишимизни биладиган кишиларга айланиш учун илҳомлантирувчи Зотни учратишдир”.

РАЛЬФ УОЛДО ЭМЕРСОН

**С**изнинг рақибларингиз бўлганми? Мен шунчаки спортда ўртоқлик мусобақаларини назарда тутмаяпман. Мен ўз ота-оналарининг эътибори ва меҳри учун курашаётган ёш болаларни назарда тутмаяпман.

Менинг кўз олдимга жиддийроқ турдаги рақобат қилувчи келмоқда. Бу дўстга ёки оила аъзосига умуман ўхшамайдиган рақибдир. Жанг майдонида у нафақат ғалаба қилиш, балки рақибдан тўлиқ халос бўлиш мақсадини кўзлайди.

Лекин сиз орзу қилган ҳаёт рақобатчиликдан ташқарида эканини аниқлаганингизда нима бўлади? Ўйиндан чиқиш учун ютқазинингиз шарт эмаслигини билганингизда нима бўлади? Сиз умуман ютқазинингиз *мумкин эмаслигини* аниқлаганингизда нима бўлади? Сиз нафақат ностандарт ўйлашингиз, балки

ностандарт *яшашингизни* ҳам пайқаганингизда нима бўлади?

Кўп йиллар илгари мен бир китоб ўқиган эдим. Бу китобда муаллиф биз биладиган қиёмат куни келиши муқарралиги ва бу ҳамма жойда учрайдиган бегоналашиш орқали келишини тахмин қилган (ўзга сайёраликларнинг бостириб келиши орқали эмас). Мазкур китобда дунё иккита қарама-қарши лагерга ёки фикр мактабларига бўлиниши ҳақида гапирилган. Бундай бўлиниш содир бўладиган шароитда, охириги замон узил-кесил келмагунга қадар, ўзаро душманлик қилаётган гуруҳларни бир-бирларига қарши гиж-гижлашнинг ўзи етарлидир.

Бундай кўламдаги ҳар қандай тизимли бўлиниш анча тор доирада бошланади. Бу қалби жароҳатланган одамлар, бўзилган оилаларни ярата бошлайдиган хонадонлардан бошланиши мумкин. Инсонни аввал ўзига, сўнг бошқаларга ҳужум қилишга мажбурлаш учун унинг онгини, иродасини ва ҳис-туйғуларини қийнаб, ёлғон ҳақиқатларни экадиган кучлар мавжуд.

Бизнинг етарлича яхши, ёш, ақлли, чаққон ва бой эмаслигимизни айтадиган одамлардан қочиш қийин. Улар бизнинг тан беришимизни ва уларнинг тилакларига бўйсунимизни кутадилар. Аммо инсон табиати шундайки, у ўзининг ҳеч нарсага қодир эмаслигига ишонишга мажбур қиладиган, бундай чексиз таҳқирлашдан ўзини олиб қочишга интилади. Таҳқирлаш энг юқори нуқтага етганида, баъзилар ён берадилар, мослашишни, нусха олишни бошлайдилар, бошқалар ҳимояга ўтишади ва жавоб тариқасидаги айбловларни отишни бошлайди.

Биз ҳукмни ҳис қилганимизда, бошқаларни ҳукм қиламиз.

Бизни шарманда қилаётганларида, биз бошқаларни шарманда қиламиз.

Биз ўзимизни севмаганимизда, бошқалардан нафратланамиз.

Бизни талон-тарож қилаётганларида, бизда ҳам талон-тарож қилиш истаги кучли бўлади.

Мазкур жараёнда, ҳар ким йўқотади ва ҳеч ким ютмайди. Лекин борди-ю, ҳаммаси Павлус айтганидек бўлса-чи?

“Художўйлик эса қаноат билан бирга буюк даромаддир”  
(1-Тимўтийга 6:6).

Художўйлик – бу Худонинг нуқтаи назарини қабул қилиш қобилиятидир. Бу Унинг бошқа одамларга бўлган қарашини қабул қилиш орқали, Унинг бизга бўлган қарашини қабул қилишимизни англатади.

Ўз қалбида қониқиш ва осойишталикка эга бўлиш аҳмоқликка олиб келмайди, балки ижодкорликка йўл очиб беради! Азоб берувчилардан ва азоблардан юз ўғиринг. Худонинг кўзлари бизга қараб турибди, шунинг учун кўзларимизни юқорига, У турган томонга қаратишимиз мумкин.

Шунда нима содир бўлади?

Сиз учун аталмаган нарса билан курашиш ўрнига, ўзингизга ҳақли равишда тегишли бўлган нарсани топиш учун куч пайдо бўлади.

Бу китоб, кундалик ташвишларнинг зарарини кўрсатиб бериши учун ибодат қиламан. Сизга ҳеч нарса келтирмайдиган рақобатда ғалабага қозонишга интилишнинг ўрнига, урушда ғалаба қозониш учун тайёр бўлишингизни истайман. Жонингизнинг қалъаси учун ҳақиқий жанг бораяпти. Сиз дунёда ўз ўрнингизни эгаллашнинг мавриди келди. Келинг, ёлғон ва фитнани фош қилайлик ҳамда сизнинг, аслида ким эканингизни билиб олайлик.

## **Йўқолди ва топилди**

Мен кучукларни яхши кўраман. Мен уйдан узоқда, Жанубий Кореяда бўлганимда, сеvimли Тиа исмли кучугимиз йўқолиб қолди. Эҳтимол, ишчилардан кимдир, даҳлиз эшигини очиқ қолдирган ва Тиа совуқ Колорадо қишининг кўчаларида юриш учун шинам ва иссиқ уйни тарк этган. Ўша тун у қандайдир сабабларга кўра уйга қайтадиган йўлни топа олмаган. Нотаниш қўшни киши унга яхшилик қилган ва бир кеча ўз уйдан бошпана берган,

эрталаб уни уй ҳайвонлари бошпанасида қолдирган.

Тианинг бўйинбоғида ёрлиқ бор эди, лекин ундан наф кам эди, чунки унда кўрсатилган телефон рақами аллақачон эскирганди. Бундан ташқари, унинг руҳсатномасининг муддати тугаганди (кечирасиз, мен кучук учун гувоҳнома фақат бир марта расмийлаштирилади, деб ўйлаганман). Унинг уйи бор, аммо гапирадиган тили ва топилишига ёрдам бериши мумкин бўлган ҳужжатлари йўқ эди.

Жанубий Кореяда бўлганимда, содир бўлган воқеадан беҳабар эдим. Ўғилларим эҳтиёткорлик билан Тианинг йўқолишини меңдан яширганлар, лекин, албатта, уйда саросима ҳукмронлик сурган. Улар ҳамма жойдан кучукни қидирган, лекин уни топа олмаганлар. Улар кучукни койотлар еб кетган, деб ўйлаб қўрққанлар. Ниҳоят, улар ҳазил тариқасида бир кишининг маслаҳатига амал қилишга ва итлар учун бошпанани текшириб кўришга қарор қилганлар.

Остин итлар учун бошпанга келиб, Тиани кўрганида, у бизнинг кучугимиз эканига ишончи комил бўлмаган. Саргузашт унинг ташқи кўринишини кучли ўзгартирган. У худди уни кўрганидан хурсанд эмасдек ғамгин кўринишга эга бўлган. У қафаснинг бир бурчагида коптокдек ўралиб олиб, бутун танаси билан қалтираб ўтирган. Остин кучукнинг бошпанада яшагани учун тўлов қилгандан сўнг у яна бизнинг кучукка айланди. Қўнолға учун тўлов, яхши меҳмонхона ҳаражати учун тўланадиган тўлов билан қарийб тенг эди ва Остин яна бир нечта катта жарималарни тўлади (афтидан, вақти ўтказиб юборилган гувоҳнома учун жиддий жазолашади).

Мен уйга қайтиб келганимда ва бутун воқеадан хабар топганимда бироз хавотирландим. Мен ўғилларим учун эмас, балки кучук учун хавотирландим. Тиа биз билан ўн йилдан ортиқ бирга яшайди. Унинг уйдан қочиб кетиши ва ўзи қайтиб келмагани, биринчи марта содир бўлган эди. Мен бу ҳодиса айнан ҳозир содир бўлганлиги ҳақида ўйлаб хавотирландим. Балки катаракта касаллиги унинг кўриш қобилятини заифлаштирдимикан? Ёки

унинг ёши кексайиб қолганлиги ўз таъсирини кўрсатаяптими? Ёки у мени излаганмикан?

Ахир, унинг нима сабаб билан уйдан кетиб қолгани муҳим эмас. У бизнинг оиламиз аъзоси ва у ўз уйига йўл топа олмаслиги бу ҳақиқатни инкор эта олмайди. Биз уни қидирдик, жарима тўладик, гувоҳнома муддатини узайтирдик, у ўша шармандали қафасдан озод бўлди ва каравотимизда оёғим остидаги ўз жойига қайтиб келди. Бир кеча дарбадарлик, уни ўзимиздан ажратиб қўйиш учун сабаб бўла олмайди.

Менинг нима маънода гапираётганимни тушунаётгандирсиз. Агар биз (шубҳасиз, уй ҳайвонларининг номукамал эгалари) ўз кучуқларимиз учун шунчалик кўп иш қилаётган бўлсак, Самовий Отамиз биз учун нималар қилмаяпти? Ўзингизни билиш йўлидаги биринчи қадам – бу Худо учун сиз ким эканингизни тушунишдир. Юҳаннонинг биринчи мактуби Худонинг бизга, яъни Ўз фарзандларига бўлган муносабатини очиб беради.

“Отанинг бизга бағрини очиб турган севгиси нақадар ҳайратли! Бунисига нима дейсиз – биз Худонинг фарзандлари деб аталар эканмиз! Биз ҳақиқатдан ҳам Унинг фарзандларимиз! Дунё Уни ва Унинг ниятларини билмагани сабабли, бизни ҳам билмайди ва бизни жиддий қабул қилмайди” (1-Юҳанно 3:1, Муқаддас Китобнинг замонавий инглизча таржимаси «The Message»).

Келинг, Худонинг ажойиб севгиси ҳақида фикр юритиб кўрайлик. У бизни ҳаяжонлантиради, қамраб олади ва бошимизни айлантиради. У кундалик ва табиий воқеликнинг тўлиқ аксидир. Унинг чуқурлиги бизни ҳайрон қолишга мажбур қилиш учун етарлидир. Бу ажойиб севги ўз давомига эга, бу худди харид пайтидаги совғага ўхшайди, лекин бундан ҳам яхшироқдир, чунки бу совға устига совғади. Бизга нажот берилган. Худо бизни қайғуга тушган, қафасга қамалган, диний инсоний жамиятнинг бир бурчагига тиқилиб олган ҳолда кўрди ва бизнинг нажот топишимиз учун тўловни амалга оширди. У шу билан чекланиб қолмади.

У бизни Ўзига жалб қилди, бизнинг гувоҳномамизни янгилади ва бизни Ўзи билан тенглаштирди (Бу бизнинг ювинишимиздан аввал содир бўлди!) Сиз ҳақиқатан ҳам Унга тегишлисиз. У ҳар бир фарзандини кучли севади. Лекин айни пайтда, У ҳар бир фарзандини ўзгача яхши кўради.

## Тенгми ёки ўзгачами?

Барча нарсада адолат ўрнатишга бўлган инсоний уринишларимизга кўра биз кўпинча, Худо бизни ҳаммамизни бирдек севади, деб ўйлаш васвасасига тушамиз. Бу қанчалик яхши туюлмасин, *бирдек* дегани, етарли даражада кучли дегани эмас. *Бирдек* сўзи ўзаро алмашилишимиз мумкинлигини, яъни бизни осонгина бошқа киши билан алмаштириш мумкинлигини англатади. Буни худди қўйидаги вазиятга ўхшатиш мумкин: “Вой! Мен ўтган ҳафта катта дўкондан сотиб олган бинафшаранг стаканни синдириб қўйдим. Умид қиламанки, уларда ҳали ҳам бундай идишлар сотувда турибди”. Ёки менинг вазиятимга қийслаш мумкин: “Мен ўн йилдан ортиқ яхши кўрган кучук жиловни узиб қочди. Қўрқинчли жойи йўқ. Ўзимга худди шунақасини сотиб оламан ва уни ҳам худди шундай яхши кўраман”.



**Мен  
фарзандларимни  
бирдек яхши  
кўрмайман,  
Мен уларни  
ўзгача яхши  
кўраман.**

Йўқ, мен бундай фикрда эмасман, Худо ҳам бундай фикрда эмас деб ўйлайман. Бунинг сабабини сизга айтиб бераман.

Бир куни кундузи мен дам олиш учун ётдим. Гап шундаки, мен каравотда эмас, балки компьютер қаршисида ухлаб қолибман. Бехосдан ўйғониб кетдим ва компьютерда босилиб қолган “т” ҳарфидан иборат саккизта бетга кўзим тушди.

Шу пайт мен тўшагимга бориб ётишим кераклигини ҳис қилдим. Шунинг учун оёғим тагида ётган кучукни

олдим ва ётоқхонамга қараб юрдим. Уйқуга кетишдан аввал, Муқаддас Рухнинг шивирлаб айтган сўзларини эшитдим: “Мен фарзандларимни бирдек яхши кўрмайман”. Мен бундан қаттиқ таъсирланиб, каравотга ўтириб олдим. Бу куфр фикр қаердан келди? Мен бунга жавобан дедим: “Сен бизни бирдай севишинг керак, акс ҳолда бу адолатдан бўлмайди”.

Менинг эътирозимга дарҳол жавоб келди: “Йўқ, бундай эмас. *Ҳаммага тенг севги* – бу ўлчаш мумкин бўлган севгидир. Лекин мен сени ишонтириб айтаманки, Менинг севгимни ўлчаб бўлмайди. *Бирдек* дегани Менинг фарзандларимни ўзаро алмаштириш мумкинлигини англатади, аммо бу бундай эмас. Менинг қалбим бўлимларга бўлинмайди. Ҳеч ким бошқа кишининг ўрнини боса олмайди ва бошқа кишининг ўрнини эгаллай олмайди. Мен фарзандларимни бирдек севги билан севмаслигимни, балки сизларни ўзгача севишимни энди тушунаяпсанми?”

Чуқур нафас олинг ва ўқишда давом этинг. *Худо бизни бирдек эмас, балки ўзгача севади*. Менга ишонинг, *ўзгача* – бу яхшироқ.

Агар сизнинг икки ёки ундан кўп фарзандларингиз бўлса, гап нима ҳақида бораётганини тушунган бўлсангиз керак. Оилангизда иккинчи, сўнг учинчи фарзанд туғилганда, улар орасидаги севгингиз бўлинмайди. Бу севги ҳаддан ташқари кўпаяди. Сиз ҳатто, уриниб кўрганингизда ҳам, ҳар бир фарзандингизга бўлган севгини ўлчаб олмаган бўлардингиз. Ахир, қалбингиз кучини ўлчаб кўриш мумкинми? Сизнинг ҳар бир фарзандга бўлган севгингиз ўзгачадир. Уларнинг ҳар бири сизнинг ота-оналик севгингизни ўзига хос тарзда уйғотади. Қизиғи шундаки, бир фарзандда ўзгача бўлган ниманидир севиш ва бошқа фарзандда бунинг тамомила тескари бўлган хусусиятини яхши кўриш мумкин. Масалан, менинг тантиқ набирам пилдироқ ўйинчоққа ўхшайди. Унинг акиси менинг биринчи набирам бўлади. У жуда ҳам зийрак ва эътиборли йигит. Мен уларни таққосламайман. Мен уларнинг ҳаётга бўлган бундай турлича муносабатларини яхши кўраман ва қадрлайман. Мен уларнинг бу дунёда бир хил бўлишларини истамаган бўлардим.

Уларнинг бирортаси ҳам, қалбимда бошқасига қараганда кўпроқ жой ололмайди. Мен уларнинг иккисини ҳам тўлиқ ва ўзгача яхши кўраман.

*Тенг сўзи*, шунингдек, Худонинг севгиси ўлчанишини ва ўлчанганини англатади, лекин бу ундай эмас. Севги чексиздир. *Ўзгача севгида* анча чуқурроқ маъно бор. Сизга ўхшаган киши йўқ, сиз яғонасиз! Бахтиёр Августин чиройли сўзларни айтган: “Худо ҳар биримизни, гўёки У учун бошқа севадиган одам йўқдек севади”.

Самовий Отанинг севгисини, ҳеч бир бола ўз улушидан маҳрум қилингандек ҳис қилмаслиги учун, ғамхўр ота-оналар томонидан тенг бўлақларга бўлинган шоколад ёки гилос пирогига ўхшатиб бўлмайди. Унинг ажойиб севгиси алоҳида қисмларга бўлинмайди. У сизни дунё яратилишидан аввал ҳам севганини ва Унинг сизга бўлган севгиси чексиз эканлигини тушунасизми? Сиз Ундан юз ўгиришингиз, қочишингиз, ўзингизга дўзахдан жой тўғирлашингиз, истаган ишингизни қилишингиз мумкин, У барибир сизни севишдан тўхтамайди (Аммо жиддий айтадиган бўлсак, наҳотки кимдир дўзахда ухлашни истайди?)

Пайғамбар Йермияҳ орқали Худо Ўз севгиси ҳақида шундай деган: “Мен сени абадий севги билан севдим, шунинг учун илтифотим билан сени Ўзимга жалб қилдим” (Йермияҳ 31:3).

Феълнинг шаклига эътибор беринг. У ўтган замонда ишлатилган. Унинг севгиси – бу ҳал бўлган масаладир. У ҳақиқий ва ўзгача бўлган сизни буюк севги билан севди, сиз қанчалик ёш ёки қари, хушбичим ёки семиз бўлишингиздан қатъий назар, Худо сизни ҳеч қачон тугамайдиган мангу севги билан севди. У сизни ёш ва ёр булган пайтингизда ҳам севган. У мени етук ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатимда ҳам севади. Худо севгидир. Отамизда биз учун аталган севги йўқ, яъни Унинг Ўзи севгидир.

Отанинг бизга бўлган ажойиб севгиси чексиз, сирли ва ўзига хосдир. Сиз ўзига хос тарзда яратилганингиз учун, ўзига хос тарзда севиклисиз.

*Ўзига хос жумласи*, “алоҳида, яқка-яғона” маъносини англатади



ва менинг ёқтирган таърифим – бу “тенгги йўқ” сўзи ҳисобланади. Бизнинг Отамизнинг тенгги йўқдир ва биз Унинг назарида тенгги йўқ қизлар эканимиздан ажабланмаслигимиз керак, шунинг экан бир-биримиз билан рақобатлашишимиз учун бирорта сабаб йўқ.

Сиз тенги йўқсиз! Сиз ўзлигинизнинг боши ва якунидирсиз. Оммавий ишлаб чиқариш учун яратилган намуна мавжуд эмас. Одамлар орасида нухалар, тенг ва бир хил бўлганлар йўқ. Сизнинг рақибингиз йўқ. Худо сизни қандай ўзига хос тарзда севса, сиз ҳам ўзингизга хос бўлган тарзда сева оласиз. Ҳеч ким *ўзингиздан* кўра яхшироқ *сиз* бўла олмайди!

Худо бутун дунёни ҳайратда қолдириш учун сизнинг ДНКнгизни (Дезоксирибонуклеин кислота – ўзида генетик маълумотни саклайдиган молекула) ўзига хос тарзда яратган. У сизнинг юрагингиз қандай бўлишини ўйлаб топган. У сиздаги табассумнинг ва овозингиздаги оҳангнинг меъмори бўлган. У сиз ҳақингизда фақат энг яхши ва энг гўзал нарсаларни ўйлаб, сизнинг барча хусусиятларингизни яратган. Сизнинг ота-онангизга қўшилиб, У биринчи табассумингиздан қувонган ва сизнинг биринчи қадамларингизни меҳрибонлик билан кузатган.

Бундай меҳрибон ва эътиборли ғамхўрлик сабабли ҳаётингизда Унинг севгисини ўзига хос тарзда акс эттирадиган кўп жиҳатлар бор. У ўзига хос хислатларни ва қобилиятларни битта жойга, яъни сизга, Ўзининг қизига жойлаштирди. У ҳар бир хусусият сизнинг аёллик қиёфанингиз орқали яхши акс этишини билган.

У қиз сифатида Уни ифодалашингизни ва қиз сифатида Унга яхшироқ тегишли бўлишингизни билган. Айнан шунинг учун У сиз учун аёл жинсини танлаган. Оталар ва қизлар ўртасида жуда нозик ришталар мавжуд.

У сизни яратганда, фақат сиз ҳақингизда ўйлаган... Сиз Унинг қувончисиз.

Бу шунинг англатадики, агар сиз баландроқ ёки пастроқ, қорароқ ёки оқроқ бўлганингизда эди, сиз ҳозиргидан яхшироқ бўлиб қолмас эдингиз. Бу шунингдек, агар сиз эркак бўлганингизда эди,

У сизга ишониб топширган севгининг яхшироқ ифодаловчиси бўлмаслигингизни англатади.

Худо Ўз қизларини Ўз ўғиллари каби севади. Худди шунингдек, У уларни бир хил севги билан севмайди. У эркаклар ва аёлларни ўзига хос тарзда севади. Эҳтимол, болалигингизда сизга ўғил туғилишини кутишганларини, лекин сиз туғилганингизни айтишганини ёки ҳатто, бақаришганини эшитгандирсиз. Эҳтимол, сиз ўзингиз эркак бўлишни хоҳлагандирсиз. Лекин шуни билингки, Худо бунга ҳеч қачон истамаган.

Сиз биринчи нафасни олганингизда, Отамиз хурсанд бўлган ва йиллар ўтиши билан сиз осмондан туғилиб, Унинг қизига айланганингизда ва Руҳ билан тўлганингизда, осмондаги фаришталар У билан бирга ғоят суюнганлар. Ажойиб севгимиз, сизда бирор тасодифий нарса йўқ.

## **Рақибни йўқ Худонинг қизи**

Буларнинг барчаси нимани англатади? Бу ҳаммамизда беқиёс ва битмас-туганмас севгидан ҳам кўпроқ нарса бор эканини англатади. Сиз яхши ўрин учун талашишингиз, Унинг севгисини қозонишингиз шарт эмас. Ҳеч ким сизни сиқиб чиқара олмайди ёки ўрнингизни эгаллай олмайди. Сизга тенглаша оладиганлар йўқ.

“Дўстлар, биз энди Худонинг болаларимиз; бу бошланиши, холос. Олдинда нималар бўлишини ким ҳам биларди! Биз битта нарсани биламиз, Масиҳ бизга очилган қуни, биз Уни кўрамиз – Уни кўриб, Унга ўхшаб қоламиз. Келаётганга қараётган ҳаммамиз, тайёرمىз ва Унга ўхшаб тоза бўлиш учун, ўзимизни тозалаймиз” (1-Юҳанно 3:2, 3, «The Message»).

Бошқаларнинг севгиси ва эътирофига сазовор бўлиш учун биз бошқа биров эмас, балки қандай қилиб ўзлимизни сақлаб қолишни биргаликда билиб оламиз. Биз ўзимизни бошқалар билан таққослашни тўхтатамиз, чунки таққослаш илҳом

келтирмайди. Таққослаш бизни ва биз орқали бутун дунёни ўғирлайди. Агар бизнинг кадр-қимматимиз ва индивидуаллигимиз ички бетакрорлигимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлса, таққослаш ва мусобақа қилиш учун зарурат қоладими? Биз фақат ўзимизни тушкунликка соламиз. Сиз нурга эга бўлган, кураш учун ноёб тарзда жиҳозланган Худонинг қизисиз.

“Шунга ўхшаб, биз – Масиҳга тегишли бўлганлар, бир танани ташкил қиламиз. Ҳар биримиз ҳар хил аъзолар бўлиб, бир-биримизга боғлиқмиз. Келинг, олға борайлик, қолаверса ҳасад қилмасдан ва ўзимизни бошқалар билан солиштирмасдан, мағрурланмасдан ва ўзимизни бошқаларга ўхшатмасдан, дастлаб яратилган кишилардек бўлайлик” (Римликлар 12:5, 6, «The Message»).

Каломдаги бу оят одамларга рақибларсиз яшашга халақит берадиган иккита асосий хусусиятларни: мағрурлик ва ҳасадни кўрсатади. Рақиблари йўқ қизнинг ўзига хослиги, сизнинг аллақачон, ўз ўрнингизда эканингизни англамайди. Бу йўлни, яъни қўраманинг бир қисмини ва сиз бажаришингиз керак бўлган Масиҳ Танасидаги вазифанинг бир йўли борлигини англатади.

*Мағрурлик* бизни Танадан ажратади, бизда ўзимизни бошқалардан устун қўядиган фикрларни уйғотади ва “Менинг қисмим энг муҳими, мен ўзимга ўзим хўжайин, мустақил, нуфузли, мағрур ва улўворман”, деб айтишга мажбур қилади.

Бошқа томондан, ҳасад бизнинг вазифаларимизнинг аҳамиятини пасайтирганда, бу дунёда Худо томонидан берилган ролга эътиборсизлик қилиш васвасаси келади. Ҳасад шундай дейди: “Мен ўз ролимни кадрламайман, чунки мен сени четга суриб ташлашни ва ўрнингни эгаллашни истайман”.



**Ҳеч ким сизни  
сиқиб чиқара  
олмайди ёки  
ўрнингизни  
эгаллай олмайди.**

Бу иккита хусусият – одамларга учларини санчиш учун, қолаверса муайян гуруҳларга, ўз вазифаларини бажаришга ҳамда ўз ўринларини эгаллашга йўл қўймаслик учун яратилган хавфли қиличнинг ўткир учларидир. Баъзан душман қиличнинг иккала учини ҳам ишлатади ва Масих Танасидаги эркакларда рақобатчилик ва гендерга оид мағрурлик ҳиссини уйғотиб, уларга ҳужум қилади, аёлларни эса гендерли ҳасад қурбонларига айлантиради.

Ҳақиқий ўзлигингни сақлаб қолиб, ҳаммамизга чин дугона бўлинг. Худонинг қизлари ўзларининг бетакрорлигидан баҳраманд бўлишлари ва “ҳамма каби” бўлишга интилишни ёки “кўпроқ” нарсага эга бўлиш учун рақобатлашишни тўхтатиш вақти келди. Ахир, сиз ўзлигингни яширганингизда, бошқаларга сизни ҳурмат қилмасликлари учун имконият берган бўласиз. Одамлар ҳар доим асл нусхани, сохта ва кўчирилган нусхадан ажрата оладилар. Ҳатто, улар буни кўрмасалар ҳам, улар буни сизнинг сўзларингиз, хатти-ҳаракатларингиз ва ташқи кўринишингиздаги носамимийликда ҳис қиладилар ва буни эшитадилар. Намунага амал қилиш ва нусха кўчириш ўртасида катта фарқ бор. Шунинг учун ҳам, бирор кишига ўхшаш бўлишга ҳаракат қилганингизда, фақат қайғу чекасиз. Ҳаёт худди, бир нечта жавоб вариантларини таклиф қиладиган имтиҳонга ўхшайди. Бу имтиҳоннинг жавоблари орасида нотўғри бўлганлари, бошқаларнинг сиз учун танлаганлари бўлиб чиқади.

Биз ўзига хослигимизга аҳамият қаратмаганимизда, Худонинг севгисини инкор қилган бўламиз. Мен сизларнинг ташқи кўринишингиз ҳақида қайғурмаслигингни иштаман. Кўпчилик одамлар ўзига хосликларини кийиниш, соч турмаги, заргарлик буюмлари ва бўянишдаги шахсий дид орқали ифодалаймиз, деб ўйлашади. Бу ташқи қисмлар бор-йўғи аксессуарлардир. Улар сиз, аслида ким эканингизни чуқур ошкор қилмайди.

Ҳақиқат шундаки, сиз ташқи кўринишингизни ўзгартиришингиз, лекин ўзига хослигингни барибир тушуниб етмаслигингиз мумкин. Келинг, атрофга қарамайлик ва доим ўзгариб турувчи

жамоатчилик фикри, ўз тимсоллари ва ғоялари билан бизга таъсир қилишига йўл қўйишни тўхтатайлик. Келинг, Худо бизга берган барча нарсани ишонч билан қабул қилайлик ва бунга ўзгача тарзда акс эттирайлик.

## **Сиз кимга тегишлисиз?**

Сиз ким билан муносабат қилишингизни билишим шарт эмас. Сизнинг ота-онангизнинг исмини, сиз ўқиётган мактаб ёки сиз ишлаётган корхона номини билишим шарт эмас. Мен фақат сизни қутқариш учун Ўз ҳаётини берган Ўша Зотнинг исмини билишни истайман. Лекин сиз Унинг қурбонлиги, фақат шу нарх тўлаш билан чекланади, деб ўйласангиз, сиз кўп нарсани тушунмаган бўласиз. У сизни топди, лекин шундан сўнг У шунчаки сизни покламади ва илгариги ўрнингизга жойлаштирмади. У сизни кўтарди. У сизга Ўзининг ҳақлигини тўхфа қилди.

Қалбингизда шивирлаб: “Мен Уникиман, У эса меникидир” деб айтинг.

Фақат абадий Отангиз сизни номлаш ҳуқуқига эга. Онангиз сизга ҳомиладор бўлди, дунёга келтирди ва ўстирди, лекин Осмондаги Отангиз сизни ўйлаб топди, яратди ва ҳаёт нафасини берди. Сиз гуноҳ қилиб адашганингизда, У Ўзиники деб аташ учун сизни қутқарди. Ердаги умримиз поёнига етган кун келади. Шунда У ҳар биримизни тирилтиради ва биз ердаги ҳаётимиз, бор-йўғи бир уруғ бўлганини тушунамиз. Бу ҳаёт уруғи самода гуллаб-яшнайдиган ва табиатимизнинг мукамаллигига эришади.

Бугун ҳаёт сизни қаерга бошлаб бормасин, вақт, жой ва шароит доим ўзгаради. Тақдирнинг бевафолиги ичида энг муҳими – бу кимлигингизни ва кимга тегишли эканингизни билишдир.

Бу бобнинг бошида муаллиф Ральф Уолдо Эмерсон асаридан менга ёқадиган иқтибосни келтирдим: “Бизнинг асосий истагимиз – бу ўзимизнинг ким бўлишимизни биладиган кишиларга айланиш учун илҳомлантирувчи Зотни учратишдир”. Худо ана ўша Зотдир.

Унинг бутун табиати ва Унинг барча ишлари илҳомлантиради. Худо бизни Ўз илоҳий моҳияти билан боғлаш учун биз кўрадиган, эшитадиган ва биладиган барча нарсани ажойиб тарзда яратган. У Ўз Ўғлини, биз билан муносабатларни тиклаш учун юборди.

Бизнинг ҳақиқий моҳиятимиз билан бундай буюк бирлашимизга қарамасдан, кўпчилик одамлар ўзларининг фаолият тури, мулки ёки ҳатто, яқин ва севимли кишилари каби, ҳаётда муҳим бўлмаган омилларга, ўзларининг ким эканини аниқлашга имкон бериш билан кифояланадилар. Ахир, осонлик билан олиб қўйиладиган нарса билан ўзингизни тенглаштириш аҳмоқлик. Ишни ўзгартиришади, малака ва нарсалар йўқотилади. Ҳатто, энг яқин муносабатлар ҳам бузилиши мумкин. Сизнинг муллингиз, ишингиз ва сизни атрофингиздаги одамлар ўзгариши мумкин. Лекин энг муҳими, асл ўзлигингизни ва сиз тегишли бўлган Яратувчингизни ҳеч қачон йўқотмайсиз.

Агар сиз фақатгина қаерга бораётганингизни билсангиз, йўлда ўзингизни йўқотиб қўйиш хавфига дуч келасиз. Агар сиз фақатгина нимага даъват қилинганингизни билсангиз, бу мақсадга эришиш учун ўзингиз билан муроасага келишингиз мумкин.

Шундай қилиб, қадимги савол туғилади:

“Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса-ю, ўз жонидан маҳрум бўлса, бундан унга нима фойда?! Инсон ўз жони эвазига қандай тўлов бера олади?!” (Матто 16:26).

*Кимлигингизни* билиш қаерга бораётганингизни билишдан ва ҳатто, сиз нимага қодирлигингизни билишдан ҳам анча муҳимроқдир. Худо сизнинг Яратувчингиз бўлгани учун, У сизнинг ким эканингизни айта олади. Кимлигингиз ҳақидаги саволга жавобда, сизнинг ким бўлишингиз мумкинлиги ҳақидаги ваҳий бор.

## **Сиз кимсиз?**

Бу саволга жавоб бериш учун сиз нима қилганингизга ёки ҳатто, нимани бошдан кечирганингизга қарашингиз керак

эмас. Ўзингизни ишингиз ёки оилавий мавқеингиз, яъни эрга тегмаганлигингиз, ажрашганингиз, эрга текканингиз ёки ким билан учрашингиз билан баҳоламанг. Гап “Facebook” тармоғидаги мақомингизнинг янгиланиши ҳақида кетмаяпти. Бу жавоб мен учун ва ҳатто, улар учун ҳам эмас.

Сиз ким эканингизни ўзингиз билишингизни истайман.

Бошлашимиздан аввал, ручкани қўлга олинг, кўзингизни юминг ва Яратувчидан, У сиз учун ўйлаган, ўзига хос хусусиятларни қулоғингизга шивирлаб айтишини сўранг. Севги ва қадриятлар ҳақидаги сўзларни ёзиб олишдан қўрқманг. Буларда Унинг сизга бўлган нуқтаи назари акс этади. Шунинг учун тўхтанг ва билиб олинг. У сизга секин айтадиган учта сўзни ёки гапларни ёзиб олинг. Сиз ёзиб олишни тугатганингизда, эшитган сўзларингизга эътибор беринг. Сиз бошқаларнинг таърифини бир четга сура олган ва Худо сиз ҳақингизда нима деяётганини ўқиб олган пайтда, бу сўзларни эшита оласиз. Эҳтимол, сиз тайёрлаган рўйхат, сизни бироз ҳайрон қолдирган бўлиши мумкин. Эҳтимол, сиз узоқ вақтдан буён ўзингизга бундай қарамагандирсиз?

Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Худо ҳеч қачон Ўз Каломига зид бирор нарса айтмайди. *Муқаддас Рух Худо Каломига таъкидлаган нарсаларни жонлантиради.* Бизда Муқаддас китоб бор, лекин биз уни фақат ўқишимиз эмас, балки унга қулоқ солишимиз ҳам керак. Муқаддас Китобнинг «The Message» номли таржимасида “Худо лоқайд кузатувчи эмас” деб ёзилган (Ибронийларга 12:28). Ишонаманки, Ваҳий китобида етти марта кўтарилган абадий савол, бугунги кунда биз учун тақлиф бўлиб қолмоқда.

“Сизнинг қулоқларингиз очиқми? Тингланг. Рух Жамоат орқали йўналтираётган Шамолнинг Сўзларини тингланг” (Ваҳий 2:7, 11, 17, 29; 3:6, 13, 22 “The Message”).

Бу савол Муқаддас китобнинг битта китобида *етти марта*

такрорланди, демак, у жуда муҳим... Бу мени бедор бўлсам ҳам, қулоқларим эшитмаслиги мумкин деган фикрга олиб келади. Бу китоб қулоқларингизни очишига ва уларни эшитишга мажбур қилишига жуда умид қиламан.

Биз диққат билан қулоқ солишимиз ва Худонинг овозини эшитишимиз мумкин. Агар биз Муқаддас Руҳга ҳаётимиздаги, У гапирмайди деб қарор қилган соҳаларида гапиришига йўл қўйсак, нима содир бўлиши мумкин? Унга шахсан гапиришга йўл қўясизми? Худо сизга дўстлигингиз, никоҳингиз ва оилангиз ҳақида аниқ гапириши мумкинми? Биз Худонинг огоҳлантиришларига кар қулоқларимизни тутишга, лекин айна пайтда У тўлдиришни истайдиган бошқа соҳаларни рад қилишга одатланганмиз. Масиҳнинг Бутун Танаси ичидаги эшитиш қобилияти, ҳар бир кишининг Худони эшитиш қароридан бошланади. Биз эшитиш учун қулоқларимизни очишга журъат қила оламизми?

Биз Худо томонидан берилган ўзига хос тақдиримизга шубҳа қилишга йўл қўя олмаймиз. Агар шундай бўлса, унда биз ўзимизга ишониб топширилган барча инъомларга шубҳа, қўрқув ва жаҳл билан муносабатда бўламиз. Ўтмишдаги ҳеч қандай воқеа ва вазиятлар, ҳеч қандай лаҳзалар, ҳеч қандай исмлар кимлигимизни белгиламаслиги учун Худо бизнинг моҳиятимизни қутқаришни, тиклашни ва ўзгартиришни истайди. Ҳа, ҳодисалар, танқидлар ва турли хил воқеалар бизни янгилаши мумкин, улар ҳаётимизнинг сифатига таъсир қилиш имкониятига эга, аммо ҳаётимизнинг туб моҳияти бошқа жойда, яъни Худодадир.

Худо сизни чин дилдан қидирган, чунки У сизни ўзига хос тарзда яхши кўради ва шунинг учун сиз, Унинг бошқаларга бўлган севгисини ўзига хос тарзда намоён қиласиз. Худонинг фарзандлари сифатида бизнинг ҳақиқий мавқеимиз фақат бошланиши бўлиб, кейинчалик у янада буюкроқ нарсага айланади. Бу пайтда Унинг ҳар бир фарзанди У дастлаб яратган кишиларга айланади. Ҳар бир киши ўзини кашф қилишни ёки ўзгартиришни истайдиган дунёда, Худо ўзининг ўйлаб қўйган режасини амалга



оширади. Бу китоб – сизни кимлигингизни аниқлаш учун Ўз ортидан эргаштиришга таклифдир.

### **Фикр юритиш учун саволлар**

1. Нима учун сизнинг *қаерга* бораётганингиздан кўра, *кимлигингизни* билиш муҳимроқ?
2. Нима учун *тенг* ва *бирдекдан* кўра, *ўзига хослик* яхшироқ эканини муҳокама қилинг.
3. Ўз индивидуаллигингизни ва Худонинг севгисини қабул қилишингизда, сизга тўсқинлик қилган бир нечта рақибларни санаб ўтинг.
4. Фаолиятингиз тури билан боғлиқ бўлмаган тоифаларда, ўзингизни тасвирлаш қийинми? Агар бу шундай бўлса, нима учун?
5. Худо сиз ҳақингизда нима демоқда?



## Бизнинг Худоимиз рақобатдан ташқарида

“Бу ерда ёзилган сўзлар фақат умумий тушунчалардир. Сиз уларни ўзингиз орқали ўтказишингиз, ўз тажрибангизда текшириб кўришингиз керак”.

БАХТИЁР АВГУСТИН

### Унга тенг келадигани йўқ

1980-йилларнинг охирида “Интегрити мьюзик” номли ширкат, турли мамлакатлар ва қитъаларда, топиниш мусиқасини тадқиқ қилишни ва уни Шимолий Америкада тақдим қилишни бошлаганда, масиҳийча топиниш мусиқасининг манзараси ҳам ўзгаришни бошлади. Бизнинг оиламиз ҳар ой магнитофонга қўйиладиган кассеталарга бўлган обунани интиқлик билан кутарди (ҳа, мен шунчалик эски давр одамиман) ва сўнг уларни чексиз тингларди. Биз севимли қўшиқларни шунчалик тез-тез қайта кўярдики, сафарда кўп бўладиган эрим уйга қайтиб келганида ва уларни тинглаганида, мусиқадаги барча астойдил яратилган ва ёзиб

олинган ритмик урғуларни бизнинг овозимиздан қарийб ажратиб бўлмасди. Айниқса, бизга “Шодлан, Африка” номли мусиқа тўплами ёқар эди. Мен иккинчи ўғлим Остин, “Микки сичқонча”нинг расми бор пижамасида тебранма ёғоч отда тебранаётганини, унинг олтин рангли сочлари ҳар томонга ёйилиб турганини ва у бор овози билан бу қўшиқ сўзларини куйлаётганини жуда яхши эслайман.

Қўшиқлардан бирида жанубий африкадаги ҳамду сано ва саждачилар гуруҳининг етакчиси “Сенга тенг келадигани йўқ!” деган иборани жон-жаҳди билан айтарди.

Ҳар сафар бу қўшиқ янграганида, менинг уч яшар ўғлим, африкаликка тақлид қилиб, худди шу сўзларни бақириб айтарди.

Бир куни Остин менга олдиндан билишим керак бўлган савол билан келди.

“Она, нима учун Худо битта?”

Мен унга гап Худонинг битталигида эмас, балки ягона У – шунақа эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим.

“Худо танҳо” дегани, биз ёлғизликдан зерикадиган Худого хизмат қилишимизни англамайди. Худди шундай, “Ҳеч ким Худо қаторида тура олмайди” деган ибора, ҳеч ким Унга яқин бўлишни истамаслигини англамайди.

Худоимиз бизни сусткашлик билан кутадиган ва кузатадиган Худо эмас. У ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйган ва энди, Ўзининг яқунланган ишига хотиржамлик билан қараяпти. Фарзандлари Ундан бутун воқеани айтиб беришни сўрашса, У хурсанд бўлади.

У юксак ва муқаддасдир. Лекин бу Унинг бизни бир четдан туриб кузатаётганлигини англамайди. У ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак, битта бутун сифатида қўшилиб кетишини кўради. У бошида тугалланишни кўради ва бирор нарсани яқунлаши биланоқ, ҳамма нарсани янгидан бошлайди.

У бизнинг кўзларимизга муҳтожлиги учун эмас, балки биз Унинг кўришига муҳтож бўлганимиз учун, биз орқали ичкаридан ташқарига қарашни истайди.

“Парвардигори олам” ҳамма нарсдан устун турадиган

Худони ифодалайди. Сано китобининг муаллифи ўзига аён бўлган очикликдан ҳаяжонланиб кетди. Бу ҳақида 95-санода ёзилган:

“Раббийга янги қўшиқ кўйланглар! Эй, бор замин, Раббийга кўйланглар! Раббийга кўйланглар, Унинг номини дуо қилинглар, кундан кунга Унинг нажотини воизлик қилинглар! Халқларга Унинг шуҳратини, барча қабилаларга Унинг мўъжизаларини эълон қилинглар! Зеро Раббий буюқдир, У кўп мақтовларга сазовордир! У барча худолардан кўра даҳшатлироқдир. Зеро халқларнинг барча худолари – бутлардир, Раббий эса самоларни яратган. Шараф ва улўғворлик Унинг юзи қаршисида, куч ва ҳашамат Унинг Муқаддас Маконидадир. Раббийни шарафланглар, эй, халқларнинг қабилалари, Раббийни Унинг шуҳрати ва қудрати учун шарафланглар! Раббийнинг номини улўғланглар! Бағишловлар олиб келинглар ва Унинг ҳовлиларига кирилинглар. Муқаддас Маконнинг шуҳратида Раббийга сажда қилинглар. Эй, бор замин, Унинг юзи қаршисида титрагин!” (Сано 95:1-9).

Муқаддас китобда бир неча марта бир хил савол берилган: “Парвардигори оламга ўхшаган ким бор?”

Бу бизга эрмак учун берилган риторик савол эмас. Бу жуда муҳим савол бўлиб, унга баланд овозда “Ҳеч ким”, деб жавоб берилади. Унинг буюклиги ҳақидаги ушбу даъвога жавоб берганимизда, Худо биз учун эга бўлган нарсаларни қабул қиламиз ёки онгсиз равишда рад қиламиз. Бир пайтлар ўзини Парвардигори Оламга ўхшатган биттаси бўлгани ҳақида биласиз. У фаришталарнинг бошлиғи бўлиб, юксак даражада мукамал бўлган. Биз уни шайтон сифатида биламиз, лекин ўша пайтда унинг исми Люцифер, тонг юлдузи ва бош фаришта, бош топинувчи бўлган. У ушбу мавқедан Худонинг улўғворлигини кўрган ва Худо тахти олдидаги муқаддас ҳузурда турган. Пайғамбар Эзекел уни шундай тасвирлайди:

“Инсон ўғли, Тир подшоҳи ҳақида йиғлагин ва унга айтгин: Раббий Худо шундай дейди: Сен мукамалликнинг муҳрисан,

доноликнинг тўлиқлиги ва гўзалликнинг тожисан. Сен, Худонинг боғи бўлмиш Аданда эдинг; сенинг либосларинг ҳар қандай қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди; ёқут, топаз, олмос, хризолит, ақиқ, яспис, сапфир, лаъл, зумрад ва олтин, —буларнинг ҳаммаси сенда уячаларга моҳирона ўрнатилган ва тизилган, сенинг яратилиш кунингга тайёрланган эди. Сен қоплаш учун мойланган каруб эдинг ва Мен сени шу хизматга қўйдим; сен Худонинг муқаддас тоғида эдинг ва оловли тошлар орасида юрар эдинг. Сенда қонунбузарлик топилмағунига қадар яратилиш кунингдан сен ўз йўлларингда мукаммал эдинг. Савдо-сотифингнинг кўплигидан сенинг ичинг зулмга тўлди ва сен гуноҳ қилдинг. Шү сабабли, Мен сени нопок сифатида Худонинг тоғидан улоқтирдим. Қопловчи каруб, Мен сени оловли тошлар орасидан қувиб юбордим. Сенинг юрагинг гўзаллигингдан мағрурланди, манманлигингдан ўз донолигингни ҳалок қилдинг. Шунинг учун Мен сени ерга улоқтираман ва подшоҳларнинг олдида қўяман, токи улар сени томоша қилсинлар” (Эзекел 28:12-17).

Худо уни гўзал, доно ва ташқи кўринишда ва қобилиятда мукаммал қилиб яратган. Вақт ўтгач, унинг саждаси сусайиб қолган бўлиши мумкин. Эҳтимол, бу сажда мафтун бўлиш даражасигача тушган бўлиши мумкин. Унинг гуноҳ йўли номаълум, лекин биз биламизки, бу улўвор ва доно мавжудот Яратувчини рақиб сифатида кўришни бошлаган. Саждада, биз Худосиз ҳеч ким эканимиз ҳақида аниқ тушунча мавжуд. Ишаъё бун шундай тасвирлайди:

“Қандай қилиб тушиб кетдинг самодан, эй Зухро юлдузи, Тонг ўғли?! Халқларни ерга улоқтирган эдинг! Ерга қулаб тушдинг-ку ўзинг! Ҳа, ўзингча айтган эдинг: ‘Мен чиқиб бораман самоларга, тахтимни кўтараман Худонинг юлдузлари тепасига. Ўтираман худолар йиғиладиган тоғда, шимолнинг энг чеккасида. Булутлар тепасига чиқиб бораман, Худойи Таолодай бўламан’” (Ишаъё 14:12-14).

У ўзини Худойи Таоло каби қилолмади. У фақат ўзини ҳалок қила олди ва тонг юлдузи Люцифер шайтонга, ёлғончига айланди. Бу ҳалокат унинг қалбида бошланди. У комиллик билан бошлади ва нуқсон билан тугатди. Биз туғилишдан нуқсонли ва номукамалмиз, лекин биз юқоридан туғилиш эвазига Масихда тўлиқ ва мукамал бўлдик. Мағрурлик инсонни ўзига сиғинишга мажбур қилади, камтарлик эса мағрурлик ва худбинликни тахтдан туширади. Ишаъё Худони кўрганида, ўзининг ҳеч нимага арзимаслигини ҳис қилган.

“Шунда мен: “Менинг ҳолимга вой! Мен ҳалок бўлдим! Чунки мен оғзи нопок одамман ва оғзи нопок халқ орасида яшайман, менинг кўзларим эса Подшоҳни, қўшинлар Худовандини кўрди”, — дедим” (Ишаъё 6:5).

Унинг ҳеч нарсага арзимаслиги Худонинг ғамхўрлигини кўрсатади, бир пайтлар Люцифер юрган, ёнаётган кўмирлардан бири Ишаъёга олиб келинган.

“Серафлардан бири мен томон учди, қўлида кўмир чўғи бор эди, оташкурак билан қурбонгоҳ устидан ўша чўғни олган эди. Кўмир чўғини оғзимга тегизиб, у шундай деди: “Қара, бу чўғ лабларингга тегди, энди айбларинг ювилди, гуноҳларингдан фориғ бўлдинг” (Ишаъё 6:6, 7).

Агар биз Уни қидирсак, Уни топамиз. Бўни аниқлаганимизда, биз сажда қиламиз ва танҳо Унинг муқаддаслигини, танҳо Унинг меҳрибонлигини, танҳо Унинг йўл, ҳақиқат ва ҳаёт эканлигини тасдиқлаймиз. У ягона Худойи Таолодир.

Худо мавжудлигининг ўзи мислсиздир. Унинг тенгги йўқ, Уни ҳеч ким билан солиштириб бўлмайди. Ундан олдин ҳеч ким бўлмаган. Худоимиз пайдо бўлмаган. У бўлган, У бор ва У келади. Энди ўзига хослигимизни биламиз ва айнан Худоимиз ўзига хосликни яратган.

Ундан илгари худолар бўлмаган, шунинг учун Унинг олдида

Ўзимиз учун худолар яратмаслигимиз керак. Гарчи Худоимиз кўринмас бўлса-да, Унинг мавжудлиги шак-шубҳасиздир. Римликлар мактубида шундай деб ёзилган:

“Худонинг борлиги етарли даражада аниқ. Кўзларингизни очинг, шунда кўрасиз! Худо яратган нарсага узоқ вақт ва мулоҳаза қилиб қараб, одамлар одатда кўриш мумкин бўлмаган нарсаларни: масалан, Унинг абадий қудрати ва илоҳиётини кўришга қодир бўлганлар. Шунинг учун уларга узр йўқ” (Римликларга 1:19, 20, «The Message»).

Замонавий таржимада шундай деб ёзилган: “Ахир, улар Худо ҳақида билимга эга, Худо уларга Ўзини танитган. Борлиқ яратилганидан бери Худонинг кўринмас хусусиятлари, яъни абадий қудрати ва илоҳиёти, Унинг ижоди ҳақида фикр юритиш орқали идрок қилинади. Шунинг учун уларга узр йўқ”.

Бутун мавжудот ўз Яратувчисининг ҳақиқий мавжудлигини тасдиқлайди, лекин Худоимизнинг таърифи бошқачадир. Умид қиламанки, бу боб руҳингизни У билан янада буюк илоҳий бирликка ундайди.

Биз юқорида, рақиби йўқ Худонинг қизлари эканимизни айтиб ўтдик, чунки Самовий Отамиз бизни ўзига хос тарзда севади.

Худо томонидан бизга берилган асл моҳият билан, янада кўпроқ боғланишимиз учун бу илоҳий инъомга нима киришини яхшироқ тушуниш керак. Келинг, Худоимизнинг тенги йўқ экани нимани англатишини кўриб чиқайлик. Мерриам-Уэбстер номли изоҳли луғатда Худо қўйидагича таърифланган: “Қудрат, донолик ва эзгуликда мукамал бўлиб, коинотнинг яратувчиси ва ҳукмдори сифатида сажда қилинадиган мавжудот”.

Бу таъриф ҳамма нарсани ўз ичига олади деб ўйлаш мумкин, ammo бу фақат бошланишидир. Биз чекланган тилимиз ва фикрлашимиз билан Чексиз Худони фақат чекланган тарзда тасаввур қилишимиз мумкин. Худо ҳақида аён қилинган нарсалар бизни сукутга солади. Ахир, Ўша Зотни таърифлайдиган сўзларни топиш мумкинми?



Худо Ўзи ҳақида берилган ҳар қандай тасаввурдан устун туради.

Бирор нарсага ёки бирор кишига таъриф бериш учун унинг моҳиятини тушуниш ва сўзлар билан ифода қилиш зарур. Худо ердаги ҳар қандай тил ва у ёки бу тил томонидан белгиланган ўлчовлардан устундир.

Майли, таъриф ҳақидаги муҳокамани қўйиб турайлик. Тасвирлаш ҳақида нима дейиш мумкин? Бу ҳам имконсиздир. Агар биз яқинлашиб бўлмайдиган нурдан кўзимиз қамашса, қандай қилиб хира ташқи кўринишга аниқлик кирита оламиз?

“Ягона муборак Парвардигор, подшоҳларнинг Подшоҳи ва эгаларнинг Эгаси ўз вақтида Масиҳни намоеён қилади. Ёлғиз У ўлмасликка эгадир, у яқинлашиб бўлмайдиган нурда истиқомат қилади. Уни инсонлардан ҳеч ким кўрмаган ва кўра олмайди ҳам. Унга ҳурмат ва абадий салтанат бўлсин! Омин” (1-Тимўтийга 6:15, 16 «The Message»).

Агар биз Худони ўз кўзимиз билан кўра олмасак, қандай қилиб Унинг мўъжизаларини бирма-бир йиғишдан кўра кўпроқ нарсани қила оламиз? Биз учун сўзлар етарли эмас ва биз Аюбнинг мўъжизалар гирдобида Худо унга зоҳир бўлгандан кейин айтган сўзларини такрорлаймиз: “Сен ҳақингда бировлардан эшитгандим, аммо энди кўзларим билан Сени кўриб турибман. Шунинг учун энди айтганларимни қайтиб оламан, бошимга тупроғу кул сочиб, тавба қилдим” (Аюб 42:5, 6).

Менга бу оятларни «The Message» таржимасида ўқиш жуда ёқади:

“Сен ҳақингда қулоғимга чалинганларига ишониб яшаганимни эътироф қиламан; Энди мен ҳаммасини қулоқларим билан эшитиб ва кўзларим билан кўриб турибман! Мен афсусдаман ва кечирим сўрайман. Бошқа ҳеч қачон бундай қилмайман, ваъда бераман! Мен энди ҳеч қачон миш-мишларга ишониб яшамайман”.

Худо ҳақидаги бу очиқликнинг аён бўлиши, Аюбда кўпроқ нарсага чанқоқлик уйғотган. Кўпчилигимиз Худо ҳақида аён қилинган очиқликлар билан кифояланамиз. Лекин булар “миш-мишлар”дан бошқа нарса эмас. Ҳақиқат шундаки, Худо Унинг садоқати билан озиқланишингизни истайди. Шунинг учун сизнинг иштиёқингизни уйғотишга ҳаракат қиляпман, чунки Худо *ҳақидаги* гаплар билан, сизга гапираётган Худони тинглаш ўртасида катта фарқ бор.

Биз хизмат қилаётган Худо, эндиликда гапирмай қўйган, деб айтадиган одамлар борлигини биламан. Лекин бундай даъволар Унинг моҳиятини камситади. У сукут сақлашни танласа ҳам, Унинг ижодининг гўзаллиги Унинг овозига айланади. У бизни юпатиш ва насиҳат қилиш учун Ўз Руҳини юборган. Муқаддас Китобда айтилишича, Худонинг Муқаддас Руҳи бизни тўлиқ ҳақиқатга ўргатади ва бошқаради. Худо кар ёки гунг бут эмас. Худо эшитадиган ва жавоб бермайдиган ота эмас. Агар биз Худонинг кимлиги сирини ошкор қилмасак, Унга қандай яқинлашишни ҳам билмаймиз. Бундан ташқари, Худо Ўз Каломи, ижоди, хизматкорлари, ваҳийси, орзулари ва Ўз Танаси бўлган жамоат аъзолари орқали гапиради.

Мен ибодат қиламан ва ишонманки, У сизга ушбу китоб саҳифалари орқали гапиради. Худо доим гапиради. Савол шундаки, биз Уни тинглаймизми ёки Унинг овозини чеклаб қўямизми? Худо мўъжизаларда нақадар ажойиб ва чексиз эканлигини тушунишимиз, шунингдек У биз билан шахсан мулоқот қилишни хоҳлашига ишонишимиз муҳим.

Ажойиб илоҳиётчи Фома Аквинский, ҳаётининг кўп қисмини Худо ҳақида ёзиш билан ўтказган. У руҳоний ва файласуф бўлиб, илмий билимларни, Яратувчи ҳақидаги билимлар билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бироқ ўлимидан уч ой аввал, Фома Аквинский абадийлик дунёсини кўриб, кучли кечинмани бошдан кечирган, шундан сўнг у ҳаётидаги шундай сўнги сўзларни ёзиб қолдирган:

“Меҳнатларимнинг поёни келди. Мен кўрганларим ва менга аён қилинган нарсалардан сўнг, ёзганларимнинг ҳаммаси бир хасдек туюла бошлади”.

Шунга қарамай, айнан шу одам Худонинг улуғворлиги ва Жамоатнинг буюклиги ҳақида гапирадиган жуда кўп сўзларни диққат билан ўрганган ва ёзган. У сўзлар ҳозиргидан кўра чуқур маъно ва моҳиятга эга бўлган, шунингдек сўзлар кўпроқ эҳтиёткорлик билан танланган бутунлай бошқа бир даврда яшаган. Ўқиш ва ёзиш имконияти фақат бойлар, шоҳлар ёки бағишланган одамларга берилган имтиёз бўлган. Фома Аквинский сўз санъатини яхши билган, лекин у ўз асарларини тасвирлаш учун “хас” сўзини танлаган. Биз қиймати йўқ нарсаларни хас деб атаймиз. Бу буғдой ўримдан сўнг қоладиган иккинчи даражали маҳсулот бўлиб, у кўпинча чорва моллари тагига ташланадиган тўшама сифатида ёки ўсимликларга ўғит сифатида ишлатилади. Аслини олганда, илоҳиётчи ҳаёти давомида ёзган ўз асарларини, ҳайвонлар ва одамларнинг оёқлари остига ташлашга ярайди, деб айтди.

Бу унинг Худо тўғрисида ёзганлари ва Худо унга очиб берган ҳақиқат ўртасидаги энг яхши ўхшатишдир. Бу иккита жумла, унинг йигирма йилдан ортиқ вақт давомида ёзган барча саҳифаларидан кўра кўпроқ фикрни изҳор қилади. Бу сўзлар камтарлик ва ҳайрат билан тўлиб тошган, чунки Фома Аквинский, Бахтиёр Августиннинг минг йил аввал айтган фикрларини бошдан кечирган: “Билмаслик билан Худони яхшироқ билиш мумкин”.

Биз Худони ҳақиқатдан ҳам билмаслигимизни тан олганимизда, Худо Ўзини аён қилишни бошлайди. Бизнинг ҳар қандай таърифимиз инсоннинг муҳити ва инсоний тоифа билан таснифланади. Худонинг моҳиятини сўзлар билан ифодалаш қобилиятимизни, чақалоқ ўз онасини тасвирлашига бўлган уринишга ўхшатиш мумкин. Одамлар бутун коинотда, одамлар яратилишнинг фақат бир қисмида яшайди. Бу худди қумда туриб, океанлар кенглиги ва чуқурлигини тасвирлаш учун уринишга ўхшайди.

## **Бизнинг Худоимиз ким?**

Шу билан бирга, Отамиз Унга яқинлашишимизни, Уни яхшироқ билишимизни, Унинг ҳузурини яхшироқ ҳис қилишимизни ва Унинг овозини эшитишни ўрганишимизни истайди. Олов ҳақида билиш бир нарса, унинг ёруғлигини, тафтини ва ёнишини ҳис қилиш бошқа нарса бўлгани каби, Худо бизни фақат *У ҳақида* билишга эмас, балки Ўзини билишга таклиф қилади. Қўйида Худо ҳақидаги баъзи ҳақиқатлар келтирилган, чунки Худо Муқаддас китобда айнан шундай тасвирланган:

**Мен танҳо Худоман.** Қонунлар 6:4; Марк 12:29; Галатияликларга 3:20; 1-Тимўтийга 2:5; Ёқуб 2:19.

**Мен — Ибтидо ва Интиҳодирман.** Ваҳий 1:8; 21:6; 22:13.

**Мен ҳар доим бор бўлган Худоман.** Чиқиш 3:14.

**Мен то абадман.** 1-Йилномалар 16:36.

**Мен имонингизнинг асосчиси ва ижро этувчисиман.** Ибронийларга 12:2.

**Мен азалда осмон билан ерни яратганман.** Ибтидо 1:1.

**Мен қодирман.** Матто 3:9.

**Мен эзгу Худоман.** Марк 10:18; Луқо 18:19; 1-Тимўтийга 4:4.

**Орангиздаги Худоман.** Қонунлар 6:15; Луқо 17:21; 1-Коринфликларга 14:25.

**Мен ҳақиқатман.** Юҳанно 3:33.

**Мен шифо берадиган Худоман.** Чиқиш 15:26.

**Мен Руҳман.** Юҳанно 4:24.

**Мен Отаман.** Юҳанно 6:46; Филиппиликларга 2:11.

**Мен Ўғил орқали улуғланганман.** Юҳанно 13:31.

**Мен гувоҳман.** Римликларга 1:9; Филиппиликларга 1:8; 1-Салоникаликларга 2:5.

**Мен ошқорман.** Римликларга 1:17.

**Мен сиз томондаман.** Римликларга 8:31.

**Мен бутун борлиқ устидан ҳукмдорман.** Римликларга 9:5;  
Эфесликларга 4:6.

**Мен раҳмдилман.** Қонунлар 4:31; Римликларга 12:1.

**Мен садоқатлиман.** 1-Коринфликларга 1:9; 10:13;  
2-Коринфларга 1:18.

**Мен инсон донолигидан устунман.** 1-Коринфликларга 1:25.

**Мен тартибсизлик Худоси эмасман.** 1-Коринфликларга 14:33.

**Мен тинчлик Худосиман.** 1-Коринфликларга 14:33.

**Мен сизнинг қудратингизман.** 1-Коринфликларга 3:5.

**Мен марҳаматли ва шафқатлиман.** Чиқиш 34; Неҳемияҳ 9.

**Менинг жаҳлим тез чиқмайди.** Йоэл 2:13; Наҳум 1:3.

**Мен энг юқорига юксалтирилганман.** Филиппиликларга 2:9.

**Мен ичингизда хоҳиш ва ҳаракатни туғдираман.**  
Филиппиликларга 2:13.

**Мен кўринмасман.** Колосаликларга 1:15.

**Мен келажакда келадиган Худоман.** Колосаликларга 3:6.

**Мен одил ҳакамман.** 2-Салоникаликларга 1:5.

**Мен барча одамларнинг Нажоткориман.** 1-Тимўтийга 2:3; 4:10.

**Мени занжирлаб бўлмайди.** 2-Тимўтийга 2:9.

**Мен бутун борлиқнинг бинокориман.** Ибронийларга 3:4.

**Мен адолатлиман.** Ибронийларга 6:10.

**Мен барҳаётман.** Ибронийларга 10:31.

**Мен ямламай ютадиган оловман.** Қонунлар 9:3;  
Ибронийларга 12:29.

**Мен нурман.** 1-Юҳанно 1:5.

**Мен юрагингиздан каттароқман.** 1-Юҳанно 3:20.

**Мен олдин бор бўлган, ҳозир ҳам бор, келажакда ҳам бор бўладиган қодир Худодирман.** Ваҳий 1:8.

**Мен муқаддасман.** Ваҳий 4:8.

**Мен қодир Худоман.** Ваҳий 11:17.

**Мен сизнинг куч-қудратингизман.** Чиқиш 15:2.

**Мен қўшиғингман.** Ишаъё 12:2.

**Мен рашкчи Худоман.** Чиқиш 34:14; Қонунлар 4:24.

**Мен инсон эмасман.** Саҳрода 23:19; Ҳошея 11:9.

**Мен худоларнинг Худосиман, эгаларнинг Эгасиман.**  
Қонунлар 10:17.

**Мен буюк қудратли, қўрқинчли Худоман.** Қонунлар 10:17.

**Мен тарафкашлик қилмайман.** Қонунлар 10:17.

**Мен сизнинг ҳамдларингизман.** Қонунлар 10:21.

**Мен сизлар билан урушга бораман.** Қонунлар 20:4.

**Мен жангчиман.** Чиқиш 15:3.

**Мен сенинг паноҳингман.** Қонунлар 33:27.

**Мен сенинг қоянган ва паноҳингман.** 2-Шоҳлар 22:32, 33.

**Мен Эгангиз Худоман, Ундан бошқа худо йўқ.** Қонунлар 4:35;  
3-Шоҳлар 8:60.

Бу тўлиқ рўйхат эмас! Мен ҳар бир фазилатни ўрганишингизни таклиф қиламан, аммо бу бобда биз улардан учтасини кўриб чиқамиз. Биринчиси – Худо танҳо.

## **Худо танҳо**

“Эй Исроил, қулоқ сол! Эгамиз Худо танҳо Эгадир. Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз билан севинглар” (Қонунлар 6:4-5).

“Танҳо” Худо деганда, Худони коинот мусобақасида, бошқа худолар орасида ягона ва энг каттаси деб ўйлаш хато бўлади. Худонинг танҳо эканлиги Унинг энг биринчилигини назарда тутмайди, балки Худонинг умуман ягоналигини таъкидлайди. Унинг *Битта* экани, бошқаларнинг йўқлигини англатади. Икки, ёки уч, ёки тўрт рақамли худо йўқ. У ёлғиз Ўзи лойиқдир, чунки У ёлғиз Худодир. Бу Исонинг буюк амр ҳақидаги сўзлари билан тасдиқланган:

“Исо унга деди: Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг. Бу биринчи ва энг буюк амр...” (Матто 22:37, 38).

Бизнинг Худого бўлган севгимиз қалб, жон ва онгингиз ягона ифодаси бўлиши, Унга бўлган севгимиз уйғун ва бир нуқтага қаратилган бўлиши керак. Фақат танҳо Худого қараймиз ва ёлғиз У бизнинг саждамизга лойиқдир.


Худо қалбимиз иккиланиб туриши туфайли, ёлғиз Унга сажда қила олмаслигимизни тушунади, лекин У бошқа рақобатлашувчи худоларга тоқат қила олмайди, шунинг учун бу муҳим амрдир. Худованд бизга нисбатан Ўз мавқеига ишончсизлиги сабабли эмас, балки бу бизни чалғишдан ва адашишдан ҳимоя қилиши учун берди.

Замонавий жамиятда бу сўзлар тушунарсиз бўлиб туюлиши мумкин, чунки камдан-кам кишилар бошқа худоларга топинаётганларини очиқ тан олишади. Ҳозирги кунда биз қадимги тараққиётларнинг худоларига сиғинишдан кўра, ўзимиз учун сунъий бутлар яратишга кўпроқ мойилмиз. Худо Ўз фарзандларини бошидан огоҳлантирган:

“Ўзингиз учун бутлар ясаманг, ўйиб ишланган тасвирлару бошқа худоларга аталган тошларни ўрнатманг. Юртингизда бутсимон тошлар ўрнатиб, уларга сажда қилманг. Зотан Мен Эгангиз Худоман” (Левит 26:1).

Бугун боғимизда ёки уйимизда бирон бир худо тасвири туширилган устунлар ёки тошларни ўрнатавермаймиз. Лекин бу қалбимизда бутларга эга эмаслигимизни англамайди. Бут – бу кучингизни нимага сарфлашингизни ва сиз куч оладиган манбани ифодалайди. Бу ҳаётни давом эттириш учун борадиган йўналишингиздир. Эҳтимол, қандайдир нарсани ўз паноҳингизга айлантиргансиз. Бу ҳар қандай нарсага, яъни ердаги лаззатларга, овқатга ёки ижтимоий ҳаётдаги бирор нарсага тобелик бўлиши мумкин. Агар сиз Худонинг сифатлари таърифланган юқоридаги

рўйхатга назар ташласангиз, ёлғиз У кучимиз, ҳаётимиз ва бизнинг паноҳимиз эканлигини тушунасиш. Худодан бошқа ҳеч бир одам, муносабатлар, ташкилот ёки нарса, ҳеч ким ва ҳеч нарса бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилмаслиги керак.



**Бут – бу  
кучингизни  
нимага  
сарфлашингизни  
ва сиз куч  
оладиган манбани  
ифодалайди.**

Баъзиларимиз учун ҳис-туйғулар бутимизга айланади. Агар мен гўзал эканимни ҳис қилсам, демак, ўзимни гўзалман, деб ўйлайман. Агар ўзимни яхши ҳис қилсам, демак, менда ҳаммаси кўнгилдагидек, деб ўйлайман. Агар биз фақат ҳиссиётлар билан яшасак, улар бизни алдай бошлайди ва биз тез орада йўлдан адашамиз.

Ҳақиқат шундаки, сиз гўзалсиз, чунки Худо камтарларни нажот билан безайди (Сано 149:4 га қаранг). Сиз гўзалсиз, чунки Худо ҳамма нарсани ўз вақтида гўзал қилиб яратди (Воиз 3:11 га қаранг). Ер юзидаги сохта бутлар ва тимсол яратувчилар (имиджмейкерлар) ўзларининг гўзаллик тушунчасини *сизга* зўрлаб ўтказишларига йўл қўйманг, чунки Худо *сизга*, аллақачон Ўз баракасини эълон қилган! Художўй ва жангчи Довуд бутпарасаликни шундай тасвирлаган:

“Халқларнинг худолари эса кумуш, олтиндан, Инсон қўлларининг маҳсуллари дир. Бутларнинг оғизлари бор, сўзлай олмаслар. Кўзлари бор, кўра олмаслар. Уларнинг қулоқлари бор, эшита олмаслар, бурунлари бор, ҳидлай олмаслар. Уларнинг қўллари бор, сеза олмаслар, оёқлари бор, юра олмаслар, бўғизларидан овоз чиқара олмаслар. *Бутларни барпо қилганлар, бутларга ишонганлар худди уларга ўхшаган бўлиб қолар*” (Сано 113:12-16).

“Бутларни барпо қилганлар, бутларга ишонганлар, худди уларга ўхшаган бўлиб қолар”, деган гап нимани англатади? Биз инсонни юксалтирганимизда, ўзимизни инсон ижоди билан чеклаб қўямиз.



Бутлар – бу фаолият кўрсатишга қодир бўлмаган шакллардир. Улар фақат жонли мавжудотлар кўринишига эга, лекин бошқаларда ҳаёт уйғотиш кучига эга эмас. Шундай қилиб, уларга сиғинувчилар ўз эркинлигидан айриладилар, овозларини йўқотадилар, Худо томонидан уларга берилган ҳис-туйғулар билан муроса қиладилар. Худога сажда қилганингизда, сиз Унинг улуғвор суратига ўхшаб борасиз. Худо тенгсиз Зот эканлиги сабабли, Унга эргашишдан кўра, ўзига хослигингизни кўрсатишнинг бошқа яхшироқ йўли йўқ. Сиз бошқаларнинг шогирди бўлишингиз мумкин, лекин уларга сажда қилиш мумкин эмас.

### **Худо Алфа ва Омега**

Иккинчи ҳақиқат шуки, Худо абадийдир. Бошқача сўзлар билан айтганда, У Альфа ва Омегадир. Бу юнон алифбосидаги биринчи ва охири ҳарфлар. Ушбу ҳарфлар битта гапда биргаликда қўйилса, улар бошидан ва охиригача бўлган барча нарсани ифода қилади. Алфа белгиси “ҳисоблаш, пайдо бўлиш, туғилиш, тонг, бошланиш, арафа”, деган маъноларни англатади. “Интиҳо” сўзининг таърифи аниқ эмас, лекин у “сўнгги, охири нуқта, охири чегара” маъноларини англатади. “Омега” сўзининг таърифи ноаниқроқ бўлиши мумкин, чунки биз одамлар келгусида бўладиган ҳодисадан кўра, ўтмишда бўлган ҳодисани яхшироқ тушунамиз. Шунинг учун ҳам Худонинг маслаҳатини эшитиш учун Унга яқинлашишимиз керак. У бир Ўзи вақтнинг энг олис чегараларига етиб борган. Худоимизга ўхшаш ҳеч ким йўқ. Пайғамбар Ишаъё шундай дейди:

“Азалдан бўлганларни ёдда тутинг! Ахир, Мен Худоман, бошқаси йўқ! Мен Худоман, Менга ўхшагани йўқ! Охирида нима бўлишини бошидаёқ айтаман. Юз бермаганларни олдиндан билдираман. ‘Ниятларим бажо бўлади, барча истакларимни ижро этаман’, деб айтмоқдаман” (Ишаъё 46:9-10).

“The Message” номли таржимада шундай деб ёзилган:

“Узоқ ва бой тарихингизни эсга олинг. Мен ягона Худоман. Мен сизда бор бўлган ва бўладиган, ўхшаши йўқ, алмаштириб бўлмайдиган, ниҳоясини бошидан айтиб берадиган Худоман. Мен сизга нима бўлишини ошкор қиламан ва “Мен сиз билан узоқ вақт бирга бўламан, Менинг ниятим амалга ошади”, деб сизни ишонтириб айтаман”.

Худо ҳамма нарсанинг охирида нима бўлишини, бошидаёқ билдиради. У Алфани энди ёзган пайтда, Омега ҳақида хабар қилади. У бизни ўтмишга назар ташлашимизни ва Унинг садоқатини кўришимизни истайди. У тонг эндигина бошланаётган пайтда, ҳар бир куннинг қандай тугагини, аллақачон билади.

“Бўлиб ўтганларни олдиндан Мен айтдим, оғзимдан чиқиши билан буларни билдирдим; сўнг бирдан *ҳаракат қилдим ва улар содир бўлди*” (Ишаъё 48:3, замонавий таржима).

Ҳаммаси бажо бўлди, ҳаммаси поёнига етди. У ҳеч нимани тугалланмаган ҳолда қолдирмайди. Унинг фикрини ўзгартиришга ҳеч нарса мажбур қилолмайди, Унинг ният қилиб қўйганини ҳеч нарса бекор қилолмайди. Исо Унинг энг сўнги жавобига айланди.

“Шунинг учун ҳам Мен сенга буларни содир бўлишидан аввал айтар ва эълон қилар эдим, токи сен: “Менинг бутим буни қилди, менинг ўйма бутим ва менинг қўйма бутим буни бўлишига амр берди”, – деб айтмагин. Сен буни эшитдинг. Мана, буларнинг ҳаммасига қарагин. Наҳотки, сизлар буларни тан олмасангиз? Энди эса Мен сен ҳали билмаган янги ва яширин нарсаларни эълон қилмоқдаман” (Ишаъё 48:5, 6, замонавий таржима).

Худоимиз одамларга ва нарсаларга умид боғламаслигимиз кераклигини бошида айтади, чунки улар бизнинг кўнглимизни қолдириши ва панд бериши мумкин. Ахир, ўзимиз қилган ишларимиз ҳақида эмас, балки Унинг қилган ишлари ҳақида

гапиришимиз яхшироқ эмасми? Яратувчининг ижоди хабаридан кўра, Унинг Ўзи нима хабар қилишини билиш яхшироқ эмасми? Худо яна шундай дейди:

“Бу бир кун олдин ҳам эмас, аввал ҳам эмас, бу ҳозир бажо бўлди ва сен бу ҳақида эшитмагансан, токи: “Мана! мен бунга билар эдим”, – демагин” (Ишаъё 48:7, замонавий таржима).

Демак....

- Худо охирида нима бўлишини бошидаёқ айтади.
- Биз Худони севишимиздан аввал У бизни Масихда севди.
- У бизнинг йиқилишимиздан аввал тутиб қолди.
- Кечирим сўрашимиздан аввал бизни кечирди.
- Биз ўзимизни гуноҳкор эканимизни англаб етишимиздан аввал бизга солиҳлик либосини кийдирди.
- Биз гуноҳга ботганимизни англаб етишимиздан аввал бизни поклади.

Худога душман ва бегона бўлганларни, У Ўз фарзандлари ва дўстлари деб атади. Биз туғилишимиздан аввал ҳаётимиз тарихини ёзиб қўйди. Мен сизни ушбу тенги йўқ Худони, ҳақиқий Худо сифатида кўришга, шунингдек севимли ва ажойиб фарзандлар каби, ўз Отангизга тақлид қилишни бошлашга чақираман.

### **Худо – бу “Мен ҳар доим бор бўлган Худоман”**

Энди Худонинг “Мен ҳар доим бор бўлган Худоман” деган исмини кўриб чиқамиз. Чиқиш китобида шундай деб ёзилган:

“Мусо эса Худога: – Мен Исроил ўғилларининг олдига бориб, уларга: “Сизларнинг оталарингизнинг Худоси мени олдингизга юборди”, деб айтсам, улар: “Унинг исми нима?” – деб сўрайдилар-ку! Шунда мен уларга нима деб жавоб бераман? – деди. Худо Мусога: – Мен БОРМАН, – деди, – сен Исроил ўғилларига: «Мени сизларнинг олдингизга БОРМАН (ЙАХВЕХ) юборди», – деб айтасан” (Чиқиш 3:13, 14, замонавий таржима).

Ишончим комилки, Мусо бу исмнинг маъноси ҳақида ўйлаган бўлса керак. Тасаввур қилинг, сиз бирор кишини учратасиз ва унинг исмини сўрайсиз. У эса сизга “исмим Мен борман”, деб жавоб беради. Сиз ундан исмини тушунтириб беришини сўрайсиз ва яна “Мен борман”, деган жавобни эшитасиз. Бундай жавоб сизни ҳайрон қолдириши мумкин ва бунинг ажабланарли жойи йўқ. Кейинги сўхбат қандай давом этишини тасаввур қилинг: “Салом, Мен борман! Яхшимисиз?” Сиз унга мурожаат қилганингизда, ўзингизга ҳам мурожаат қилган бўласиз. Бизнинг саросимамиз, ҳамма нарсани қамраб оладиган танҳо ва ягона Худо ҳақидаги тасаввуримизнинг акс-садоси. Мени, албатта, “Мен борман” исми билан атаб бўлмайди. Биз учун аниқроқ исм – бу “Мен борман, чунки У бор” десак, яхшироқ бўлади.

У ҳар доим бор бўлган Худо. Худо мавжуд бўлганлиги учун мавжуддир. Мен мавжуд бўлганлигим учун мавжуд эмасман ва ота-онам бирга бўлгани учун мавжуд эмасман. Худо мавжудлиги учун мен мавжудман. У *барча* тирик мавжудотнинг Яратувчисидир.

У *ҳар доим бор бўлган Худо* эканлиги сабабли мен Масихдаман, деб айта оламан. Биз бу исмдаги сўзларнинг кучини тушунмаймиз, деб ўйлайман, чунки буни фаҳмлаганимизда, ҳаётимиз тўлиқ ўзгарган бўларди. Дунё бизга Худо кимлигини тушунтиришга уринса-да, лекин У буни Ўз Ўғли орқали очиб берди. У Ўз Ўғли орқали Ўзи ҳақида билишимизга ёрдам беришни истайди. Исо Ўз шогирдларига бу ўзгаришни тушунишга ёрдам беришга ҳаракат қилган.

“Исо Филип Кесариясининг ҳудудларига келганида, Ўз шогирдларидан: – Одамлар Мени, Инсон Ўғлини, ким деб ҳисоблайдилар? – деб сўради. Улар: – Баъзилари – Яҳё Чўмдирувчи, бошқалари – Элияҳ пайғамбар деб, яна бошқалари эса – Йермияҳ ёки пайғамбарлардан бири деб ҳисоблайдилар, – дедилар. Ууларга: – Лекин сизлар Мени ким деб ҳисоблайсизлар? – деди. Шимон Петрус жавоб бериб: – Сен Барҳаёт Худонинг Ўғли – Масихсан, – деди. Исо эса унга жавобан деди: – Эй, Йонаҳ

Ўғли Шимон, сен бахтлисан, чунки Менинг Кимлигим ҳақидаги бу сирни сен китоблардан ва ўқитувчилардан билиб олмадинг эмас, балки Осмондаги Менинг Отам очиб берди. Энди, Мен сенга, аслида сен ким эканингни айтаман. Сен – Петрус, тошсан...” (Матто 16:13-18, “The Message”).


Сиз бунни эшитаяпсизми? Биз Исонинг ким эканлиги ҳақидаги очиқликни олганимизда, ўзимиз ҳақимизда эшитишга тайёр ҳолатга ўтамыз. Шимўн аслида Петрус бўлган. У ҳар доим ўз ҳиссиётлари билан бошқариладиган балиқчи бўлиб қолмаслиги керак эди. У Муқаддас Рух билан бошқариладиган йўлбошчи, қоя бўлади. Мен Исонинг кейинги сўзларидан завқланаман:

“Мен мана шу тош устида Ўз жамоатимни қураман, бу жамоат дўзах дарвозалари уни енга олмайдиган даражада кучли бўлади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Сенга Осмон Шоҳлигига киришинг учун тўлиқ имкон берилади. Сен Осмон Шоҳлигида ҳар қандай эшикни очишинг учун калитларга эга бўласан. Осмон ва ер ҳамда ер ва осмон ўртасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди. Ер юзида сен нимани тақиқласанг, осмонда ҳам тақиқланади. Ер юзида сен нимага ижозат берсанг, осмонда ҳам ижозат берилади” (Матто 16:18, 19, “The Message”).

Сиз кимлигингизни билганингизда, сизга нималар мумкинлигини биласиз. Жамоатнинг табиати ва унинг самодаги бойликларга кириш имконияти, унинг Масиҳ ҳақидаги очиқлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Биз Каломни билганимизда, биз Калом билан ибодат қилганимизда, самода “Ҳа” ва “Омин” сўзларининг акс садоси эшитилади.

### **Исони қандай исм билан чақирасиз?**

Сизнинг Худо ҳақидаги тасаввурингиз, сизда намоён бўла бошлайди. Сизнинг У ҳақидаги тасаввурингиз, пировардида ҳаётингизда ва сизнинг қарорларингизда ифодалана бошлайди.



**Сизнинг Худо  
ҳақидаги  
тасаввурингиз,  
сизда намоён  
бўла бошлайди.**

Исони қандай аташингиз мисолида, Худо ҳаётингизда қандай намоён бўлишини тушуниш мумкин.

Агар Исони меҳрибон устоз деб атасак, У бизга ўргата бошлайди. Агар Уни доно мураббий деб атасак, У бизга донолик улаша бошлайди. Исломда Исони пайғамбар ва шифокор деб аташади. Бу номлар алоҳида айтилганда ушоқдек маънога эга...

Лекин агар сиз Исони *Масих, тирик* Худонинг Ўғли деб атасангиз, шунда сизда Исо ҳақида, Унинг Худо сифатидаги очиқлик яшайди. Юҳаннонинг биринчи мактубида шундай деб ёзилган:

“Ким Исони Худонинг Ўғли деб очиқ эътироф этса, Худо бундай одамда, у эса Худода жо бўлади. Биз Худонинг бизга бўлган севгисини билдик ва бунга имон келтирдик. Худо – севгидир ва севгида жо бўладиган одам Худода жо бўлади, Худо эса унда жо бўлади. Севги бизда шундай камолотга эришадики, ҳукм кунда дадил бўламиз, чунки биз бу дунёда Масих каби иш тутамиз” (1-Юҳанно 4:15-17, замонавий таржима).

Бу эътиқодда абадий алоқа бор ва Унинг оқлаши билан бизнинг ҳақиқий ҳолатимиз ўртасидаги масофа йўқолади. Биз Худонинг Каломини гапирганимизда, бизни Худонинг ҳақиқатидан ажратиб турадиган жарлик устидан кўприк ўтказамиз. Худо билан ўзаро боғлиқлигимиз, биз ким эканимизга эмас, балки У Ким эканига асосланади. Бу шуни англатадики, мен У айтган инсонман. Агар мен Исога қандай мурожаат қилиш кераклигини билсам, “Масихдаги” мавқеим тўфайли менга берилган Худонинг барча ваъдаларини англашим ва аниқлашим мумкин. У ҳақиқатан ҳам Раббий, шифокор, тинчлик Шаҳзодаси, имонимнинг муаллифи ва ижрочисими? Мен Исони Худо деб атайманми ёки Уни шунчаки меҳрибон муаллим дейманми?

У севги бўлгани учун мен севиклиман ва сева оламан.

У ҳаёт бўлгани учун мен яшаяпман.

У қодир бўлгани учун мен ҳам қодирман.

У менинг биродарим бўлгани учун мен Худонинг қизиман.

У қудратли бўлгани учун мен кучлиман.

У шифокор бўлгани учун мен шифо топганман.

У доно бўлгани учун мен дономан.

У борлиги учун мен борман.

У ҳар доим бор бўлган Худо бўлгани учун мен У айтган инсонман.

Мен гўзал ва ажойиб тарзда яратилганман.

Мен сизни Худонинг Сўзини ҳаётингизга таклиф қилишга ва уни синаб кўришга чақираман. Келинг, ҳозироқ бошлаш учун бу пайтни ибодатга бағишлайлик.

*Азиз Самовий Ота!*

*Ўша мен ҳақимда айтганларинг, мен эканимдан Сенга миннатдорман. Сенинг улуғвор сиймонгни камситганим учун мени кечир. Ўзим учун яратган бутларга сиғинганим учун кечир. Мен инсон томонидан яратилган, чекланган тимсолларни илоҳийлаштиришдан воз кечаман. Муқаддас Рух, ҳаётимнинг қайси соҳаларида улардан халос бўлишим кераклигини кўрсат. Сен севгисан, шунинг учун мен нафақат севиклиман, балки Сен каби бошқаларни ҳам сева оламан. Сен ҳаётим манбаусан, фақат Сен туфайли нафас оламан.*

*Сен ҳаётимда бошлаган ишингни тугатишинг мумкин. Сен бажаришим керак бўлган барча ишларга қобилият бердинг. Мен Масихда Сенинг қизингман, чунки Самовий Отам ҳамма нарсага қодир. Сенинг Рухинг туфайли менда керак бўлган куч бор. Сен менинг бош шифокоримсан, шунинг учун олган жароҳатларимга шифони, энди дунёдан қидирмайман. Чунки ҳар қандай доноликнинг манбаси Сенсан, мен Сенинг маслаҳатларингга таянаман.*

*Бошқа одамларнинг сўзлари орқали Сен ҳақингда чекланган*

*тасаввурни қабул қилган пайтларим учун мени кечир. Мен Сени яқинроқ ва чуқурроқ билишни истайман. Сен тасаввур қилганимдан ҳам буюк эканингга ишонаман. Илтимос, мени рақобат бўлмаган, лекин мўъжизаларга тўла ҳаётга етаклагин. Сен Бор бўлганинг сабабли, мен Сен айтган инсонман. Мен ҳозир ўзимни қандай ҳис қилаётганимга қарамай, мен гўзал ва ажойиб тарзда яратилганман.*

*Исо Масиҳ номи билан, омин.*

### **Фикр юритиш учун саволлар**

1. Сиз илгари Парвардигори Оламни бирорта танишингиз билан ёки ҳаётингизда бошдан кечирган бирор нарса билан солиштирганмисиз? Масалан, У сизнинг отангизга (яхши ёки ёмон отангизга) ўхшаши ҳақида ўйлагансизми? Ҳозир У ҳақида қандай фикрдасиз?
2. Бошқа одамларнинг билими билан яшаётган соҳаларингиз борми? Миш-мишлар ҳақида нима дейсиз?
3. Августин: “Худони билмаслик орқали билиш мумкин”, деб айтганда, нимани назарда тутган, деб ўйлайсиз?
4. Худо Ўзини “Мен Борман” деб таърифлаган қайси соҳаларда У ҳақида кўпроқ билишингиз керак?
5. “Бут – бу кучингизни нимага сарфлашингиз ва куч оладиган манбаингиздир” мавзусида, сиз онгсиз равишда ўзингизга бут яратган ҳаётингиздаги соҳаларни айтиб беринг.
6. Худонинг ҳузурида, Уни “Мен Борман” номи билан чақирганингизда, У сизни ким деб чақиради?



## Бизга берилган ваъда рақобатдан ташқарида

“Масиҳ бизга шу қадар кўп ваъдалар бердики, бизнинг истакларимиз Унга ўта безбетлик эмас, балки ўта журъатсизлик бўлиб туюлади. Бизга буюк бир шодлик тайёрлаб қўйилган бир пайтда, биз шароб ичиш, зино қилиш ва муваффақиятга эришиш билан завқланиб яшайдиган ақли ноқис одамлармиз. Бундай одамларни худди ота-онаси денгизга олиб боришни истаётганлигини билмасдан, кўлмақда ўйнаётган болага ўхшатиш мумкин. Бизни мамнун қилиш жуда осон”.

К. С. ЛЬЮИС

**Т**аъсирли сўзлар! Бизда тенги йўқ ваъда бор. Бу бизнинг хазинамиздир. Бу хазина ҳар қандай умид ва вақтдан устундир. Бу хазина бизга кўринмас имконият шаклида берилади. Баъзилар бу тўхфадан фойдаланмайдилар...., у бор, лекин ухлаб ётибди.

Эҳтимол, сизнинг ҳисобингизга бир миллиард доллар пул туширилганини айтсам, сизга осонроқ ва қувончлироқ бўлар эди. Лекин мабодо сизга бутун умрингизга етадиган маблағдан ҳам ортиғи

берилганда эди, улар ҳеч қачон сизники бўлмасди. Чунки қонун бўйича, ердаги хазина яратилган жойида қолиши керак. Сиз вафот этганингизда, бу хазина ерда қолади. Лекин сиз эга бўлган самовий хазина ўзгаради, кўпаяди ва сиз билан бирга абадийликка боради.

Мен гапираётган ваъда нафақат бойлик, балки масофа бўйича ҳам тенгсиздир. Бу ваъданинг самараси, сиз ерни тарк этганингиздан сўнг ҳамда у сизни осмонда кутиб олганидан кейин ҳам, узоқ вақт давомида фарзандларингизга ҳамроҳлик қилади. Бу ваъдани ўғирлаб бўлмайди ва уни Эсовга ўхшаб, бир коса ясмиқ шавлага ўхшаш бемаза нарсага алмаштириш мумкин эмас (Ибтидо 25 га қаранг).

Бу хазина яхши яширилса, орзулар ва умидларга ўраб қўйилса, у энг яхши ҳолда сақланади. Агар қалбингизнинг тупроғига яхши ишлов берсангиз, бу хазина гуллаб-яшнайдиган ва кўпаядиган. Ҳаётлари ўзгарган миллионлаб инсонлар ўз қалбида бу ваъдани сақлайдилар ва қанча кўп одам ўз улушига даъво қилмасин, бу хазина ҳеч қачон камаймайди.

Мен шоҳларнинг Шоҳи ва раббийларнинг Раббийси берадиган барака ҳақида гапираяпман. Бу хазина доллар ёки ҳатто, олтин ва кумуш билан ўлчаб бўлмайдиган даражада катта. Агар сиз эгнингизда бир кўйлак билан қолганингизда ҳам, бу хазинани йўқотмайсиз. Бу хазина инсон томонидан яратилган нарсалар билан боғлиқ эмас, у абадий ва ибодатнинг шивирлаши орқали етказилиши мумкин. Азиз дугонам, барча тож киядиган хонимлар сингари, сиз ҳам маликаси.

## **Шоҳона таклиф**

Тасаввур қилинг, кимдир эшигингизни тақиллатаяпти. Сиз эшикни очишга шошасиз ва остонада қирол томонидан юборилган хабарчини кўрасиз. Буни худди Золушка исмли қаҳрамон ҳақидаги эртаққа ўхшатиш мумкин. Фақат қирол саройидан хабарчи ўрнига, сизнинг олдингизга фаришта келади. У шунчалик катта ва

нурлики, унинг ортида нима борлигини қарийб кўрмайсиз. Лекин унинг ортида сизнинг таъсирланишингизни кўришни кутаётган гувоҳлардан иборат оломон борлигини биласиз. Илоҳий хабарчи сизни исмингизни айтиб чақиради ва сизнинг Самовий Шоҳлик меросхўри, маликаси эканингизни эълон қилади. Гулдурос олқишлар эшитилади. Сиз ҳайратда қолиб савол билан: “Менми?”, деб жавоб берасиз. У бошини ирғитиб маъқуллайди ва сизга таклифномани узатади. Сиз қалтираётган қўлларингиз билан мактубни очасиз. Хато эмас, мактубда олтин ҳарфлар билан сизнинг исмингиз аниқ қилиб ёзилган.

Нафасингизни ичингизга ютиб, ёшланган кўзларингиз билан қарайсиз ва остонада сиздан бошқа ҳеч ким йўқлигини тушунасиз. Фаришталар ва гувоҳлар ғойиб бўлади. Яқинларингиздан кимдир уйнинг ичкарасидан: “Бу ким эди?” деб сизга бақиради. Гарчи вазиятга кўра ҳамма нарса илгаригидек қолган бўлса-да, сиз қандайдир ўзгаришларни англаш ҳисси билан тўлиб тошасиз. Унинг ташрифининг мақсади сизнинг шароитингизни ёки яшаш жойингизни ўзгартириш эмас, балки сизнинг ичингизда бўладиган мислсиз ўзгаришга таклиф қилиш эди.

Сиз ўзингизга қарайсиз. Сиз эшикни очган кийимингиздасиз, лекин ўзингизни энди, худди ҳеч нарса чеклаб, таърифлаб ёки тўхтатиб қўймайдигандек ҳис қиласиз, эгингиздаги кийимингиз бирдан енгиллашиб қолади. Сиз уйга қайтасиз, сизнинг онгингиз ойдинлашади ва ҳозир сиз яшаб турган жой ҳақиқий уйингиз эмаслигини тушунасиз. Қаердадир Худоингиз ва Шоҳингиз барпо қилган шаҳар бор ва У сизни ўша ерда кутаяпти. Сиз меҳмонхонада ҳайрон бўлиб қараб турган яқинларингиз ёнидан ўтиб, ётоқхона томон юрасиз. Хонангизда сокинликда ва хилватда, мактубни очасиз ва эҳтиёткорлик билан тилла суви югуртирилган таклифномани чиқарасиз.

*“Азиз қизим, сен энди Соро каби, Парвардигори Оламнинг маликаси сифатида қайтадан туғилдинг.*

*Исо ҳақидаги билиминг ошган сайин, Унинг инояти ва тинчлиги ҳаётингизда кўпайиб боради.*

*Бу шоҳона топшириқ, художўйлик йўлида ва бутун ҳаётинг давомида зарур бўладиган барча нарсага эришиш имкониятига эга бўлишингни англатади. Сен Муқаддас Китобга шўнғиб кетганингда, ёшлигинг ва ақлинг ҳам янгилинишига, сенга берилган буюк ва қимматбаҳо ваъдаларнинг ажойиб хазинаси ҳақида кўпроқ била бошлашингга ишончинг комил бўлсин. Уларнинг ҳар бири сенга мўъжиза билан берилган! Азизим, агар сен барибир шубҳаланаётган бўлсанг, бу таклифлардан энг яхшиси эканлигини билиб қўй! Ҳозир сен қилишинг керак бўлган нарса – бу сенга аллақачон тескари бурилган дунёга, тескари бурилишинг кераклигидир”.*

Мен ўзимда катта журъат топиб, Петруснинг иккинчи мактубидаги оятни ўзгартирдим. Бу оятлар сиз учун шахсан мурожаатдек янграшини истадим. Лекин келинг, уни Муқаддас Китобнинг замонавий таржимасида яна бир марта ўқийлик:

“Худони ва Раббимиз Исони таниб-билишингиз учун сизларга иноят ва тинчлик кўпайсин. Худо бизни Ўзининг шўҳрати ва эзгулиги билан даъват қилди. Унингилоҳий куч-қудратидан Уни таниб-билишимиз орқали бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинди. Бу дунёда ҳўкмронлик қилаётган ҳирсинг чиришидан қочиб қутулиб, илоҳий табиатга шерик бўлишингиз учун Худо сизларга жуда буюк ва қимматбаҳо ваъдаларни берди” (2-Петрус 1:2-4).

Агар Исо қалбимнинг эшигини тақиллатмаганида эди, мен ҳеч вақосиз қолар эдим. Фақат мўъжиза орқали мен ҳеч бўлмаганда, бирор нарсани мерос қилиб олишим мўмкин эди! Ота-онамда мен ва акамга қолдириш учун ҳеч нарса йўқ эди. Агар мен мерос ва сарқитлар ўртасида танлов қилишимга тўғри келганида эди, қайси бирини танлаган бўлардим? Мен Худонинг ваъдаси

ҳар қандай мулкдан афзалроқ эканини анча олдин англаб етдим.

Буюк ваъдалардан қандай баҳраманд бўлишимиз мумкин? Улар бизга имон орқали тегишлидир. Галатияликларга (3:14) мактубида шундай деб ёзилган:

“Шу йўсинда ғайрияҳудийлар ҳам Исо Масиҳ орқали Худонинг Иброҳимга ваъда қилган баракаларидан баҳраманд бўладилар, биз ҳам имон орқали Худо ваъда қилган Рухни оламиз”.

## **Ибром ва Сорой билан учрашув**

Ушбу ваъдалар ҳақида кўпроқ билиш учун, келинг, яна бир бор машҳур воқеага қарайлик ва уни четдан туриб кўриб чиқайлик. Биз бошқаларнинг тажрибасидан кўп нарсани ўрганишимиз учун Худо Муқаддас Китобда ҳикояларни ёзган. Мен уларни ўқиганимда, ҳар бир ҳикояда, жонлантириш мумкин бўлган муҳим гапларни излайман. Мен унинг қандай кўринишга эга эканлигини тасаввур қиламан ва Муқаддас Рухга қулоқ соламан, шу тариқа, китобни варақлаб ўқиганимда кўздан қочирган нарсаларни кўраман ва эшитаман. Мен ўзимга шундай савол бераман: уларнинг ўрнида бўлганимда, ўзимни қандай ҳис қилган бўлардим? Мен учун нима энг қийин ва қўрқинчли бўлар эди?

Бу Муқаддас Китобни ўқишнинг кўп усулларида бири, холос. Бу тўлиқ Каломга асосланган усул ҳисобланади. Бу фикрлаш усули бўлиб, у туфайли Калом жонланади. Каломдаги ота-боболар ва катта оналар, бизнинг ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиздир. Мен “селах” сўзини амалда шундай қўллайман ва тўхтаб мулоҳаза қиламан (бу ибронийча сўз саноларда кўп учрайди, шунингдек мусиқа ва литургия белгисини англатади).

Аввал сизни Ибром билан таништираман. У бизнинг имон отамиздир. Содик, беғубор, кекса ва художўй инсонни тасаввур қилинг. Энди Сорой билан танишинг. У бизнинг ваъда бўйича онамиздир. У жуда гўзал ва Ибром каби содик, беғубор ва художўй аёл.

Бу икки киши Худонинг таклифини эшитгандан сўнг, бор нарсаларини ташлаб кетиш учун ўзларида жасорат топа олганлар. Худо бу бефарзанд жуфтликни баракалашга ва ҳаётини узайтиришга ваъда берган. Улар биргаликда мисли кўрилмаган саргузаштни бошлаганлар. Улар илгари ҳеч қачон кўрмаган нарсани, Худо яратган халқни қидирганлар. Биз воқеанинг шу жойида қўшилишимиздан аввал, улар кўп йил давомида юрт кезганлар. Ибром юз ёшга, унинг хотини Сорой эса тўқсон ёшга кирган.

Улар саҳрода юрганларида, кўп қийинчиликларга дуч келишган. Мана бу менинг қисқача хулосам. Худо уларни баракалаган чоғда, ҳаётларида пайдо бўлган азоб-уқубатларга дош беришига тўғри келган. Бу уларнинг жияни Лутдан ажралишига, Соройнинг фиръавн ҳарамига олиб кетилишига ва кейин ҳарамдан қўйиб юборилишига сабаб бўлган. Сўнг улар йўлларида давом этишган ва кичик жангда ғалаба қилишган, ўғирлаб кетилган қариндошларини қутқаришган, шоҳ Малкисидиққа, Худонинг руҳонийсига ўз мулкининг ўндан бирини беришган. Улар ҳаётида жиддий синовга дучор бўлишган. Исмоил исмли фарзандли бўлиш учун, Сорой Ҳожарни эрига хотин қилиб берганида, улар нотўғри қарор қабул қилишган. Умидсизликка тушиш туфайли Сорой ғазабланган ва жанжал қилган. Эр, хотин ва чўридан иборат ўзаро ришта, уларнинг ҳеч бирига ёқмаган деб ўйлайман. Ибром ва Соройнинг қисқача воқеасида, кўздан қочирмаслик керак бўлган бир неча фикрларни кўриб чиқайлик.

1. *Улар бирга эдилар.* Ибром ва Сорой ортларига қарамасдан Ур шаҳрини тарк этганлар. Орқага йўл бўлмаган. Худо уларни даъват қилган ва улар йўлга тушганлар. Ибтидо китобида шундай деб ёзилган (12:1, 2):

“Раббий Ибромга деди: “Ўз ерингдан, она юртингдан, ўз отангинг уйдан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга боргин.

Мен сендан буюк халқ яратаман. Сени дуо қилиб, номингни улуғлайман. Сен дуо-баракали бўласан” (Ибтидо 12:1, 2).

Худо янги бир нарса учун йўл ҳозирлаган. У уларни имон ва умид билан олдинда етаклаб борган. Улар хатоларга йўл қўйишган, лекин ортларига қарамаганлар.

- 2. Улар барча тортишувларни четга суришган.* Ибром ва Сорой Ур шаҳрини тарк этишган, лекин Лутни ўзлари билан бирга эргаштириб олишган (бу яхши фикр бўлмаган). Ибромга берилган барака Лутнинг ҳам бойлигини кўпайишига олиб келган. Уларнинг ерлари иккиси учун торлик қилиб қолганда, уларнинг чўпонлари жанжаллашиб қола бошлаганлар. Вазиятни мураккаблаштирмаслик учун Ибром Лутга танлаш ҳуқуқини берган. Улар учун бирга қолиб жанжаллашгандан кўра, ажралиб кетишлари яхшироқ бўлган. Эътибор беринг: агар сиз бирга бўлмаслигингиз керак бўлган одамлар билан ҳаёт кечирсангиз, Худо иккалангизни шунчалик кенгайтириши мумкинки, сиз ажралишингиз керак бўлади. Жанжаллар Худонинг баракасини ва ҳаётингиз самарадорлигини камайтириши мумкин.
- 3. Улар имон ҳаракатини амалга оширганлар.* Ибром Малкисидиққа ўз мулкининг ўндан бир қисмини берганида, у буни Худонинг ваъдалари асосида қилган. У Садўмдаги ўлжаларни ўзига олиб қолиш ўрнига, имон билан хайр-эҳсон қилган. Бу унинг умидини мустаҳкамлаган.

Буларнинг барчаси Худо Иброҳимга зоҳир бўлганда ва Ибтидо китобида ёзилган ваъдани эълон қилганида ойдинлашди (Ибтидо 17:4, 5):

“Сен билан қиладиган аҳдим шудир: *сен кўплаб халқларнинг отаси бўласан.* Энди сенинг исмингни ўзгартираман. Исминг энди Ибром эмас, Иброҳим бўлади. Чунки Мен сени кўплаб халқларнинг отаси қиламан”.

## Абадий Аҳд

Сиз меросхўр эканингизни тушунганингизда, Худо сизнинг мавқеингизни ўзгартиради. Худо Иброҳимнинг исмини Иброҳим исмига алмаштирганда, бизнинг бобокалонимизнинг ҳаёти кенгайди. У энди халқсиз одам бўлмади. У халқларнинг отаси бўлади. Ибтидо китоби 17-бобда Худо бу аҳднинг кенглиги ва баланглигини батафсил тасвирлаб берган. Иброҳимнинг ҳаётини тасвирлаш учун, “авлодлар” ва “абадий” сўзлари ишлатилган бўлади. Иброҳим ажнабий ва мусофир сифатида юрган замин бир кун келиб, унинг авлодларининг мероси ва абадий мулкига айланади. Худо Иброҳим билан бўлгани каби, У Иброҳимнинг авлодлари билан бўлишни ваъда берган. Иброҳим ўз келажагининг буюклигига қараб, Худонинг ҳузурини йиғлаганини тасаввур қиламан.

Мен Иброҳимни Худо олдида қандай тиз чўкканини ва кўз ёшлари билан юлдузларга қараганини тасаввур қиламан. У чексиз осмон зулматида порлаб турган ёрқин нурга тегмоқчидек бўлиб қўлларини чўзган. У миннатдорчилик билан тўлиб тошган. Ваъданинг ҳар бир сўзи унга чуқур сингиб борди. Атиги қандайдир бир лаҳзада Иброҳим яна ёшариб қолди, унинг танасидаги ҳар бир ҳўжайра мўъжизавий равишда янгиланди.

Янги Иброҳим исми қалбни қувончга ва умидга тўлдиради. У Исмоилни кўриб, шундай деб ўйлади: “Ўғлим, бунинг ҳаммаси сеники, сенинг умринг узаяди, тақдиринг баракали ва бепоён бўлади”.

Худо Иброҳимга бу аҳд учун белги кераклигини айтди. Бу Нуҳ учун бўлган камалак каби чиройли белги эмас, балки оғриқли шахсий белги эди. Иброҳимнинг хонадонидagi ҳамма эрақлар суннат қилиниши керак эди. Суннат қилиш Иброҳим ва унинг авлодлари, Парвардигори Олам билан тузган аҳдни тасдиқлайди. Сўнг Худо билан суҳбат қуйидагича давом этди:

“Худо Иброҳимга яна айтди: Хотининг Соройга келсак, унинг исми бундан кейин Сорой бўлмасин. Ҳозирдан бошлаб, уни



Соро деб чақир. Мен Сорога марҳамат кўрсатаман. Мен ундан сенга ўғил ато қиламан. Ҳа, Мен Сорога шунчалик барака бераманки, у кўп халқларнинг онаси бўлади. Унинг насллари орасидан шоҳлар чиқади” (Ибтидо 17:15, 16).

Мен Иброҳимнинг юзидаги саросимани кўраяпман. У ҳайрон бўлиб, қошини кўтаради. Соро? Мен билан аҳд? Лекин менда, аллақачон ўғлим Исмоил бор. У Ҳожардан туғилган ўғлим. Янги савол билан Иброҳим ерга юз тубан йиқилди.

“Иброҳим мук тушиб, таъзим қилди, кейин кулиб қўйди-да, ўзига ўзи деди: “Юз ёшга кирган одам бола кўрар эканми?! Бунинг устига, Соро ҳам тўқсонга кирди, энди бола туғармиди?!” (Ибтидо 17:17).

Ўғил туғиши ҳақида эшитганда, кулиб қўйган она Соро ҳақида кўп эшитамиз, бироқ Иброҳим Худонинг ваъдаси устидан биринчи бўлиб кулган. У нафақат кулган, балки муқобил таклифни ҳам берган:

“Иброҳим Худога: Қанийди, Исмоил Сенинг марҳаматинг остида яшаса, деди” (Ибтидо 17:18).

Афтидан, Иброҳим Исмоилни ўз режасига қўшмоқчи бўлган. Соро билан бу дахмазани бошлашни нима кераги бор? Унинг исми янги ёки эски бўлгани билан у ва унинг эри барибир қариб қолган. У нима учун бундай деяётганини тушунаман. Лекин Худода бутунлай бошқача режалар бўлган:

“Йўқ, хотининг Соро сенга ўғил туғиб беради, деди Худо. Сен ўғлингнинг отини Исоҳқ қўясан. Мен ўғлинг билан ва унинг келгуси насли билан абадий аҳдимни давом эттираман” (Ибтидо 17:19).

“Йўқ, хотининг Соро...” – булар жуда аниқ сўзлар. Худо худди унинг фикрини ўқигандек туюлади. Тасаввур қилинг! Худо

Иброҳимни эшитади ва Исмоилни баракалайди, лекин уни бу аҳдга қўшмайди. Иккита киши никоҳда бир бутун бўлганда, Худо билан тузилган аҳд уларнинг иккаласига тегишли бўлади. Албатта, Иброҳим Исмоилни яхши кўрган, у Худо ваъда қилган ҳамма нарсани Исмоил учун исташида ғайритабиий нарса йўқ эди. Аммо Исмоил чўрининг ўғли бўлиб, дунё ташвишлари ва инсоний истаклар билан боғлиқ эди. Рақобатчиларга эга бўлмаган ваъда, мисли кўрилмаган аломат ва мўъжиза сифатида келиши керак эди. Бепушт кампир фарзанд кўриши керак эди.

“Лекин Мен Ўз аҳдимни туғиладиган ўғлинг Исоҳқ билан тузаман. Келгуси йили худди шу пайтда Соро сенга Исоҳқни туғиб беради” (Ибтидо 17:21).

Биз ҳам тез-тез худди шундай йўл тутамиз? Худо янги ва ажойиб нарсаларни яратишни айтади, лекин биз ишонмасдан қалтираймиз. У ҳаётимизни узайтиришни айтади, биз эса Унга бу ҳақида ташвишланишнинг ҳожати йўқлигини айтаемиз... “Шунчаки менда бор нарсага барака бергин”. Бизда бор нарса ва биз қилаётган ишларимиз етарли эмас. Худо ҳаётимизда иштирок этишни истайди. У авлодларни ўйлайди. Аҳд ҳали туғилмаган Исоҳқ орқали тузилиши керак. Бу аҳд Иброҳим инсоний истак билан дунёга келтирган фарзанд орқали эмас, балки у кулган ваъдадаги фарзанд орқали тузилади.

Мен Иброҳимнинг инсонпарварлигидан илҳомланаман. Бунда ҳаммамиз учун ибрат бор. Худо Ўз марҳамати билан ҳатто, ўз кучимиз билан қурадиган нарсаларни ҳам баракалайди, лекин Унинг абадий аҳди инсоний куч чегарасидан ташқарида ҳам ўрнатилади.

## **Янги исм = янги тақдир**

Яҳудий анъанасига кўра, исм инсоннинг салоҳияти ва тақдирини ифодалайди. Шунинг учун исмни ўзгартириш, инсон табиатини ўзгартириш қудратига эга. Масалан, биз ўғилларимизга

исм танлаганимизда, уларнинг характерида бу исмларнинг маъноси акс этади, деб умид қилганмиз. Мен бунини Отамиз Худодан ўрганганман, чунки ҳар сафар ўғилларимни исми билан чақирганимда, бу исмларнинг маъноси уларнинг ҳаётига таъсир қилишини эълон қиламан.

Одамлар ўз табиатини акс эттирмаганларида, Худо уларнинг исмларини ўзгартирган. Жамоатнинг машҳур таъқибчиси Шоул Павлус исмини, балиқчи Шимўн Петрус, яъни “қоя” исмини олган. Исҳоқнинг ўғли Ёқуб Исроил, яъни “Худонинг шаҳзодаси” исмини олган. Худоимиз доим одамларнинг исмларини ўзгартиради. Баъзан мен бунини гувоҳларни ҳимоя қилиш дастури ва унда барчамиз Исонинг номи билан ҳаракат қиламиз, деб ўйлайман.

Худо Иброҳим билан аҳд тузганда, У унинг исмини ўзгартириш орқали унинг қобилиятларини кучайтирди. Менинг масиҳий иброний, Брайн Билечи исми ажойиб дўстим бор. У менга Ибром исмини Иброҳимга ўзгартириш учун Худо унинг ўртасидан бўлиб, унга Ўз исмидан битта ҳарфни қўшганини тушунтирди. Ибром “ота улуғланди” маъносини англатади. Кенгайтирилган Иброҳим исми “кўплаб халқларнинг отаси” маъносини англатади.

Янги исм Иброҳимнинг ким бўлишини кўрсатган. Бу ваъда бобокалонимизнинг ҳаёти даврида тўлиқ амалга ошмаган. Лекин Иброҳим ўз ҳаёти билан Худони улуғлагани учун унинг мероси кўпайди. Индивидуаллик тақдирингиз билан чамбарчас боғлиқ эканини унутманг. Иброний Брайн Худонинг ваъдаси, Иброҳимнинг хотини Соройнинг исмини ҳам ўзгартиргандан кейингина амалга ошганини кўрсатди. Сорой “Йаҳвеҳ шаҳзодадир” деган маънони англатади, унинг янги исми Соро “Худонинг маликаси” маъносини англатади. Худо Ўзининг Йаҳвеҳ исмидан битта ҳарфни унинг исмига қўшган.

Исмнинг бундай ўзгариши Соронинг кимга айланганини англатади. Янги исм уни Худого маҳкам боғлади ва шу билан бирга, бу энди Соронинг ҳамма қизлари аҳдга кўра шоҳлик мавқеини эгаллашига ишора қилди. Янги исм туфайли, энди тарихни

Соронинг қўли эмас, балки Худонинг қўли ярата бошлади. Соро исмининг эркаклик асосига оид илгариги (“Йахвеҳ шаҳзода”) маъноси йўқолиб, аёллик асосига оид (“Худонинг маликаси”) маъноси пайдо бўлганда, унинг исми мулойимроқ маънони билдирди, қабул қилиш қобилиятига эга фикр пайдо бўлди. Гарчи Иброҳимнинг янги исмининг маъноси кенгайиб, кўплаб халқларни қамраб олган бўлса ҳам, ваъда қилинган зурриёт учун ҳам, яхши ер керак эди. Соронинг ҳаёти унумдор ерга айланди ва берилган ваъда сабабли у ҳомиладор бўлди.

Соро янги исм олганда, у худди Иброҳим ва Сорога ишониб топширилган ваъдани ўстиришга тайёр ерга айланди. Унинг наслари орасидан шоҳлар чиқди. Худо ҳеч бир муболағасиз уларнинг иккаласига ҳам тасаввур ва ваҳий берди.

Агар одамлар бир-бирини ва ўз Худосини ҳурмат қилсалар, Яратувчи имконсиз нарсани қилишга киришади. Бепушт бачадон ҳаётга тўлади ва фарзанд кўриш учун мустаҳкамланади. Севгиси йўқолган никоҳлар тикланади, ўғил ва қиз фарзандлар жинлардан халос бўлади, болалар ўликлардан тирилади. Умид қайта туғилади, имон алангаланади, севги ғалаба қилади, душман орқага чекинади, чунки ёлғоннинг овози жим бўлади.

Гарчи сезмасангиз ҳам, юқоридан туғилганингизда, сиз ҳам янги исм олдингиз. Сизнинг исмингизнинг маъноси ҳам кенгайди. Иброҳимнинг ваъда қилинган зотидан бўлган Исо, Ўз исмининг бир ҳарфини қўшиб, бизнинг исмларимизни шунчаки ўзгартирмади. У Ўз исмини ишлатиш орқали Отага яқинлашиш имконини очди. Юҳанно (16:26, 27) хушхабариди шундай деб ёзилган:

*“Ўша куни ўзларингиз Отадан истаганингизни Менинг номидан сўрайсизлар. Менинг сизлар учун Отадан илтимос қилишимнинг ҳожати бўлмайди. Зотан, Отанинг Ўзи сизларни севади, чунки сизлар Мени яхши кўриб, Худодан келганимга ишондингизлар”.*

Исо яланғоч қилиниб, биз учун хочга михланганида, бизнинг шармандалигимиз билан қопланди. У нопок ва бузилган инсон бўлган бизлар учун, ўзининг бенуқсон ҳаётини ихтиёрий равишда фидо қилди ва У Ўзининг шу мукаммал қурбонлиги билан бизни бутунлай қутқарди ва ҳар биримизга, яъни ваъда бўйича ҳар бир ўғилга ва қизга жой берди.

### **Сиз ҳазил қилаётган бўлсангиз керак!**

Бизнинг ҳикоямиз Ибтидо китобининг 18-бобида давом этади. Бу бобда Худо яна Иброҳимга келади. Иброҳим чодирига кираверишда, соя тушадиган ва баъзан салқин шамол эсиб турадиган жойда ўтирган. Иброҳим рўпарасида, Мамредаги эманзорда учта одам турганини кўради. Кўпчилик олимлар бу учта эркак, фаришталар бўлган деб айтишади. Иброҳим уларни олдига югуриб борган ва мук тушиб таъзим қилиб, уларни меҳмонга таклиф қилди.

“Ҳазратим, деди Иброҳим, марҳаматингизни дариг тутманглар, бу қулингизнинг эшигини босиб ўтиб кетманглар. Хизматкорларим сув келтиришсин, оёқларингизни ювишсин, ўзларингиз дарахтнинг соясида дам олинглар. Модомики, бу қулингизнинг хонадонига ташриф буюрибсизлар, мен нон олиб келай. Саёҳатингизни давом эттиришдан олдин бардам бўлиб олинглар. Майли, дейишди улар, айтганингдай қилавер” (Ибтидо 18:3-5).

У бу йўловчиларни тўхтатиб, уларни ҳурмат билан уйига таклиф қилаётгани менга ёқади. Албатта, Иброҳим кам ваъда бериб, кўп хизмат қилди. У Соронинг олдига югуриб боради ва уннинг яхшисидан нон ёпишни айтади. Сўнг у ўз подасига боради ва семиз бузоқни танлайди. Бу бузоқни сўйиб тайёрлаши учун хизматкорига беради. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, Иброҳим меҳмонларга сўзма, сўт ва пишириб тайёрланган бузоқ гўштини

беради. У меҳмонлар учун зиёфат уюштирди, уларни сахийлик билан меҳмон қилди.

Меҳмонлар овқатланишаётганда, улар ундан сўрадилар:

*“Хотининг Соро қаерда?”* деб сўрашди улар. “Шу ерда, чодирда”, деб жавоб берди Иброҳим. Улардан бири: “Мен келгуси йили шу пайтда қайтиб келганимда, хотининг Соро ўғилли бўлади”, деди меҳмон. Соро *чодир пардасининг орқасида, чодирга киравериш ёнида бу суҳбатни эшитиб турарди*” (Ибтидо 18:9, 10, замонавий таржима).

Мен бу воқеа тавсифини ўқиганимда, хаёлимда бирдан Соро ўтирган чодирда пайдо бўлиб қолдим. Мен унинг елкаси устидан кўришга ҳаракат қилиб, тирқиш орасидан мўралардим. Иброҳим меҳмонлар билан дарахтларнинг салқин соясида ўтирарди. Уларнинг овозини қуруқ чўл шамоли биз томонга осонликча етказарди. Бу шамол уларнинг кийимларини ҳилпиратар, воҳадаги чодир барглари ва пардаларини шитирлатарди. Соро ичкарида туриб, уларнинг суҳбатини эшитар, лекин уларнинг суҳбатига аралашмас эди, чунки у улар билан бирга эмас эди. Соро қимирламасдан жим турган, лекин Муқаддас Китоб унинг фикрларини очиб берди:

*“Иброҳим билан Соро қариб қолишган ва кекса ёшда эдилар. Сорода ҳам аёлларда бўладигани тўхтаган эди. Шунинг учун Соро: “Қариганимда бу лаззатни тотар эканманми? Хўжайиним ҳам қариб қолган”, – деб ичида кулди*” (Ибтидо 18:11, 12, замонавий таржима).

Бу ерда Иброҳимнинг муносабатини кўриш мумкин. Бу муносабат мени ҳайрон қолдиради. Наҳотки, Соро ўғилли бўлиши ҳақидаги ваъдани биринчи марта эшитган бўлса? Гўёки бу у учун қутилмаган хабар бўлди. Баъзан ваъда бажарилиши имконсиз бўлиб туюлган пайтда, бизни унинг бажарилишига жуда яқинлаштиради.

Сал аввалроқ, Ибтидо (17:21) китобида шундай дейилган: “Келгуси йили, шу вақтнинг ўзида ...”. Бу ваъда такрорланганда, Соро “келгуси йил шу вақтда” деган гапни эшитди. Афтидан, режа ўзгарган. Иброҳимнинг Худо билан гаплашган вақти билан фаришталарнинг пайдо бўлиши ўртасида қанча вақт ўтганини аниқ айтиш қийин. Шубҳасиз, бу орадаги вақт кам қолган. Аниқроғи, бир ойдан кўп вақт ўтмаган. Худо бу қарорни қабул қилган, Соро бу суҳбатни эшитиши керак бўлган.

“Раббий Иброҳимга деди: – Нима учун Соро: «Мен қариганимда ҳақиқатан ҳам бола туға оламанми», – деб кулди? Раббий учун имконсиз иш борми? Келгуси йил белгиланган вақтда Мен сенинг олдинга қайтиб келганимда, Соро ўғилли бўлади. Соро эса: «Кулганим йўқ», – деб инкор қилди. Чунки у қўрқиб кетган эди. Лекин У: «Йўқ, кулдинг!» – деди” (Ибтидо 18:13-15, замонавий таржима).

Соро нафақат кулди... у яна ёлғон гапирди! У қўрқиб кетди, бу ишончсизлик кулгиси, аниқроғи, “сиз ҳазллашаяпсизми” дегандек, истехзоли кулги эди.

## **Хотининг Соро қаерда?**

Бундан олдинги ва кейинги оятлар, яна қанча айтилмаган гаплар ҳақида ўйлашга ундайди. Мен таъкидламоқчи бўлган бир нечта жойларни ажратиб олдим. Уларнинг баъзилари эътиборимдан четда қолибди. Биринчидан, мен “Соро қаерда?” деган саволга эътибор қаратмоқчиман. Нима учун у чодир ичида яширинган? Нима учун у эрининг олдида ўтирмаган ва суҳбатда қатнашмаган?

Сиз бу ҳикоянинг охирини билишингизни тушунаман, лекин Соро буни билмаган. Ёшини инobatга олган ҳолда, у ўз ҳикояси тугаётганини ва ҳаёти поёнига етаётганини ҳис қилган бўлиши мумкин. У эрининг хиёнат қилаётганини, унинг Ҳожарни ҳақорат

қилиши эса ўз аҳволини янада ёмонлаштирганини ҳис қилган бўлиши мумкин. У бошдан кечираётган оғриқни тушунмаган, қолаверса унинг алам, умидсизлик ва қийин вазиятлар ичидаги қайта-қайта қилган хатолари, унинг азоб чекаётган қалбида чуқур излар қолдирган. Ҳомиладор бўлиш қийин иш эмас. Юзакилик ва бепарволикда ҳам ҳомиладор бўлиш мумкин. Бироқ Соро Исҳоқнинг ва Исроил халқининг онаси бўлиши керак эди, шунинг учун у тайёрланиши керак бўлган.

Ўн уч йил давомида у Исмоил исмли ўғил боланинг қандай ўсишини кузатган. У Ҳожарнинг ўғлини худди ўз фарзандидек ўстиришга умид қилган, аммо Исмоил ўзини унинг ўғлидек ҳис қилмаган. Иброҳим хурсанд бўлган, лекин Соро тушкунликка тушган. Гўёки у учун ёмон вазият юзага келган. Лекин бундан ҳам аянчлиси, Соро ҳам ва Иброҳим ҳам, Соронинг кимлигини унутгандек эди.

Мени “хотининг Соро қаерда?” деган савол жуда ҳайрон қолдиради. Агар бизни келса ва мени изласа, улар эрим Жондан: “Хотининг Лиза қаерда?” деб сўрамайдилар. Бу ерда изоҳнинг кераги йўқ. Агар уйда яна битта Лиза исмли аёл бўлганда, шундай деб сўраш ўринли бўларди. Агар ўғилларимдан бири Лиза исмли қизга уйланганида, унда меҳмон шундай деб, аниқ қилиб айтиши керак бўларди: “Мен келининг Лизани эмас, балки хотининг Лизани кўришга келдим”.

Бизни танийдиганлар, шунчаки: “Лиза қаерда?” деб сўрайди. Агар меҳмонлар бизни танимаса ва уй бекаси билан гаплашишни истаса, улар Жондан: “Хотининг қаерда?” деб сўрайди.

Бу меҳмонлар Иброҳимни ҳам, Сорони ҳам билишлари ва шу билан бирга Соронинг исмини, у Иброҳимнинг кими эканини сўрашгани, мен учун сирдир.

Эҳтимол, бу меҳмон фаришталар: “Иброҳим, биз сенга Соро хотининг эканини эслатмоқ учун келдик. Бу даврда никоҳдаги ҳаётингиз ўзгарганлигини ва сенинг Ҳожардан фарзандинг борлигини, лекин Соро ҳали ҳам хотининг эканини биламиз”, деб айтишни



хоҳлаган бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, Соро ўзи *қатнашиши* керак бўлган, уларнинг сўхбатини зўр иштиёқ билан *тинглаши* сабабини тушунтириш мумкин. Уларнинг кўчманчи дунёсида, уйига меҳмонлар кам келишган. Иброҳим чодирга кираверишда эманзор ёнида турган уч кишини кўрганида, ўрнидан сакраб турган. Муқаддас Китобдаги ҳикояни ўқиганимизда, овқат тайёрланиши учун бир неча дақиқа вақт кетган деб ўйлаймиз, лекин аслида, бундай тўкин дастурхонни тайёрлаш учун бир неча соатлар кетган бўлиши керак.

Нима учун киши бевосита иштирок этиши мумкин бўлсада, Худонинг ваъдалари ҳақидаги сўхбатни четдан туриб эшитиши керак? Эҳтимол, меҳмон атрофга қараб: “Мен имон отасини кўраяпман, имон онаси эса қаерда?” - деб айтган.

Буни худди дабдурустан Худонинг фаришталари мўъжиза билан ўйимизга кириб келиши ва Жон уларни тушликка таклиф қилиши ҳамда у мени меҳмонхонага куч билан чиқаришга мажбур бўлиши вазиятига ўхшатиш мумкин. Ростини айтсам, бизни уйда бундай вазият ҳеч қачон бўлмаган бўларди. Жоннинг меҳмонлари, менинг меҳмонларим, менинг меҳмонларим эса унинг меҳмонлари. Лекин, айтайлик, шундай вазият содир бўлди ва мен бирон сабабга кўра хонада йўқман, бирдан меҳмонлар мен ҳақимда сўраётганини эшитаман. Бундай ҳолда, мен дарҳол уларнинг олдида чиққан бўлардим!

Мен меҳмонлар Соронинг ташқарига чиқиб кетишини сўрашган ёки Иброҳим у билан гаплашишни тўхтатган, деб ўйлашга ҳеч қандай асосим йўқ. Мен беихтиёр унинг ўзи уларнинг сўхбатига қўшилишни истамаган деб ўйлайман. Муаммо шундаки, одамлар умидсизликка тушганда, ўзларининг кимлигини унутишади. Умид оғриқ келтиради. Шунинг учун улар яшинадилар, куладилар ва сўнг ёлғон гапирдилар.

Соро қандай сабабларга кўра чодирдан мўралаган ва эркаларнинг сўхбатини эшитган бўлмасин, Худо уни бу воқеага қайтарган. Мен ишонаманки, ҳаммаси Иброҳимга ва Сорога, унинг ҳали ҳам Иброҳимнинг хотини эканини эслатишдан бошланган. Ушбу

эълон унинг рақиби Ҳожарни четга суриши ва шу орқали қолганларга унинг кимлигини эслатиши керак бўлган. Соро малика эди.

## **Нима учун Иброҳимдан сўраш керак?**

Бу воқеада яна бир қизиқ жиҳат бор, яъни кулган киши Соро бўлган, лекин нима учун унинг кулиши ҳақидаги савол Иброҳимга берилди?

“Шунда Эгамиз яна Иброҳимга айтди: “Раббий Иброҳимга деди: – Нима учун Соро: «Мен қариганимда ҳақиқатан ҳам бола туға оламанми», – деб кулди?” (Ибтидо 18:13, замонавий таржима).

Нима учун Соронинг қилган иши ҳақида Иброҳимдан сўрашди? Ушбу парча ҳақида ўйлаганимда, Ибтидо китобининг ўн еттинчи бобида тасвирланган суҳбат, Сорога етказилмаганини ҳақиқатан ҳам ҳис қиламан. Эҳтимол, Иброҳим ҳали ҳам Худо унга айтган гаплар ҳақида мулоҳаза қилаётган бўлган. Балки у Сорога айтишни истамаган. Баъзан Жон билан мен бир-биримизга маълумот етказишни унутиб қўямиз. Балки улар бу ваъда ҳақида гапиришган ва кейинчалик у ҳақида унутишган бўлиши мумкин. Лекин бир нарса аниқ: Сорога берилган ва у орқали ошиши керак бўлган ўғил ҳақидаги ваъда, ҳали унинг ҳаётида амалга ошмаган эди. Хабар олиб келган одамлар Иброҳимдан сўрашди:


“Раббий учун имконсиз иш борми? Келгуси йил белгиланган вақтда Мен сенинг олдинга қайтиб келганимда, Соро ўғилли бўлади” (Ибтидо 18:14, замонавий таржима).

Бир йилдан сўнг Соронинг ўғли туғилиши керак эди. Соро кулганини инкор қила бошлаганида, ёлғон гапиргани мен учун жуда кулгили, чунки улар Сородан эмас, балки Иброҳимдан сўрашган эди. Айниқса, бизнинг Отамиз, абадий аҳднинг Отаси унинг ички кулгисини эшитганидан тасалли топаман, чунки У

қалбнинг сокин фарёдини эшитишига мени ишонтиради.

Айни пайтда, қандайдир фикр устидан кулиш билан, қувончдан кулиш ўртасида катта фарқ бор. Соронинг ҳаётида кулги йўқ эди. Исоҳқнинг туғилиши ҳамма нарсани ўзгартиради.

Иброҳим ва Соро бир пайтлар ўз йўлларини бирга бошлаганлар ва улар яна бирга кулишни ўрганганларида, бу ваъдани амалга оширдилар. Ваъдалар эр ва хотинлар, ака-укалар ва опа-сингиллар, эрақлар ва аёллар ўзаро гаплашишларини талаб қилади. Аёллар жуда узоқ вақт яширинишган. Худо Ўзининг аҳд халқини яратиши учун Соронинг хоҳиши ва қалбидаги теранлик керак эди. Галатияликларга мактубда шундай деб ўқиймиз: “Зеро ёзилган: “Иброҳимнинг иккита ўғли бўлиб, бири чўридан, бошқаси эса озоддан эди”. Аммо чўридан туғилгани тана изми бўйича, озоддан туғилгани эса ваъда бўйича эди” (Галатияликларга 4:22, 23).



**Худо Ўзининг аҳд халқини яратиши учун Соронинг хоҳиши ва унинг қалбидаги теранлик керак эди.**

## **Сорони ким ҳимоя қилади?**

Соро Исоҳқни қучоғига олишдан олдин, у қатнашмасликни истаган яна бир суҳбат бўлган. Бу сафар Соро бир оғиз сўз айтмагани ва ёлғон гапиргани, лекин Худонинг Ўзи аралашгани мен учун сирдир.

“Иброҳим хотини Соро ҳақида: “Бу менинг синглим”, – деб айтгани учун Гарор подшоҳи Абумалек одам юбориб, Сорони олди. Аммо тунда Худо Абумалекка тушида келиб, унга: “Мана, сен олиб келган аёл учун ўласан, чунки унинг эри бор”, – деди” (Ибтидо 20:2, 3).

Мен Худо унинг номидан гапирганига хурсандман, чунки уларнинг иккаласи ҳам, бу сукут сақлашдан қийналишган. Улар

нима ҳақида ўйлаганлар? Худо *янги* бир нарсани яратаётган бўлган, улар эса бир-бирларига *эскича* муносабатда бўлганлар. Улар ўзларини ака ва сингил деб таништиришига ҳожат бўлмаган, айниқса бу сафар. Улар аллақачон, янги исмларни олишган ва энди, Соро Исоҳққа ҳомиладор бўлиши керак бўлган.

Соро, шубҳасиз, беқиёс гўзал аёл бўлган... Лекин у тўқсон ёшга кирган! Унинг гўзаллиги жуда яхши сақланиб қолган бўлса керак ёки эҳтимол, Худо Исоҳқнинг туғилишига тайёргарлик учун унинг ёшлигини қайта тиклаган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, Иброҳим Соронинг ҳомиладор бўлишини ва бир йил ичида фарзанд кўришини билиб, ўз хотинини Абумалекнинг талабларидан ҳимоя қилиши керак эди. Акс ҳолда, у ўз фарзандини туғишига қандай амин бўлиши мумкин эди? Кўпинча биз сукунатни бўйсунуш деб ўйлаймиз, лекин бу нотўғри. Бўйсунуш нимани ва қачон гапириш кераклигини билишни англатади. Бу вазиятда шундай итоатни кўрсатиш керак эди.

Ёши кексалиги туфайли Иброҳим ва Соро бир-бирлари билан, ака ва сингилдек яшаган бўлишлари мумкин, аммо энди бу вақт ўтган эди. Агар Худо уларнинг исмларини ўзгартиргандан сўнг ҳам, уларнинг муносабатлари ўзгармаган бўлса, фаришталар ташрифидан кейин, албатта, ўзгариши керак эди. Янгиланган Соро ва Иброҳим исмларини, янгиланган яқин муносабатларга ўтказиш керак эди. Улар иккаласи ҳам, унинг бир йилдан камроқ вақт ичида ҳомиладор бўлишини тушунишган. Соро ярим ҳақиқатга рози бўлган, лекин улар нима ҳақида ўйлаганларини билишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

“Сўнг Абумалек Иброҳимни чақиртириб, унга деди: – Сен бизларга нима қилдинг? Мен сенга нима ёмонлик қилдимки, сен мени ва менинг шоҳлигимни қарийб буюк гуноҳга ботирдинг? Сен менга нисбатан қилиш мумкин бўлмаган ишни қилдинг” (Ибтидо 20:9).

Иброҳим ўзининг алдовининг мужмал сабабини тушунтиргандан

сўнг, шоҳ Абумалек барибир уни баракалади ва ўз еридан жой беришни таклиф қилди. Иброҳим шоҳ учун ибодат қилди ва Худо шоҳнинг хонадонидаги ҳамма аёлларни туғадиган қилди. Қизиғи шундаки, Иброҳим айнан ўз ҳаётида кўриши керак бўлган мўъжиза учун ибодат қилди. Гарчи эри ўз хавфсизлигини Соронинг манфаатларидан юқорироқ қўйганида ҳам, Худо Сорони ҳимоя қилди. Худо Сорони ҳимоя қилиш учун шоҳга тушида зоҳир бўлди, чунки Соро Худо учун азиз хазина эди. Биз ҳам Худонинг хавфсизликни таъминлашига ва қариндошларимиз, яқинларимиз, ҳатто эрларимиз бизга панд берганда ҳам, Худо ҳаётимизда бор бўлган ваъдасини амалга оширишига ишонишимиз мумкин.

### **Озод аёл ёки чўри**

Петруснинг биринчи мактубида (3:6) шундай деб ёзилган: «Агар сизлар яхшилик қилиб, ҳар қандай қўрқувдан саросимага тушмасангиз [ваҳимага йўл қўймай ва ташвишнинг сизга азоб беришига имкон бермасангиз], Соронинг қизлари ҳисобланасизлар». Соро ўғил фарзанд кўрди, унинг қизлари бўлмаган, лекин Муқаддас Китоб биз энди, унинг ҳақиқий қизлари эканимизни айтади. Агар хатти-ҳаракатларимизни қўрқув бошқаришига ва жасоратимизни ташвиш ўғирлашига йўл қўймасак, биз ваъда қизлари, озод аёлнинг қизлари бўламиз. Соро Худони ва эрини қадрлайдиган ва ҳурмат қиладиган озод аёл бўлган. Бошқа томондан, Ҳожар эса ўз хўжайини Сородан нафратланадиган қарам аёл бўлган. Ҳожарнинг ўғли Исмоил ўз онасига тақлид қилган ва Исоқни масхара қилган. Соро тобе бўлган ришталарни оиладан ажратиш зарурлигини тушунган. Биз ҳам шундай йўл тутишимиз керак. Галатияликларга мактубда (4:30) шундай деб ёзилган: «Чўрини ва унинг ўғлини ҳайдаб юборинг. Чунки чўрининг ўғли озод аёлнинг ўғли билан бирга меросхўр бўлмайди».

Чўрининг ўғли меросдан улуш олмаган. У отаси ва оиласидан айрилган. Озод аёлнинг ва чўрининг битта эри бўлган. Иккаласининг ҳам ўғил фарзандлари туғилган. Лекин уларнинг ҳар бирининг Иброҳим билан муносабати турлича бўлган. Ҳожар

қуллик ришталарига эга танани (ёки худбин истакларни) рамзини ифодалайди. Соро эса озодлик ва ваъданинг рамзидир. Бу икки турдаги муносабатлар Янги Аҳднинг “The Message” таржимасида қуйидагича тасвирланади:

“Ёдингиздами, Иброҳимнинг иккита ўғли бор эди, бири чўридан, бошқаси эса – озод аёлдан. Чўрининг ўғли зино натижасида дунёга келди; озод аёлнинг ўғли эса Худонинг ваъдаси бўйича туғилди. Ҳамма гап бу масаланинг долзарблигида. Иккита ўғилнинг туғилиши, Худо билан икки турдаги муносабатларни кўрсатмоқда. Бири Арабистондаги Синай тоғининг тимсоли. У ҳозирда Йерусалимда содир бўлаётган, қулликдаги ҳаёт асирга ушлаб турилган болаларга нур таратапти. Ҳожарнинг тақдири мана шунақа. Унга кўринмас озод Йерусалим қарши қўйилган, бу бизнинг онамиз – Соронинг тақдири” (Галатияликларга 4:22-26).

Менга оятдаги “Бу Соронинг тақдири” жумласи жуда ёқади. Кексайган чоғида ҳам, ниҳоятда гўзал бўлган аёл, Масихдаги боқий гўзалликнинг башоратчиси бўлди. Биз ваъда натижасида дунёга келдик.

Имон отаси Иброҳим ва малика Соро – булар Масихни ва Унинг келинининг, яъни Жамоатнинг рамзини ифодалайди. Биз Исо Масихга боғлиқ бўлишга ва Унга итоат қилишга даъват қилинганмиз. У бизнинг раҳнамомиздир ва ҳамма имонлилар Унинг ҳукмронлигига, ҳокимиятига ва бошқарувига итоат қилиши керак. У бизнинг эримиз ва яратувчимиздир. У бизни Ўз севгиси билан яратди.

## **Яширинишни бас қилинг!**

Агар Худо сизнинг қалбингизга истакни жойлаштирган бўлса, У бу истакни сақлашингиз ва уни рўёбга чиқаришингиз учун куч беради. Худо ҳаётингизга Ўз ваъдаси билан кириб келганда, бу куч сизга берилади. Эҳтимол, бу китобни саҳифалари Сороникига

келган меҳмонларга ўхшаб кетади. Эҳтимол, бу сўзлар сизнинг ким эканингизни эслатиш учун келган.

Ҳеч нарса, Худо биз билан тўғридан-тўғри гаплашганидек, бизга таъсир қила олмайди. Сиз ўрнингиздан сапчиб туришингиз ва сизнинг кейинги тақдирингизни белгилайдиган суҳбат учун Унинг ёнига югуришингиз керак. Дунё сиз ҳаётингиз билан кўрсатадиган намунага муҳтож. Ҳозир аёллар учун яшириниш вақти эмас. Исмингизнинг тилга олиниши заҳоти, югуриш ва “Мен шу ерданман! Мен эшитишни истайман!”, деб бақириниш вақти келди.

Агар сиз жуда яхши ва тенгсиз ҳаёт кечирмоқчи бўлсангиз, яширинишни бас қилинг ва суҳбатда иштирок этинг.

Бир йил ичида кўп нарсалар содир бўлиши мумкин. Соро учун ўша йил ғайриоддий йил бўлди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки ўша йили Худонинг ташрифлари содир бўлди.

Сиз учун ҳам шу йил ўзига хос йил бўлиши мумкинлигини тушунасизми? Бу йил пана жойда, ишонмасдан кулиб қўйиш билан бошланиши, лекин қалбда ваъданинг ўрнашиши билан тугаши мумкин. Сиз шундай дейсиз: “Кечирасиз, мен ёлғон гапирмаяпман”. Агар сиз қўйидаги сўзлардан бирортасини айтаётган бўлсангиз, ёлғон гапирётган бўласиз: “Жуда кеч бўлди”.

“Мен жуда ёшман”.

“Мен жуда кексайиб қолдим”.

“Мен муносиб эмасман”.

“Мен жуда кўп хатолар қилганман”.

“Менда ҳаммаси яхши”.

“Менга орзу керак эмас”.

Ёлғон гапирманг ва кўпроқ нарсани истамаслигингизни айтманг. Орзу қилишдан воз кечманг, акс ҳолда қалбингизнинг эшиги ёпилади, аввал кулги, сўнг эса ёлғон келади. Қалбингизни кенг очинг ва сизга таклиф қилинаётган мўъжизаларни қабул қилинг. Ажойиб, илоҳий мўъжизаларга тўла ҳаётга таклиф устидан кулиш ўрнига, бизга берилган мислсиз нарсалардан кулайлик ва ҳайратда қолайлик!

Ахир, биз эртақдаги қаҳрамон Золушкамиз, биз яшаётган дунё эса ўгай опа-сингилларга ўхшайди. Шаҳзода эшик олдида турган пайтда, қачонгача эски аҳволимизда қолиб, кўз ёш тўкамиз? Сизда Унинг орзусидаги ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса бор. Нима учун сиз бошқа одамлар ва ўтмишдаги таклифлар, сиз учун қарор чиқаришига йўл қўясиз? Сиз нимадан яширинаяпсиз? Қайси орзуга сиз кулаяпсиз? Умидингиз нимада? Босганингизда оғрийдиган жойни ёпишга ҳаракат қилганингизда, томоғингизда тиқилиб қоладиган асабий кулгини биласизми? Қулоқ солинг! Сизнинг мавқеингиз ўзгарган эмас. Масиҳ туфайли бу ваъда сизга ҳам тегишлидир!

Эҳтимол, энди сизнинг ҳаётингиз фақат кўз ёшлардан иборат эмас. Оғриқ ўтиб кетди ва фақат сукунат қолди. Ёки бу Худонинг ҳузуридан кўзингизга ёш келадиган жойми? Дунёда тушкунликка йўлиққан одамлар жуда кўп, шунинг учун улар кулги билан умидни бўғишга ҳаракат қилиб куладилар. Эҳтимол, биз отамиз Иброҳимга ўхшаганимиз сабабли, дунёда Худо учун жуда қийин нарсалар бор деб ўйлаймиз? Наҳотки, У учун ҳаётингизни мазмун билан тўлдириш қийин бўлиб қолган бўлса?

Наҳотки, У сизнинг ҳаётингизни севги билан тўлдириш учун жуда кеч бўлган бўлса? Сизнингча, Худо нимани сиз учун амалга ошириши қийин?

“Ота Худо томонидан белгиланган вақт келганида, қонун томонидан ўғирланиб кетилган бизни, озодликка қайта сотиб олиш учун Ўз Ўғлини юборди, У бизга ўхшаган ва қонун остида бўлган бир аёл орқали туғилди. Шундай қилиб, биз ўзимизга қонунан тегишли бўлган наҳотга эга бўлдик. Энди сиз Худонинг шахсий фарзандлари сифатида, У томонидан бутунлай қабул қилингангизга амин бўлишингиз мумкин, чунки Худо бизнинг юрагимизга Ўз Ўғлининг Руҳини юборди, бу Руҳ: “Дада! Ота!”, деб ҳайқиради. Худо билан яқин муносабатлар имтиёзи, наҳотки сизни қўл эмас, фарзанд эканингизга ишонтиролмаса? Фарзанд бўлсак, меросга тўлиқ ҳуқуқга эга меросхўрлар ҳаммиз” (Галатияликларга 4:4-7, “The Message”).



Бир вақтлар сиз меросхўрларни ўғирлаб кетишган, лекин сўнг сотиб олингансиз. Масиҳ хочдаги ўлими орқали биз учун сотиб олган вақтнинг тўлиқлигида яшаш – бу улуғвор ва жасоратли ҳаракатдир. Сиз Унинг Каломини тарихий китоб эмас, балки сизга ёзилган шахсий мактуб сифатида ўқиганингизда, ўзингизга тегишли бўлган барча нарсани топасиз. Сўнг Унинг Каломини қалбингизда мустаҳкам қолдириш учун ўз овозингиздан фойдаланинг. Қандай кўринишга эга бўлмасин, қандай туюлмасин, сиз борсиз ва Худонинг Каломи сиз ҳақингизда айтган ҳамма нарсага эгасиз. Бугун ва ҳозир Худо сизга янги исм бераёпти, У Ўз ваъдаларини бажараяпти ва Унинг фарзанди сифатидаги мавқеингизни тасдиқлаяпти. Сизнинг ҳаётингиз учун Худонинг тақдири ва сиз ҳақингиздаги Унинг Каломи, ҳозирги вазиятингиз билан чекланмаган. Унинг сизга берган ваъдасини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ундан яширинманг. Уни қабул қилинг.

### **Фикр юритиш учун саволлар**

1. Худо сизни ҳозир Масиҳдаги ваъда орқали Ўз Ўғлининг илоҳий табиатига шерик бўлишга таклиф қилганини биласизми?
2. Ҳаётингизда Худо Ўз ваъдасини амалга ошира олиши учун, Унинг олдида олиб ташлашингиз ва тузатишингиз керак бўлган, сизни доим безовта қиладиган соҳа ёки муносабатлар борми?
3. Сиз яширинаяпсизми? Агар шундай бўлса, сиз нимадан яширинаяпсиз?
4. Худо сизнинг тўғридан-тўғри иштирок этишингизни хоҳлаган сўхбатларни яширинча эшитасизми? Нима учун?
5. Қандай вазиятларда сукут сақлаш – бу итоатсизликдир?
6. Худо сизга берган бирорта ваъданинг устидан кулаяпсизми ва сўнг ёлғон гапираяпсиз?

7. Сиз гапни яширинча эшитиш ва кузатиш одатингизни ўзгартириш ҳамда фаол астойдил ҳаракат қилишни бошлаш учун қандай қадамлар қўйишингиз мумкин?



# MessengerX


*Кундалик шогирдчилик учун илова*

## Умуман бепул!

Мобил мосламангизга юкланг ва  
ундан фойдаланишни бошланг!  
Ёки сайтдаги веб-версиядан  
фойдаланинг:



**MessengerX.com**




## 125+тилда ва бу ҳали ҳаммаси эмас

- ✓ 125 дан ортиқ тиллардаги материалларни кўринг ва юклаб олинг.
- ✓ Материалларни дўстларингиз билан улашинг ёки ўқув гуруҳини бошланг.
- ✓ Янги материаллар доимий равишда қўшиб борилади.

## Кўринг. Ўқинг. Тингланг.

Электрон китоблар, аудио китоблар, қисқа метражли фильмлар ва бошқаларни кўриш, ўқиш ва тинглашингиз мумкин бўлган манбаларни ўз ичига олган кенг қўламдор кутубхонани ўрганинг.




## Энг муҳим соҳаларда ўсиш

Оила, ўзаро соғлом муносабатлар, ҳаётингиздаги мақсад, порнографиядан озодлик, имонни мустаҳкамлаш, Худонинг овозини эшитиш, тадбиркорлик, етакчилик каби мавзуларни ўрганинг!

## Ўсишнинг йўли


**MessengerX** нинг мақсади сизга ҳаётингизда кейинги қадамни қўйишга ёрдам бериш ҳисобланади. Биз шогирдчилик йўлини ҳамда бу йўлда қолиш учун кўмак бўладиган кучли омилларни ишлаб чиқдик.



## Янада кўпроқ сизга ёқадиган имкониятлар!

- Оддий ва осон асбоблар, ушбу материаллар билан бўлишишда ва ҳатто, ўқув гуруҳини бошлашда ёрдам беради.
- Севимли смарт телевизорларингизда томоша қилиш учун Chromecast ва AirPlay.
- Тараққиётни ўз мосламаларингизда сақлаб қўйинг. Сизга ёққан манбаларни ўзингизнинг тезда очиладиган кутубхонангизга сақлаб қўйинг.
- Офлайнда кўриш учун манбаларни ўз мосламангизга юклаб олинг.
- Сиз излаётган нарсани топиш учун ақлли қидириш ва филът.
- Ўз она тилингиздаги аудио китоблар, Муқаддас Китобнинг аудио форматини ва ҳатто, ҳамду-сано қўшиқларини кетма-кетликда автоматик равишда тингланг

# MessengerX - 1-2-3 дек осон!



- 1** MessengerXни App Store ва Google Play дастурларидан юклаб олинг.
- 2** Рўйхатдан ўтинг ва иловодан ўз она тилингизда фойдаланинг.
- 3** Сизга ёққан манбаларни кўздан кечиринг, ўқинг, кўринг, тингланг ва юклаб олинг ҳамда уларни бошқалар билан бўлишинг.




## Шогирд бўлинг, шогирдларни кўтаринг

MessengerX нинг бир қисми бўлиб, таржима қилинган манбаларни бутун дунё бўйлаб тақдим этишимизда бизга ёрдам берасиз.

**Чунки ҳар бир киши билишга лойиқ!**



**MessengerX.com**



## Таққослай кўрманг!

“Таққослаш – бу қувонч ўғрисидир”.

ТЕОДОР РУЗВЕЛЬТ

**Э**ҳтимол, бу боб огоҳлантириш билан ёзилган бўлиши мумкин!

Ҳозир сиз ўқийдиган воқеа янги ҳисобланади. Бу мен билан содир бўлган ачинарли, лекин шу билан бирга, кулгили ва хижолатли воқеа. Умид қиламанки, ҳеч бирингиз мен бошдан кечирган ва ҳозир айтиб берадиган бундай, вақтинчалик ақлдан озишни бошдан кечирмагансиз. Агар сиз билан шундай воқеа содир бўлган бўлса, сиз ёлғиз эмассиз. Демак, ҳикояни бошладик.

Кун одатдагидек бошланди. Мен пижама устидан халатимни ташлаб, ошхона томон юрдим. Ташқарида Колорадонинг совуқ январ тонгги эди. Жон бир соатдан кўпроқ вақт олдин тўшакдан турганди ва ўз хонасида жимгина китоб ўқирди. Мен ошхонада кофе машинаси атрофида ивирсиб турардим ва кўз қирим билан иккита ўғлимнинг ўз ишларига кетиш учун эшик томонга бораётганини кўрдим. Остин ишга, Алекс эса мактабга кетаётганди. Кириш эшиги

ёпилгач, қаҳванинг иккинчи пиёласини ҳузур қилиб ичиш учун диванга ўтирдим. Бу қаҳва сут, тоза какаонинг майда бўлаклари, долчин, қанд ва бир чимдим қалампир қоришмасидан тайёрланган эди (Ростини айтсам, мен ҳамма дўстларимни шундай ичимлик билан меҳмон қилишни жуда истайман!)

Қишнинг қуёши эндигина ҳовлимиз устида кўтарила бошлаганди. Қуёшнинг оч қизил нурлари қуюқ кўк сояларни ҳайдашини томоша қилиш учун ғужанак бўлиб, диванда яхшилаб ўрнашиб олдим. Бугун сафарга чиқишга шошилишнинг, эрталабки учрашув олдидан душга шошилишнинг ҳожати йўқ эди. Мен кунимни ўзим ёқтирган усул билан, яъни шошилмасдан бошлашим мумкин эди. Мен чуқур нафас олдим ва ичимни қиздираётган иссиқликдан завқланиб, икки қўлим билан пиёланинг эгри-бугри шиша жойини ушлаб олдим. Миямга қандай қон югура бошлаганини ҳис қилдим. Атрофда бутунлай сукунат ҳукм сурарди.

Шунинг учун мен ўша пайтда ўқиётган Муқаддас китобга ва ҳар кун учун ибодатлар ва сўзлар ёзилган китобга қўлимни узатишим ёки ҳеч бўлмаганда, Худонинг менга қилган яхшиликлари ҳақида ўйлашим керак эди. Қўлимга телефонни олишдан олдин, нима муҳимроқ эканини ўйлаб кўришим керак эди. Менга ишонинг... энди нима муҳимлигини биламан. Бу менинг камчиликларимдан бири, лекин айна пайтда афзалликларимдан бири ҳамдир. Мен учун ижтимоий тармоқлар дўстлар билан мулоқот қилиш имкониятидир. Уларнинг нашрларини варақлаш, яқинларим билан бирга қаҳва ичишга ўхшайди. Қулай пайт ва жой бўлганда мулоқот қилишга интилишнинг ёмон жойи йўқ. Лекин ўша лаҳзада бу мутлақо ноўрин эди. Мен одамлар билан учрашишдан аввал, бир пиёла қаҳва ичиб, сўнг Муқаддас Рух билан учрашадиган одамлар туриданман.

## **Рўйхат**

Твиттер иловасида янгиликларни кўриб чиқар эканман, кўпчилик дўстларимдаги умумий бир нарсани пайқай бошладим. Мен биладиган, севадиган ва ҳатто, улар ҳақида ғамхўрлик



қиладиган одамлар, уларни рўйхатга киритган қандайдир бир аёлга миннатдорчилик билдиришаётган эди. Бу шунчаки оддий рўйхат эмас, балки РЎЙХАТ эди. Бу ренгтингда ўзим ҳам бўлишни истардим.

Мана шу жойда сизни хабардор қилиш жуда муҳим. Бу рейтинг ҳар йили янгиланади ва эълон қилинади. Охириги ўн йиллар давомида турли ташкилотлар ва алоҳида шахслар уни яратиш билан шуғулланадилар.

Бу сафар уни ташкилот эмас, балки бир киши тузган эди. Унинг муаллифи аёл киши эди... Мен у ҳақида эшитгандим, лекин шахсан танимасдим. Бир-биримизни танимаслигимиз, унинг рўйхатига кириш истагимни сўсайтирмади. Мен ҳамма исмларни кўриб чиқдим. Улар алифбо тартибида ёзилгани ва фамилиям Б ҳарфидан бошлангани учун мен яна рейтинг рўйхатига кирмаганимни дарҳол тушундим.

Менинг исмим бу рейтинг рўйхатига ҳали ҳеч қачон киритилмаган эди. Бу сафар унда ҳамма танишларим бор эди. Менинг шогирдларим ҳам бу рўйхатда бор эди. Китобимни испан тилига таржима қилган таржимон ҳам унда бор эди. Эҳтимол, сиз нима учун бу рўйхат мен учун шу қадар муҳим экани ҳақида ўйлаб ҳайрон бўлаётгандирсиз? Бу Америкадаги энг яхши юзта аёл хизматкорларнинг рейтинг рўйхати эди.

Юрагим тез ура бошлади. Хаёлимга бемаъни саволлар ва таққослашлар келди. Нима учун мен бу рўйхатда йўқман? Балки мен интернет тармоғига кам кирганим учундир? Миям зўр бериб ўйлай бошлади... Бир миллиондан ортиқ китобларим сотилган, мен бутун дунё бўйлаб саёҳат қиламан ва йигирма йилдан ортиқ вақт давомида аёлларга хизмат қиламан. Ахир, рейтинг рўйхатида муносиб ўрин олиш учун шунинг ўзи етарли эмасми?

Мен яхши дугонаман. Турмуш қурганимга ўттиз йилдан ошгани, тўрт ўғилни вояга етказганим ва ҳамма бир-бири билан вақт ўтказишни чин дилдан яхши кўрадиган оилани яратганим-чи? Мен қуйида кичик бир параграфни ўқидим. Рўйхатни тузган аёл ҳамма

исмлар ҳам рўйхатга киритилмаган бўлиши мумкинлигини ва шубҳасиз, бу рўйхатга киритишга лойиқ бўлган, лекин қандайдир сабабга кўра бу рўйхатга киритилмай қолган аёллар борлигини эътироф қилган. Бу вазиятни тўғирлаш учун у бошқа исмлар учун жой қолдирган. Мен рўйхатни охиригача ўтказиб кўрдим. Ўз исмини қўшиш тўғри бўладими? Наҳотки мен бунини жиддий айтаяпман? Албатта, тўғри! Балки ўз ёрдамчимдан шу ишни қилишни сўраш керақдир. Мен ўсмир мактаб ўқувчиси каби жиннилик қилаётганимни тушунганимда, эримни қидиришга киришдим.

Мен унинг хонасига пижамамда шиддат билан кириб бордим ва “Жон, мен яна рўйхатда йўқман!”, деб бақирдим.

Эрим ўтириб, Муқаддас китоб ўқиётган эди. У китоб ўқиш учун мўлжалланган кўзойнаклари устидан бироз шошилиб қолиб менга қаради. У бу рейтинг рўйхати ҳақида билмас эди. Мен ўзимнинг бутун гапга чечанлигим ва имо-ишораларимни ишлатиб, унга масаланинг моҳиятини тушунтира бошладим. У қилт этмади. Мен унга бу рўйхатда кимлар борлигини ва менинг исмим бу рўйхатда йўқлиги қанчалик мен учун аламли эканини айтиб бердим. У юмшоқ курсисида қимирламасдан ўтирарди, фақат Муқаддас Китобдаги оятларни ажратиб чизадиган қаламини бир четга қўйди ва қошини кўтарди. Мен баландпарвоз гапларимни тугатганимдан сўнг, у хотиржамлик билан Муқаддас Китобдаги бир нечта оятларни такрорлашимни таклиф қилди.

Мен бундай жавобни кутмаган эдим! Мен унинг: “Лиза, жуда афсусдаман. Даҳшатли хато бўлганига қўшиламан. Телефонимни келтир. Мен ҳаммасини тўғирлайман ва исмингни рўйхатга киритаман”, дейишини истаган эдим. Лекин у бу гапни айтмади.

Мен унга шундай деб жавоб бердим: “Мен бу оятларни ўқимайман. Улар ёдимда турибди! Уларни ҳозир менга айтишинг шарт эмас! Ахир, сен тушунмаяпсанми? Мен аллақачон, элик ёшдаман, лекин ҳеч қачон бу рўйхатга тушмайман!”

Жон: “Ким ушбу рўйхатни тузган?”, деб сўради. Мен унга исмни айтдим... Бу исм унга бирор маълумот бермади.

“Сен бу аёлни биласанми?”

Мен бошимни чайқадим. У секин кўзини Муқаддас китобга қаратди ва яна менга тавсия қилинган оятларни такрорлади. Бу сафар у кўпроқ таъсирли бўлиши учун уларга яна битта оят қўшди.

Мен эримдан ҳамдардликни эшитишга уринардим. Мен унинг хонасидан: “Мен адашаётганимни тушунишим учун бу оятларни менга ўқишнинг кераги йўқ! Мен адашаётганимни биламан! Лекин бундан енгил тортмаяпман”, деган бақариқлар билан отилиб чиқдим.

Мен аёл киши билан гаплашишим керак эди. Эрим кайфиятим бузуқлиги сабабини эшитмаслиги учун мен айвонга битта пижамада чиқдим. Ташқарида минус ҳароратнинг совуғини ҳис қилардим. Телефонимнинг чақирув тугмасини босишдан аввал, менга шунчаки ҳамдард бўладиган эмас, балки ҳақиқатни айтадиган инсонга қўнғироқ қилиш ҳақида ўйладим. Мен ўз воқеамни шу сўзлар билан бошладим: “Мен ноҳақ эканимни биламан...”, сўнг эса рўйхат билан боғлиқ бутун гапни айтиб бердим.

“Мен ўша рўйхатда борманми?”, деб сўради у. “Албатта! Бу рўйхатда мендан ташқари ҳамма бор!” “Наҳотки, шу масала билан бирор кишини иши бўлса?”, деб мени овутишга ҳаракат қилди дугонам.

“Албатта, менинг бу масала билан ишим бор, сен эса бу рўйхатда бўлганинг учун бу масала билан ишинг йўқлиги тушунарли”, - деб жавоб бердим. Сўнг тўғриси айтиб қўшимча қилдим: “Мен шундай бўлишини истамайман, лекин қўлимдан ҳеч нима келмаяпти. Мен ноҳақ эканимни биламан, мен шунчаки ким биландир бу ҳақида ўртоқлашишни истайман. Жон, аллақачон менга Муқаддас Китобдан бир неча оятларни ўқишни таклиф қилди...”.

Сукунат.

Сиз ўзингизни четдан кузатиб тургандай ва бу қандай телба

аёл экан, деб ўйлаётгандек ҳолат ҳеч содир бўлганми? Менда шундай ҳолат бўлаётган эди. Ҳар бир сўзим аввалгисига қараганда бемаънироқ туюларди. Мен телефондаги суҳбатимни иложи борича тезроқ тугатишим керак эди. Энди бу суҳбатни бошлаб қўйганимдан афсусда эдим. Мен дугонамга: “Мен кўнглимдаги гапларни айтаяпман. Мен бошқача ўйлашни истайман. Мен бошқача ўйлашим керак!”, - деб айтдим.

У менинг гапимга (менинг ноҳақ эканлигимга) тўлиқ қўшилди ва биз хайрлашдик. Мен нима тўғри эканини билардим. Эрим нима тўғри эканини биларди. Дугонам нима тўғри эканини биларди. Лекин барибир ўзимни ёмон ҳис қилардим.

Энди мен бу рейтинг учун одамларни танлаб олиш қонидасидан аччиқланаётган ва бу ишни қилаётган аёлдан жаҳлим чиқаётган эди. Ким шундай қилади? Рўйхатни яна бир марта кўриб чиққанимда, унда у киритмаган яна кўплаб аёлларнинг исмлари йўқлигини пайқадим... Балки мен ўзим шундай рўйхат тузишим керак. Мен уларнинг ҳаммасини шу рўйхатга киритишим мумкин эди! Ахир, Твиттер ва Фейсбук тармоқларида бу аёлликдан кўра кўпроқ издошларим бор. Менинг рейтингим униқидан нимаси билан ёмонроқ бўлади? Мен тахминан ўн сониялар ўйладим. Йўқ, бу ишни ҳеч қачон қилмайман!

Қанчалик уринмайин, қанчалик синчковлик билан муносиб номзодларни эшлашга ҳаракат қилмайин, мен барибир кимнидир унутган бўлардим. Наҳотки, мен ҳам уларнинг ҳаётида ўзим тушуниб олишга уринаётган можарони яратишни истасам? (Агар ушбу рўйхатга кимнидир киритишни тасодифан унутиб қўйишим мумкинлигини ўйламаганимда, бутун фикрим сўнги ярим соат давомида мен курашаётган тушкунлик каби бемаъни бўлар эди.)

Мен телефонни қўйдим, кўзларимни юмдим, чуқур нафас олдим ва бу вазиятни ўз ҳолича қолдирдим. Мен тинчланишни бошлаганимда, Муқаддас Руҳ менга мулоимлик билан гапирган овозни эшитдим: “Лиза, агар бу рўйхатда сенинг исминг бўлганида, сен худди шу тарзда хафа бўлармидинг? Агар унда исминг

ёзилган бўлганида, сен уни ноаниқ ва чала ишланган деб айтган бўлар эдингми?”

Ҳақиқат қарор топди. Менинг жаҳлим чиқмаган бўларди, мен ижтимоий тармоқ орқали биладиган бу нотаниш аёлга миннатдорчилик билдирардим ва эҳтимол, бошқаларнинг эътиборини жалб қилиш учун Твиттерда бу янгиликни ёзардим. Мен мағлуб бўлдим. Ҳа. Мен турмуш ўртоқман, онаман, бувиман ва шунга қарамасдан, ўзимнинг ҳақиқий кимлигимни унутиб қўйганимда, мен яна таққослаш қурбонига айланаман. Рейтинг, бу муаммони аниқлашга ёрдам берган совға бўлиб чиқди.

Бошқалардан тасдиқ излаганимизда, биз доимо ўзимизни ташқарида туриб, ичкарига қараб тургандек ҳис қиламиз. Ростини айтсам, ер юзида сизни қадрли эканингизга ишонтирадиган инсон йўқ. (Кечирасиз, эрингиз мукамал бўлганда ҳам, у барибир буни уддалай олмаган бўларди). Ҳеч қандай ютуқ, ҳеч қандай рўйхат, ҳеч қандай мукофот, Худо сизни қалбингизга ёзиши мумкин бўлган сўзларни ишонч билан ёзишга қодир эмас:

*Менинг ...севиклим, гўзалим, тенгсизим, мукамалликда машҳури.*

## Қувонч ўғриси

Ташқаридан қандай кўринмасин, аёлнинг қалбини нима безовта қилишини фақат Худо билади. Аёлларнинг ҳаётига таққослаш келиши ва бу уларнинг тинчлигини ўғирлашидан олдин, ўз жонини қўлга олишни унутиб, пижамада тўполон қилаётган аёлларни қандай тинчлантиришни фақат Худо билади. Сизни ишонтириб айтаманки, сиз рақобат билан нимаики қилсангиз, бу кучингизни ўғирлайди. Теодор Рузвельт жуда аниқ қилиб таъкидлаган: “Таққослаш бу — қувончнинг ўғрисиدير».



**Сиз рақобатни  
боқиш йўли  
билан нимаики  
қилсангиз, бу  
кучингизни  
ўғирлайди.**

Ўша куни эрталаб мен ўғирликни аниқ кўрдим. Мен ўзимни бундай хатти-ҳаракатдан устун деб ўйлардим. Ҳақиқатан ҳам, менда бундай жаҳл кўп йиллар давомида бўлмаган эди! Лекин ўша куни эрталаб, руҳий бепарволик менопауза билан бирга ёнувчи аралашмани ҳосил қилди. Эҳтимол, мендаги бу ҳолат қалбимнинг боғини бегона ўтлар босиб кетганга ўхшаб, ичимдаги баъзи манбаларга ахлатлар тиқилиб қолгани учун содир бўлгандир. Гўё мен узумзорга яхши ўтоқ қилиш керак бўлган бир пайтда, мен уни ўз ихтиёрига ташлаб қўйгандек бўлдим.

Таққослаш ўзига жалб қилади ва ўзига тортади. Агар унга йўл қўйсангиз, у сизни ҳар доим ҳақиқатдан узоқлаштиради. Таққослаш сизни мағрурлик илмоғидан тортиб, ичингиздан шиширишга ёки ишончсизликдан азоб чекиш орқали пастга тортишга ҳаракат қилади. Иккала ҳолатда ҳам, сиз тезда тартиб бузилганини ва ташқарида туриб ичкарига қараётганингизни ҳис қиласиз.

Одамларни атайлаб ўз даврасидан четлаштиришганларини мен ёқтирмайман. Лекин баъзида ичкарига қараш учун ўзингизни ташқарида ҳис қилишингиз керак. Бу аёл ёш, ақлли ва чиройли. Мен унинг фикрига қўшиламанми ёки йўқми, муҳим эмас, мен бу рўйхат менинг ичимдагини кўрсатиб бергани учун бу аёлдан жуда миннатдорман. Мен тезда сабрли дугонамга хабар юбордим. У менинг соғлом фикрда эканимга шубҳалана бошлаган бўлиши мумкин эди. Сўнг мен азиз турмуш ўртоғимни қучоқлаш учун унинг хонасига ўтдим. Шундан сўнг ётоқхонамга қараб шиппакларимда юриб бордим, эшикни ёпдим ва тиз чўқдим. Ибодатларимнинг бир қисми шундай эди:

*Самовий Ота!*

*Раҳмат Сенга менинг камчиликларимни кўрсатаётганинг учун.*

*Мени кечир. Бу бегона ўтнинг илдизини очиб ташла. Исо номи билан, омин.*

Кун давом этарди, мен аллақачон ўзимнинг ўйламасдан қилган ишимга қараб, унинг бемаънилигидан кулардим. Ўша куни мен ўз ёрдамчим билан учрашдим. Почтани кўриб чиқаётиб, биз ғалати бир ҳодисани кўрдик. Афтидан, мен ва бир нечта аёллар, аёлларни рағбатлантиришга бағишланган сўнги тадбирлардан бирида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиш учун танланган эканмиз.

Йўқлигимизга ҳурмат белгиси сифатида, улар бизга ўхшаш бўлган ўн иккита пластик материалдан қўғирчоқлар яساتганлар. Менинг қўғирчоғимни, Жоннинг офисидан жой олади деган ниятда унга юборишган. Мен қўғирчоқни қўлимда айлантириб кўрдим ва баланд овозда кулиб юбордим, чунки мен унда ўзим ҳеч қачон саҳнага кийиб чиқмайдиган оқ рангли жинси шимларни кўрдим. Мен уни четга суриб қўйдим. Сўнг таниш шивирлашни эшитдим: “Сени қўғирчоққа айлантиришди. Сен бахтлиман?”

Мен оқ жинси кийган, қўлида микрофон тутган пластик тасвирга қараб, бошимни чайқадим. Қўғирчоқ рўйхат каби сохта эди. Мен яна кулиб юбордим. Мен уни ташлаб юбормоқчи бўлдим, лекин эрим уни мендан олиб қўйди. У бу қўғирчоқни менга эмас, балки унга юборишганини эслатди. У яқин келажакда ҳаётимда бошқа бемаъни кунларнинг бўлишини олдини олиш учун бунга ўзида қолдирди, деб ўйлайман.

## **Қилмаслик керак бўлган учта ҳаракат**

Жон Муқаддас Китобдаги, мен ёддан биладиган қайси оятларни ўқиб чиқишни таклиф қилди? Биринчидан, Иккинчи Коринфликларга мактуби (10:12):


*“Ўзларини мақтаётган одамларнинг қаторига биз ўзимизни қўшмаймиз, ҳатто ўзимизни улар билан солиштирмаймиз. Улар ўзларини-ўзлари билан ўлчаб, ўзларини-ўзларига қиёс қиладилар. Бу қандай ахмоқлик!” (Замонавий таржима).*

Мендан ўрганинг! Ўзингизни таснифлашга, таққослашга

ёки мақташга журъат қилманг. Нима учун? Гарчи бу таққослаш сизнинг фойдангизга бўлмасада, бу мағрурликдир. Биз ҳаммамиз йиқилишдан аввал мағрурлик келишини биламиз. Агар сиз бу таъқиқни бузсангиз, сиз хавfli ва баъзан қўрқинчли жойга келиб қоласиз.

*Биз таснифлаганимизда нима содир бўлади?*

Доно киши ўзини таснифламайди ва уни таснифлашларини истамайди. Таснифлаш ҳеч қандай даража бермайди. Таснифлаш – бу ўзини биринчи ўринга қўйишни ёки бирор тоифага киритишни англатади.



**Ўзингизни  
таснифлашга,  
таққослашга  
ёки мақташга  
журъат  
қилманг.**

Ушбу сўзнинг синонимлари саралаш, гуруҳларга тақсимлаш, таққослаш, белгилаш, каталокка киритиш, баҳолаш ва эҳтимол, энг ёқимсиз, тамғалаш сўзлари ҳисобланади. Мерриам-Уэбстер номли инглизча луғатда *ёрлиқ ёпиштириш* иборасини “нарсанинг барча мураккаблиги ва кўп қирралигини ўз ичига олмайдиган қўйи тоифага кўтариш” деб таърифлайди.

Ҳаётда қўйи тоифалар йўқ. Ҳаёт кўп ҳолатларда жуда мураккаб. Ҳақиқат шундаки, инсон ҳаёти биз кўриб турганимиздан анча мураккаброқдир. Қайси соғлом фикрли инсон ҳайвонга осгандек, ўзига ёрлиқ осади? Ижтимоий тармоқлар бизни чеклашга ва нотўғри фикрларни кўпайтиришга қодир бўлган, бугунги кунда фаол ишлатилаётган имкониятлардан бошқа нарса эмас.

Бугунги кунда ўзимизга: “Мен нима қуришни истаيمان? Мени бошқалар билан бирга саралашларини, тамғалашларини ва ажратишларини истаيمانми?”, деган саволни мунтазам беришимиз керак. Мен ўқиган рўйхат бир хил қолипда бўлишни белгилашга уриниш бўлганлигини биламан ва бу рўйхатга ўша аёллар киритилди! Рўйхатни ҳар доим ҳам нишонланмайдиган бир нарсани, яъни аёллар хизматини нишонлаш учун тузишган эди!

Аммо биз у ёки бу тоифага киритишларини истаганимизда,



қўл ва оёқларимиз боғланган ҳолга тушиб қолишимиз мумкин. Кўп йиллар олдин бир донишманд кекса киши эримни шундай деб огоҳлантирган экан: “Одамлар сенга ёрлиқ қўйишларига йўл қўйма. Агар улар буни қилсалар, бир куни сени сиқиб чиқармагунча, улар бу ёрлиқдан фойдаланишда давом этадилар».

Айтишим керакки, кўпчилик одамларни саралаб бўлмайди. Нотўғри муносабат қилинган ва мулоқотдан четлаштирилган кишилар сизни “қўйироқ” тоифага қўйишдан жуда мамнун бўладилар.

*Биз таққослаганимизда нима содир бўлади?*

Жасоратли кишилар, ҳатто таққослаш уларни энг юқори даражага кўтарсада, улар таққослашга журъат этмайдилар. Улар ҳали кўп қадамлар ташлашлари кераклигини тушунадилар. Улар абадийликка назар ташлаганлар ва дунёвий ҳеч нарса абадийлик билан тенглаша олмаслигини тушунганлар. Улуғворликнинг кўриниши уларни энг кучли тарзда рағбатлантиради. Таққослаш – бу қўрқоқлар учун, бошқа бир улуғвор нарса борлигига ишонишга журъат эта олмайдиганлар учун бошпанадир.

Биз кўтарилаётган тоғнинг номи нима деб аталади? Машҳурликми? Абадийлик нуқтаи назаридан қараганда, бу бир ахлат тоғидир. Агар биз Муқаддас Китобга яқинлашсак ва ҳаворий Павлуснинг сўзларини келтирсак, бу итларнинг ахлатидир (Филиппиликларга 3:8). Унга ҳеч ким чиқмайди, уни одатда четлаб ўтишади ёки ҳатлаб ўтишади. Муаммо шундаки, кўпчилигимиз итнинг ахлатини оёғимиз билан босамиз ва ўз ортимиздан ёмон ҳидли изларни қолдирамиз. Биз бу ҳидга кўникиб кетганмиз, лекин бу ҳид яхши ҳидга айланиб қолмайди.

Келинг, Павлус Филиппиликларга мактубида ёзганларини ўқиб чиқайлик:

“Одамлар махсус деб кўкларга кўтарадиган барча фахрий ёрлиқларимни йиртиб, ахлат қутисига ташладим, илгари мен учун аҳамиятга эга бўлган барча нарсалар билан ҳам шундай қилдим. Нега мен шундай қиламан? Масиҳ ҳақи.

Ҳа, қачонлардир, мен учун муҳим бўлиб кўринган барча нарсалар, энди ҳаётимда йўқ. Менинг Раббим Исо Масиҳни таниб-билишдек бебаҳо фазилат билан таққослаганда, қўлга киритишга лойиқ бўлиб туюлган ҳамма нарсалар, мен учун ўз қадрини йўқотди – энди бу нарсалар итнинг ахлатига тенг бўлиб қолди. Масиҳга эга бўлиш ва У билан бирга бўлиш йўлида, барчасини ахлат қутисига ташлаб юбордим (Филиппиликларга 3:7-9, “The Message”).

Раббимиз Исони билиш имконияти – бу бизнинг бебаҳо имтиёзимиздир. Мен Уни яхшироқ билиш ўрнига қўлимга телефонни олганимда, мен аҳамияти паст бўлган танловни қилдим. Одамларга ўзингизни танитишдан кўра, Худони билиш анча афзалроқдир.

*Ўзимизни кўрсатганимизда нима содир бўлади?*

Ўзимизни кўрсатиш ҳақида нима десак бўлади? Вақти-вақти билан ўз ютуқларимизни нишонлашнинг нима ёмон жойи бор? Ҳа, байрам қилиш ва ўсиш ҳақида қувонишнинг ўз вақти бор. Лекин бизга совға сифатида берилган нарсага шахсий ютуқ сифатида муносабатда бўлсак, бу бутунлай бошқа масала. Самара ўсади, ютуқлар эса шунчаки қабул қилинади ва шунинг учун биз барибир, ўзимизга ишониб топширилган илоҳий инъомларнинг бошқарувчилари бўлиб қоламиз.

Баъзи одамлар ниҳоятда чиройли бўлади. Баъзилар катта бойликка эга оилаларда туғилиб, ҳаётнинг барча афзалликларига эга бўлишади. Одамлар ҳам чиройли ва ҳам бой бўлиб туғилиши камдан-кам учрайди. Баъзилар эса бутунлай бошқача шароитда туғиладилар. Улар жуда қашшоқликда яшайдилар ва ҳеч қандай имкониятларга эга бўлмаган оилаларда катта бўлишади. Ташқи гўзалликдан маҳрум одамлар бор. Кўпчилигимиз ўртача даражадаги одамлармиз. Шунга қарамай, бу шартларнинг ҳеч бири бизнинг якуний тарихимизни ёзиш ёки бизнинг кадр-қимматимизга таъсир қилиш кучига эга эмас. Худо ташқи гўзалликка қарамайди... У қалбга

қарайди. Юир авлоднинг бойлиги қанотларини ёйиши, кейинги авлод эса ҳеч вақосиз қолиши мумкин.

Менимча, бу адолатсизлик. Лекин мен бир нарсани аниқ биламан: Худо адолатли. У ҳар бир жоннинг қийинчиликлари ва афзалликларини Ўз кафтида қандай ўлчашни билади. Фақат Унинг адолатли ўлчови бор. Бу ўзимизни бошқалар билан таққосламаслигимиз кераклигининг яна бир асосли сабабидир. Чунки бу ерда, бу ўткинчи дунёда тарозига тортиш мумкин бўлган нарсанинг, абадийликда акс этадиган жуда ҳақиқий томони бор.

Таққослаш орқали боши берк кўчага кириб қоламиз ва Худо улуғлайдиган нарса яратиш ўрнига, инсонни улуғлайдиган тимсолни яратишга таваккал қиламиз.

Бундай ўйинларни ўйнаш орқали биз кераксиз рақибларни яратамиз. Келинг, Муқаддас Китобдаги иккинчи Коринфликларга мактубни очайлик (10:12):

“Улар ўзларини ўзлари билан ўлчаб, ўзларини ўзларига қиёс қиладилар. Бу қандай аҳмоқлик!”

Мен бу қармоққа илинганимни билиб олдингиз. Биз ҳаммамиз бу қармоққа илинганмиз деб ўйлайман. Биз ўлчаймиз ва таққослаймиз. Ўзларини бошқалар билан такаббурликда солиштирадиган одамлар бор ва Худо ҳаётида қилишни истаган ишни, таққослаш барбод қилишига аҳмоқлик билан имкон берадиган одамлар бор. Мафрурлик тарозининг бир палласини босади, ишончсизлик эса иккинчи палласини босади. Уларнинг иккисида ҳам, ҳаддан ошиб кетиш хавфига эга. Фақат битта ҳақиқий ўлчов, яъни беқиёс бўлган Масих, мойланган шоҳлар Шоҳи бор. Фақат ёлғиз У муқаддас, пок ва қудратлидир. Биз чумолилар каби ўз уямиз атрофида ўрмалаб юрамиз ва чумолихўр ҳайвон эса шердан қўрқиб титрайди, биз шернинг соясида жойлашиш бахтига муяссар бўламиз. Гарчи биз қанчалик меҳнаткаш ёки мақтовга лойиқ бўлмайлик, бизни янгилаган Зотга

тенглаша олмаймиз. Мен Битиклардан ўқишим мумкин бўлган яна бир оят қўйидагича жаранглайди:

“Сизлар бир-бирингиздан таҳсинлар олишни яхши кўриб, лекин ягона Худонинг таҳсинига сазовор бўлишга ҳаракат қилмасангизлар, қандай қилиб ишонасизлар?” (Юҳанно 5:44, замонавий таржима).

Биз тенги йўқ Худо ҳузурига таклиф қилинган бўлсак, нега ўз рақобатчиларимиздан мақтов излашга вақт сарфлашимиз керак?

Бошқа одамларга ҳаётимни белгилашга йўл қўйганимда, мен Самовий Отам билан алоқани йўқотаман. Кўп ўтмай, ўзим ҳақимда одамлардан кўришни ва эшитишни бошлаганимда, дунёга бўлган қарашим ўзгаришни бошлайди ва мен ким бўлаётганим ҳақидаги Худонинг сўзларини унутаман. Баъзида аҳмоқхона ҳаракатларим ва чекланган тасаввурларим мен ҳатто, тахмин қилмаган оқибатларга олиб келишидан ҳайрон бўламан.

Умид қиламанки, сиз мени эрталабки бемаъни ишим устидан куласиз ва таққослашнинг илдиз отишига йўл қўймайсиз. Агар бу бир марта эмас, балки ҳар куни содир бўлганида, биз ўзимизни бутунлай ҳолдан тойдирган бўлардик. Таққослаш ҳаётимда доим содир бўлмайди, чунки ёнимда бемаъни ишимдан халос қиладиган эрим ва содиқ дугонам каби кишилар бор.

## **Тишлаб олиш ва ютиб юбориш**

Ижтимоий тармоқлар бизга кўплаб одамларни ва кўплаб овозларни ҳаётимизга таклиф қилиш имкониятини беради. Бу яхши бўлиши мумкин, лекин бу кўплаб душман одамларни қўшниларимизга айлантиради. Агар уларни сева олмасангиз, сиз учун чегараларни белгилаб қўйиш маъқул иш бўлади. Агар кимдир сизга душманлик муносабатида бўлса, унга худди шу тарзда жавоб берманг, балки ўзингизга бўлган талабни оширинг. Иноят остида яшаш, бир-биримизга қўпол муносабатда бўлиш ҳуқуқини

бермайди. Ҳеч қаерда шундай деб ёзилмаган: “Яқинингизни ўзингиз билан солиштиринг ва ундан ўзиб кетиш учун бор имкониятни ишга солинг”.

Павлус шундай деб ёзган: “Ахир, қонун: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”, деган гапда мужассам. Эҳтиёт бўлинглар! Ҳадеб тишлашиб, ғажишаверманглар, бўлмаса охири бир-бирингизни еб битирасиз!” (Галатияликларга 5:14, 15). Бу ёқимли манзара эмас. Ҳиссиз оч ҳайвонларга ўхшаб, бир-бирини тишлаш ва ғўштини узиб олиш масиҳийлар орасида бўлмаслиги керак. Шунга қарамай, бизнинг блогларимиз ва электрон қурилмаларда сўз орқали бўладиган жанжаллар айнан шундай кўринишга эга. Эҳтимол, телефонда ва интернет саҳифада танавий жанжал манзараси кўринмайди, лекин руҳда бу шубҳасиз қонли кўринади. Электрон қурилмалар пайдо бўлишдан аввал, одамлар билан бундай осон боғланиш имкони бўлмаган. Энди қисқа вақт ичида тишлаш ва еб битириш мумкин. Афсуски, мен буни шахсан бошдан кечирганман, чунки буни ўзим ҳам қилганман.

Мен бақирган ва тишлаган ҳолларда, ҳали кўпроқ ишлашим керак бўлган соҳалар маълум бўлади. Агар кимдир мени қаттиқ хафа қилса, ўз ярамни ҳимоя қилишга уриниб, мағлубиятимни кўрсатаман. Мен телефонимни ўчиришни ва ўқланган қуролдан қочгандек ундан узоқлашишни ўргандим. Кўпинча одамларнинг кайфияти ёмон бўлади, уларнинг гапиришига йўл қўйиб беринг.

Бошқаларни илҳомлантириш билан, уларда ҳасадни уйғотиш ўртасида катта фарқ бор. Бошқаларни ўз даврангизга таклиф қилиш билан, уларни бу даврдан мақсадли равишда сиқиб чиқариш ўртасида катта фарқ бор. Агар сиз ижтимоий тармоқларда кимнидир ортидан эргашаётган бўлсангиз ва бу одам сиздаги энг ёмон томонларни аниқласа, уни айблаш ўрнига ортга чекиниш ва ўзингиздан: “Нима учун?” деб сўрашингиз керак.

Агар душман сизни янчиб ташлашга умид қилаётган нарсани, Худо яхшиликка ишлатиши мумкинлигига ўрганмасангиз, рақобат сизни кўп нарсадан маҳрум қилади. Муқаддас Китобнинг

навбатдаги ояти рақобат кўплиги орқали пайдо бўладиган муҳитни кўрсатади.

“Доим худбинликда яшашга уриниш, ҳаётни нимага айлантириши яққол кўриниб турибди: доимий равишда севгисиз арзон жинсий алоқалар; ақлий ва ҳиссий ахлатнинг жирканчли уюми; жинниларча ва қувончсиз тарзда бахт ортидан қувиш; уйинчоқ худочалар; жодугарлик ва сеҳргарлик; сурункали ёлғизлик; шафқатсиз рақобат, бутунлай ютуб юборадиган ва ҳеч қачон қондирилмайдиган истаклар; синган оилалар ва синган тақдирлар; майда-чўйда бир томонлама хоҳишлар; *рақобатчилик сабабли инсонни шахсиятини йўқ қилишнинг ёмон одати*; бошқариб бўлмайдиган, назорат қилиб бўлмайдиган тобеликлар; даҳшатли равишда жамиятга тақлид қилиш. Мен давом эттиришим мумкин эди. Сиз биласиз, мен булар ҳақида биринчи марта огоҳлантираётганим йўқ. *Агарда сиз ўз эркинлигингиздан шу тарзда фойдалансангиз, Осмон Шоҳлигини меросхўрлари бўла олмайсиз*” (Галатияликларга 5:19-21, “The Message”).

Бу сўзларни ўқиб йиғлагим келади. Сўнги пайтларда Павлус бу ерда санаб ўтган кўп нарсаларни кузатамиз. Мен дунёга ишора қилмаяпман. Галатияликларга мактуби – бу Жамоатга ёзилган хатдир. Инсоннинг *ўзига хослигини йўқ қилиш* нимани англатади? Бу унинг индивидуаллигини йўқотиш, унинг шахсий фазилатларидан, унинг ўзига хослигидан маҳрум қилишни англатади. Нацистлар яҳудийларни ўзига хос хусусиятларини шу қадар йўқ қилганки, немислар уларни Худо суратида яратилган одамлар сифатида кўришни тўхтатганлар... Улар бу халқ, уларнинг соф арий ирқини яратишларида тўсқинлик қилаяпти деб ўйлаганлар. Афсуски, бу тактика бугунги кунда ҳам, гуруҳларда ва якка тартибда қўлланилиб келмоқда.

Одамлар бир-бирини ҳукм қилишни ва турли исмлар билан чақиритишни бошлашдан тортинмайдилар. Лекин ҳаммининг қалби

бор ва буни англаймизми ёки йўқми, электрон сўзлар ҳали ҳам жароҳат беради. Юнон антик муаллифи Эзоп таъкидлаганидек: “Хавфсиз масофада туриб жасоратли бўлиш осон”. Бизнинг ижтимоий медиа форматларимизнинг кўпчилиги “хавфсиз масофа”ни яратади. Бу қўрқоқ бўлган ва бошқалар устидан масхара қилишни, ҳақорат қилишни яхши кўрадиганларга имкон беради. Бу одамлар бундай гапларни одамнинг юзига ҳеч қачон айтмаган бўлардилар. Нима учун? Чунки инсоннинг кўзларида ёшларни кўрганда, ўзингни олдинда робот тургандай қилиб кўрсатиш қийин.

Масиҳийлар бир-бирларини турли номлар билан аташларини, бидъатчидан тортиб, энг ножўя ҳақоратларгача айтишларини кўраман. Бундай пайтда шайтон кулади. Биз унинг ишини қанчалик кўп қилсак, унга шунчалик иш кам қолади.

### **Қандай қилиб фош қилиш ва тўғирлаш керак**

Сизларнинг баъзиларингиз шундай деб эътироз билдиришингиз мумкин: “Агар киши ноҳақ бўлса, уни жамоат олдида тўғирлаш керак эмасми?” Шундай қилиш керак ва буни қандай қилиш ҳақида, яхшиямки Худо таклиф киритган.

“Ошкора танбеҳ пинҳона меҳрдан яхшироқ. Душманнинг ширин сўзи эмас, дўстнинг калтаклаши садоқатни кўрсатади” (Ҳикматлар 27:5, 6).

Каломадаги *ошкора танбеҳ* сўzlари нимани назарда тутлади? Бу ерда асосий сўз – бу ошкора сўзидир. Очиқ қалблар, очиқ бағрлар ва очиқ юзлар билан энг яхши танбеҳ бўлиши мумкин. Биз ўзимизга қандай танбеҳ берилишини истасак, бошқаларга худди шундай танбеҳ беришимиз керак. Бунинг энг яхши йўли, бу менда энг яхши нарсани аниқлай оладиган одамлар мени тўғирлашларини истаган бўлардим.

Муқаддас Битикда дўстлар ўртасидаги танбеҳ билан тузатишлар ҳақида гапирилади, лекин у шунингдек етакчи, муаллим ва иш

берувчи орқали ҳам амалга оширилиши ўринлидир. Агар танбеҳ сизни биладиган ва сиз ҳақингизда кучли ғамхўрлик қиладиган инсон томонидан бевосита айтилса, бундай танбеҳ энг яхши тарзда қабул қилинади. Агар бундай суҳбат юзма-юз бўлса, бу ҳар жиҳатдан яхши бўлади. Агар шахсан учрашишнинг иложи бўлмаса, бу суҳбатни ҳеч бўлмаганда телефон орқали уюштириш керак.

(Мен қавс ичида шуни қўшимча қилиб айтмоқчиман. Мен матнли хабарларда танбеҳ беришни тавсия қилмайман. Хабарни жўнатишда кўп нарсалар йўқолиши мумкин. Матнли хабарларда имо-ишора тили ва овоз оҳанги йўқ. Биз Жон билан бундай хабарлар орқали бир-биримизни тушунмаганимизда, бемаъни вазиятларга кўп марта тушиб қолганмиз. Биздан биримиз, одатда мен, ҳамма ҳарфларни бош ҳарфлар билан ёзамиз, шунинг учун хабар БАҚИРИШ маъноси билан етиб боради!)

Биз ҳаммамиз ёпиқ танбеҳни бошдан кечирганмиз. Бундай ҳолатда, одамлар сизга орқангиздан танбеҳ беради. Одамлар сизнинг иштирокингизсиз, сизни тузатиш кераклигини кўрганларида, сиз уларнинг танбеҳининг самимийлигини текширишингиз керак. Агар улар ҳақиқатни гапиришса ҳам, бу жараёнда сиз иштирак этмасангиз, бу сизнинг ўсишингизга ёрдам бермайди.

Аслида, тузатишнинг бундай тури ўсиш жараёнига халақит беради, чунки одамлар сизнинг орқангиздан гапиради, улар сизни ҳимоя ҳолатига ўтишингизга мажбур қилади. Самимий дўст томонидан киши юзига айтилган “ошкора танбеҳ”, икки томоннинг бир-бирига жавоб беришига ва танбеҳ жараёни орқали ўсишига имкон беради.

Кишини ижтимоий тармоқларда тузатишга интилиши – бу шунчаки омма учун очиқ майдон бўлгани сабабли, уни ошкора танбеҳ қилишни англамайди. Мен севадиган ва ҳурмат қиладиган ажойиб кучли дўстларим бор. Мен бу одамлар билан жуда ҳам қалин дўстман ва уларнинг ҳаётини биламан. Мен баъзан бу содиқ дўстларимга қандай қилиб очиқчасига ҳужум қилишларини кўраман. Бу одамлар ўз норозиликларини уларнинг юзларига ошкора айтишга уяладилар ва бунинг ўрнига, дўстларимни



қалбини жароҳатлаш учун жамоатда ёлғон танбеҳлар билан ташланадилар. Бу мавзуда Муқаддас Китоб аниқ қилиб гапиреди:

“Бўлиниш чақираётган кишини бир марта огоҳлантир, иккинчи марта огоҳлантир, *лекин унга бошқа вақт сарфлама*. Бундай одам йўналишини йўқотиб бўлган, у гуноҳ қилаяпти ва шу билан ўзини ҳукм қилмоқда” (Титусга 3:10, 11, замонавий таржима).

Бундай одамларнинг блогларини ўқиманг, улар билан баҳс қилманг, Твиттерда уларга эргашманг, улар билан Фейсбукда дўстлашманг, улар билан муносабат қурманг. Бу сиз учун зарарлидир. Бўлинишни эмас, балки илҳомланишни қидиринг.

Муқаддас Китобнинг “The Message” таржимасида мана шундай деб ёзилган:

“Бидъатчи одамдан, бир-икки огоҳлантиришдан сўнг узоқлашгин. Афтидан, бундай одам тўғри йўлдан адашган, Худога қарши исён қилган. У бўлинишни маъқуллаб, ўзини ҳаммадан ажратиб қўяди”.

Мен ҳаётда қанчалик кўп умр кўрсам, шунчалик дўстларимнинг сони камайиб боради, лекин камчиликни ташкил қилувчи бу дўстлар кўпроқ содиқ бўладилар. Дўстларим менга, менинг ким бўлишни хоҳлаётганимни, душманларим эса ким бўлишни хоҳламаётганимни кўрсатадилар. Рақобатчилик ҳукм сураётган муҳитда, энг аввало бизда энг ёмон хислатларни юзага чиқаради. Биз покланганимизда, Худо аралашиши ва характеримизни яхшилаш учун жангдан фойдаланиши мумкин.

Сулаймон Ҳикматлари китобидаги оятда янада яхшироқ усул таклиф қилинган:

“Тўқ одам асални ҳам оёқ ости қилади, очга эса аччиқ нарсга ҳам ширин” (Ҳикматлар 27:7).

Мен ҳаётимда художўйликнинг кўпроқ ҳосилини кўришни

истайман. Мен кўпроқ ўсишни орзу қиламан. Мен Худога қанчалик яқин бўлсам, ҳаётда менга нима тўсқинлик қилаётганини яхишроқ кўраман. Ҳаётдаги энг яхши нарсалардан бири шуки, мени ҳақиқат билан ранжитишдан қўрқмайдиган дўстларим бор. Душманлар хушомадгўйлик қилишлари ёки ёлғон гапириб, бизни жароҳатлашлари мумкин. Келинг, одамлар томонидан тузилган рўйхатлар ва таққослашлар билан кифояланмайлик. Бизда рақобат, ёки ўзига ишонганлик, ёки мағрур ёлғизликни келтириб чиқарадиган қандайдир номувофиқликларни пайқасак, келинг, тиз чўкайлик. Агар Отага келсак, У қувонч билан Унга яқинлашишимизга халақит қиладиган тўсиқларни олиб ташлайди.

### **Мулоҳаза юритиш учун саволлар**

1. Сизга бирор марта ёрлиқ осиганми? (Бунга ҳар хил мисоллар бўлиши мумкин: уруғ, ирқ, ёш чегаралари масаласида). Бу ёрлиқлар қандай қилиб сизни чеклайди? Сиз бу таснифлашдан қандай қилиб қутулишингиз мумкин?
2. Ҳаётингизнинг қайси соҳаларида таққослаш сизнинг қувончингизни ўғирлайди?
3. Биз таснифлаганимизда, тенглаштирганимизда ва солиштирганимизда, бу билан биз нимани кўрсатамиз? (Ишора: Ҳикматлар 29:25)
4. Ижтимоий муҳит сизни руҳлантирадими ёки камситадими? У сизга унумли таъсир кўрсатаётганига ишонч ҳосил қилиш учун, сиз қандай қадамлар қўйишингиз мумкин?
5. Ошкора ва ёпиқ танбеҳ қилишнинг ёндашуви ва ниятлари ўртасидаги фарқни тушунтиринг.

## Сизга рақиб сифатида қараганда

“Баъзи қарама-қаршиликлар ҳар доим одамга ёрдам беради. Тегирмон шамол эсан томонга эмас, балки шамолга қарши айланади”.

ЛЬЮИС МАМФОРД

Яқинда қалин дугоналаримдан бири билан телефонда гаплашдим. Унинг эри – истеъдодли мусиқачи ва мусиқа продюсери, дугонам эса кучли хизматкор ва ҳар томонлама истеъдодли инсон. Гарчи улар охириги пайтларда кўп нарсаларни бошдан кечирган бўлсаларда, мен уларни ҳар доим беғубор, камтар ва раҳмдил одамлар сифатида билганман. Уларга тухмат қилишган, уларни рад этишган ва адолатсиз равишда ҳукм қилишган. Дугонам шундай деб тушунтирди: “Улар биз ҳақимизда ғийбат қилишди...”, сўнг асосий кишиларнинг исмларини санаб ўта бошлади. Мен тингладим, мен тушундим. Сўнг суҳбатнинг давомини йўқотиб қўйдим, чунки энди уларнинг қаердалигини ва улар нималарни бошдан кечирганларини кўролмай қолдим. Мен уларнинг келажаги қаерга етаклаётганини кўраётгандим. Мен кўрганимдан шунчалик ҳаяжонландимки, шунинг учун

кескин равишда гапани бўлдим: “Яхши! Сиз улар учун Худога миннатдорчилик айтишингиз керак. Уларнинг сизга бўлган самимий муносабати, бугун шундай одамлар бўлишингизга сабабчи бўлди”. Тўғри тушунинг, мен уларга ёмон муносабатда бўлгани учун эмас, балки улар бу муносабатга қандай жавоб бергани учун хурсанд бўлдим. Албатта, мен учун гапириш осон, чунки мен уларга бир четдан туриб қараяпман. Сўнг мен ишонч билан ўзим учун шундай деб қўшимча қилиб дедим: “Ҳаётимда рақибларнинг қаршилиги учун миннатдор бўлишни ўргандим”.

Ўша қийин кунда айнан шу сўхбат менга керак эди. Мен шу орқали ўзим илҳом олдим. Умид қиламанки, ҳеч бирингиз ҳеч қачон қаттиқ ҳукмга дуч келмайсиз ва бидъатчи деб аталмайсиз. Агар сиз аллақачон, буни бошдан кечирган бўлсангиз, бу қанчалик оғриқли эканини биласиз.

Лекин хафагарчилик, умидсизликда қочиш ва яшириниш ўрнига, мен ортимга қарашни ва Худонинг ўзгармас содиқлигини кўришни ўргандим. Ҳар сафар мен яна бир кунга бардош бера олмайман, деб ўйлаганимда У менга таянч бўлди. Мен дўстларимдан кўра, душманларимдан Худонинг содиқлиги ҳақида кўпроқ билиб олдим. Мен кўпроғини айтишим мумкин: мен ўзим ҳақимда дўстларимдан кўра, душманларимдан кўпроқ билиб олдим.

Дўстлар сизга бошпана беради. Бу яхши, лекин бу сизнинг ўсишингизга туртки бўлмаслиги мумкин. Дўстлар сизнинг ҳаёт бўронларидан ҳимояда бўлишингизни истайди, душманлар эса сизни ёғиб турган ёмғир остида қолдириш учун барча имкониятни ишга соладилар. Аммо, агар сиз ҳаётингизда, Худо сизнинг асосий паноҳингиз эканини билишни хоҳлайдиган босқичдан ўтаётган бўлсангиз-чи? Бундай вазиятда ким энг яхши ўстоз бўлади: рақибми ёки дўстми?

Рақиблар – бу ҳаёт ҳақиқати. Мен буни биламан. Кечирасиз, менга ҳам бу ёқмайди, лекин бу шундай. Лекин шунга қарамай, рақибларнинг мақсади бор. Рақибларсиз ҳаёт яратиш – бу уларнинг ҳаммасини бу ҳаётдан олиб ташлашни англатмайди.

Аниқроғи, агар биз Худонинг мақсадига мувофиқ тарзда даъват қилинган бўлсак, ҳамма нарса бизнинг манфаатимиз учун хизмат қилади. Ўзимизда кўпроқ ўсишни ва доноликни уйғотиш учун рақибларнинг кучидан фойдаланишимиз мумкин. Агар бу масалага тўғри қарасак, рақобатчилар бизнинг заиф томонларимизни ошкор қилиш ва кучли томонларимизни ривожлантиришга ундаш орқали, ўзгаришимизни тезлаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Улар бизнинг бор кучимизни ишга солишга ундайди ва ўзимизни ёлғиз ҳис қилганимизда юқорига қарашга мажбур қилади.

Эҳтимол, сиз: “Тўхтанг, сиз мени рақиби йўқ қиз эканимни, тенгсиз ваъданинг меросхўри, тенгсиз Худога сажда қилиш учун яратилган эканимни айтгандингиз”, деб ўйлаяпсиз.

Ҳаммаси тўғри. Сиз Худонинг назарида рақиби йўқ қизсиз. Сиз ўзингизни Яратувчингиз билан бўлган муносабат нуқтаи назаридан кўришингиз керак ва бу сизнинг бошқа одамлар билан муносабатларингиз учун асос бўлиши керак. Лекин рақибларингизнинг йўқлиги ва барча ваъдалар сизга курашсиз берилади деб ўйласангиз, бу жуда нодонлик бўлади. Исонинг “сиз дунёнинг нури” деган сўзлари (Матто 5:14) зулматнинг йўқлигини англатмайди. Сизнинг рақибларсиз қиз эканингиз, сиз рақибларингизни учратмаслигингизни англатмайди. Сизнинг нур эканингиз ҳам, сиз ҳеч қачон зулматни кўрмаслигингизни англатмайди.

Рақиб сўзининг ўзагидан уч хил сўз туркумини яратиш мумкин: от – рақиб, сифат – рақобатчи ва феъл – рақобат қилмоқ.

От сифатида рақиб сўзи маъносига кўра тенгдош, тенг ёки рақобат қилувчи маъноларини англатадиган енгил терминларни, ҳамда душман ёки ғаним маъноларини англатадиган салбий тушунчаларни ифодалайди.

Рақобатчи сифат сўзи, дўст билан рақобат қилишдан тортиб, омон қолиш учун душман билан курашгача бўлган маънодаги ҳамма нарсани тасвирлаши мумкин. Ниҳоят, рақобат қилмоқ феъли, бир қатор маъноларга эга. Бу сўз хотиржамлик (ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ ёки таққосламоқ) ҳамда ҳукмронлик (устун бўлмоқ,

қарши туриш ва юқорига кўтарилиш) маъноларини англатади.

Рақиблар бор. Гарчи сиз буни пайқамасангиз ҳам, ҳозир кимдир сизга рақиб сифатида қараётгани эҳтимоли бор. Аксарият одамлар ўзлари билмаган ҳолда бошқалар билан рақобатга киришадилар. Гап бу ерда спорт мусобақалари ёки академик танловлар, гўзаллик саралашлари, илмий тадқиқотлар ёки сайловлар ҳақида бормаяпти.

Ҳеч ким рақобатчиларга дуч келман деб ишга бормади ва албатта, ҳеч ким жамоатда рақобатчилар бўлишини хоҳламайди! Бироқ улар ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида пайдо бўлади, биз бошқаларнинг ўзимиз ҳақимиздаги бўлган фикрига таъсир қила олмаймиз. Кечирасиз. Ҳатто сиз ўзингизнинг номингиздан жамоатчилик билан алоқа қилиш учун, жамоатчилик билан муносабатлар бўйича энг яхши фирмани ёллаганингизда ҳам, сиз барибир уларнинг тасаввури билан бошқарилган бўлардингиз. Буни қанчалик тез қабул қилсангиз, шунча яхши бўлади. Яхши янгилик шуки, сизда бошқаларга қандай қарашингиз устидан тўлиқ назорат бор. Баъзан ўзига хос ҳолатлар содир бўлади. Бундай ҳолатларда сиз бошқаларга бўлган қарашингизни ўзгартириб, улардаги сизга бўлган қарашини тубдан ўзгартирасиз. Бу ҳақида кейинги бобда батафсилроқ гапираман. Рақибларнинг мақсадлари қандай бўлишидан қатъий назар, сиз ҳар доим рақобатни ўз фойдангизга айлантиришингиз мумкин. Сиз қилишингиз керак бўлган ягона нарса – бу назоратнинг иккита асосий жиҳатини эслаб қолишдир.

1. Бошқалар нима дейиши, ўйлаши, бажариши ва ҳис қилишини назорат қилмайсиз ва бу учун жавоб бермайсиз.
2. Сиз нима дейишингиз, ўйлашингиз, бажаришингиз ва ҳис қилишингизни назорат қиласиз ва бу учун жавоб берасиз.

Рақибларимиз биз *билан* нима қилишлари мумкинлигини

хаммамиз биламиз, лекин бу бобда мен рақибларимиз биз учун нима қилишлари мумкинлигини очиб беришни истайман.

## Рақиблар Худонинг кучини очади

Туғилганида яширилган, кейин шоҳнинг қизи томонидан қутқарилган ва фиръавннинг хонадонида тарбияланган Мусо, бошиданоқ қийин тақдирга эга эди. Худо унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бу барча шароитлардан фойдаланди. Лекин биз каби Мусо ҳам, тақдиримиз қулайлик даврида эмас, балки қаршилик даврида очилишини тушунди.

Мусо вазиятни ўзи қўлга олишга уриниб кўрганида, бу қийин йўл эканини билиб олди. У бу ҳаракати билан ўзини ўз халқидан ва ўзи билган ҳамма нарсадан ажратиб қўйди. Унинг саҳродаги ҳаёти, менга узоқ вақт давом этган кўчманчиликдан иборат ҳаёт бўлиб туюлади.

Мусо узоқ саҳрода қочқин бўлиб яшаётган пайтда, Худо унга кутилмаганда зоҳир бўлди. Бу ерда биз бир сабоқни кўрамиз. Агар сиз ўтмишда ниманидир бузган бўлсангиз, бу сизнинг келажакка йўлингизнинг ёпилганини англамайди. Мусо нима учун омон қолганини билди. Худо уни нимага даъват қилганини, нима қилишни ва ким бўлиши кераклигини билди, аммо унга қутқарувчининг характери етишмади. Худо Мусода, у саройда яшаган пайтда эриша олмаган, характеридаги сифатларни ривожлантириши керак эди. Худо бизни бир куни жамоа олдида қиладиган ишларимиз учун яширинча тайёрлайди. Мусо акаси Ҳорун, синглиси Мариам ва бутун Исроил халқининг олдига, бутунлай бошқа одам сифатида қайтган кун келди. Муддат битгандан кейин, Худо фиръавн билан учрашиш учун уни қутқарувчи ва хабарчи қилиб хизматга тайинлади.



**Мусо  
тақдиримиз  
қулайлик  
даврида  
эмас, балки  
қаршилик  
даврида  
очилишини  
тушунди.**

Худо Мусони рақиби олдига, яъни фиръавнга мажбуран олиб келиб, уни бу дунёнинг муҳим мансабига танийлаши керак эди. Худо Мусони фиръавн ҳузурига жўнатганда, фиръавн унга қулоқ солмаслигини айтди:

“Мен сенга айтган ҳамма амрларни аканга айтасан, аканг Аҳарон эса фиръавнга: “Исроил ўғилларини ўз ерингиздан қўйиб юборинг”, – дейди. Лекин Мен фиръавннинг юрагини тош қилиб қўяман ва Миср ерида кўплаб мўъжизаларимни ҳамда аломатларимни кўрсатаман. Фиръавн сизларга қулоқ солмайди. Ўшанда Мен қўлимни Миср устига чўзиб, Ўз қўшимини – Менинг халқим Исроил ўғилларини Миср еридан буюк ҳукмлар билан олиб чиқаман. Қўлимни Миср узра чўзиб, Исроил ўғилларини мисрликларнинг орасидан олиб чиққанимда, Мен – Раббий эканлигимни мисрликлар билиб оладилар” (Чиқиш 7:2-5).

Худо муваффақиятсизликка маҳкумдек туюлган вазифада аниқ мақсадни кўрди. Худди шу сабабга кўра фиръавн ўз фикрида қолди, бунинг эвазига Худо ер юзидаги халқлар олдида улуғланиши керак эди.

“Мен қўлимни чўзиб, сени ва сенинг халқингни ўлатга дучор қилишим мумкин эди, шунда сен ер юзидан қирилиб кетар эдинг, аммо сенда қудратимни кўрсатиш учун ва Менинг номим бутун заминга эълон қилиниши учун яшамоғинга изн бердим” (Чиқиш 9:15, 16).

Рақиблар Худонинг қудратини кўрсатди. Миср билан бўлган тўқнашув бутпарастлар орасида шакл ва номи бўлмаган Худого топинадиган, эзилган халқни ажратиб олиш ва кўтариш учун хизмат қилди. Худо ҳаётингизда Ўз кучини кўрсатиш, шунингдек сизни ва бошқа одамларни жабр-зулмдан озод қилиш учун ҳозир қандай ихтилофдан фойдаланаётган бўлиши мумкин? Тақдирингиздаги жангларга диққат билан қаранг, уларда рақибингизнинг тўхфасини кўраяпсизми?



Шоҳ Довудни ким улуғлади? Пайғамбарми, отасими ёки дўстими? Йўқ, унинг рақиби Гўлиёт.

Агар Довуд филистлик рақиб билан яккама-якка жанг қилмаганида, саҳрода номаълумлигича қолиб кетар эди. Ахир, у саккиз ака-ука орасида энг кенжаси бўлган. Довуд пайғамбар Шомуил томонидан мойланган бўлсада, у шоҳ бўлишдан аввал, бир қатор рақиблар билан тўқнаш келиши керак бўлган. Мойланиш ажратиб олади, Гўлиёт билан жанг эса ажратиб кўрсатади.

Филист жангчиси жанг майдонида олдинга чиққанида, гўё у Шоулни жангга чақирмоқчидек бўлди. Шоул Гўлиёт каби бўйи баланд бўлмасада, у исроилликлар орасида чемпион, моҳир жангчи эди. Муқаддас китобда Шоул бошқа исроилликларга қараганда бўйи баландроқ бўлгани ёзилган. Олимларнинг тахминига кўра, Шоулнинг бўйи 2 метр, Гўлиётнинг бўйи 3 метрга яқин бўлган.

Гўлиёт Шоулнинг олдида бир минорадек бўлиб турган. Шоҳ Шоул эса Довуднинг олдида бир минорадек бўлиб турган. Лекин Довуднинг бу камчилиги ўрнини унинг жасорати тўлдирди. Агар одамда жасорат бўлса, у дадил, қўрқмас ва журъатли бўлади. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Уэст-Пойнтдаги ҳарбий мактаб битирувчиларининг муваффақияти, имтиҳон натижалари ёки дарсни ўзлаштириши билан боғлиқ эмас, балки жасорат фазилати билан кўпроқ боғлиқ экан. Тадқиқот давомида ҳарбий мактаб ўқувчиларидан, 1 дан 5 гача бўлган ўлчамдаги шахсий жасорат даражасини аниқлайдиган, ўз-ўзини баҳолаш тестини топширишни таклиф қилишган. Ишончим комилки, Довуднинг бу имтиҳондаги натижаси бешдан юқори бўлган бўларди. Агар жасорат бўлмаса, қуролсиз шер ва айиққа қарши чиқиб бўлмайди. У жуда довурак бўлгани учун улкан жангчи билан жангда ғалаба қилишга шубҳа қилмади. Шоулнинг бўйи баланд бўлган, лекин ишончим комилки, у жасорат даражасига кўра Довуддан анча пастда бўлган. Шахсий жасоратсиз, афсонавий қаҳрамонга айланиш мумкин эмас. Яккама-якка жангда ғалаба қозониш, катта тарихий аҳамиятга эга эмас. Ҳаммани ҳайратда

қолдириш учун сезиларли даражада тенгсизлик бўлиши керак. Жангни кузатувчилар, жанг майдонидан қуйидаги сўзлар билан кетиши керак эди: “Мен бундай натижа бўлади деб ўйламаган эдим, лекин бу ажойиб бўлди”.

Довудга қарши қўйиш учун жуда кучли рақиб керак эди. Машҳур, лекин журъатсиз жангчи Шоулнинг машҳурлиги ва филист паҳлавони томонидан солинган даҳшат, Довудни тенгсиз жангчига айлантирди. Муаллиф Малкольм Гладуэлл ўзининг “Довуд ва Гўлиёт: заифроқ рақиблар, биринчиликни олишга кўпроқ имконияти бўлганларни қандай енгадилар” китобида шундай деб ёзади:

“Дунёда биз учун қимматли бўлган нарсаларнинг аксарияти, биз энгиб бўлмас вазиятларга дуч келганимизда, кучли ихтилофлар пайтида пайдо бўлади ва улар буюклик ва гўзалликка бурканади... Жамoadан ажралиб турадиган, бегонадек бўлган кишилар одамларни шу қадар ўзгартириши мумкинки, кўпинча биз тўғри баҳолашга қодир бўлмаймиз: у эшикларни очиши ва имкониятларни яратиши, билим бериши, ўргатиши ва ҳатто, ақл бовар қилмайдиган нарсаларни амалга ошириши мумкин”.

Енгилмас рақибга дуч келганингизда, сизда иккита танлов туради: итоат қилиш ва таслим бўлиш ёки ўрнингиздан туриш ва ичингизда бор бўлган ўша катта жасоратни чақириш. Довуд Шоул берган барча қурол аслаҳаларни ташлади ва ўз Худосини чақирди:

“Довуд эса филистинликка жавобан шундай деди: — Сен қилич, найза ва қалқон билан менга қарши чиқаяпсан. Мен эса сен ҳақоратлаган *Исроил қўшинининг Худоси, Қўшинлар Худовандининг номи билан сенга қарши чиқаяпман*. Ҳозир Раббий сени менинг қўлимга топширади ва мен сени ўлдириб, бошингни танангдан жудо қиламан. Сўнгра филистин қўшинининг жасадларини кўкдаги қушларга ва ердаги ҳайвонларга бераман. *Шунда Исроилда Худо борлигини бутун ер билиб олади*” (1-Шоҳлар 17:45, 46).

Гўлиёт нафақат Довуднинг тақдирида муҳим рол ўйнади, балки унинг ва барча филистликларнинг мағлубияти, бутун ер юзи Исроилда Худо борлигини кўрди. Довудга ўхшаб сиз ҳам, Худони улуғлашни хоҳлаётганингизни биламан. Бизнинг дунёда ҳали ҳам гўлиётлар бор. Улар бизни курашга чақиради ва Худоимизни ёмонлайди. Бу улкан рақиблар мактабда, ишда, жамоат жойларда, зўравонлар кўринишида ниқобланадилар. Биз тошлар остида яширинишни бас қилайлик, Худонинг Каломи билан олдинда югуриш вақти келди.

Масихни тирилтирган Худонинг Руҳи сизнинг вужудингизда яшаяпти. Рақиблар ўз шартлари асосида, сиз ўз кучингиз билан курашингизни истайди. Бунга рози бўлманг. Сиз бундан ҳам кучлироқ бўлишингиз керак. Биз ёмонлик билан курашганимизда, рақибларсиз болалар каби курашсак, яхши йўл тутган бўламиз. Ахир, биз буни ўз шарафимиз учун эмас, балки У учун қиламиз.

Гўлиёт Довудни машҳур қилди. Ижтимоий тармоқлар инсонни машҳур қилиши мумкин. Лекин машҳурлик уни шоҳ қилмади. Агар машҳурлик суистеъмол қилинса, у хизматкорларни кўтариш ўрнига, худбин диктаторларни тарбиялашга хизмат қилади. Худо Шоул каби Ўз халқини бошқарадиган, ўзига ишонмайдиган янги етакчини хоҳламаган эди. Худога сажда қиладиган ва Унинг кучини очиқ кўрсатадиган одам керак эди. Биз Худо олдида шоҳлар ва руҳонийлар бўлишга даъват қилинганмиз. Биз одамлар ичидаги машҳурликка эмас, балки Худога қасам ичамиз. Довуд Худодан, Шоул эса одамлардан кўрққан.


Машҳурликнинг тескари томони, машҳур одамнинг шогирдлари ва издошлари эмас, балки мухлислари кўпчиликни ташкил қилади. Ўта ишқибоз мухлислар доимий бўлмаслиги мумкин. Улар бугун сизни яхши кўради, эртага эса сиздан нафратланади. Шоҳ Довудга ишқибоз мухлислар керак бўлмаган. Унга ўз ҳаётларини қурбон қилишга тайёр эркаклар ва аёллар керак бўлган. Художўй шоҳларга доно маслаҳатчилар, содиқ қўшин ва садоқатли хизматкорлар керак. Бунинг ҳаммасига эга бўлиш учун Довуд

синовдан ўтиши керак эди. Худонинг ихтиёрида, Довуднинг тахтга чиқишига ёрдам бериш учун тайёрлаб қўйилган рақиб бор эди.

## Рақиблар тақдирингизни очади

Рақиблар сизни номаълумликдан олиб чиқиш ёки сизни машҳурликдан чиқариб юбориш қудратига эга. Яхши хабар шундаки, улар ҳаётингизда нима яратишини ўзингиз танлашингиз керак. Сизни рақиблар мағлуб қиладими ёки улар сизга ғалаба қилишингизга ёрдам берадими? Шунинг учун рақиб сизнинг тақдирингизни ҳам очиб бериши мумкин.

Довуд Худони ўғил ва чўпон сифатида таниб билди. У қўйлар суруви ичида туриб, яқин шарқ юлдузларининг ёрқин нурлари остида Худога сажда қилди. У чўпонлик қиладиган далада, қўйларни қутқариш учун шер ва айиқларни мағлуб қилди. Энди Довуд йиртқич ҳайвон томонидан ҳужумга учраш ва ўғирлаб кетилиш нимани англатишини билади. Ботир Довуд учун шоҳ Шоул, одамларнинг ҳузуридан Худонинг ҳузурига борадиган мукамал кўприк бўлди. Айнан ўша пайтда Довуд мойланиш олди ва унинг шоҳлик тақдири белгиланди.



**Сизни рақиблар  
мағлуб  
қиладими ёки  
улар ғалаба  
қилишингизга  
ёрдам  
берадими?**

Довуд ва Шоул ўртасидаги муносабатлар охирида тугаган тарзда бошланмади. Дастлаб Шоул Довудни яхши кўрди ва унинг ҳаётида Худонинг қўли борлигини тан олди. Шоул ўзини ҳимоясиз ҳис қилганда ва қийналганда уни ўзига яқинлаштирди. У шоҳлик масалаларида Довудга ишонди. Бу ҳақида Муқаддас китобда қандай ёзилганини кўриб чиқайлик.

“Шоул Довудни қаерга юбормасин, у доно ҳаракат қилар эди ва Шоул уни ҳарбий одамлар устидан бошлиқ қилиб қўйди. Бундан барча халқ ҳам, Шоулнинг хизматкорлари ҳам мамнун бўлишди” (1-Шоҳлар 18:5).

Шоулга Довуддан яхшироқ одам керак эмас эди. Уни ёмон руҳ қийнаганда, Довуд унинг қалбини тинчлантириш учун арфа чалди ва куйлади. Сиз бу воқеани эсласангиз керак.

“Довуд филистинликлар устидан ғалаба қозониб қайтаётганида, Исроилнинг ҳамма шаҳарларидан аёллар чилдирма ва торли мусиқа асбобларини чалиб, рақс ва қўшиқ билан подшоҳ Шоулни кутиб олгани чиқдилар. Рақсга тушиб куйлаётган аёллар: *“Шоул мингларни мағлуб қилди, Довуд эса ўн мингларни!”* — дер эдилар. Бундан Шоул жуда ғазабланди, чунки бу сўз унга ёқмади. У: *“Довудга ўн мингларни, менга эса мингларни бердилар! Унга фақат шоҳлик етишмайди!”* — деди. Ўша кундан бошлаб, Шоул Довудга шубҳа билан қарай бошлади” (1-Шоҳлар 18:6-9).

Гарчи улар шунчалик кўп душманларни ўлдирмаган бўлсалар ҳам, Шоул барибир бу ўхшатишдан хафа бўлди. Аёлларнинг қўшиғи унинг кўзини очгандай бўлди, сўнг у гапириш учун оғиз очди ва ўзининг ҳалокатини башорат қила бошлади. Аёллар бу қўшиқ билан уни масхара қилгандай туюлди, лекин бу унга умуман кулгили эмас эди. Унга бу қўшиқ оғир ботди. Шоулнинг итоатсизлиги учун пайғамбар уни шоҳликдан маҳрум бўлиши ҳақидаги айтган башоратига кўп йиллар ўтди. Шоҳлик Шоул қўлидан тортиб олиниши ва ундан кўра бошқа яхшироғига берилиши ҳақида Шомуил айтганига кўп йиллар ўтган эди (1-Шоҳлар 15:28 га қаранг). Бу қўшиқдан сўнг, Шоулнинг ҳаёти тамомила ўзгарди. У ўз ўрнига Довуд келишини тушунгандан сўнг, хавотирланишга тушди. Шоулнинг тинчгина кетиш нияти йўқ эди. Ўзингизга ишончингиз бўлмаса, ёмон таққослаш, дўстингизни бир зумда рақибга айлантиради. Шоул Довуднинг амалда исботланган кадр-қимматини кўрмайдиган бўлиб қолди. У Довудга хавф-хатар манбаи сифатида қарай бошлади ва бир кунда ҳаммаси ўзгарди.

“Эртаси куни Худодан бўлган ёвуз руҳ Шоулни қамраб олди ва у ўз уйида шайтонлади. Довуд эса бошқа кунлардагидек қўли билан киннор чалиб ўтирар, Шоулнинг қўлида найза бор эди” (1-Шоҳлар 18:10).

Ҳаммамиз учун фойдали эслатма... Худо Ўзининг мақсадига эришиш учун ҳамма имкониятни ишга солиши мумкин. Бу ҳолатда У ҳасадгўй шоҳ орқали азоб-уқубат воситасини юборади. Шу куни Довуд ҳар доимгидек арфа чалди, лекин бу сафар Шоулнинг қўлида бошқа нарса бор эди, чунки унинг қалбида ўзгаришлар содир бўлган эди.

“Эртаси куни Худодан бўлган ёвуз руҳ Шоулни қамраб олди ва у ўз уйида шайтонлади. Довуд эса бошқа кунлардагидек қўли билан киннор чалиб ўтирар, Шоулнинг қўлида найза бор эди. Шоул ўзича: “Довудни деворга қоқиб қўяман”, деб найзани унга қарата отди. Лекин Довуд икки марта ундан ўзини олиб қочди” (10-11-оятларга қаранг).

Қаранг, қандай зиддият. Шоул ўз саройида қўлидаги қуроли билан ғазабланиб юрган пайтда, Довуд сажда қилиш асбобида тинчгина мусиқа чалиб ўтирган эди. Бундан ҳам кучлироқ фарқни тасаввур қила оласизми? Ким уйида найза билан югуриб юради? Шоул ғор одами даражасига тушиб қолди.

Мен қиличлар мавзусида китоб ёзганим учун уйимнинг турли жойларида турли хил қиличлар бор, лекин камдан-кам ҳолларда улардан бирортасини қўлимга оламан. Ҳатто энг ёмон кунларимда ҳам, гормонларим кўтарилишидан ўзимни йўқотган пайтимда ҳам, бу қиличларнинг биронтасига тегишга журъат қила олмайман. Агар бирор нарса сизга босим ўтказса, сизда қўлингизга дуч келган нарсани улоқтириш истаги пайдо бўлади. (Мен ўз тажрибамга кўра айтаяпман). Довуд кеча жанг майдонида ёнма-ён турган ва унга орқасини ўгирган ўша одамдан қочиб яширинишга мажбур бўлди. Довуднинг энг яхши

томони, Шоулнинг энг ёмон томонига айланди ва тушкунлик, қўрқувга айланди.

*“Шоул Довуддан қўрқа бошлади, чунки Раббий у билан бирга эди, Шоулдан эса узоқлашди. Шунинг учун Шоул Довудни ўзидан узоқлаштирди ва уни мингбоши қилиб тайинлади. Шундай қилиб, Довуд халқнинг олдида кириб чиқадиган бўлди. Довуд барча ишларида доно ҳаракат қилар эди, чунки Раббий у билан бирга эди. Довуднинг жуда донолигини кўриб, Шоул ундан баттарроқ қўрқа бошлади”* (1-Шоҳлар 18:12-15).

Довуднинг ҳарбий муваффақиятлари шоҳ Шоулнинг ғалабалари ҳисобланиши керак эди. Лекин Шоул Довуднинг ютуқларига ўз бошқаруви остидаги шоҳлик мустаҳкамланаяпти деб эмас, балки ҳар бир жангда, ўз нуфузим пасаймоқда деб, қаради.

Шоул энди Довудга ўғли сифатида қарашни бас қилди, у билан улфатчилик, энди унга тасалли бермай қўйди. У Довудни ортиқ кўришни истамади. Аммо бу ҳам унга етарли бўлмади. Кўздан йўқотиш ва қалбдан юлиб ташлаш усули унга тўғри келмади. Шоҳ Шоул Довудни душманлар ўлдириб юборади деган умидда, уни жангнинг энг қизғин жойига жўнатди. Лекин бу ҳам Довуднинг фойдасига ҳал бўлди. Шоул уни қўмишга уринганда, Довуд тирилиб келди.

*“Шоул кўрди ва Раббий Довуд билан бирга эканлигини, қизи Михал ҳам уни севишини билиб олди. Шунинг учун Шоул Довуддан янада кўпроқ қўрқа бошлади ва умрининг охиригача унга душман бўлиб қолди”* (1-Шоҳлар 18:28, 29).

Қисқа вақт ичида Шоулнинг Довудга бўлган муносабати шубҳа ва қўрқувдан нафратга айланди. Шоул учун сеvimли ўғил, уруш қаҳрамони ва иттифоқчи деб билган Довуд, энди йўқолди. Энди Довуд қочқин ва жиноятчига айланди. У ҳеч қандай ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, у учун Шоул саройида марҳамат тугади. Воқеаларнинг бундай тўс олишидан хавотирга тушган Довуд, ўз

ҳаётини сақлаб қолиш учун шошилинч равишда саройни тарк этди.

Шоҳ саройидан қочиш, Довуд ҳаётидаги янги даврнинг бошланиши бўлди. У мукофотлар ва мавқе ўрнига, доимий равишда рад этилишга, шафқатсиз муносабатга ва саҳрода ўлим хавфига дучор бўлди. Баъзи олимлар бу давр саккиз йил давом этган деб тахмин қилишади. Бу йиллар давомидаги қувғинлар ва сарсон-саргардонлик Довудга, Худонинг қалбига ёқадиган шоҳ бўлиши учун ёрдам берди.

Шоул Довудни бир ғордан иккинчи ғорга қувадиган шафқатсиз бўри каби таъқиб қилди. У руҳонийлар Довудга ёрдам бергани учун, Шоул уларнинг ҳаммасини ва оилаларини ўлдирганини эшитганида, мотам тутди. Кўп йиллик душманлик ва рақобатчилик тўфайли Довуд ғорда ёки саройда бўлишидан қатъий назар, энг аввало художўйликни ривожлантириш кераклигини билди. Унинг ҳаётида иккинчи гўлиёт ҳам бор эди.

Сизга тушунтиришимга ижозат беринг. Агар Довуднинг отаси билан муносабатида муаммолари бўлган деб айтсак, хато қилмаган бўламиз. Ҳар сафар Довуд саҳрода Шоул билан гаплашганида, у унга баланд овозда “ота” деб гапирган. Бу ерда унинг умидсизлиги маълум бўлмоқда.

*“Эй, отам менинг! Қўлимдаги ридонгизнинг парчасига қаранг! Мен ридонгизнинг этагидан бир парча кесиб олдим, бироқ сизни ўлдирмадим. Менинг қўлимда ёмонлик ёки маккорлик йўқлигини ва мен сизга қарши гуноҳ қилмаганимни билиб олинг ва бунга ишонч ҳосил қилинг. Сиз эса менинг жонимни олиш учун мени излаяпсиз” (1-Шоҳлар 24:12).*

Довуд ва унинг отаси ўртасида бирон бир адоват бўлганлигини тахмин қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Лекин Довуд оилада саккизинчи фарзанд бўлганлиги сабабли, у етарлича эътиборга эга бўлмаган бўлиши мумкин. Эҳтимол, Довуд етти ака орасида етарлича эътибор олмаган. Бошқа ўғиллар каби Довуд ҳам, отасининг илтифотини қозонишга умид қилган. Лекин шунга



қарамай, отаси пайғамбар Шомуил Йешай ўғилларини мойлаш учун келганда, Довуднинг ортидан одам юборишни унутди.

“Шу тариқа, Йешай еттита ўғлини Шомуилнинг олдидан ўтказди. Аммо Шомуил Йешайга: “Раббий улардан биронтасини ҳам танламади”, — деди. Ниҳоят Шомуил Йешайдан: — Фарзандларингнинг ҳаммаси шу ердами? — деб сўради. Йешай эса жавоб бериб: — Яна энг кенжаси бор, қўй боқаяпти, — деди. Шунда Шомуил Йешайга: — Одам юбориб уни келтиргин. У бу ерга келмагунича, таом ейишга ўтирмаймиз, — деди” (1-Шоҳлар 16:10, 11).

Нима учун Шомуил Йешайдан яна ўғиллари бор ёки йўқлигини сўради. Ахир, Йешай пайғамбарнинг келиши билан Довудни чақиртириши керак эди. Афтидан, у Довудни танланиши мумкин бўлган номзодлардан бири сифатида кўрмаган. Агар пайғамбар Шомуил уйимизга келса, мен барча оила аъзоларимни тўплаш учун бор имкониятни ишга солган бўлардим. Мен уларга скайп ёки телефон орқали қўнғироқ қилардим ва зудлик билан уйга етиб келишларини сўрардим. Агар улардан кимдир бирон сабабга кўра кела олмаса, бунда фақат унинг ўзи жавобгар бўларди. Довуд отаси эътиборини қозониш учун, унда еттита рақиб, яъни акалари бўлган. Муқаддас Китобда Довуд билан унинг акалари ўртасидаги суҳбатларда илиқлик ва қўллаб-қувватлаш сезилмайди. Бундан ташқари, Довуднинг акалари уни мағрурликда айблайдилар, унинг ота уйидаги ролини пасайтириб кўрсатадилар ва уни манман ва нияти ёмон дейдилар (1-Шоҳлар 17:28 га қаранг).

Эҳтимол, айнан шунинг учун Довуднинг саноларини ўқиганимда, мен сўзларни эмас, балки қалбни эшитаман. Сатрлар ичра, кўп йиллик ёлғизлик ва азоб-уқубатлар натижасида тўпланган оғриқни кўраман. Довуд Шоулга ўзининг айбисизлигини доимо исботлаган бўлсада, қарама-қаршилик давом этаверган.

Кейинчалик ўғли Абсаломдан қочаётганда, Довуд шундай деб айтган:

“Ё, Раббий! Душманларим нақадар кўпайди. Кўплар менга қарши кўтарилмоқдалар. Кўплар менинг жоним ҳақида: “Унга Худода нажот йўқдир”, – демоқдалар. Селаҳ! Сен эса, ё, Раббий, менинг атрофимдаги қалқонимсан ва менинг шўҳратимсан. Сен менинг бошимни баланд кўтарасан. Овозим билан Раббийни чақираман ва У мени муқаддас тоғидан эшитади. Селаҳ! Мен ётаман, ухлайман ва уйғонаман, чунки Раббий мени қўриқлайди. Мени ҳар томонимдан ўраб олган ўн минглаб одамлардан қўрқмайман” (Сано 3:2-7).

Унинг душманлари қандай қилиб кўпайди? Бу яхши савол. Нима учун Худо уларни нобуд қилмади? Масалан, Худо уларнинг ҳаммасини қумли бўронда кўмиши мумкин эди. Довуд пайғамбар Шомуилдан уни шоҳ сифатида мойлашини сўрамади. Жасоратли Довудга, Худо учун жасоратли бўлишдан бошқа танлов қолмади. Худо унга ишониб топширган ишда содиқ бўлгани учун, у ўз шоҳининг ҳам содиқ жангчиси бўлди. Йўнатан фақат орзуларда бўладиган дўстга эга бўлди. Довуднинг хатти-ҳаракати бенуқсон эди. Шунга қарамасдан, унинг бутун ҳаёти давомида душманлари кўпайиб борди. Нима учун?

Биз бунинг сабабини аниқлаб олишни истаймиз. Агар бунинг сабаби бўлса, унда унинг муаммолари тушунарли бўлади. Лекин афтидан, бунинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

Довуд шу сўзлар билан яшади ва уларни башорат қилди. Унинг кураши бошқа бир кишининг ҳаётидаги жангларни кўрсатади. У келажакни, яъни Исо билан нима содир бўлишини кўрсатади. Нима учун унинг ҳаётида душманлари кўпайганига ҳайрон бўламиз? Янги Аҳддаги Петруснинг сўзларини ўқиймиз.

“Севганларим! Сизларни васваса қилиш учун бошингизга тушаётган алангали синовни ғалати воқеа деб ҳайрон бўлманглар. Аксинча, Масихнинг азобларига шерик бўлаётганингиз учун қувонинглар. Унинг шўҳрати зоҳир бўлганида, сизлар янада кўпроқ қувониб, тантана қиласизлар” (1-Петрус 4:12, 13).

Ташқи босим ички ўзгаришларни келтириб чиқаради. Рақиблар, Худо биз учун тайёрлаган тақдирни кўрсатади. Худонинг улўворлиги ҳаётимизда кўпайиши учун биз пасаямиз. Рақиб кўринишидаги совға – бу дарслар, покланиш ва машғулотнинг бир қисмидир.

Инсон табиати қийинчиликлардан қочишга интилади. Аммо биз азоб чекканимизда, нафақат Исонинг дардига шерик бўламиз, балки Унинг улўворлигини ҳам баҳам кўрамиз, чунки шу орқали У бизни тақдиримизни очиб беради.

### **Рақиблар қалбимизни асрашга мажбур қилади**

Ичимизда тошга айланган қалбимиз синганида, унинг ўрнига юмшоқ қалб туғилади. Сиз бемаъни рақобатга дучор бўлганингизда, қалбингиз худди ҳалокатли зарба егандек, оғриқни бошдан кечиради. Ичингизда ва мақсадларингизда шубҳа остига қўйган саволларингиз сизга ҳужум қилади. Сиз шундай деб ўйлайсиз: “Балки менда бирон айб ёки муаммо бордир? Худованд, қаердасан? Нима учун бу мен билан содир бўлди? Нима учун бу тугамаяпти?” Кўпинча, саволларимизга оладиган ягона жавоб, бу сукунат. Худо ҳақиқатан ҳам бизни эшитаётганига шубҳалана бошлаймиз. Энди тушуниб етдим, агар У сукут сақласа, бу фақат бир муддат тўхташни англатади. Саҳна тез орада ўзгаради, қаҳрамонлар ўз жойларини эгаллайди. Дадил бўлинг. Ҳаётингизда янги давр бошланаяпти. Ўзингизни эгаллаб турган ўрнингиз билан ўлчаш ўрнига, У сизни аллақачон нималардан олиб ўтганини эсланг.

Биз сукутда қулоқ солганимизда, ўзгаришларга тайёр бўламиз. Биз Худо айтганларига ишонамизми ёки рақибларимиз, айбловчиларимиз нима дейишига қулоқ соламизми? Бизда яхши ишни бошлаган Худо, бу ишини тугатиш учун охирига қадар содиқ бўлади. Биз ҳужумлар қалбимизни тошга айланишига имкон берамизми ёки Худо қалбимизни шифолашига рухсат берамизми?

Биз душман сўзларига эътибор қаратамизми ёки Яратувчининг сўзларигами?

“Ўғлим, сўзларимга диққат қил, гапларимга қулоқ тут. Улар сенинг кўзларингдан йироқлашмасин, уларни юрагингнинг ичида сақла, чунки уларни топганлар учун улар ҳаётдир ва бутун таналарига соғлиқдир. Асраладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ юрагингни хазинадек асра, чунки ҳаёт булоқлари ундандир” (Ҳикматлар 4:20-23, замонавий таржима).



**Биз ҳужумлар  
қалбимизни  
тошга  
айланишига  
имкон  
берамизми  
ёки Худо  
қалбимизни  
шифолашига  
рухсат  
берамизми?**

Бошқаларга қараманг. Улар нима деяётганига қулоқ солманг. Ўзингизнинг ҳозирги ҳолатингизни уларнинг ҳаёти билан солиштирманг. Қалбингизни асранг, сиз бир пайтлар олган ҳар бир ваъдани асранг. Улар сизнинг қалбингиз омборида сақлансин. Барча тўсиқларни олиб ташланг, ўзингизда Худо овозига мослашиш қобилиятини ривожлантиринг. Агар сиз билан гаплашишни истамаганда, У сиздан бу ҳақида сўрамаган бўларди. Унинг овози сизни қалбингизни асрайди.

Ҳаётда жуда кўп тўсиқлар бор. Худодан келадиган, сиз орзу қилган муқамал ва тенгсиз ҳаётга оддий усуллар билан эришиш мумкин эмас. Бу учун кўплаб чалғитувчи овозлар ва нарсалар орасида диққат-эътиборни сақлаш талаб қилинади. Агар биз қаттиқ қаршилиқ кўрсатмасак, улар бизнинг эътиборимизни бошқа томонга тортиб кетади. Масиҳнинг хабари – бизнинг эътиборимиз марказида бўлиши керак. Яратувчимизнинг сўзи ҳаётимизда ёзилган нарсаларни амалга ошириш кучига эга. Ҳаёт манбаи қалбимизга ва танамизга озуқа беради ва бизни соғлиқ, мақсад ва куч билан таъминлайди. Рақибларга эмас, балки Каломга асосланган ҳаёт, душманнинг ҳаракатларига қарши

туради. Биз нафақат дон уруғи каби бўлган Худонинг Каломига эътиборимизни жамлашимиз, балки қалбимиз бўлган боғни ҳам қўриқлашимиз керак.

*Асраб сақланган қалб билан зиндонга қамалган қалб* ўртасида катта фарқ бор. Биринчи ҳолатда қалб катта қийматга эга ҳисобланади, иккинчисида эса у қулфланган қалбга ўхшайди.

Кўпчилик одамлар қалбларига шифо бериш вақти келганини ҳис қилмагунча, қалбларини сақлаб қолиш умидида, бағритош бўлиб яшайдилар. Авваллари мен бу усулдан кўп фойдаланар эдим. Дастлаб енгил тортиш ҳисси, сезиларли даражада катта эди. Мени хафа қилган одамлар мен муносабат қиладиган даврдан ғойиб бўлардилар. Мен қалбимнинг эшигини шунчалик тез-тез ёпардимки, натижада, у маҳкам қулфланиб қолган эди. Мен уни қаттиқ ёпар эдим ва бир куни у менинг маҳбусимга айланди. Энди мен ўзимни оғриққа чидамли деб ўйладим, лекин кутилмаганда, мен учун қувонч бутунлай сўниб қолганини тушундим. Асраб сақланган қалб қамоқда эмас, балки ишончли ҳимояда бўлади. Агар сиз қалбингизни қулфлаган бўлсангиз, ибодат учун вақт топинг. Худодан қалбингизни, тошдек қаттиқ қамоқдан озод қилишини, шунингдек қувонч ва оғриқни ҳис қилишга қодир янги қалб беришини сўранг.

Бу осон эмаслигини биламан, лекин кўз ёшларингиз ўзингизда қолсин. Улар қалбингизни намласин ва юмшатсин. Ўз оғриғингизни гиёҳванд моддалар ёки спиртли ичимликлар билан бостиришнинг кераги йўқ. Улар фақат ҳиссиётларингизни бузади ва сизнинг қулашингизга сабаб бўлади. Қасос олиш ҳақидаги фикрлар билан онгингизни хиралаштирманг.

Уларни қайта ва қайта эслашни тўхтатинг, ҳар сафар сизга йиғи келганда, ўтиринг ва йиғланг. Ёлғиз қолинг, оғриқ бор кучи билан ҳужум қилишига руҳсат беринг. Тинчланганингизда, юзингизни осмонга қаратинг ва Худога нола қилинг. Довуд сингари ҳар куни Худога қалбингизни тўкиб солинг. Яратувчига ўз ташишларингизни ва рақибларингизни топширинг.

Келинг, Довуд Худога қандай илтижо қилгани ҳақида ўқийлик.

“Менга қувонч ва шодликни эшиттиргин, токи Сен шикастлаган суюқларим қувонсинлар. Менинг гуноҳларимдан юзингни яширгин ва бетавфиқликларимнинг барчасини ўчириб юборгин. Ё, Худо, менда тоза юрак яратгин ва менинг ичимда тўғри руҳни янгилагин. Мени юзинг олдидан рад қилма ва мендан Ўз Муқаддас Руҳингни тортиб олмагин. Менга нажотингнинг қувончини қайтаргин ва ҳукмрон Руҳинг билан мени мустаҳкамлагин” (Сано 50:10-14).

Қотиб қолган асир қалб эшитмай қўяди, қуриб қолган суюқлар жавоб бера олмайди. Бошқаларни ҳукм қиладиганлар, доимо ўз гуноҳининг юки остида юради. Фақат ёлғиз Худо қалбларимизни ҳар қандай кирлардан тозалаш ва тўғирлаши мумкин, шунда биз Унинг ҳузурига кўтарила оламиз.

Қотиб қолган қалблар Худонинг ҳузурига бардош бера олмайдилар. Улар ўзларини ажратиб қўядилар ёки шифо йўлида юришни танлаганларнинг дарди устидан куладиган, масхарачилар билан бирга қоладилар. Мен яна бир марта огоҳлантирмоқчиман. Кўпчилик одамлар бу ёндашувни қўллашни бошлайдилар, сўнг улар ўз қалбларини асрамаганликларини, уларни қамоқда сақлаганликларини англашади. Ачиниш ва ҳамдардлик йўқ бўлади, уларнинг ўрнига шафқатсизлик ва бефарқлик келади.

Қалбни асраш билан уни ёпиш ўртасида катта фарқ бор. Агар у бўшаб қолган ва қотиб қолган бўлса, демак, қўшиқ куйлаш пайти келган ҳисобланади. Шоулнинг азоб ва қийноқлари йўқолмаган, шунинг учун Довуд унинг азобини ҳайдаш учун, Худога қўшиқ куйлаган. Атрофимизда янграйдиган қўшиқлар ниманидир узоқликда сақлайди. Лекин қўшиқ ичимизда янграса, ўзига хос нарса содир бўлади. Биз шунчаки қулоқ солмасдан, ўзимиз қўшиқ айтганимизда, Яратувчи билан алоқа ўрнатади.

Шоҳ Шоулда шошиб гапириш ва шошиб ҳаракат қилиш одати бўлган. Унинг қалбидаги безовталиқ унинг ҳаракатларида юзага

чиққан. Довуд қалбини тинчлантиришни қандай ўрганган бўлса, биз ҳам ўз қалбимизни тинчлантиришни шундай ўрганишимиз керак.

“Мен она кўксидан ажратилган боладек ўзимни кўниктириб тинчлантирар эдим. Менинг жоним – она кўксидан ажратилган бола каби эди” (Сано 130:2).

Сизга очиғини айтсам майлими? Боладек қалбимни тинчлантириш ўрнига, мен ўзимча йўл тутишга мойилман. Бундан бир неча ўн йиллар олдин, биз учинчи санодаги сўзларни қўшиқ қилиб куйлаган эдик. Мен бола каби йиғлагандим. Уйда шу қўшиққа рақсга тушишни яхши кўришимни ҳамма биларди. Мен қайсидир маънода, Довуднинг ҳис-туйғулари билан уйғунлашганимни ҳис қилардим, лекин менинг кўз ёшларим сабаблари, унинг азоб-уқубатларидан анча енгил эди. Ҳа, баъзан улар жуда катта туюларди. Улар менинг қалбимга чуқур кириб борганига ва уни тўлиқ эгаллаб олганига ишончим комил эди.

Ўтмишга назар ташлар эканман, менинг азоб-уқубатларим жуда кичик ва арзимас бўлганлигини тушунаман. Эътиборнинг етишмаслиги, ёмон сўзлар ёки эрим билан келишмовчилик, мен учун азоб-уқубат бўлиб туюлган. Бундай кичик азоб-уқубатлар учун ҳамма нарсани беришга тайёр бўлган кўплаб одамларни учратаман. Баъзи мамлакатларда ўз имони учун, ҳар куни ҳаёти хавф остида бўлган жасур аёлларни кўраман. Қаерга бормай, фарзандларини боқиш учун тинмай меҳнат қилаётган кучли оналарни учратаман. Ўз қариндошлари қулликка сотганларнинг, калтакланиши ва зўрланишлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мен сизнинг оғриғингизни камайтириб кўрсатмаяпман. Мен унинг ҳақиқийлигини биламан. Лекин Худо ҳатто, энг ёмон вазиятни ҳам яхши томонга ўзгартириши ҳақидаги ваҳийга эга бўлганимизда, унда Юсуф каби биз ҳам шундай дейишимиз мумкин:

“Сизлар менга қарши зулм қилишни ўйладинглар, аммо Худо ҳозирги ишларни амалга ошириш учун – кўплаб одамларнинг

жонини сақлаб қолиш учун буни яхшиликка ўғирди”  
(Ибтидо 50:20).

Агар сиз рақибларингизга ўзгача тарзда қарасангиз, Худо сизни оғриқдан халос қилади. Сценарийчи Эдмонд Берк бу боғлиқликни қуйидаги йўл билан етказди: “Ким биз билан курашса, ўша киши асабларимизни мустаҳкамлайди ва маҳоратларимизни чархлайди. Бизнинг рақибимиз – бу бизнинг қўмакчимиздир”.

Одамлар қаршисида эшикларни ёпиш – бу ўз келажагингиз учун эшикларни ёпиш эканини тушундим. Ҳар сафар ўзимизни атрофдагилардан ажратиб қўйишга уринганимизда, биз ўзимизни қамаб қўйиш хавфи остига қўямиз. Қалбни очиш, эшикларни очади ва бошқаларни очилган қучоқларга олиб келади. Худо Исони ҳеч ким ҳалок бўлмаслиги учун юборган. Ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилиш ўрнига, қалбингиз устида тиришқоқлик билан меҳнат қилинг, уни яхши асранг.

Кўп одамлар етакчи бўлишни истайдилар, аммо таъсир доираси – бу икки томони ўткир дудама қиличдир. Атрофингизда доим сизни севадиган, лекин сизни билмайдиган одамлар бўлади. Сиздан нафратланадиган ва сизни билмайдиган одамлар ҳам, ҳар доим бўлади. Бу томошабинлардир. Улар рақиблар эмас, лекин ўзгаришларни кузатадилар. Мусо фиръавн билан бирга ўсган. Довуд Шоулнинг ўғли каби бўлган (Гўлиёт унинг ҳаётида улкан паҳлавонлардан бири бўлган). Кўп ҳолларда рақиб – бу сизни бир пайтлар яхши билган киши ҳисобланади. Довуд рақибни қуйидаги тарзда тасвирлаган:

“Унинг орасида ҳалокат, зўравонлик ва айёрлик уларнинг кўчаларидан йироқлашмайди. Зеро мени душман ҳақорат қилаётган эмас, мен бунга чидар эдим; мендан нафратланадиган киши менинг устимдан юксалаётган эмас, мен ундан яширинган бўлар эдим; лекин сен, менга тенг бўлган киши, менинг дўстим ва яқиним!” (Сано 54:12-14).



Душман ўзини дўст қилиб кўрсатганда, буни “сохта дўстлик” деб аташ мумкин. Бошқача айтганда, бу рақибдир. Ҳақиқий дўстни сохта дўстдан ажрата билиш учун қобилият керак, аммо кўпинча, бизнинг рақибларимиз бизни ҳақиқий қилади. Бизга бирор нарса ёқмаса, ғазабланамиз, лекин ҳамма нарсани Худога топшириш мумкин. Худо бизни поклаш, ўзгартириш йўлида, рақибни ишлатаётгани учун Ундан миннатдор бўлишимиз ёки нолишимиз мумкин. Биз шикоят қилишимиз ёки ибодат ва ҳамду-сано айтишимиз мумкин. Танлов бизнинг қўлимизда, бирорта рақиб буни сиздан тортиб олишга қодир эмас.

### **Мулоҳаза юритиш учун саволлар**

1. Рақиб сизнинг устозингизга айланган вазиятларни эслайсизми?
2. Рақиб ҳаётингизда нималарни ошкор қилган?
3. Қайси соҳаларда сиз жасоратлисиз?
4. Қайси соҳаларда сизга жасорат етишмайди?
5. Ишқибозлар ва эргашувчилар ўртасидаги учта фарқни айта оласизми?
6. Сиз бирор марта қўлингизга найза олиб уйингизда чопганми-сиз? Сиз бундан қандай халос бўлишингиз мумкин эди?
7. Қалбингизни темир қафасга қамаб қўймасдан, уни қандай асраш мумкин?



## Рақобатдан ташқаридаги жинс

“Одамлар ўз териси рангги каби, ўзгартира олмайдиган нарсалар учун камситилганда, ирқчиликни қабул қила олмайман. Одамлар яна ўз жинси каби, ўзгартира олмайдиган нарсалар учун жазоланганда, бундай ўтакетган ноҳақликни қабул қилиб бўлмайди”.

АРХИЕПИСКОП ДЕСМОНД ТУТУ

Мен ёлғиз қолганимда Худога айтадиган шахсий ибодатларим бор. Кўпинча мен меҳмонхонада ёки машинада хилват жой топаман. Кўпчилик мен машинада ўтирганимда, жуда ғайриоддий тарзда ибодат қилишимни билади. Ҳамду-сано мусиқасидан яхшироқ ҳеч нарса йўқ, чунки мен унга бутунлай берилиб кетаман. Бир неча йил олдин ҳаётим шиддат билан айланарди. Баъзан мен олдинга бораяпманми ёки орқага қайтаяпманми, билмасдим. Менинг “Арслоннинг уйғониши” номли китобим кузда, Иорданияда бўлган пайтимда нашр этилди. Йил ўз якунига яқинлашаётган эди. Менинг шахсий ибодатим ўша пайтда қуйидагидан иборат эди:

Самовий Ота, ишончим комилки, мен “Арслоннинг уйғониши”

китобини нашр эттирганимни биласан. У аллақачон бешта тилда чоп этилди, лекин мен бу Сенинг ироданг билан амалга ошганлигини билишни хоҳлардим. Мен Сени хабардор қилиш учун ибодат қилаётганимни биламан, аммо Сен вақтга боғлиқ эмаслигингни ҳам биламан, шунинг учун бунинг барчаси ортида Сен турганлигингни тасдиғини олишни истар эдим. Исонинг номи билан омин.

Ҳа, ғалати, лекин бу шундай бўлди. Мен қалбимни фикрлардан бўшатиш ва уларни Унинг қўлига топшириш кераклигини билар эдим.

Мен сўраган тасдиқ ўзини кўп куттирмади. Ўша куни кечқурун соат саккизлар атрофида, кутилмаганда кенжа ўғлимнинг мактаб учун кўргазмали қурол лойиҳасини яшашда ёрдам беришимга тўғри келди. Мен нимадан фойдаланишим мумкинлигини билиш учун, акаларининг мактаб учун кўргазмали қурол лойиҳаларини излаб топдим. Лекин кенжа ўғлим унга махсус плакат кераклигини айтди. Шунда мен унинг акаларига лойиҳани тугатишга ёрдам беришлари учун пул билан рағбатлантиришга қарор қилдим.

Уйда тўлиқ тартибсизлик ҳукмрон эди. Ҳамма жойда журналлардан қирқиб олинган парчалар, маркерлар ва қоғозлар ётарди. Битта акаси Арденнинг айтиб турганларини эшитиб ёзар эди, бошқаси плакатга ёпиштириладиган расмларни қирқиб оларди. Мен ҳамма қисмларни тақсимлаш керак бўлган доскани олиб келдим. Шу пайти телефон жиринглади. Бу Жон эди. Унинг телефондаги овозига кўра у жуда ҳаяжонланган эди. Мен уни диққат билан тингладим. У мен албатта, гаплашишим керак бўлган бир одам билан танишганини айтди. Эримда мени нотаниш одамлар билан телефон орқали боғлаш одати бор. Бу қандай содир бўлишини аниқ билмайман. Лекин бу ҳолат тез-тез содир бўлиб туради. Бу одамларга мен билан гаплашиш умуман қизиқ бўлмаслиги мумкин, лекин негадир Жон мен улар билан албатта, гаплашишим керак деб ўйлайди. Бошида мен қаршилиқ кўрсатардим. Лекин энди кўп йиллар ўтиб, мен буни иложсиз қабул қиламан. Донолар учун эслатиб қўймоқчиман: агар сизнинг эрингиз ўн йилдан кўпроқ вақт давомида бирор одатини ўзгартирмаса, сиз унинг бу одатини индамай қабул қилишга қарор

қилишингиз керак. Шундай қилиб, эримда мени нотаниш одамлар билан телефон орқали боғлаш одати бор эди. Ўша куни кечқурун мен норозилик билдирдим.

- Жон, мен ҳозир нотаниш одамлар билан гаплашишга вақтим йўқ. Мен Арденга мактаб лойиҳасини тайёрлашга ёрдам бераяпман.

- Ҳеч қиси йўқ, у билан ҳозирнинг ўзида гаплашишнинг шарт эмас. У ҳарбий зобит, у ҳозир банд, шунинг учун мен унга сенинг телефон рақамингни бердим. У бугун телефон қилиб қолса, жавоб бер. Майли, хайр азизим!

Мен бирор нарса деб эътироз билдиришимдан аввал, у телефон гўшагини ўчириб қўйди.

Биз лойиҳа устида ишлашни давом эттирдик. Тахминан бир соатдан сўнг телефон жириглади. Мен энг хорғин овозда жавоб беришга қарор қилдим.

- Ассалом алайкум, деб чўзиб саломлашдим.

Телефон қилаётган кишининг овозида саросималик пайдо бўлди.

- Бу Лиза Биверми?

- Ҳа...

- Лиза, бугун йиғилишда сизнинг эрингиз менга “Арслоннинг уйғониши” номли китобингизни кўрсатди. У шерлар энг яхши йиртқич ҳайвонлар эканини, урғочи арслонлар эса энг яхши овчилар эканини айтди.

Мен у аниқ, шундай деб айтган бўлиши мумкинлигини ўйладим. У фақатгина шуни билади, чунки мен бу ҳақида унга ўзим айтганман... Китобни у ҳали ўқиб чиқманига ишончим комил. Сўнг суҳбатдошим шундай деди: “У ҳақиқатан ҳам тўғри айтди. Ҳақиқий урғочи арслонлар – энг яхши овчилар ҳисобланади”.

Мен унинг нимага ишора қилаётганлигини тушунмадим. Нега у менга телефон қиляпти ва эримнинг айтганларини айтаяпти, бу китобни ёзганим учун, ўзим яхши биладиган нарса ҳақида менга маълум қиляпти? Тез орада бунинг жавоби аён бўлди.

- Лиза, биз Афғонистондаги урушда ғалаба қила олмаслигимизни биласизми?

Мен унга ниманидир ғўлдираб жавоб бердим. Мен Колорадо-Спрингсда яшайман. Шунинг учун уйга қайтаётганимда аэропортда кўплаб эркакларнинг ҳарбий хизматдан уйга учиб келаётганларини кўраман.

- Биз бу урушда ғолиб бўла олмаслигимиз сабабини билишни истайсизми?

- Албатта, - деб жавоб бердим мен.

- Биз афғонларнинг аёллари билан мулоқот қилаолмаймиз, деди у. Аёллар билан мулоқот бўлмаганда, уларнинг маданиятини ўзгартириб бўлмайди. Агар маданиятни ўзгартириб бўлмаса, урушда ғалаба қилиш мумкин эмас. Мен диққат билан уни қулоқ сола бошладим.

- Мен ҳарбий базада нима қилаётганимни сизга тушунтираман. Мен тезкор ходимлар билан ишлайман. Хавф-хатар кучайганлиги сабабли, биз биринчи навбатда махсус хизмат отрядлари билан ишлаганмиз. Аммо энди биз у ерга аёллар отрядларини ҳам жўнатамиз. Улар афғон аёлларига овоз ҳуқуқи ва қадр-қиммати борлигини айтадилар. Улар демократия бу аёлларнинг ўғиллари ва қизларига қандай хизмат қилиши мумкинлигини тушунтирадилар. Улар афғон аёлларининг тиббий эҳтиёжларига хизмат қиладилар ва фарзанд кўришларига ёрдам берадилар. Сиз бу аёлларнинг махсус отряди нима деб аталашини биласизми?

Мен бунга билмаслигимни унга айтдим.

- Улар “Арслонлар отряди” деб аталади ва тез орада улар ўз хизмат жойларига жўнаб кетадилар. Уларнинг ҳар бирига сизнинг китобингиздан бир нусха берсам майлими? – деб сўради у.

- Албатта.

Бу аёллар қўллаб-қувватлашга лойиқ, чунки улар бошқа аёллар қалбига йўл топа олади ва уларга янги умид берадилар. Уларнинг фарзандлари учун фақат уруш ва очлиқдан ташқари, бошқа нарсалар ҳам борлигини кўрсатадилар. Бу арслонлар фақат ҳарбий буйруқни

бажармаётганликларини, балки абадийлик билан муҳим бўлган вазифани бажараётганликларини, яъни ажратиб қўйилган ва ўз жинси туфайли эътиборсиз қолдирилган опа-сингилларига, шифо ва ҳаёт бериш вазифасини бажараётганликларини тушунишлари керак. Ҳарбий эркакларга афғон аёллар билан гаплашиш таъқиқланган, лекин ҳарбий аёлларга буни бажариш буйруғи берилган.

Биз хайрлашганимизда, мен аёлларнинг аралашувисиз ғалаба қозониш мумкин эмаслигини яна бир марта тушуниб етдим.

Агар Америка Қўшма Штатлари армиясида, аёлларнинг аралашувисиз мамлакат жанг қила олишини, лекин ғалабага эриша олмаслигини тушунган бўлса, Жамоат ўз қизларининг нафақат жанг қилиши, балки ғалаба қозониши учун ҳам, эркаклар билан бирга туриш учун уларни тайёрлаши керак эмасми?

Гендер рақобати ҳам эркаклар ва ҳам аёллар орасида борлиги маълум, лекин кўпинча аёллар камситилади. Ўттиз йилдан кўпроқ вақт давомида мен гендер рақобатидан яраланган аёлларни қалбимда сақлаб келаман. Мен у ёки бу тарзда ушбу муаммони муҳокама қилмасдан туриб, китоб ёза олмайман. Кўп жабҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилган, лекин ҳар ҳафта никоҳда, оилада, ишда ёки жамоатда азоб чекаётган аёлларнинг воқеаларини эшитаман. Мен доимий равишда аёлларга нисбатан нафратга тўла шарҳларни ўқийман. Шу билан бирга, одам савдоси, гендерцид ва порнография муаммолари ҳам бор.

Афсуски, хушxabаримизда гендерликка доир нотўғри қарашлар таъсири ҳали ҳам мавжуд, гўёки биз бу хурофотдан эркакларга тўлиқ оқланиш ва озодликни тарқатиш, аёлларга эса муайян миқдорда ўлчаб бериш йўсинида фойдаланамиз.

## **Диндор йўлбошчиларнинг таҳдиди**

Мен Жамоат энди туғилган, Исонинг туғилишидан сўнг яшаётган ва ўсаётган ҳамда ўғил ва қизларга Худонинг руҳи ёғилган пайтдан бошлаб, гендерликка доир нотўғри қарашлар

мавзусини муҳокама қилишни истайман. Исо Масихнинг тирилишини эълон қилишганда, Хушxabар ҳам сўз билан, ҳам амалда тарқалган. Ҳавотирга тушган маъбад йўлбошчилари бу кучли ҳаракатни босишга ҳаракат қилишган. Улар қирқ йил шол бўлиб юрган одам шифо топганда, халқни тинчлантириш учун Петрус ва Юҳаннони ҳибсга олганлар.

“Шундай қилиб, улар икковини чақирдилар ва: *“Исонинг номи билан умуман гапирмайсизлар ва таълим бермайсизлар”*, деб буйруқ бердилар” (Ҳаворийлар 4:18).

Бу вазиятда ўша даврдаги бош руҳонийлар уларни чақирдилар ва айнан улар Петрус ва Юҳаннони қаттиқ огоҳлантирдилар. Одамнинг шифо топиши, Исонинг номи билан амалга оширилгани мўъжиза эди. Бу Масих, яъни тирилган Нажоткор ҳақида ваъз қилиш учун кенг имконият очиб берди. Яҳудий йўлбошчилари мушкул вазиятда қолдилар, чунки шол одамнинг шифо топганини инкор қилишнинг иложи бўлмади. Улар ўзаро шундай деб муҳокама қилдилар:

“Бу одамларни нима қилишимиз керак? Чунки улар томонидан аниқ мўъжиза қилингани ҳақида барча Йерусалимда яшовчиларга маълум бўлди. Бизлар эса буни рад қила олмаймиз. Лекин халқ орасида бу янада кўпроқ ёйилмаслиги учун *уларга таҳдид билан ман этамиз*, токи бу ном ҳақида ҳеч кимга айтмасинлар”, - дедилар” (Ҳаворийлар 4:16, 17).

Бу иккита шогирдларга қилинган таҳдидлар натижа бермаганини ҳаммамиз биламиз. Бундан ташқари, бу таҳдидлар тескари таъсир кўрсатган ва ҳаворийларнинг қатъиятини кучайтирган.

“Петрус ва Юҳанно эса уларга шундай жавоб қайтардилар: *“Худодан кўра сизларга итоат этсак, Худонинг назарида тўғри бўладими? Ўзларингиз хулоса чиқараверинглар. Биз эса кўрганларимиз ва эшитганларимиз тўғрисида гапирмасдан тура олмаймиз”* (Ҳаворийлар 4:19, 20).



Петрус ва Юҳанно диний йўлбошчиларнинг ўзлари хоҳлаганча баҳслашиши мумкинлиги, лекин бу ҳаворийларни тўхтатмаслиги ҳақида қарор қилишди. Улар бу йўлбошчиларни фикридан қайтаришга ҳарақат қилишса, вақтни беҳуда йўқотишларини тушуниб етишди. Уларда ҳақиқат деб билган нарсаларни ўргатиш ва таълим беришдан бошқа танлов қолмади. Бу эркаклар сукут сақлаш итоатсизлик билан тенг эканлигини тушуниб олдилар.

Бу таҳдидлар бугун ҳам қулоқларимизда янграйди. Бугунги кунда улар бошқа одамларнинг оғзидан чиқади. Бугунги кундаги вазият, диний йўлбошчилар жалилалик ўқимаган балиқчиларга ваъз қилишни таъқиқлаган пайтдаги вазиятдан фарқ қилади. Бугунги кунда таҳдидлар дунёни остин-устун қилишга интилаётган маданий ҳужумда намоён бўлади. Улар бошқача жаранглайди, лекин уларнинг мақсади ўзгармасдан қолаверади. Ҳозирги дунё Исонинг исмини ишлатмагунингизча, Худо ҳақида ва руҳий мавзуда истаганча гапиришингизни таъқиқламайди.

Шундай қилиб, дунёвий саҳналар Исонинг номини ўргатишни ва таълим беришни таъқиқласа, жамоат ўз аъзоларига қаршилиқ кўрсатса ва уларнинг овозларини бўғиб қўйса, биз ҳайрон бўлмаслигимиз керак. Бу умуман бошқа кучнинг ҳаракатда эканини кўрсатади.

Икки минг йилдан ортиқ вақт давомида диний йўлбошчилар баъзан жамоатдаги қиз фарзандларга, ўз муқаддас ҳудудларида ваъз қилишни ва ўргатишни таъқиқлайди. Ҳаворийлар китобида (4:18) нима ёзилганини яна бир марта ўқийлик:

“Шундай қилиб, улар икковини чақирдилар ва: “Исонинг номи билан умуман гапирмайсизлар ва таълим бермайсизлар”, деб буйруқ бердилар”.

Мен бу оят ҳақида мулоҳаза юритганимда, Муқаддас Рухнинг пи-чирлаганини эшитдим: “Мен чақирган ва Муқаддас Рух билан хиз-мат қилиш инъомини берган қизларимнинг кўпчилигига жамоатда

Ўз хизмат вазифаларини бажаришлари таъқиқланган”. Диний йўлбошчиларнинг: “Аёллар фақат аёлларни ўргатишлари мумкин, улар эркакларни ўргатишлари мумкин эмас”, ёки яна “аёллар ниманидир баҳам кўришлари мумкин, лекин улар таълим беришлари мумкин эмас”, ёки “аёллар йўлбошчи бўлиши мумкин, лекин жамоатда эмас”, деганларини эшитган бўлсангиз керак. Бундай яширин таҳдидлар ўринли бўлиб туюлади, лекин натижа бир хил бўлади: Хушxabарнинг озодликка чиқишига йўқ қўйилмайди. Имонда жасур бўлган аёллар дарҳол тажовузкорлар қаторига қўшиб қўйилади. Ўз Худосига ишонган аёллар нотўғри тарзда шижоатли деб аталадилар. Шунга қарамай, биз Петрус ва Юҳанно кўтариб чиққан саволга дуч келамиз. Одамларга қулоқ солиш ва Худого итоат қилмаслик Худонинг назарида тўғри бўладими? Худо Ўз ўғил ва қизларини нима қилишга даъват қилган? Биз жавобни Исонинг тирилишидан аввал, У айтган сўзларда топамиз:

“Исо шогирдларига деди: Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Хушxabарни эълон қилинглар. Кимки Хушxabарга ишониб, сувга чўмдирилса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қўйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олсалар ҳам, заҳар ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Хасталарга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетади. Раббимиз Исо шогирдларига буларни айтиб бўлгач, осмонга кўтарилди. У Худонинг ўнг томонига ўтирди” (Марк 16:15-19).

Бу топшириқ ҳамма имонлиларга истисносиз буюрилган. Буюк топшириқ – бу рухсат бўлиб, у қуришни ёки ташкил қилишни талаб қилмайди. Бу ваколат иккала жинс вакилларига ҳам берилган. Масихда ҳамма Худонинг Хушxabарини ваъз қилиш учун чақирилган. Худонинг озодлиги ва ҳақиқатини билганимиз сабабли, одамларнинг таҳдидлари бизни жим қилишига йўл қўймаслигимиз керак.

## Шоҳга итоат қилиш

Худо бизнинг буюк ва муқаддас шоҳимиздир. Шоҳимиз бизга топшириқ ва куч берган. У биздан Ўз халқига Унинг номидан мурожаат қилишимизни сўради. Агар шундай бўлса, унда нега Шоҳлик бошқаруви остида бўлганлар, бизни тўхтатишига йўл қўйишимиз керак? Ҳар биримиз Муқадда Китобдаги хабарнинг жонли хабарчиси бўлишимиз керак:

“Эганг Худога сажда қил, фақат Унга хизмат қил” (Матто 4:10).

Агар Шоҳнинг қўл остидагиларига бўйсуниб, шоҳга бўйсунмасликни англатса, унда биз Шоҳнинг ўзи билан муаммога дуч келамиз. Бунга қандай ечим топиш мумкинлигини Эстер воқеаси мисолида кўрайлик. Форс шоҳи Эстерни ўз ҳузурига чақирмаган, шоҳ саройи қонунини бўйича маликанинг ўзи унинг ҳузурига бориши таъқиқланган эди. Бироқ малика бу ҳолатда шоҳнинг буйруғига бўйсунса, у Худога итоатсизлик қилишини тушунган.

Эстер одамлардан кўра кўпроқ Худодан қўрқарди, шунинг учун у шоҳнинг ҳузурига борган. Унинг шоҳга мурожаат қилиш бўйича аниқ режаси бор эди. Кўп одамларнинг ҳаёти хавф остида бўлганда, у жим туришга ботинмади. Бугунги кундаги дунё, ўша даврдаги дунёдан фарқ қиладими? Бугунги кунда қизлар стратегик жойларда ва шароитлар ортида яширинганлар. Баъзилари ҳатто, бошқа опа-сингиллар билан рўза тутишади. Улар шафоат қилиш учун қадам ташлашнинг ўринли вақтини кузатишади ва кутишади.

Мен сизнинг эрингизга ёки жамоат йўлбошчиларига қарши исён кўтаришингиз кераклигини назарда тутмаяпман. Мен сизни жим қилса ҳам, қониқмайдиган ҳақиқий душман борлигини тушунишингизга умид қиламан, холос. У сизнинг ва болаларингизнинг ҳаётини таъқиб қилади. Агар эрингиз сизга Хушxabарни ваъз қилишингизни таъқиқлаганда, сиз унга итоат қилган бўлардингизми?

Мен бош чўпон сифатида минбарга чиқишни ва жамоа олдида ваъз қилиш ҳақида гапирмаяпман. Сиз чиндан ҳам эркинмисиз

ва гувоҳ бўлишга қодирмисиз? – деб сўраяпман. Сиз имондаги синглингизга жавоб беришга, ибодат қилишга ва насиҳат қилишга тайёрмисиз? Биз Жон билан яқинда шу мавзуда гаплашдик. У нима учун кўп аёллар Исонинг хабарчилари бўлмаслик учун баҳона излаётгандек, ўзларини тутиши ҳақида менинг фикримни сўради. Мен кўпчилик шунчаки салбий муносабатдан қўрқишади, деб жавоб бердим. Худди ўша ҳафта мен учаётган самолётда ёнимда ўтирган бир эркак, менинг орқамдан ёмон гап айтишганини айтди. Мен унга: “Юзимга ҳам айтишади!” – деб жавоб бердим.

Ҳозир тушкунликка тушиш вақти эмас. Худонинг суратида бўлганларга, эркакларга ва аёлларга қарши уруш давом этмоқда. Биз қилишимиз керак бўлган сўнгги нарса – бу бир-биримиз билан курашишдир! Кўпчилик аёллар бу суҳбатни эшитиш учун ўзларида жасорат топишлари керак, деб ўйлайман. Эҳтимол, уларга итоат қилиш сукунат сақлашни англатади, деб ўргатганлар ва улар Худо уларнинг исмларини ўзгартирганини билмайдилар. Худо сизни нимага даъват қилмоқда? Балки ёнингизда сизнинг насиҳатларингизга муҳтож бўлган ёш она бордир? Балки сиз уйингизда ибодат гуруҳини ёки Муқаддас Китобни ўрганиш гуруҳини очишингиз керакдир? Агар тақводор бўйсунингиз Худога итоат қилиш билан бир хил бўлса, бу аёл эрига шараф келтиради. Бошқа аёллар ўз кучидан қўрқадилар, чунки ҳеч ким уларга бу кучни қандай бошқаришни ўргатмаган. Биз ҳаммамиз ўзини ёмон тутадиган аёлларни кўрганмиз ва ўзимиз ҳам шундай бўлишимиз мумкин. (Мен баъзан хато қилишимни биламан). Бу кимгадир қийинчилик туғдирмоқчи бўлганим учун эмас, балки мени эшитишлари учун нима қилиш кераклигини билмаганим учун содир бўлган. Биз пешанамизни ғурра қилишимизга тўғри келади, чунки яқин вақтгача дунёда аёллар кам эди.

Гап аёлларнинг овозини ўчиришда эмас, балки аёлларга таълим бериш ҳақида бормоқда. Агар менинг ўсишим учун имконият бўлмаса, мен ўсмайман. Агар мен ўсмасам, бошқаларга ўрин бермайман. Биз ўзимизга, ғазабланган аёл деган тамғани осигна

йўл қўямизми? Ёки биз Отанинг Каломи билан гапира олиши мумкин бўлган қизлар сифатида доноликка эга бўламизми?

Жавобнинг бир қисмини биладиган кишилар жим туришлари керакми? Худо сақласин! Биз қизларимизни художўйлик ва итоаткорликка фаол ўргатишимиз керак. Петруснинг биринчи мактуби, учинчи бобидаги оятга кўра, аёллар ювош ва сокин руҳда бўлиши керак, деб айтадиганларнинг фикрига мен тўлиқ қўшиламан. Мен Исо ва Мусонинг ҳаётидан, ювош ва камтарликка доир мисоллар келтиришим мумкин.

“Мусо жуда камтар одам эди, ер юзида камтарликда унга тенг келадигани йўқ эди” (Сонлар 12:3).

“Менинг бўйинтуруғимни тақиб олинглар, Мендан ўрганинглар. Чунки Мен юмшоқ кўнгил ва камтаринман. Шунда сизларнинг жонларингиз ором топади” (Матто 11:29).

Исо ва Мусо камтаринлик борасида яхши ўрнатилган кўрсатишган. Жинс билан боғлиқ баъзи саволларимиз мутлақо бемаъниликдир. Мен Жондан дугоналар орттиришга ижозат сўрамайман, у ҳам мендан гольф ўйини ўйнашга ижозат сўрамайди. Мен Жондан эшитишга тайёр бўлган одамга Исо ҳақида гапиришга ёки жамоатимиздаги йиғилишда ёшларга ваъз қилишга ижозат сўрамайман. Биз бир-биримиз билан кунни қандай ўтказишни эмас, балки ўзимизга ва оиламизга тегишли бўлган масалаларни муҳокама қиламиз. Агар биз бир-биримиздан ҳар бир кичик нарса ҳақида сўраганимизда эди, бир-биримизни безор қилган бўлардик. У менга ишонади, мен эса унга ишонаман! Мен унинг боласи эмас, балки турмуш ўртоғиман. Биз кўпчилик қўрқувга тушган даврда яшайпмиз. Бу одамлар сиз қалбингизда олиб юрган улуғворлик умидига муҳтож.

Охир-оқибат, бизни фақат Исонинг топшириғига итоат қилмаганликда айблаш мумкин, холос. Ҳа, бошқалар бизни қоқилишимизга ва гуноҳ қилишимизга мажбурлаши мумкин

(Матто 18:6, Марк 9:42, Луқо 17:2), лекин Шоҳимизга итоатсизлик, бу бутунлай ўзимизнинг танловимиздир. Биродарларимиз Петрус ва Юҳанно каби, биз уларнинг опа-сингиллари, Масиҳнинг мўъжизасида юришимиз керак. Бу эса бизнинг кўраётганларимиз ва эшитаётганларимиз ҳақида жим тура олмаслигимизни англатади.

## **Сўзлар билан ҳужум қилиш**

Эҳтимол, замонавий дунёда бундай йўлни танлайдиган аёллар, Петрус ва Юҳанно каби калтакланишга ёки қамоққа олинишга дучор бўлмайдилар, лекин ишончингиз комил бўлсинки, одамлар улардан ўзларини четга олиб қочадилар. Бу сизни нотўғри тушунишларига сабаб бўлишини ва кўпинча оғзаки ҳужумларга дучор бўлишингизни англатади. Жон ва мен бу масала бўйича ҳар хил фикрга эгамиз. У ташриф буюрадиган кўпгина жамоатларда, аёлларга минбардан туриб ваъз қилишларига тўсқинлик қилмасликларини менга ишонтириб айтди. Сўнг у учта аёл хизматкорларнинг исмларини келтирди. Уларнинг ҳаммаси мамлакатимизда ва хорижда машҳур, шунингдек сеvimли кишилар ҳисобланади. Улар раҳбарлик қиладилар, таълим берадилар ва ваъз қиладилар. Мен назарий жиҳатдан бу тўғри, лекин амалда ҳаммаси аксинча эканлигини айтиб, Жоннинг гапини тасдиқладим. Мен ундан йилига бир марта оналар кунда эмас, балки аёллар мунтазам равишда ваъз қилишлари мумкин бўлган жамоатларни номларини айтишни сўраганимда, у ўнтадан камроғини санаб айта олди.

Биз шу мавзуда суҳбатни давом эттирдик. Жон мени аёл сифатида, жамоатдаги аёлнинг етакчилик мавқеини ва унинг таълим бериш қобилиятини қабул қилмайдиган илоҳиётчиларни ишонтира олмаслигимни айтди. У мени ўз сўзларим билан таълим беришга ва аёлларга ваъз қилишлари мумкинлигини айтишга таклиф қилди. Етакчилар учун ҳамма далилларим қуруқ гап бўлиб қолади.

Мен бу фикрга қўшилдим, чунки менинг мақсадим

Йўлбошчилар эмас. Мен ҳали ишонтиришим керак бўлган опасингилларим, оналарим ва қизларимга, қўрқув ва титроқ билан ёзаяпман. Мен агар аёллар жамоатда *таълим бериш* ва *гапириш* улар учун тўғри эканига ишонч ҳосил қилмасалар, уларга ваъз қилишни ўргата олмаслигимни тушунтирдим. Қонуннинг қуруқ ҳарфи, аллақачон уларнинг қалбига маҳкам қадалган эди. Худонинг ҳеч бир самимий қизи Отасининг иродасини бузишни ёки таҳқирлашни истамайди. Улар йўлбошчилар тақиқлаган нарсаларни қилишни ўрганмайдилар. Агар жамоатда ҳоқимиятга эга бўлган, Худонинг вакили ҳисобланган киши бутун умр сизга *мукамал эмаслигингизни* айтса, сиз бунга ишонасиз. Агар сиз ўтмишда кўп қийинчиликларни бошдан кечирган бўлсангиз, бу ёлғонни қабул қилиш янада осонроқ бўлади.

Мен буни биламан, чунки ўзим буни *бошдан кечирганман*.

Агар сиз ўзингизга ишончингиз комил бўлмаса, сиз доим ўзингизга ва фойдали бўлиш ҳуқуқингизга шубҳаланасиз. Мен сизнинг қулоқларингиздаги тиқинларни ва кўзларингиздаги пардаларни олиб ташлашни, сизнинг нозик қалбларингиздаги легализм нишини тортиб олишни истайман. Шунда сиз шифо беришингиз ва Муқаддас Рухни эшитишингиз мумкин. Эҳтимол, Муқаддас Рух сизни ҳуқуқшунослик, тиббиёт, бизнес, ҳукумат бошқаруви соҳаларида ёки уйингизда она ролида Хушхабарнинг элчиси бўлишга даъват этгандир. Биз нимаики қилсак, Худо учун қилгандек қилишимиз керак. Бундай муносабатда дунёвий нарса муқаддас бўлади. Агар бирор киши жамоатда таълим бериш, ваъз қилиш ёки бошқариш учун даъват қилинганини ҳис қилса, унга Муқаддас Рух гапирмаётганлигини айтиш нотўғри бўлади.

Жинс инсоннинг ўз ортидан бошқаларни эргаштириш қобилиятига, деярли алоқаси йўқ. Маргарет Тэтчер Буюк Британиянинг машҳур раҳбарларидан бири бўлган. Бунга сабаб унинг аёл бўлганлиги эмас. Жинс умуман муаммо ҳисобланмайди. Бизнинг олдимизда ғуруримизни пасайтириш, шунингдек хуруфотларга ва одамларни ҳукм қилишга бўлган мойилликни

жиловлаш вазифаси турибди. Буларнинг барчаси ҳатто энг яхши етакчини ҳам сўқир қилиб қўйиши мумкин. Камтарлик, тажриба, содиқлик, таълим ва солиҳлик – бу етакчига зарур бўлган фазилатларнинг фақат баъзилари ҳисобланади, лекин жинс сабабли киши етакчига айланмайди. Масиҳсиз биз ҳаммамиз номукамалмиз. Бу ҳақида Муқаддас Китобда шундай дейилган:

“Масиҳ туфайли Худонинг олдида буларга ишончимиз комилдир. Ахир биз ўзимизнинг кучимиз билан бирор нарса қила олмаймиз-ку! Ҳамма қобилиятимиз бизга Худо томонидан берилган. Худо бизга янги аҳднинг хизматкорлари бўлиш қобилиятини берди. Бу аҳд қонунга эмас, балки Рухга асосланиб тузилган, чунки қонун ўлимга етаклайди, Рух эса ҳаёт бағишлайди” (2-Коринфликларга 3:4-6).

Машҳур етакчилардан бири Павлуснинг Биринчи Тимўтийга мактубининг иккинчи бобидаги сўзларни мана шундай деб талқин қилган: “Бу ерда Павлус айтаяптики, агар гап жамоатдаги раҳбарлик ҳақида кетганда, аёллар бу вазифага мос келмайдилар, чунки улар эркаклардан кўра кўпроқ ишонувчан ва алданишга кўпроқ мойилдирлар”.

Биз тез орада Тимўтийга мактубга ўтамыз. Лекин дастлаб, келинг, сиз бу парчани ўқиб нимани ҳис қилганингизни муҳокама қилайлик? Уятни, айбни ёки қоидаларни бузишимми? Сиз енгил тортиш ва оқланишни ҳис қилаяпсизми?

Албатта, ҳеч биримиз бу сўзларнинг кучи ва таъсирини ҳис қила олмаймиз. Мен фақатгина кичик бир парчани келтириб ўтдим, лекин унинг ортида аёлларни кенг тарқалган ҳукм қилувчи фикрлаш ётади. Сўнг бу етакчи шундай деб давом этди: “Гарчи бу барча йиллар давомида, кўплаб ғазабланган аёллар Павлуснинг фикрига қўшилмаган бўлсалар ҳам, унинг сўзларига ишонмайдиган ва унинг таълимотига эргашмайдиган бундай аёллар ўз онаси Момо Ҳавога жуда ўхшайди. Уларда яхши ниятлар кўп, лекин яхши хабардор эмаслар”.

Наҳотки, норозилик билдириш учун аччиқланишимиз керак



бўлса? Мен эримнинг фикрига қўшилмаслигим ҳам мумкин, лекин мен бундай пайтда аччиқланмайман. Ҳамкасбларимиз билан фикрларимиз бир-бирига мувофиқ келмаслиги мумкин. Лекин мен ҳам ва менинг дўстларим ҳам аччиқланмаймиз.

Юқоридаги парчада, агар биз бу фикрга қўшилмасак, демак, биз жиззаки ва яхши хабардор бўлмаган аёллар эканимиз ҳақида тахминни кўраимиз. Биз ўзини бошқаришга ва Худога итоат қилишга интиладиган ҳудожўй, фикрловчи, изланувчи аёллар бўлишимиз мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Бу ерда Павлус ўша давр маданиятида, бизнинг давримиз маданиятида мавжуд бўлмаган айрим ўзига хос нарсалар ҳақида гапирган бўлиши мумкин деган фикр айтилмаган.

Шу билан бирга бу тушунтириш, бизга шахсиятимизнинг нотўғри манбасини беради. Бизнинг онамиз энди Момо Ҳаво эмас. Биз юқоридан туғилганимизда, биз аввалги ота-онамиз, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фарзандлари сифатидаги алоқамизни уздик. Биз Худонинг фарзандларига айландик. Бу инсоннинг сўзларида бизни жим бўлишга ва уялишга мажбурлаш истагини эшитаман. Уларда жинсий танбеҳ ва хотинларни ёқтирмаслик бор, лекин Муқаддас Рухнинг овози йўқ. Исо Масих таълим ва насиҳат берганда, У буни севги ва ҳамманинг қабул қилиши билан амалга оширади. У Жамоатни Ўз келинига ўхшати. Бу муаллифнинг сўзлари илоннинг аёлга бўлган нафратини эслатади.

Павлус Тимўтийга биринчи мактубини ёзганида, унинг шогирди юнон маданиятида жамоатни бошлаганда дуч келган аниқ масалаларни назарда тутган. Ўша даврда уларга тааллуқли бўлган нарса, бизнинг ўзгача маданият ва ўзгача сажда шаклига алоқадор бўлиши мумкинми? Эҳтимол, сизнинг ҳали тўлиқ ишончингиз комил эмас. Эҳтимол, сиз Худога бўлган эҳтиромингиз учун ҳеч қачон етакчиларнинг сўзларига шубҳа қилмагансиз ва шунинг учун ўз тақдирингизга рози бўлгансиз.

Келинг, муҳокамани давом этайлик. Кимдир қизингизга шундай сўзлар билан мурожаат қилишига рухсат берасизми? Уни

яроқсиз, содда, ишонувчан ва билимсиз деб аташса, сиз шунчаки томошабин бўлиб тураверасизми? Бу эркак ёки аёл кишини фош қилиш ва ёрдам бериш учун, ҳаёт берувчи ва Рухга тўлдирувчи усулми? Худо ҳаётингизнинг бирор бир соҳасини кўриб чиқиб, ундаги камчиликларни кўра олиши мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Сиз ўзингиз ҳақингизда шундай сўзлар айтган бўлишингиз мумкинлигини тушунаман. Агар сиз кўп вақтдан бери масиҳий бўлсангиз, эҳтимол, муаллим ёки етакчи жамоатингиздаги бошқа аёллар ҳақида шунга ўхшаш нарсаларни айтганини кузатган бўлишингиз мумкин. Яқинда, кўп йиллар давомида хизмат қилган бир аёл хизматимиз идорасига қўнғироқ қилиб, етакчиларнинг таъна қилишлари туфайли, ўзининг жамоатдаги хизмати Муқаддас китобга зид эмаслиги ҳақида шубҳалана бошлаётганини айтди.

Қизим, синглим ёки дугонам, сизга кафолат бераман: Куёвимиз ва Раббимиз Исо ҳеч қачон сиз ҳақингизда бундай камситадиган сўзлар айтмайди. У ҳеч қачон менга, ваъз қилишим билан Унга ҳурматсизлик келтиришимни айтмайди. Бу менинг яхшироқ бўла олмаслигимни англатмайди, мен ўзимни ҳар бир хизматдан сўнг баҳолайман. Муқаддас Рух ҳаётимнинг ҳар бир соҳасида мени тuzатаётганини ҳис қилаётганимга ишонинг.

Лекин У мени чақирган хизмат ва Унинг мен ҳақимдаги фикри ҳақида гап кетганда, мен доимо Унинг далда берувчи пичирлашини эшитаман. У биз ҳақимизда нима дейишини эшитинг: У бизни ажойиб тарзда яратилган, муносиб ва қобилиятли деб атайди. У бизга янги қалб берди, шунингдек бизни доно ва ҳақиқий қиладиган руҳимизни жонлантирди. У сизни Муқаддас Рух билан тўлдирди. Сиз алданиб қолган қиз бўлмаслигингиз учун, ажрата билиш орқали ақлингиз кўзлари нурга тўлиши учун сизга Худонинг Каломини ишониб топширди (Сано 44:11; Йезикел 36:26; 2-Коринфликларга 3:6; Эфесликларга 1:18).

Унинг келини эркаклар ва аёллардан ташкил топган. У ўзининг Каломи орқали бизни тозалаган, қалаверса Ўз қони орқали эркак

ва аёл зотини оқлаган. Шунга қарамасдан, уйимдаги Калом ўрганиш бўйича доимий аёллар йиғилишида мен Иккинчи Тимўтийга мактубининг иккинчи бобида ёзилган Павлус сўзларининг аниқ талқинини ўқиганимда, мен уларнинг юзларида таажжубланишни, кучли таъсирланишни ва даҳшатни кўрардим. Улар ҳаворийларнинг ёзган бундай сўзларини тўлиқ ҳақиқат деб ўйлайдиган аёллар эдилар. Эҳтимол, улар ўзлари ҳам ўтмишда ишонувчан ва нолойиқ бўлганлар. Бошқалар бу сўзларни бошқача талқин қилиш мумкинлигини умуман ўйламай қўйдилар.

Мен қизларингиз ҳақида сўраганимда, сиз ичингизда ҳаяжон ҳис қилдингизми? Сизнинг ичингизда қандайдир кучли оналик ҳисси кўтарилди, деб умид қиламан. Шахсан сиз нимани ҳис қилдингиз? Сиз чекловни ёки Масих сиз учун қўлга киритган озодликни афзал кўрасизми? Агар сиз қизингиз учун чекловлар қилмасангиз, унда бу чекловларни ўзингизга ҳам қилмаслигингиз керак. Эфесликларга мактубида шундай деб ёзилган: “Ахир биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни хайрли ишлар қилишимиз учун Исо Масих орқали яратди, бу ишларни биз учун азалданоқ тайёрлаб қўйган эди” (Эфесликларга 2:10).

Сиз ҳеч қачон нолойиқ, ишонувчан ва осонлик билан алданадиган тақдирга рози бўлмайсиз деб умид қиламан ва ибодат қиламан. Агар биз ёмон билимга эга бўлсак, бунга ўзимиз таълим олиш ва хабардорлик орқали тузатишимиз мумкин. Мен бунга ўзимга даъват сифатида қабул қилишга ва ўзимдан ақллироқ бўлган одамлардан барча манбаларни тўплашга қарор қилдим. Биринчидан, Павлуснинг сўзларини кўриб чиқайлик.

“Хотинларингиз хизматни тинглашни ўрнига, гап-сўзлар ва саволлар билан уни бўзмасин, яхшиси уйда эридан сўрасинлар. Худонинг қонунлар Китоби тўғри хатти-ҳаракатларни ва одатларни кўрсатмоқда. Хотинлар хизмат пайти кераксиз гап-сўзлар юритиши мумкин эмас ”1-Коринфликларга 14:34, 35 “The Message” таржимаси).

“Хотинлар эркаклар устидан ҳукмронлик қилмаслиги ва уларга нима қилиш кераклигини буйруқ бериши мумкин эмас. Хотинлар сукут сақлашни ва бошқалар билан тенг тарзда итоаткор бўлишни ўрганишлари керак. Олдин Одам Ато, сўнг Момо Ҳаво яратилган. Дастлаб хотин алданган, у гуноҳни бошлаб берган! Одам Ато унинг ортидан эргашган. Бошқа томондан бола туғиш унга нажот келтирди. Лекин нажот фақат имонда, севгида, муқаддасликда қатъий турганларга ва етуқликда ўсаётганларга келади. Сиз шунга умид қилишингиз мумкин” (1-Тимўтийга 2:11-15 “The Message” таржимаси).

Юнонлар масиҳийлик ҳақида ўрганиш учун бирга йиғилганлар. Аёллар масиҳийликда янги мавқени қўлга киритганлар. Бу мавқе улар илгари мажусийлар маъбадидаги мавқедан бутунлай фарқ қилган. Павлус Тимўтийга мурожаат қилганда ва жамоатдаги ҳатти-харакатлар тўғрисида гапирганда, у қонунни тилга олмайди. У Исонинг айтганларидан иқтибос келтиради. У Тимўтийга юнон маданиятига эга бўлган янги имонлиларни тўплашни таклиф қилади. Ўша маданиятда аёллар руҳий масалаларда нуфузли ҳисобланган.

Келинг, Павлуснинг сўзларини Муқаддас Китобнинг оромий тилидан таржима қилинган “The Passion” номли таржимасидан ўқиб кўрайлик:

“Янги имонга келган аёллар ўз раҳбарларига итоатда ўрганишга тайёр бўлишлари ва навбатсиз гапирмасликлари керак. Янги имонга келган аёллар жамоатда муаллимлик қилиб, эркаклар устидан ҳукмронликка даъво қилишларини маъқулламайман. Бунинг ўрнига улар тинчликда яшасинлар. Чунки дастлаб Худо Одам Атони, сўнг эса Момо Ҳавони яратди. Одам Ато Момо Ҳавони йўлдан оздирган эмас, балки Момо Ҳаво Одам Атони йўлдан оздирди ва Худонинг амрини бузди. Шунга қарамай, аёл фарзандлар туғилиши орқали қайта тикланган шаъни билан яшаши, уларни имонда ва севгида тарбияланган, доноликда юрадиган содиқ фарзандлар сифатида вояга

етказиш орқали барака олиши керак” (2-Тимўтийга 2:11-12).

Бу сўзларни замонавий тилга таржима қилиш учун жамоат илоҳиётчиси ва етакчисига мурожаат қилдим. У маҳаллий жамоатда аёлларга ваъз қилиш мумкинлиги масаласининг амалий тадқиқоти билан шуғулланади. Доктор Гилберт Билезикян Уитон коллежида ўқитувчи ва “Уиллоу Крик” («Willow Creek Church») жамоатининг хизматкоридир. У жамоатдаги хизматкор аёллар ҳақидаги масалани ўрганишга бир ярим йилни бағишлаган. У ўз тадқиқотлари натижасини биринчи марта “Жинсий роллардан ташқарида” (“Beyond Sex Roles”) китобида нашр қилган.

“Демак, биз қуйидаги хулосага келдик. Гуноҳдан олдин эркак ва аёл биргаликда ҳукмронлик қилган, уларнинг иккиси ҳам Худонинг суратида яратилган ва Худо яратган дунё ҳақида биргаликда ғамхўрлик қилиш учун даъват қилинганлар. Эркак ва аёл Худонинг улуғворлиги учун ўз хизматининг бажарилиши учун масъул бўлганлар ва Худо уларга берган воситалар ёрдамида, имонлари даражасида бу хизматни бажаришган. Афсуски, гуноҳ тўфайли бу ҳамкорликка путур етган. Худонинг гуноҳ вайрон қилган ҳамма нарсани, шу жумладан, эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатларни ҳам қутқаришга доир иноятли режаси, яратилишнинг биринчи кунларида мавжуд бўлган гўзалликка қадар тиклаши мумкинлигига ишонамиз. Кўпгина садоқатли ва билимли масиҳийлар бизнинг хулосаларга қўшилмайди. Бу ва бошқа масалаларда Худонинг мукамал донолигидан қанчалик узоқлашганимизни бир кун келиб тушунамиз. Ўша пайтгача мен ўз фикримда камтарлик билан, лекин қатъий тураман. Менинг фикримга кўра Муқаддас Китоб талаб қилаётган нарсани бажаришга, яъни руҳий инъомлар учун тўлиқ очиқ бўлишга, аёлларни рағбатлантириш мақсадида таваккал қилишга тайёрман”.

Агар аёл киши ўзида ваъз қилиш, таълим бериш ёки бошқариш инъоми борлигини ҳис қилса ва агар у Муқаддас Китобда санаб ўтилган барча фазилатларга эга бўлса, у ҳолда унга топширган


вазифада ваъз қилиши, таълим бериши ва бошқариши учун таълим олсин. Доктор Билезикян билан бирга, мен ҳам фикримда камтарлик билан, лекин қатъий тураман.

## Яҳудий руҳонийсининг Момо Ҳавога бўлган қарашлари

Яқинда мен ажойиб яҳудий руҳонийси Браян Билечи билан узоқ суҳбатлашиш шарафига эга бўлдим. Мен унга кўпгина художўй қизлар ўзларининг аслида кимлигини билмасликлари ҳақидаги ҳавотирларим билан бўлишдим. Худонинг қизларининг шахсияти ва қадр-қиммати бу дунё руҳининг ҳужуми остида эканлиги тобора яққол кўринмоқда. Аксарият жамоатлар Худо аёлларга берган инъомларни қандай ривожлантиришни билмайди.

Мен яҳудий олимидан, Худо Ўз қизлари ҳақида нима деб ўйлаши ҳақида эшитишни истардим. Мен ундан Момо Ҳаводан бошлаб, кейин Сора ва Масиҳнинг келини, Жамоатга қадар бўлган барча асосий исмларни кўриб чиқишни сўрадим. Яҳудий руҳонийси менга кўп нарсани айтиб берди ва мен сизга унинг асосий фикрларини қисқача сўзлаб бермоқчиман, чунки улар сизнинг шахсиятингизни мустаҳкам ўрнатишга ёрдам беради.

Худо Отам Атони Момо Ҳавога қараганда кўпроқ севмаган. Бошида Момо Ҳаво Одам Атони ичида эди. Одам Ато унга исм берган ва ҳатто, унга муҳтож бўлган бўлсада, Момо Ҳаво ҳар доим Худонинг фикрида эди. Худо унга ўзига хос аёллик кўриниши ва ифодасини берди. Аёл ҳар доим эркакнинг ичида бўлган, шу сабабли эркак киши учун аёлсиз яшашдан кўра, у билан бирга яшаш осонроқдир (Ибтидо 2:18 га қаранг). Одам Атода Момо Ҳавонинг пайдо бўлиши уни “яхши эмас” ҳолатидан, “жуда яхши” ҳолатига ўзгартирди.



**Эркаклар ва аёллар ўзини ифодалашда ҳар хил, лекин мақсадга интилишда бир фикрда бўлиш учун яратилган.**

Муқаддас китобдан Худо Одам Атони қаттиқ ухлатиб қўйганини ва унинг

қовурғасидан Момо Ҳавони яратганини билиб оламиз (Ибтидо 2:21 га қаранг). Эркак ва аёл ўзига хос тарзда бўлинган, лекин бу уларнинг номукаммал ярим қисмларга айланганини англатмайди. Бу иккита бутун шахс ҳисобланади. Эркаклар ва аёллар ўзини ифодалашда ҳар хил, лекин мақсадга интилишда бир фикрда бўлиш учун яратилган. Аввал, гуноҳдан аввал роллар бўлиниши бўлмаганини айтиб ўтиш муҳим. Шунинг учун икки киши мақсадда, қалбда ва жисмоний бирликда бир бўла олганлар.

Фожиали кунларнинг бирида Момо Ҳаво алданди, Одам Ато эса Худога қарши чиқди. Одам Атонинг хиёнати барча эркакларни исёнга чорлаганидек, Момо Ҳавонинг танлови энди барча аёллар, алдов қурбонлари бўлишлари олдиндан белгилаб қўйилганини англатмайди. Одам Атонинг гуноҳини Момо Ҳаво қилган ёмонликдан камроқ қилиб кўрсатишга бўлган уринишларни тез-тез эшитаман. Мен унинг гуноҳини “билмасдан қилинган гуноҳ” деб аталганини эшитганман. Яҳудий руҳонийси Браян Билечи бу фикрга қўшилмайди. У Муқаддас Китобда шундай деб айтилганини тасдиқлайди:

“Бир одамнинг итоатсизлиги туфайли кўп одамлар гуноҳкор бўлган бўлса, энди бир Кишининг итоаткорлиги туфайли ҳамма солиҳ бўла олади” (Римликларга 5:19).

Одам Атонинг гуноҳи билмасдан қилинган гуноҳ бўлмаган. Гарчи баъзи олимлар бунини хиёнат ва исён деб атасалар ҳам, нари борса бу гуноҳни “атайлаб қилинган итоатсизлик” деб аташ мумкин.

Менга Одам Ато ва Момо Ҳаво ўз шахсиятларини ўғирлашга уринганми ёки йўқми деган яна бир фикр келади. Ахир улар Худо каби бўлишни истаганлар! Уйимизда болалар атайин ота-оналарнинг таъқиқларига эътибор бермаганларида, биз бунини билмасдан қилинган ҳаракат демаймиз. Биз уларнинг ҳаракатларини итоатсизлик деб атаймиз. Агар армиядаги аскар бирорта буйруққа бўйсунмаса, бунини билмасдан туриб қилган

ҳаракат сифатида баҳоламайдилар, балки унинг буйруқни бажаришни рад қилганлигини айтишади. Келинг, Худо Одам Атонинг гуноҳи ҳақида нима дейишини кўриб чиқайлик.

“Хотинингнинг гапига кирганинг учун, Мен, ема, деб тақиқлаган мевани еганинг учун, сен туфайли ерни лаънати қилдим” (Ибтидо 3:17).

Одам Ато ролининг пасайтирилиши маълум бир шарт-шароитлар туфайли юзага келган. (Биз ҳаммамиз Масихда қутқарилганмиз, лекин нима учун кимдир Одам Атонинг танлови ва ҳатти-ҳаракатини ҳимоя қилиш кераклигини ҳис қилишини тушунмайман). Бу ҳимоячилар эркакларни туришга ва яхши етакчилар бўлишга даъват қилдилар, мен бу даъватга бутунлай қўшиламан ва “Ҳа, омин!”, дейман. Мен дунёга эркаклар учун яхши намуна бўладиган одамлар жуда кераклиги ҳақидаги фикрга қўшиламан. Мен фақат бу даъват қандай амал ошаётганидан норозиман. Унинг тарафида турганларнинг фикрига кўра, эркаклар ўз даъволарини илк гуноҳ воқеаси билан оқлаш орқали аёллар овозини бўғиб қўйсалар, жамоатда етакчилик ролини энг яхши тарзда эгаллашлари мумкин бўлади.

Мен бу далиллар ва важларда кўплаб камчиликларни топаман. Ахир, агар Одам Ато дадил қадам ташлаганида ва ҳақиқатни гапирганида, кўп зарарли оқибатлардан қутулиб қолиш мумкин эди. У Момо Ҳаво билан эмас, балки илон билан гаплашганда, эҳтиёткор ва ҳушёр бўлиши керак эди. Одам Ато овозини баланд кўтариши ва илонни жим қилиши керак эди, ахир биз инсонлар билан курашмаяпмиз. Шунга ўхшаб, эркаклар ҳам энди Худо Ўз суратида яратган ва Ўз ижодини яхши деб атаган аёлларни эмас, балки илоннинг овозини ўчириш учун ўз овозларини кўтаришлари керак.

Келажақда кимнидир хатолардан ҳимоя қилишнинг энг яхши усули – бу таъқиқлаш эмас, балки очиқ насиҳатдир. Ўтмишда Момо Ҳавонинг катта хатоси, унинг қизларининг келажақда жим бўлишларига мажбур қилмаслиги керак. Шунга ўхшаб Одам



Атонинг гуноҳи унинг ўғилларини қўлларини боғлаб қўймаслиги керак! Йигирма асрдан кўпроқ вақт давомида эркаклар ва аёллар жамоатда ёнма-ён яшашни ўрганиб келаяптилар. Биз Масихда ким эканимизни англаш ва боғда фаолият юритиш учун дастлаб яратилганимиздек, елкама-елка турадиган етакчиларга айланиш вақти келди. Эркаклар эркак каби, аёллар эса аёл каби бошқаришлари керак.

Энди бизда шайтонга қандай тўғри жавоб беришни кўрсатган, Исонинг намунаси бор:

“Йўқол кўзимдан шайтон! Ахир: “Эганг Худога сажда қил, фақат Унга хизмат қил”, деб ёзилган-ку!”

Биз ким ҳақ, ким айбдорлигини аниқлашимиз эмас, балки Худо сўзларини такрорлашимиз керак. Биз Худога шундай ғайрат билан хизмат қилайликки, имон билан яшашнинг жонли далиллари бўлайлик. Исо – бу бизнинг асосий намунамиз. Биз У юрган йўлдан юришимиз керак. Биз бошқалардан кўра Унинг ортидан, шу жумладан, ҳаворий Павлус ортидан катта ғайрат билан эргашишимиз керак. Павлуснинг ўзи Масихга эргашишда ўзига тақлид қилишни Тимўтийдан сўраган: “Мен Масихдан ўрнак олганимдай, сизлар ҳам мендан ўрнак олинглар” (1-Коринфликларга 11:1).

## **Шайтоннинг ёлғони. Худонинг берадиган шифоси**

Биз унинг ажратувчи маслаҳатини тинглаганимизда ва бир жинснинг кучини тортиб олиб, бошқасига қўшганимизда, шайтон эркаклар ва аёлларни талон-тарож қилган бўлади. Вақт бой берилаяпти. Исонинг топшириғини бажариш ва адашганларга нажот етказиш вақти келди (Луқо 19:10). Жамоатнинг бузилган ва бўлинган дунё учун жонли намуна бўлиши, бир вақтнинг ўзида бир неча авлоддан иборат, кўп миллатли жамиятга қандай яшашни кўрсатиши ҳамда ягона мақсад учун эркаклар ва аёлларни

бирлашиши вақти, аллақачон келди. Агар биз жинсга мансублик масалаларини ҳал қила олмасак, эркаклар ва аёллар бўлинган ва жароҳатланган ҳолда қоладилар. Биз Худо томонидан берилган шахсиятимизни тиклаганимизда, иккала жинс учун шифо топиш жараёни бошланади.

Баъзан уялиш шунчалик кучли бўладики, аёллар ўзларини ноқулай ҳис қила бошлайдилар ва улар ўзларини эркаклар бўлиб туғилишлари керак эди деб ўйлашади. Кўпчилик ўз жинсини ўзгартириш ёки гермафродитликка интилиш орқали шифо топишга ҳаракат қиладилар. Худо пайғамбар Ишаъёга нима деганини ўқинг:

“Ҳаммасини ағдар-тўнтар қиялмасиз. Ахир, қулолни лойга тенглаштириб бўладими?! Наҳотки буюм ўзини яратганга: “Мени яратганинг йўқ”, деб айтса?! Наҳотки идиш қулолга: “Сен тушунмайсан”, деб айтса?!” (Ишаъё 29:16).

Савол ўзгаришсиз қолади: Биз Худога ишончимизни топширамизми? Биз Унинг меҳрибон ва доно эканига, шунингдек У бизни оналаримиз қорнида, қиз жинсида яратганида хато қилмаганига ишонамизми? Худо биз Унинг танловидан ҳафсаламиз пир бўлса, ўзимиз бу масала билан шуғулланишимизни ҳаёлига келтирганмикан?

Бу яралар қандай оғришини мен билишимга ишонинг. Кўпчилик ҳатто, мен ўйлаганимдан кўра кўпроқ азоб чекаётганини тушунаман... Лекин инсон қўллари қодир бўлмаган нарсаларга Худо тегиши ва шифо бериши мумкин. Мен ўзимнинг аёл эканлигимдан нақадар жирканганимни аниқ эслайман. Бу фикр нима учун пайдо бўлганини билмайман. Эҳтимол, бу фикр она билан яқин муносабатларнинг етишмовчилиги ёки ҳаётимда Худонинг режасига халақит беришни истаган душманнинг қасддан қилинган ҳужумлари туфайли пайдо бўлгандир. Бунинг сабаблари: ҳаёт шароитлари, аёлларга бўлган муносабат ёки жамоатдаги учрашувлар каби сабаблар бўлишидан қатъий назар,

мен аёл бўлиб туғилганим билан боғлиқ заиф, нозик жойларни ёқтирмасдим. Мен ўғил боладек ўсганман, қиз болалардан кўра ўғил болалар орасида кўпроқ дўстларим бор эди. Ўғил болалар билан дўст бўлишни афзал кўрардим. Балоғат ёшига етганимда, ўзимни ҳамма нарса яхши ва гўзал бўлиб кўринадиган дунёга жойлаштирилган бегонадек ҳис қилдим. Қизлар мен тушунмайдиган имо-ишоралар тилида гапиришарди, уларнинг хатти-ҳаракатлари мендек қўрс қизда йўқ бўлган гўзаллик ва назокат билан тўла эди. Юқори синфда ўқиганимда мен аёллик қадди-қоматимни ва оғриқли кечаётган ўзлимни англашимни яшириш учун доим жинси шим ва кенг кийимлар кияр эдим.

Жон билан унаштирилганимиздан сўнг мен унга ўзимни эркак миясига эга бўлган аёлнинг танасида эканимни тушунтиришга ҳаракат қилдим. (Жон дарҳол менга бундай фикрлашимга тамомила қўшилмаслигини айтди!) Бир томондан олганда, бу мени тўртта ўғилнинг онаси бўлишга тайёрлаш учун, кўп жиҳатдан Худонинг йўли бўлганига самимий ишонаман. Худо мени шифо топиш сафарига олиб чиқди. У менга аёл эканимнинг кадр-қимматини кўнглимга солди. Унинг ҳузурда дин туфайли аёл қиёфасини қоплаб олган бутун уят ўрнини ажойиб либос эгаллади. У қалбимнинг тўрига етиб борди ва онам аёллимга онгсиз равишда сингдирган қўрқув ва қурбонлик руҳияти ўрнига, жасорат берди. Мен танамнинг нафақат ташқи кўриниши учун, балки унинг қобилиятлари учун ҳам, севишни ўргандим. Бунга маълум вақт ва узоқ йўл зарур бўлди, энди мен бошқалар билан бу шифо ҳақида ўртоқлашимиз мумкин.

Аммо аёллик назокатига қарши курашим, жинсни ўзгартиришга доир рағбатлантиришлар эшитилаётган ҳозирги даврга тўғри келганда нима бўларди? Ҳозирги маданиятимиз масалани ўз қўлимизга олишни ва том маънода эркакка айланишни айтади! Агар шундай йўл тутсам, Худонинг шифо бериш жараёнини ва шу пайтга қадар олган барча сабоқларни бой берган бўлардим. Биз ўзимизни бир-биримиз билан таққослашни тўхтатганимизда, ўзимизни барча камчиликларимиз билан қабул қилишга қодир бўламиз.

Шифо топиш жараёнини бошлаш учун қандай қадамлар ташлаш керак?

1. *Ибодат қилинг.* Муқаддас Рухдан, сизга бутун бўлган қалб беришини, қолаверса нотўғри фикрларни ва итоатсизлик соҳаларини очиб беришини сўранг. Гендерликка доир бидъатлар ва ўз жинсини ёмон кўриш бизни чалғитиши, ўзимизга ва бир-биримизга бўлган қарашимизни бузиши мумкин. Сиз бўлиниш эмас, балки яраштириш хизматини олиб бориш учун ибодат қилинг.
2. *Ўз иродангизни Худога бўйсундиринг.* Балки сиз Муқаддас китобда ўрганган ва ўқиган, шунингдек ибодатингизда сизга аён бўлган нарсаларни итоаткорлик билан бажариш ўрнига, инсоний қоидалар ортида яшириниб юрган бўлишингиз мумкин. Балки сиз одамлардан қўрқиш (ёки аёл эканингиз қўрқуви) сизни Худонинг иродасига тўсқинлик қилишига йўл қўйгандирсиз. Ҳаётингизнинг кейинги даврида Худонинг буюк топшириғи ўзгача кўринишга эга бўлиши мумкинлигини тушуниб, бу Буюк топшириқ ҳаётингизнинг ҳозирги даврида қандай кўринишга эга бўлишини Худодан сўранг.
3. *Ўз душманингизни билинг.* Бизнинг курашимиз инсонларга қарши эмас. Агар фикримиз икки хил бўлса, биз ўзимизни икки ёққа хизмат қиладиган айғоқчидек тутамиз. Ёқуб биз Худога итоат қилганимизда, иблисга қарши туришимиз кераклигини ва у қочиб кетишини айтади.
4. *Ўзингизнинг ҳаётингизни ва суҳбатларингизни текширинг.* Гендерликка доир нотўғри қарашларни кучайтириши мумкин бўлган қандай сўзлар ва хатти-ҳаракатлардан фойдаланасиз? Агар Муқаддас Рух ҳаётингизнинг баъзи муросали соҳаларини очиб берган бўлса, демак, уларда нотўғри қарашлар ва хафагарчиликлар бўлиши мумкин.
5. *Маҳкам туринг.* Ҳеч нима учун туриб бермайдиган одамлар, ҳамма нарсдан йиқилиш хавфи остида бўладилар. Эркаклар

ва аёлларнинг биргаликдаги ишига қаршилик кўрсатадиган киши, ўзи билмаган ҳолда Худонинг асл мақсадига қаршилик кўрсатади.

6. *Масиҳ танасидаги бирлик учун курашинг.* Эркаклар ва аёллар рақобатчилар эмас. Биз ака-укалар ва опа-сингиллар, ҳимоячилар ва яқин иттифоқчилармиз. Биз бир-биримиз билан мулоқотда бўлишимиз, бир-биримизни ҳурмат қилишимиз, ака-укалар ва опа-сингилларга севги кўрсатишимиз керак. Биз бир-биримизнинг инъомларимизни рағбатлантиришимиз керак. Агар Худо аёлни сукут сақлаши керак деб қарор қилганида, унга овоз бермас эди. Одам Ато ва дунёга, аёлнинг овози ва унинг таъсири кераклигини Худо билган.

## **Мажбурий ва ўзаро боғлиқ**

Мен небираларим ҳақиқатни билишлари ва буни билиш орқали ўз имонлари билан яшашлари учун ўйлаш, ўрганиш ва саволлар беришга қобилиятли бўлишларини истайман. Биз аёллар юқоридан қайта туғилишлари мумкин деймиз, лекин шунга қарамай, улар чиндан ҳам ва тўлиқ озод бўлганини рад қиладиган таълимот ва ақидаларни қабул қиламиз. Аниқроғи, кўпчилик аёллар Масиҳнинг топшириғи доирасидан кўра кўпроқ жамоат ичида эркин ҳаракат қилишади.

Адан боғидан бери нодон эркак ва аёллар қарама-қарши томонларда туриб олиб, бир-бирларини ёмон ишларда айблаб келишмоқда. Айблов ва уят ҳеч кимни олдинга қараб силжишига ёрдам бермайди. Айблов ва уят сувни лойқалатади ҳамда ўғил ва қизларнинг қиёфасини хиралаштиради. Бундай хатти-ҳаракат Худо Масиҳ орқали поклаганини яна булғайди ва бузади.

Эркак ва аёл жинслари илоҳий гўзалликни акс эттириш учун яратилган. Афсуски, фақатгина Худо бера оладиган маъқуллаш ва мақтовни олиш учун, бир-биримиздан илоҳий қадр-қимматни ва кучни тортиб олдик. Худо ўртамиздаги фарқлар сабабли бир-

биримизни камситишимиз ва беҳурмат қилишимиз учун эмас, балки хурсанд бўлишимиз учун бизни яратган.

Энди Масихда бизнинг яланғочлигимиз солиҳлик либоси билан ёпилди. Масихда эркаклар ва аёллар душман эмас, балки иттифоқчилар эканини эслайдилар. Келинг, Муқаддас Китобда бир-биримиз учун ким бўлишимиз мумкинлигини ва ким бўлишимиз кераклигини кўрайлик. Биз Биринчи Коринфликларга китобининг ўн биринчи бобидан учта оятни “The Message” номли таржимада алоҳида кўриб чиқамиз.

10-оят: “Шунингдек, эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқларга кўп эътибор берманглар. Ҳеч бир эркак ва ҳеч бир аёл, ёлғиз ўзи уддалай олмайди ва улардан кимдир ўзини муҳимроқ деб ҳисобламаслиги керак”.

Масихда эркаклар ва аёллар бир-биридан мустақил эмас, балки ўзаро боғлиқдир. Бизнинг манбаимиз фақат Худодир, аммо бу оятлар жинслар жанги деб номланувчи, азалдан давом этиб келаётган душманлик ҳақида гапиради. Бизнинг фарқларимиз бир-биримизни тўлдириш учун яратилган. Ўзаро боғлиқлик ва қабул қилиш бор бўлган жойда устунлик ва иерархия йўқолади. Муқаддас китобнинг “The Message” таржимасидаги шеърий сўзлар рақобатчилик моҳиятини кўрсатиб беради.

11-оят: “Дастлаб эркак Худонинг чиройли ва ажиб акси сифатида яратилган ва бу ҳақиқат. Лекин аёлнинг танасидаги бош гўзаллиги унинг “боши”, яъни эрининг бошидан устунроқдир”.

Бу ерда Павлус эркак ва аёлнинг таърифидан, эр ва хотиннинг аниқроқ таърифига ўтади. Менга иккала жинсга ҳам ёғилган кадр-қиммат ёқади. Мен эрим туфайли, унинг Худога, менга ва болаларимизга бўлган севгиси туфайли гўзал кўринаман. Худди шундай, эрим менинг Худога, оиламизга ва унга бўлган севгим туфайли кўркам бўлишини истайман. Сўнг Павлус никоҳ мавзусидан узоқлашиб, умумий жинс мавзусига қайтади.

12-оят: “Биринчи аёл эркакдан пайдо бўлган бўлса, лекин энди ўша пайтдан бери, ҳар бир эркак аёлдан пайдо бўлмоқда!”

Аёл эркакнинг қовурғасидан пайдо бўлган, энди эса эркак аёлнинг қорнидан дунёга келади. Аёл киши биринчи эркак, Одам Атодан яратилган, энди эса биз ҳаммамиз иккинчи Одам Атодан, Исодан туғилаяпмиз. Сўнг ўн иккинчи оятда Павлус шундай сўзларни ёзади:

“Аслида эса бутун борлиқнинг манбаи Худо бўлгани сабабли, келинг, бу аҳамиятсиз “ким биринчи” деган масалани аниқлашни бас қилайлик”.

Ким биринчи ва ким энг зўр деган рақобат, биз Худонинг кимлиги ҳақидаги ваҳийни олганимизда тугаши керак. Биз ёлғиз Худо муқаддас экани ҳақидаги илоҳий қарашни тиклашимиз керак. У биринчи ва У охириги, ибтидо ва интиҳо, Альфа ва Омега. Ҳеч ким бизни Отамиз каби бошқармайди ва севмайди. Демак, У ўғилларни кўпроқ, қизларни эса камроқ севмас экан. Бу шунингдек, У эркаклар ва аёлларни тенг даражада севишини ҳам англамайди. У уларни ўзига хос тарзда севади. Агар биз бировни бошқасидан устун қўйсак, биз Унинг суратидан четга оғиб кетамиз. Чунки Худо Ўзининг ифодаси сифатида жинсни танлади.

## **Илк жамоатдаги эркаклар ва аёллар**

Ўз тарихимизни тўғри тушунмаган ҳолда, биз унинг аҳамиятини кичрайтирамиз, лекин Муқаддас Рух онгимизни хиралаштиришга уринаётган душманнинг ниқобини олиб ташлашига шубҳа қилмайман. Муқаддас Китобни ўқиётганимизда, биринчи жамоат қудратли бўлганига рози бўлишимиз керак. Маданият имонлиларнинг ҳаракатини чеклашга ҳаракат қилганида, улар аксинча, олға юриб, янги ҳудудларни забт этардилар. Улар ўша даврда ҳукмронлик қилган императорларнинг буйруқларидан қўрқишмаган, чунки улар аллақачон, Худо олдида тиз чўкканлар. Улар *ҳар кун* мўъжизалар ва аломатлар ичида яшаганлар. Улар ўзларининг бош ҳукмдори кўринмас маконда эканлигини тушуниб яшаганлар.

Улар Худонинг Руҳи билан муҳрланиб, У учун бағишланганлар. Уларнинг муқаддас жойларида эркаклар бир томонда, аёллар эса бошқа томонда ўтирган деб ўйламанг. Кўпинча улар уйларда, бозорларда, ғорларда, ҳатто кемалар ва зиндонларда учрашганлар. Бу имонлилар ҳар бир қабила, ҳар бир тил ва урф-одатлардан бўлганлар, лекин уларни битта Муқаддас Руҳ бирлаштирган, иккала жинс ҳам бирга ягона Танадек, Масиҳнинг келинидек маҳкам турган. Биз бир бўлганимизда, Худонинг тарафидан бошқа, ҳеч кимнинг тарафи бўлмайди. Улар уйма-уй юриб Хушхабарни ваъз қилишган. Ҳаворийлар китобида (2:42-44) бу тана қандай қилиб катталашганини кўрамыз:

“Улар ҳаворийларнинг таълимотини ўрганишга, биродарликка, Раббимиз Исони хотирлаб, нон синдиришга ва ибодатга ўзларини бағишладилар. Ҳаворийлар орқали Худо кўплаб мўъжизалар ва аломатлар кўрсатарди, бундан эса ҳамма ҳайратга тушган эди. Барча имонлилар тез-тез йиғилишиб турар эдилар. Улар ҳамма нарсада ҳамжиҳат эдилар”.

Ушбу “ҳамма нарсада” ибораси фақат моддий муҳтожликлар билан чекланмайди, у саждани, ҳаяжонланишни, мулоқотни, овқатни, ибодатни ва мол-мулкни ўз ичига олади. “Ҳамма нарса” ўзаро, кенг тарқалган, кундалик ва жамоавий деган маънони англатади.

Эркаклар ва аёллар мулоқотда ва таълим беришда ўзларини бир-бирига бағишлаш учун етарлича яқин эдилар. Мулоқотсиз, таълимот орқали бир-бирининг муҳтожлигига хизмат қиладиган жамоат яратиб бермайди. Аксинча, баҳс-мунозарасиз таълим такаббурликни озиқлантиради ва ҳақиқатни бузади. Ҳақиқатни қанчалик билишимиз эмас, балки унга қандай амал қилиб яшаётганимиз орқали билганларимиз синовдан ўтади. Кўпчилик одамлар нима қилишни ақлида биладиган, лекин ҳаётида амалда қилиб кўрсатмайдиган зиддиятли вазиятнинг асирига айланадилар. Ўзининг бутунлигини сақлаш учун, шунингдек ҳақиқатда яшаш учун қариндошлар ва дўстлар керак.



Илк жамоатда аёлларнинг овоз ҳуқуқи бўлган. Агар шундай бўлмаганида эди, Ханонийё ва Сапфира билан бўлган воқеа бошқача кўринишга эга бўлар эди. Ҳаворийлар китобида (5:1-11) хотини йўқлигида Петрусга ёлғон гапирган ва ерга йиқилиб жон берган одам ҳақида ҳикоя қилинади. Уч соатдан сўнг унинг хотини етиб келди. У эрининг ўлиmidан беҳабар эди, лекин у қандай жавоб беришни биларди. Петрус ундан сўраганда, у эри билан олдиндан келишиб олган ёлғонни такрорлади. У ҳам эрига ўхшаб, жони узилиб ерга йиқилди. Буларнинг барчасини ўз ёлғонлари билан, ҳозирги замоннинг бўйсунуш таълимоти нуқтаи назаридан, у “эрининг истакларини яширган, шу орқали уни мамнун қилган”. Лекин Сапфира рост гапириш ўрнига, ёлғон гапиришга қарор қилганда, у ҳаётдан ажралди. У ўзининг овози ҳуқуқидан нотўғри фойдаланди. Агар у Петрусга рост гапирганда, тирик қолиши мумкин эди.

Раҳм-шафқат ва иноятнинг ҳайратланарли кўринишида ҳеч ким четда қолиши мумкин эмас. Эркаклар ва аёллар ҳам бир хил ҳисса қўшадилар. Уларнинг кўпчилиги бунини биринчи марта бошдан кечирганлар. Гуноҳ туфайли йўқотилган нарсани, Худо тиклаш учун мойлаган. Аёллар ва эркаклар куч ва иноятда “ўз шаҳарларининг далаларида меҳнат қилишган ва дунёнинг олис жойларигача борганлар”. Ҳаворийлар китобида биринчи жамоат ҳақида мана шундай деб ёзилган:

“Имонлилар ҳар куни Маъбадда йиғилардилар. Бир-бирлариникига меҳмонга борганда эса Раббимиз Исони хотирлаш учун нон синдирар, соддадиллик билан, юракдан севиниб овқатланишарди. Худога ҳамду санолар айтардилар, халқнинг ҳурмату эътиборидан баҳраманд эдилар. Ҳар куни Эгамиз нажот топаётганларни имонлиларнинг қаторига қўшарди” (Ҳаворийлар 2:46, 47).

Бу оятларда ҳаворийларнинг биринчи жамоатида ҳукмрон бўлган кундалик ҳаёт тасвирланган. Яҳудий имонлилари бирга маъбадга боришган, мулоқот қилиш учун уйларда бирга йиғилганлар,

миннатдор ва саҳий қалблари билан бирга овқатланишган. Уларнинг ҳаёти ўз Худосига аталган мақтов ҳамду саноларини таратиб турган ва улар бутун халқнинг марҳаматида бўлганлар.

Нима учун биз бирдан Исонинг келини, Унинг жамоати аёлларни ажратиб қўяди, камситади ва обрўсизлантиради деган фикрга келдик? Нима учун қаҳрамонлар эмаслигимиз ҳақидаги ёлғонни қабул қилдик? Эркаклар ва аёллар бирга бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр узоқ вақтдан бери яшириб келинмоқда. Худбинлик ва хурофий фикрлар билан қопланган ҳаёт натижасида, эркаклар ва аёллар чуқур жароҳатланган.

Лекин бу ҳикоямизнинг якуни ва ундаги охири сўз эмас. Осмонда инсон жинси ҳужум предмети бўлиб белгиланмаган, етакчилик учун жанг майдони ҳам режалаштирилмаган. Бизнинг фарқларимиз бизни бирлаштиради, биз алоҳида бўлгандан кўра биргаликда кучлироқмиз. Бирликни сақлаган Худо ўғиллари ва қизларининг буюклиги ҳали ер юзида намоён бўлиши мумкин. Бизнинг бирлигимиз орқали Худонинг сиймоси ошкор бўлади ва Худонинг улуғворлиги ёрқин порлайди.

## Мулоҳаза юритиш учун саволлар

1. Қандай жанглarda эркаклар бир ўзи жанг қилишига тўғри келмоқда?
2. Аёл сифатида Худонинг даъвати ва инсоний урф-одатларнинг ўртасидаги босимни ҳис қилганмисиз?
3. Сизнинг ҳаётингиздаги Буюк топшириқнинг кўриниши қанақа?
4. Ўзингиз ҳақингизда “ярамас”, “лақма”, “содда” деган сўзларни эшитганингизда, ўзингизни қандай ҳис қиласиз?
5. Муқаддас Китоб орқали ўз маҳоратингизни қандай оширишингиз мумкин?
6. Қайси соҳаларда, айбдорларни қидираётган жойда бўлиб қолдингиз?

## Қўрқув ва севги ўртасидаги рақобат

“Севги - бу қалб гўзаллигидир”.

БАХТИЁР АВГУСТИН

**Б**ир мунча вақт олдин биз Жон билан ажойиб бир жамоатда оила ва никоҳ мавзусига бағишланган саволлар ва жавоблар оқшомини ўтказдик. Ушбу якшанба оқшомида бу ерда ҳали энди оила қуришни режалаштираётганлар йиғилган эди. Учрашув якунига етаётган пайтда, эҳтимол, оқшомнинг энг муҳим бўлган саволи берилди. “Энди турмуш қурганингизга ўттиз йилдан ошгандан сўнг, орқага назар ташлаб, сиз ўзгартиришни ёки бошқача қилишни истайдиган бирор нарса борми?” Бу савол менга тушди. Вақт жуда чеклангани учун мен бир вақтнинг ўзида ҳам қисқа ва очиқ жавоб беришни истар эдим. Мен ўзимни қўлга олдим ва шундай деб айтдим: “Менимча, мен Жонга хато қилиш ҳуқуқини берган бўлардим ва мен уни кўпроқ қўрқувсиз севган бўлардим”.

Шу пайт залда тўлқин кўтарилиб ўтди. Мен ўтирган жойдан эркаклар ва аёллар шошиб кўз ёшларини артаётганларини, кўпчилик чуқур хўрсинаётганлигини ва фақат жимгина бошларини ирғитиб маъқуллаётганларини кўриб турардим. Қўрқув – бу севгининг

энг катта рақибни бўлиб, у куч жиҳатидан севгидан кам эмас ва ўз атрофида вайроналик ва ҳалокат келтириш қобилиятига эга.

Оилавий ҳаётда мен қўрққан нарсаларнинг кўпчилиги ҳеч қачон рўёбга чиқмади. Кечаси мени қийнаган барча қўрқувлар, толиққан юзимда фақат чуқур из қолдириб, ажинларимни кўпайтирди. Ўша пайтда бу ҳаётимнинг оқ саҳифасида рассом мўйқалами билан суртган чизиқдан бошқа нарса эмас эди. Лекин бу мен ўта маҳоратли рассом бўлганим учун эмас, балки мени ҳайратда қолдирадиган Худонинг содиқлиги туфайли эди.

Мен хато қилишни ёқтирмайман ва бу борада сиз билан ўхшашмиз. Аммо ҳозир ортга қараб, балки таваккал қилган бўлардим. Мен бу ҳаётда қўрқувим туфайли икковимиз ҳам қанчалик кўп нарсани йўқотганимизни ҳеч қачон билмайман. Бир нарсани аниқ биламан... Қўрқув – бу ёмон маслаҳатчи. У ҳаётимизда севги ҳаракатга келтиришни жуда истайдиган барча нарсани фалаж қилади ва бўғиб олади. Биз буни тушунамизми ёки йўқми, лекин севги ва таваккалчилик ҳамроҳ юради.

Мен севги эмас, балки қўрқув ҳукм сурган оилада туғилиб ўсганман. Қўрқув ота-онамнинг оилавий ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Қўрқув уларга дўст орттиришга тўсқинлик қилган, шу билан бирга оилавий бюджетни ҳолдан тойдирган. Оқибатда бизга доим пул етишмаган, биз доим севги танқислигини бошдан кечирганмиз ва бизда ҳеч қачон ишонадиган одам бўлмаган.

Қўрқув чиройли уйимизнинг хоналарида акс садо бўлиб таралиб, яланғоч деворларда акс этарди. Менинг отам қурувчи эди, лекин қўрқув сабабли уйимизда хурсандчилик ва шинамлик йўқ эди. Кўп кечаларни укам билан ухлаб қолишга ҳаракат қилиб, ўз каравотларимизда жимгина ётганмиз, бу пайтда эса ота-онам тунгача уришишда давом этишган. Чироқнинг хира нурида мен кундалик дафтаримга ёзардим ва ўзимга ваъда берардим. Мен шошилиб ёзадиган қаламларим мени ҳимоя қиладигандек туюларди. Мен ўзимга ҳеч қачон заиф ва ҳимоясиз бўлмасликка ваъда бердим. Бу ота-онамнинг ажрашиши билан, яъни икки

марта ажрашиши билан тугади. Уларнинг ҳар бири дўст каби эмас, балки душман каби ўз йўлларида кетишди.

Мен Масихга келганимда, қалбим ўз уйини топди, лекин мен ўзимни қандай тутишни билмасдим. Никоҳимизнинг дастлабки даврларида мен кўплаб номукамал ҳимоя механизмларига дуч келдим, мен болалигимда ўзим яратган тўрларга тушдим. Мен ҳимоясиз ва заиф бўлишни рад этганимда, мен қандай кечирини ва қандай кечиримни қабул қилишни билмайман. Мен бу тўрларга ўралиб қолдим ва улар никоҳимизни бузишига сал қолди. Гарчи эрим менга отамни эслатмаса ҳам, мен эса онамга ўхшамасам ҳам, ота-онам мени аллақачон ухлаган деб ўйлаган пайтларида, ўша ранжитадиган сўзларни такрорлаганимда, гоҳ-гоҳ орамизда келишмовчиликлар пайдо бўлиб турарди.

Мен уларнинг қўрқуви меросини ўзимнинг келажагимга олиб келгандим ва у уйимизни эгаллаб олишидан аввал, тўхташим лозим эди. Жоннинг камчиликлари мен тасаввур қилганимдан кўра кўпроқ, ўз камчиликларимни очиб берарди. Лекин бунга тўғри муносабат билдириш ўрнига, болалигимдан ўрганган сценарий бўйича ҳаракат қилардим. Гарчи мен кўп кечирим олган бўлсам ҳам, Жонга нисбатан раҳм-шафқатли бўлишга қийналардим. Бизнинг никоҳдаги аҳдимиз тезда шартномага айланаётган эди, шу билан бирга севги ҳам тезда йўқолиб борарди. Мен қўрққаним учун Жонни қўрқувсиз севишдан бош тортдим. Ўзимни ҳимоя қилишга интилиб, ўзимнинг кичик дунёда тобора яққаланиб қолдим. Жон бизнинг муносабатимизда аён қилган порнография ва мастурбация муаммолари мен учун қутилмаган янгилик бўлди. (Биз Жон билан бу ҳақида очиқ гаплашамиз.) Жон менинг ўтмишимга тушуниш билан муносабатда бўлгани ҳақида бутунлай унутиб, мен ундан узоқлашдим.

Негадир, мен Жоннинг гуноҳи ҳақида билганимда, Исонинг биз кечирилганимиздек, бошқаларни кечирини ҳақидаги амрини эсан чиқардим. Мен қўрқув ичида яшардим ва ундан уялардим, у эса

бу пайтда мендан ҳеч қандай ёрдам олмасдан, ўз қарамлигидан озод бўлишга астойдил ҳаракат қиларди. Бу *бизнинг* муаммомиз эмас, балки унинг муаммоси деб ўйлардим. Ҳаракатсизлигим ва ёрдам беришни хоҳламаслигим, ёки ёрдам бера олмаслигимнинг сабаби, ўша пайтда ўз ўтмишим оғирлигини елкамда ҳис қилганим ва ҳозир менга насиб қилган ҳаётдан кўра яхшироқ ҳаётга лойиқ эмасман деб қарор қилганим эди.

Биз тез-тез жанжаллашадиган бўлдик. Мен ундан ҳиссий жиҳатдан узоқлашдим ва унинг курашини четдан кузатардим. Қайсидир маънода, мен уни ҳукм қилганимда, ўзимни кўпроқ ҳимоялангандек ҳис қилардим. Агар у ўзгармаса, уни кечиришга мажбур бўлмайман. Бу эса ҳаётимнинг бошқа соҳаларида ҳам кескинликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шубҳасиз, шунинг учун никоҳимизнинг биринчи йиллари, бўлиши мумкин бўлганидан анча қийинроқ кечди.

Бир куни ғазаб ва умидсизликдан чарчаганимда, Худога илтижо қилдим: “Ўзгарганида, мен уни кечираман”.

Билишимча, ўша пайтда ораимиздаги ишонч бутунлай бузилган эди ва мен кучли кўнгил совишини бошдан кечиришни истамагандим. Менинг қатъий айтган мурожаатимга Худо савол билан жавоб берди. У: “Сен Менга ишонасанми, Лиза?”, деб сўради.

- “Ҳа”.

- «Яхши. Жон ўзгара олиши учун уни кечиришингни иштайман”.

Шундан сўнг У Жонга айтишим керак бўлган ушбу сўзларни берди: “Сен ўзгаришни ишташингга ишонаман ва сени кечираман”.

Бу менинг одатдаги ёндашувимдан кескин фарқ қиларди. Мен одатда шундай дердим: “Сен ўзгарганимда, сенинг тавбангга ишонаман”. Бундай фикрлаш тарзи мен билган ҳамма нарсадан шунчалик йироқ эдики, мени Худонинг Ўзи бошқараётганини англадим.

Мен Жонга шартсиз меҳр кўрсатганимда, икковимиз учун ҳам шифо жараёни бошланди. У уят зулматидан Худонинг нурига

чиқиш учун куч топди ва у ерда ўз қуллигидан озод бўлди. У ҳақидаги фикрим ўзгарганда, бу биз учун кескин ўзгариш пайти бўлди. Мен ўзгармас Худога ишонишга муваффақ бўлдим.

## Қўрқмас севги

Қўрқмас севги инсоннинг ҳатти-ҳаракатига эмас, мени нима қилаётганим ёки нима қилмаётганимга эмас, балки Худонинг севгидан иборат содиқлигига асосланади. Мен Исо номидан Отага гуноҳларим ва хато ишларимни эътироф қилганимда, уялмайман. У менинг келажагим яхши бўлишига ишонади.

Одамлар бизни ҳафсаламизни пир қилганларида, келгусидаги хавфни камайтиришга ҳаракат қилиб, севги миқдорини уларнинг ножўя ишларига мос равишда қисқартиришимиз ғайриоддий ҳолат ҳисобланмайди. Биз таваккал қилишдан қўрқамиз... Биз севишдан қўрқамиз. К.С. Льюис ўзининг “Севги” номли китобида, бундай ёндашувнинг хатоси нима эканлигини тушунтиради.

“Севиш – бу заиф бўлиш демакдир. Ўзини хавфсизлантиришнинг имкони йўқ, севги қайғуга тўла. Севишингиз билан қалбингиз хавф остида қолади. Агар уни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, уни инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам берманг. Уни майда лаззатлар ва инжиқликлар билан ўраб олинг, уни худбинлик қутисига қамаб қўйинг. Бу ишончли, қоронғи, ҳавосиз тобутда у парчаланмайди. Уни энди на синдириб, на тегиниб, на қутқариб бўлади. Севиш – бу заиф бўлиш демакдир”.

Шундай деб айтинг! Севиш – бу заиф бўлиш демакдир. Бизга бундай яқинлик ёқмаслиги мумкин, лекин тушунишимга кўра бундан қочишнинг иложи йўқ (менга ишонинг, мен шундай қилишга уриниб кўрганман). Лекин ҳимоясиз қолиб, маҳбусга, ҳеч ким тарафини олмайдиган қурбонга айланаман, деб ўйламанг. Аслида, энди сиз ҳимояланган мавқеида бўласиз, чунки севги ҳеч қачон адо бўлмайди.

Биз заиф бўлганимизда, қандай хавфга дуч келишимиз мумкинлигини кўриб чиқайлик. *Заифликнинг* таърифларидан бири

– бу кўнгли очиқлиқдир, яъни ҳамманинг эътибори марказида бўлишдир. *Заифликни* одамнинг *яланғочлиги* ҳолати билан солиштириш мумкин. Мен кийимимни ечганимда таҳлика остида қоламан, чунки бу пайтда мен яширинадиган жой бўлмайди ва мен бутунлай ҳимоясиз бўлиб қоламан.

Севги бу – бошпана. Бу шундай хавфсиз, яхши ҳимояланган жойки, бу ерда сиз ўзингиз ёлғиз қолишингиз, тўлиқ очиқ бўлишингиз ва уялмаслигингиз мумкин.

Бизнинг одатдаги тушунчамизда “яланғочланиш” – кўпинча шаҳвонийпарастлик билан тенглаштирилади. Лекин менинг тушунчамга кўра, “яланғочланиш”, кўрқмасдан ўз қалбини очиш, ўз қалбини тўкиб солиш, ўзининг бутун дилини кўрсатишни англатади. Биз Худо олдида самимий, очиқ бўлсак, энг кучли мавқени эгаллаймиз. Бу мантиққа зид туюлиши мумкин, лекин мен учун ўз заифликларимизни уятнинг жулдури остига ёки тақводорлик либоси остига яширишдан иборат беҳуда уринишдан кўра, Худо олдида ҳимоясиз, очиқ бўлиш яхшироқдир.

Исо ўзининг илоҳий табиатидан маҳрум бўлганида, у биз учун заиф бўлган. Биз Унга ўхшашимиз учун У бизга ўхшаб олган. Исо бизга Худонинг севгисини очиш учун заиф бўлиб олган. Шу сабабли, биз кўрқмасдан севишимиз ва жуда кучли ишонимиз ва умид қилишимиз мумкин.

Кўрқувсиз севадиган одамда жуда кучли имон ва жуда чуқур умид бўлади. Эндиликда бу учта нарса қолади: имон, умид, севги. Улар бир-бири билан чамбарчас боғланиб, бизга бардош улашиш учун куч бериб, ўзаро уйғунликда яшайди. Шу билан бирга, севги ер юзидаги энг қудратли кучдир. Севгисиз ҳақиқий имон бўлмайди. Севгисиз умид ҳам бўлмайди.

Худо – бу севги. Севги абадийдир. Севги ҳеч қачон тугамайди. Севгига ишониб топширган нарсангиз, ҳеч қачон йўқолмайди ва севгидан туғилган нарса, ҳеч қачон ўлмайди. Лекин севги ўсиши мумкин бўлмаган жойлар ҳам бор. Севги ўзининг рақиби бўлган кўрқув билан бирга гуллаб-яшнаши мумкин эмас. Кўрқув – бу




боши берк кўчадир. Қўрқув – бу ўз қурбонига азоб берадиган ёвуз руҳдир. Қўрқувнинг овози шубҳа қаъридан эшитилади, севги эса имон нуридан донолик олади. Агар сиз қўрқув овозига узоқ вақт қулоқ солсангиз, муваффақиятсизликка учрайсиз. Кўп йиллар илгари мен биринчи китобимни ёзаётганимда, қўрқувнинг тафовути – бу имон ҳам, жасорат ҳам эмас, балки севги экани ҳақида очиқлик олдим. “Оз мамлакатининг сеҳргари” номли болалар эртагидаги қўрқоқ шерни мард ва жасур қилган айнан севги эканлигини билганимда, болалигимдаги сабоқларимни яхши эслашим керак эди. Коринфликларга мактубининг ўн учинчи бобига қўрқув хусусиятларини қўйганимда, бу фикр янада ривожланди. “Қўрқув сабрсиз ва меҳрибон эмас, шу билан бирга у ҳасадгўй ва мақтанчоқдир. Қўрқув такаббур ва қўпол. Қўрқув ўз гапини ўтказади. У сержаҳл ва кек сақловчи. У ҳақиқат учун қувониш ўрнига ноҳақликка севинади. Қўрқув ҳеч кимни ҳимоя қилмайди, ҳеч нимага ишонмайди, ҳеч нимага умид қилмайди, ҳеч нарсага сабр қилишни истамайди. Қўрқув адо бўлади”.

Қўрқувнинг меваси ва уни ҳаракатлантирувчи кучи, севги йўлларининг бутунлай тескарисидир. Мен қилган барча яхшиликлар ва олган барча ҳаётий сабоқлар фақат қўрқувни енгиб ўтганимда, ҳаётимда тўлиқ намоён бўлди ва амалга ошди.

Кучли ҳисни яхши кўрадиган, хавф-хатардан қўрқмайдиган экстремал кишилар ҳам бор. Булар албатта, таптортмас довюрак одамлардир, лекин севадиган одамларни чинакам жасоратли одамлар деб айтиш мумкин. Худо севгидир. Севгида қўрқув йўқ. Худо қўрқмас. Биз Худонинг фарзандларимиз. Бизга қўрқмасдан севиш қобилияти берилган. Худонинг ботир севгисини қабул қилиб, биз қўрқмасдан севишимиз мумкин. Фақат қўрқмасдан севадиган киши қўрқувсиз яшайди.

Бу шубҳасиздек бўлиб кўринади. Ўзини худди Худони



**Қўрқувнинг тафовути – бу имон ҳам ва ҳатто, жасорат ҳам эмас, балки севгидир.**

ғафлатда қолдирадигандек тутадиганлар ҳам бор. Гўёки бу У учун кутилмаган ҳодисадек бўлади. Биз кўрган ва эшитган нарсаларимиздан қўрқамиз ёки аччиқланамиз ҳамда бизга Унинг шафқатсизликка, инсонларнинг бузуқликлари ва бахтсизликларига муносабати, худди бизники каби бўлиши керакдек туюлади. Лекин бу шундай эмас.

## **Мукаммал севги**

Севгисиз энг кучли жасорат ҳам хўжакўрсинликдан бошқа нарса эмас. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ўз севгисини намоён қилиш ўрнига, атрофдагиларда таассурот қолдириш учун мўлжалланган. Жасур одамдек таассурот қолдиришнинг ўзи етарли эмас, чунки ҳақиқий жасорат бошқа киши учун ўзимни хавф остига қўйганимда намоён бўлади. Бу халқ қаҳрамони бўлиш ўрнига, ўз ҳаётимни қурбон қиладиган пайтлар бўлишини англади.

“Ким ўз жонини дўстлари учун фидо қилса, бундан ортиқ севги йўқ” (Юҳанно 15:13).

“The Message” таржимасида шундай деб ёзилган:

“Дўстларингиз учун ҳаётингизни хавф остига қўйганингизда, севгингиз энг яхши тарзда намоён бўлади”.

Кўрсатиш учун эмас, балки дўстлар учун. Биринчи Коринфликларга мактуби (13:3) севгисиз жасорат ва қурбонликка шундай баҳо беради:

“Бор мулкимни муҳтожларга тақсимлаб берсам, менга шараф келтирсин деб, ҳатто қийноқларга рози бўлсам-да, лекин севгим бўлмаса, буларнинг менга фойдаси йўқ”.

*Севгисиз* фақирлик аҳди ёки ўзини қурбон қилиш, диний қурбонликдан бошқа нарса эмас. Исо Ўз Отаси томонидан севилган

ва Ота Уни қандай кучли севгани каби, бизни ҳам худди шундай севишга қарор қилган. Севги Унга имонда туриш учун куч берган ва У буни биз учун қилди, шунингдек биздан катта умидлари бор.

Исо мени ўтмишимга қарамай севди. У келажакда хато қилишимдан ҳам қўрқмади. Ахир У шундай бўлишини билган. Гарчи ҳаммамиз *хато қилсак* ҳам, бу сиз *хато* эканингизни англатмайди.... Агар сиз ўзингизни хато деб ўйласангиз, сиз адашяпсиз.

Ҳатто гуноҳ қилсам ҳам, мен гуноҳкор бўлмайман. Ўзимни қандай ҳис қилишим муҳим эмас, чунки Исо мени солиҳга айлантирди. Менга Унинг олдиндан берилган ишончига жавобан ўзимнинг қўрқмаслигимни ва Унга бўлган севгимни кўрсатишимнинг ягона йўли бу Унинг ишончини итоаткорликдаги ҳаёт билан ҳурмат қилишдир.

“Зеро Худо гуноҳни билмаган Масихни *биз учун гуноҳ қурбонлиги қилди*, токи биз Масихда Худонинг ҳақлиги бўлайлик” (2-Коринфликларга 5:21, замонавий таржима).

Исо ҳар қандай муаммомиздан кўра анча устун жавоб бўлишга ваъда берди. Сиз бутун вақтингизни ва кучингизни ўзингизга ҳамда гуноҳларингизга сарфлашингиз мумкин ва тез орада бу сиз кўрадиган ягона нарсага айланади. Сиз ўз гуноҳларингиз туфайли эзилган бўласиз ва бу юк сиз кўтара олмайдиган даражада оғирлашиб кетганда, эътиборингизни бошқаларнинг гуноҳларига қаратасиз. Бошқа одамларга нисбатан ҳаддан ташқари талабчан бўлган раҳбарлар, кўпинча ўзларига нисбатан кўпроқ талабчан бўлишлари менга сир эмас. Мен ўзимга қараганимда камчиликларни кўраман. Мен нигоҳимни Масихга қаратганимда, менинг барча камчиликларим Унинг нурида ғойиб бўлади. Мен ўзимни Унинг улўфворлиги нурларида кўришни кўпроқ ёқтираман.

“Эгамиздан умид қилганларнинг юзларида нур, Уларнинг юзлари асло шувут бўлмайди” (Сано 33:6).

Исо гуноҳларимиз Унинг севгисини тўсиб қўйишига йўл қўймайди. Биз ўзимизнинг заифлигимизни ҳис қилганимизда, кўзларимизни уятдан яшириш ўрнига, нигоҳимизни умид билан кўтаришнинг айна вақти бўлади. Унинг мукамал севгиси бизнинг барча гуноҳларимизни ҳайдайди.

Хўш, нега ўзимнинг номукамал қўрқувларим Унинг мукамал севгиси йўлида тўсқинлик қилишига йўл қўяман? Гарчи мен ҳар доим “нима учун” баъзи нарсалар содир бўлишини тушунмасам ҳам, мен Унга ишонишим мумкинлигига аминман. Чунки ҳеч нима Худонинг севгиси билан тенглаша олмайди. У мени севди, шунинг учун мен Унга ишонишга қарор қилдим. Чунки У менинг ягона умидим. Келинг, Худо аёлга мурожаат қилаётган хабарни эшитишимиз учун тўқсонинчи санони такрорлашимга ижозат беринг.

“У мени яхши кўргани учун Мен уни қутқараман. Мени билгани учун Мен уни ҳимоя қиламан” (Сано 90:14).

Бир ўйлаб кўринг... Агар севги ҳеч қачон адо бўлмаса ва панд бермаса, қандай қилиб у бизни хавф остига қўйиши мумкин? Севги ҳаётдаги ҳар қандай яраларни даволашга қодир.

Биз қўрқмасдан севишимизнинг кўплаб усуллари бор. Ўз турмуш ўртоғингизни севиш – бу шулардан бири. Болалар ва ота-оналарни ҳам қўрқмасдан севиш керак. Дўстлар билан муносабат ҳам рашк, ҳасад, худбин инстинктлар ва қўрқувга эмас, балки севгига асосланиши керак. Сиз ўз касбингизни ва ишлаётган жойингизни севишингиз мумкин. Сиз ўз жамоатингизни севишингиз мумкин. Кимдир ўқишни, кимдир кулишни яхши кўради. Сиз севгини қаерда учратманг, эртами ёки кечми сиз албатта, қийинчиликларга ва ҳатто, кўнглингиз совиши ҳолатига дуч келасиз.

Бу эса бизни кейинги босқичга олиб келади: душманларимизни севишга олиб келади. Нима учун Исо бундай гапларни айтди? Чунки бу қўйлар ва эчкиларни ажратиш содир бўлганда, шундай турдаги севги намоён бўлади. Бизга ёмонлик истайдиганларни биз

севганимизда, оломондан ажралиб турамыз. Сиз онгли равишда сизнинг манфаатларингизни чеклаши ва сизга зарар келтириши мумкин бўлган одамларни *танлаганингизда*, ҳамма нарса ўзгаради. Ҳатто сизнинг шароитларингиз ўзгармаса ҳам, сиз уларга боғлиқ эмассиз, сиз улардан озодсиз.

Бу менга Америка фуқаролар уруши давридаги бир қул ҳақидаги ҳикояни эслатади. У қочиб кетиш ва ўз ярадор хўжайинини ташлаб кетиш ўрнига, уни касалхонага олиб боришга қарор қилади. Бу осон қарор бўлмаган, лекин бу қарор унинг чинакам эркин эканлигини кўрсатади. У бу ҳаракати билан, Иттифоқчилар қўшини исёнчиларни бостиришдан анча олдин озодликка эришди.

Кимдир бутун умр сизнинг эркин эканингизни уқтириши мумкин, лекин сиз ҳали ҳам онгли равишда қул бўлиб қолаверасиз ёки сиз эркинликни танлашингиз мумкин. Аммо баъзи одамлар сизни адашиб ўз мулки деб ҳисоблайдилар.

Сизга қуллик ҳеч қачон таъсир қилмаслиги мумкинлигини тушунаман, лекин шу билан бирга, агар кимдир сизни ундан қарздор ёки бирор нимада мажбур деб ҳисобласа, бундай одам сизни қулликда ушлаб турибди. Ўзлари қул бўла туриб, ўзларини озод деб ҳисоблайдиган одамлар бор. Сиз одамларнинг сиз ҳақингизда қандай фикрда бўлишини ёки улар сизни қандай қабул қилишини назорат қила олмайсиз, лекин сиз бунга қандай муносабатда бўлишингизни танлашингиз мумкин.

Севги – бу танлов. Қўрқув – бу таъсирланиш.

Севги – бу эркинлик. Қўрқув – бу қарамлик.

Мукаммал севги қўрқувни ҳайдайди.

## **Барибир севинг**

Кент Кейтнинг қуйидаги иқтибосларини, кўпинча она Терезага тегишли деб ўйлайдилар, чунки у буни эслатма сифатида доимо кўз олдида сақлаган. Бу иқтибоснинг бир парчасини аввал

эшитганингизга ишончим комил, лекин мен уни шу ерда тўлиқ келтирмоқчиман.

*“Одамлар кўпинча мантиқсиз, ақлсиз ва худбин бўлади.*

*Барибир уларни севинг.*

Агар сиз яхшилик қилсангиз, сизни яширин ниятларда ва худбинликда айблашади. *Барибир яхшилик қилинг.*

Агар сиз муваффақиятга эришсангиз, сохта дўстларни ва ҳақиқий душманларни орттирасиз.

*Барибир муваффақиятга эришинг.*

Бугун қилган яхшилигингиз эртага унутилиши мумкин.

*Барибир яхшилик қилинг.*

Ростгўйлик ва самимийлик сени ҳимоясиз қилиб қўяди.

*Барибир ростгўй ва самимий бўлинг.*

Фикрлари зўр ғоялар билан тўлган буюк эркаклар ва аёллар, тор фикрли одамларнинг қурбонларига айланишлари мумкин.

*Барибир глобал миқёсда фикр юритинг.*

Одамлар энгилганларга ачинадилар, лекин фақат ғалаба қозонганларга эргашадилар.

*Энгилганларни ҳимоя қилувчи бўлинг.*

Сиз йиллар давомида қурганингизни бир кечада бузишлари мумкин.

*Барибир қуринг.*

Одамларга чиндан ҳам ёрдам керак, агар сиз уларга ёрдам қўлини узатсангиз, улар қўлингизни тишлаб олиши мумкин.

*Барибир одамларга ёрдам беринг.*

Сиз ёрдам бериш учун бор имкониятни ишга соласиз ва мушт ейсиз.

*Барибир, ёрдам бериш учун бор имкониятни ишга солинг”.*

Одамлар ҳафсалангизни пир қилади. Барибир уларни севинг. Бу ҳақиқатан эканини тушуниб, унинг бу сўзларини ўзимнинг ҳаётим билан қанчалик тез-тез боғлаганимни билсангиз эди. Сиз

бирор кишининг ҳафсаласини пир қилганмисиз? Мен қилганман. Эҳтимол, улар бошини чайқаб, “Мен ундан ҳафсалам пир бўлди”, деб тўнғиллаб кетган бўлишлари мумкин. Душманлар, баъзан дўстлар ҳам сизга хиёнат қилади ва ҳафа қилади. Сиз нима қилишни биласизми... Барибир уларни севинг. Агар сиз рақобатдан ташқаридаги ҳаётни кечиршни истасангиз, унда сиз ҳаётнинг янги даражасига, имкониятлар ва инсон мантиғи чегарасидан ташқаридаги ҳаётга эришишингиз керак.

Биламан, бошида бу бемаъни туюлиши мумкин, лекин сиз одамларга ўз хатоларидан сабоқ олиш имкониятини берсангиз, сиз уларга келажакда яхшироқ бўлишларига ёрдам берган бўласиз.

Қанчалик ачинарли бўлмасин, ҳозир кичик, лекин муҳим бир шарҳни айтиш вақти келди, деб ўйлайман. Мен бу ерда гапирётган хатолар зўравонликни, хиёнатни ёки ноқонуний ҳаракатларни ўз ичига олмайди. Мен бу ерда назарда тутган хатолар янглиш фикрлар, тушунмасликлар ёки хато мулоҳазалар тоифасига тегишлидир. Бу одамнинг қасддан қилинган ахлоқсиз ҳаракатларига, шафқатсизлигига ва ёвуз ниятига тегишли эмас. Мен тўғри йўналишда ҳаракат қилаётганимизда, ҳар биримиз дуч келадиган хатолар ва йиқилишлар ҳақида гапираяпман.

Биз ҳаммамиз инсонмиз ва қанчалик солиҳ ёки ашаддий гуноҳкор бўлмайлик, ҳаммамиз хато қилишга мойилмиз. Фаатгина фарқ шундаки, севги солиҳни оёққа туришга ундайди. Гуноҳкорлар эса ўрнида қолаверадилар ва кўпинча бошқаларни ўз ортидан эргаштиришга ҳаракат қилдилар. Солиҳ ўрнидан туради, бошқаларни кўтаради ва ўз йўлида давом этади (Ҳикматлар 24:16). Севги доим кўтарилади ва кўтаради.

*“Ҳақиқатни севгида айтиб, Бош бўлган Масих томон ҳамма нарсада ўсиб боради. Ундан эса бутун тана бир-бирига боғланган бўғинлар орқали ўзаро уланиб ва бирикиб, севги билан ўзини барпо қилиши учун ўз меъёрида ҳар бир аъзонинг ғайратли ҳаракати бўйича танани ўстиради”* (Эфесликларга 4:15, 16, замонавий таржима).

Ҳақиқатни севги билан гапирганимизда, Унинг Танаси бақувват бўлади. Севги ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ўсишни амалга оширади. Нафратга тўла сўзлар заифлашишга олиб келади ва ўсишни тўхтатади. Шунга қарамай, севги нафрат ва қўрқувдан кучлироқдир.

### **Кўнгиш қолишини қандай енгил мумкин**

Кўнгиш қолиши алданган орзулар натижасидир. Севги энг яхши нарсага *ишонади*, бу эса уни сиздан ниманидир кутадиган ва доим сиздан ниманидир *талаб қиладиганлардан* сезиларли даражада ажратиб туради. Севги муқаррар равишда умидга етаклаганидек, кутилган орзулар тез орада талабларга айланиши мумкин. Мен эримга ишонаман, лекин менинг умидим Худога қаратилган. Эрим ва мен бир-биримизни яхши кўраемиз, лекин бу биз бир-биримизни ҳеч қачон ҳафсаламизни пир қилмаганимизни англамайди... Бўлган иш бўлди! Биз кўнглимиз совишига эътибор беришда давом этиш ўрнига, бу хавфли ҳолатда қолмасликка ва тезроқ бу вазиятдан чиқиб кетишга қарор қилдик. Биз билан содир бўлган воқеалар туфайли тегишли хулосалар чиқардик, хатоларимиздан сабоқлар олдик, вазиятдан чиқиб кетишга ва йўлимизда давом этишга муваффақ бўлдик.

Ишонинг, шундай пайтлар бўлдики, биз (ёки бу фақат менда бўлгандир) бунинг жуда яхши фикр деб ўйлаган эдик. Агар мен ҳар бир қилинган хатони имкон қадар синчковлик билан таҳлил қилиб чиқсам ва бунга уятли бир иш сифатида муносабатда бўлсам, бу ҳеч қачон такрорланмайдигандек туюлган эди. (Мен ўз хатоларимни ҳам, Жоннинг хатоларини ҳам ушбу оғриқли жараёнга шафқатсизлик билан дучор қилганман).

Аммо бу усул унчалик мукамал бўлиб чиқмади ва охири оқибат, иш бермай қўйди, чунки менинг мантиқий нуқтаи назарим нотўғри эди. Бунинг ўрнига қуйидаги натижа юзага келди. Биз бу усулга шунчалик берилиб кетдикки, биз бир-биримиздан



зийраклик билан фақат камчиликларимизни топардик, холос. Биз яхшироқ нарсага умид қилиш ўрнига, бир-биримиздан ёмон нарсани кутиб яшай бошладик. Натижада, биз бир-биримиздан излаган нарсамизни топдик.

Мен ҳамма болаларимни жуда яхши кўраман, лекин бу бизнинг муносабатларимизда ҳеч қачон кўнглимиз қолиши ҳолатлари бўлмаганлигини англатмайди. Гарчи бу одатдагидан кўра истисно бўлса ҳам, кўпинча айнан мен уларнинг кўнгли қолишига сабабчи бўлардим. Бу ҳали ҳам бизнинг муносабатларимизнинг ажралмас қисмидир. Бундан ташқари мендан бир неча марта кўнгли қолган дўстларим ҳам бор.

Кўнгил қолишини бошдан кечирсангиз, бу сизнинг севгингиз ўлди дегани эмас. Бу ҳозир Муқаддас Рухга маслаҳат учун мурожаат қилишнинг вақти эканини англатади. Севги – бу юз фоиз жалб бўлиш ва бағишланишдир, ҳақиқий жалб бўлиш, мен ноқулай саволларга жавоб беришга тайёр бўлганимда ва мен заиф бўлишдан қўрқмаганимда пайдо бўлади.

Мен эрим, болаларим ёки дўстларим мен учун, фақат Исо бўлиши мумкин бўлган кишига айланади деб ўйламаслигим керак. Агар мен уларга қутқарувчи ролини бериб, бу хатога йўл қўйсам, улар мени ҳафсаламни пир қилади, чунки мен ўзим уларга жуда юқори талаб қўйган бўламан.

Кўриб турганингиздек, муаммо уларнинг ўзларида ва камчиликларида эмас, балки менинг юқори, нотўғри умидларимдадир. Сиз одамлардан кўпроқ нарсани кутганингизда, уларнинг бунга қурби етмайди ва сизнинг ҳафсалангиз пир бўлади. Лекин сиз одамдаги энг яхши нарсага ишонсангиз, унинг бу талабни бажаришга қурби етмаса, унинг учун ҳали ҳаммаси олдинда турганини, бу ҳали охири эмас эканини тушунасиз.

Ҳар сафар Худо ҳаётингизга жойлаган одамларни ҳукм қилиш ва улардан воз кечиш истагини ҳис қилганингизда, ҳимоя механизми ишга тушади. Ҳа, шундай одамлар борки, уларни тарк этганингиз маъқул, чунки орангизда келишув йўқ. Улардан

ташқари, сиздан юз ўгириши мумкин бўлган бошқа одамлар ҳам бор. Лекин кўпинча одамлар дили оғриганидан сўнг яна ҳимоясиз ва заиф бўлишни хоҳламаслиги учун узоқлашадилар.

Худо ҳар доим мен ҳақимда ўзимдан кўра яхшироқ фикрда бўлади. У менинг ўтмишимдан заррача ҳам хижолат тортмайди, чунки менинг келажагим Унинг қўлидадир. У мендаги энг яхши нарсаларни кашф қилиш учун мени қўрқув ва иродасизлик гирдобидан тортиб олади. Павлус коринф жамоатидаги ҳадда ташқари кўп нарсани кутиш муаммоси билан тўқнаш келди.

“Зотан сизларнинг ёнингизга келганимда, мен сизларни кўришни истамаган ҳолда кўрмайин ва сизлар ҳам мени кўришни истамаган ҳолда кўрманглар деб қўрқяпман, яъни орангизда жанжалкашликни ҳасадни, ғазабни, тортишувларни, тухматни, шикоятбозликни, мағрурликни ва тартибсизликни кўрмайин” (2-Коринфликларга 12:20, замонавий таржима).

Сиз кўнглингиз қолдирилишини кутиб яшаманг, чунки биз нимани кутсак, шунга эга бўламиз. Биз мақтовларга зиқна бўлиб, одамларга ҳаддан ташқари талаблар қўйсак-у, орзу-умидларимиз оқланмай қолса, орзуларимиздан воз кечган пайтимиз каби умидсиз, ёлғиз ва баджаҳл бўлиб қоламиз. Келинг, одамлар биз ҳақимизда қандай ўйлашларини истасак, биз ҳам улар ҳақида шундай ўйлайлик. Бизнинг энг яхши кунларимиз ҳали олдинда эканига, улар қилган хатолар, билмасдан йўл қўйилган хатолар, ачинарли англашилмовчиликлар эканига ишонайлик. Сизнинг хатоларингиз сизнинг тақдирингизни белгиламаслиги керак.

Сиз Исога жавоб беришингиз ёки ўтмишда яшашни давом этишингиз мумкин. Танлов сизники. Сиз учун буни ҳеч ким қилмайди.

Бизда раҳм-шафқат ҳақида очиқлик бўлмаган пайтда, раҳм-шафқатни унутиб, одамлардан юз ўгиришга, улардан воз кечишга шошилаемиз.

## Қўрқув йўли

Қўрқув қимматга тушади. У сизнинг бор-йўғингизни шилиб олади. У сизнинг кучингизни, орзуларингизни, яқинларингизни, дўстларингизни, севганларингизни, мулкингизни, имонингизни ва умидингизни ўғирлайди. Севги сизга сахийлик билан берадиган барча нарсани, қўрқув бузишни ва маҳрум қилишни истайди. Қўрқув сизга дам бермайди, у тўхтовсиз ҳужум қилади, ҳар сафар ўз ҳужумини кучайтириб боради.

Қўрқув чарчоқни камайтиришга ва сизнинг дам олишингиз кераклигига йўл қўймайди. У хиёнаткорона тарзда тушларингизни бузиб, беандишаллик билан уйқунгизга киради. Қўрқув – бу Муқаддас Рухнинг кучи, севгиси ва соғлом фикрга мутлақо зид руҳий антитезис бўлган кучдир. Муқаддас Рух сизни озод қилиш учун келгани каби қўрқув сизни фалаж қилишни мақсад қилиб қилади.

Қўрқувнинг мақсади нафақат сизни кўпгина ўсиш имкониятларидан маҳрум қилиш, балки сизнинг келажак ҳақидаги холисона гидрокингизни ўғирлаш, бузишдан иборат. Қўрқувнинг ҳам, севгининг ҳам ҳаётингиз учун ўз режалари бор. Лекин улардан бири яхшиликка қаратилган, бошқаси эса ёмонликка.

## Севги йўли

Севги эса яхшилик ва сахийликка тўла. Севгининг қалби кенг. У бизнинг ўзаро муносабатларимизни, орзуларимизни ва умидларимизни тиклашга интилади. Ҳар биримиз Ота томонидан ваъда қилинган севгининг бу турига эришиш учун очиқ имкониятга эгамиз.

Аммо севгининг янги ваъдалари қўрқувнинг эски тупроғида ўсиб чиқа олади деб ўйлаш катта хатодир. Худо янгини янгилаши билан бирлаштиришни истайди.

“Шунингдек, янги шаробни ҳам эски мешга қўймайдилар. Чунки меш ёрилиб кетади, шароб ҳам тўкилади, меш ҳам нобуд бўлади. Аксинча, янги шаробни янги мешга қўядилар, шунда униси ҳам, буниси ҳам сақланиб қолади” (Матто 9:17).


Сизнинг ичингизда қўрқув эзиб қўймоқчи бўлган янги бир нарса бор. Унга бун қилишига йўл қўйманг. Қўрқмас севги фақат мутлақо янги шароитларда, янги идишда сақланиши мумкин. Сиз севгининг янги шаробини бир марта таътиб кўриб, атрофга бошқача қарай бошлайсиз. Сиз илгари мажбурият ва одатдаги вазифа сифатида қабул қилган нарсалар, энди хизмат қилиш имкониятига айланади. Сиз йиғиш билан шуғулланиш ўрнига, сахийлик кўрсатишнинг янги йўллари излайсиз. Севги қўрқувни енгади.

## Қўрқмас аёл

Ўтган йили яқин бир дугонам, туғилган кунимга бир табрикнома совға қилди. Бу совға менга шунчалик ёқдики, мен уни кўзгуга осиб қўйдим. Табрикномада турли рангдаги матодан тикилган катак-катак чизиқли шимдаги ёш қиз тасвирланган эди, бу расм тагида эса қуйидаги ёзув бор эди:

“Кийим эмас, муносабат муҳим”. Бошқа сўзлар билан айтганда, сизнинг нима кийишингиз эмас, балки бун қандай кийишингиз муҳимдир.

Энг яхшиси, севгини жасорат билан кийиб олиш керак. Севги устида ишлаш керак. Сизга чин ҳақиқатни айтаман: қўрқмас аёлдан жозибалироқ нарса йўқ. Бепарво эмас, балки қўрқмас аёл. Худонинг ваъдаларини кийиб олган, имон билан мустаҳкамланган қўрқмас қизлар. Ўзига четдан қараш, инсонга хосдир ва бизга ўзимизга Худонинг Каломи орқали қараш буюрилган. Биз ўзимизга юқоридан туриб, нафратланиш билан, қадр-қимматимизга паст баҳо билан қарашимиз ҳеч қандай фойда келтирмайди.



**Қўрқмас аёлдан  
жозибалироқ  
нарс а йўқ.**

Қўрқувга берилиб, ўзимизна ночорлигимиз таъсири остида қараймиз ва фақат ўзимиз қодир бўлмаган нарсаларни кўраимиз. Лекин биз севги билан, ўша қўрқмас севги билан ҳаракат қилсак, биз

Худонинг ғайритабиий кучлари манбасига уланамиз.

Қўрқув четга суради, севги ўзига тортади.

Жозибали бўлиш нимани англатади?

Ишонинг, бу менинг кандай кўринишга эга эканимдан ҳам каттароқдир. Қўрқинчли автоҳалокатлар катта қизиқиш уйғотади ва ўзига жалб қилади. Бу сўзнинг маъносини яхшироқ тушуниш учун “жозибали” сўзининг илдизига мурожаат қилайлик. Бу сўз “жалб қилмоқ” маъносини англатади. Бу сўз яна “қизиқишни уйғотмоқ, чақирмоқ ёки бирор кишида бирор ҳиссиётни уйғотмоқ, магнит каби жалб қилмоқ” маъноларини англатади.

Сизнинг ҳаётингиз магнит каби ўзига баракани ёки лаънатни тортади. Шунинг учун ўзингиздан сўранг:

Мен нимадан қўрқаман?

Севги мени нимага чақиряпти?

Токи ўзгармагунга қадар, мен кимни кечиришни истамайман?

Одамларга севгини улашганимда, мен қўрқув билан улашадиган бирор киши борми?

Агар ўзимни қўрқув сўзлари билан ўраб олиб, тузоққа илинган бўлсам-чи?

Вазиятни ўз фойдангизга ўзгартириш вақти келди. Буни қилиш жуда осон. Шунчаки ҳаётингизни Худо билан мурсага келтиринг ва У ҳаётингизда амалга оширишни истайдиган барча тенгсиз мўъжизаларни қабул қилинг. Сизнинг бошлашингизга ёрдам бериш учун Павлуснинг Тимўтийга ёзган сўзларига асосланган ибодат намунасини бераман.

“Севимли қизим, Худога ибодат қиламанки, Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масихдан ҳаётингга иноят марҳамати, қолаверса севги ва фаровонлик сахийлик билан қуйилсин! Худо сенга жойлаган руҳий инъомни қайта ёқишга сени руҳлантираман. Чунки Худо ҳеч қачон сенга қўрқоқлик ва ҳадиксираш руҳини бермайди, балки Муқаддас Руҳ сенга улкан куч, севги ва соғлом фикрлашни беради!

Раббимиз Исо ҳақида гувоҳлик беришдан ор қилма, аксинча Худонинг қудрати ҳақидаги ваҳий орқали ёвузликни енгиб ўт. Худо бизни Исода тирилтириб, бизга янги ҳаёт берди ва ҳаётимизга жойлаган муқаддас даъват орқали, бизни Ўзига чақириб олди. Бу бизнинг яхши ишларимиз эвазига амалга олмади, балки дунёнинг бошидан бор бўлган мойланган Исо билан бизнинг қўшилишимизни эълон қилган июнат ва Унинг илоҳий иродаси бўйича амалга ошди ” (2-Тимўтийга 1:2, 6-9 га қаранг).

Буни амалга ошган далил сифатида қабул қилинг. Бунга ишонинг.

Бу сўзларни ҳаётингиз учун Худонинг иродаси сифатида қабул қилинг. Келинг, ибодат қилайлик.

*Самовий Ота!*

*Мен ҳаётимда Сенинг июнатингни, севгингни ва тинчлигингни қабул қиламан. Сен менга берган руҳий инъомни яна аланга олдираяпман. Худованд, Сен менга қўрқув руҳини бермагансан, шунинг учун мен қўрқувнинг маслаҳатларига қулоқ солишдан ва унга эргашишдан воз кечаман. Ота, душман мендан ўғирлаган барча нарсани тиклаганинг ва менга қайтариб берганинг учун Сенга раҳмат айтаман.*

Сен менга куч, ҳокимият, севги ва соғлом фикр берадиган Муқаддас Рухни инъом қилдинг. Мана шу кундан бошлаб, мен севгини танлайман. Мен Хушхабардан уялмайман, мен қўрқувдан қўрқмайман ва қўрқмасдан севаман.

## **Мулоҳаза юритиш учун саволлар**

1. Янада кўпроқ қўрқмасдан одамларни севиш учун яна қандай амалий қадамлар ташлашингиз керак?
2. Оилангизда бу “бизнинг” муаммомиз деб айтишнинг ўрнига, бу “унинг” муаммоси деб айтадиган муаммо борми?

3. Ҳаётингизда заифликнинг, очиқликнинг етишмаслиги, севгининг етишмаслигига олиб келган соҳалар борми? Бунга ўзгартириш учун нималар қилишингиз мумкин?
4. Ҳаётингизнинг бирон бир соҳасида *қилинган* хато, сиз *ўзингизни* хато деб ўйлашга мажбур қиляптими? Бу қачон сиз билан бир бўлиб қолди?
5. Сиз йиқилган (гуноҳ қилган) ва туришга қўрқаётган вазиятлар бўлганми? Балки бу вазият ҳозир содир бўлаётган бўлиши мумкин. Бу ҳақида очиқ сўзлашга ва ўз дўстингизга, ёки яқин кишингизга гапиришга ҳаракат қилинг.
6. Қўрқмас ва бепарво аёл ўртасида қандай фарқ борлигини айтиб бера оласизми?





## Чуқур қудуқлар ва тилаклар қудуқлари

“Синовлар ва қийинчиликлар бизнинг асл кимлигимизни тушунишга ёрдам беради. Улар бизнинг нимадан қилинганимизни кўришга имкон бериб, бизнинг моҳиятимизни кўрсатади”.

ЧАРЛЬЗ СПЕРЖЕН

**С**из теранлик қизи бўлишни хоҳлайсиз деб ўйлайман. Лекин сиз ҳаётингизда теранликни истасангиз, қўлингизга белкуракни олишингизга ва қазишингизга тўғри келади. Чарльз Сперженнинг фикрига қўшилмаслигимнинг иложи йўқ. Синовлар бу чиндан ҳам буюк кашфиётдир. Ҳар холда менинг ҳаётимда аниқ шундай бўлган. Улар бизнинг ўқитувчиларимиз бўлиши керак, лекин охир-оқибат биз қандай ўқувчи бўлишимиз фақат ўзимизга боғлиқдир. Мен ёмон баҳолар олган кунлар ҳам бўлган. Бундай ҳолатлар содир бўлган пайтда, мен баҳомни тўғирлашга ҳаракат қилганман. Тўғрисини айтганда, мен ҳар доим мукамал бўлмасам ҳам, бу ҳаётни муносиб тарзда яшашга ҳаракат қиламан. Мен бу синовларга қандай муносабатда бўлишни танлашим мумкин. Мен уларга элчиларга бўлгандек муносабатда

бўлишни ёки чинакам аянчли манзарани кўрсатиб, ўзимга ачина бошлашни танлашим мумкин.

Биз билан содир бўлаётган ҳамма нарсани, шунингдек, биз ҳақимизда айтилаётган нарсаларни назорат қила олмаймиз, лекин биз у ёки бу вазиятда ўзимизни қандай тутишимиз билан боғлиқ жавоб муносабатлари ҳақида гап кетганда, ҳеч ҳам ночор эмасмиз. Бизда танлаш ҳуқуқи бор, бу эса бизга муносабатимизни тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Спержен сўзларини иқтибос келтирар эканмиз, унинг фикрига кўра, синовларга бўлган муносабатимиз қандай бўлиши кераклигини кўрайлик.

“Мени Абадийлик Қоясига улоқтирадиган тўлқинни ўпишни ўргандим”.

Бу кутилмаганда содир бўладиган ҳодисаларга нисбатан ғайриоддий, кутилмаган муносабатдир. Яқинда мен набирам София, сувда қандай ўйнаётганини кузатдим. У югуриб ўзини сувга отиш орқали, тўлқинларга қарши хурсанд бўлиб борарди. Уни тўлқинлар неча марта йиқитгани ва у боши билан сув остига кириб кетиши муҳим эмас эди... Ахир бу шунчаки ўйин. У кулиб туриб оёқлари остидаги ерни пайпаслаб топар, кўзларини артарди ва янги тўлқинлар томонга интилиб, сув устида пайдо бўларди.

Қоялар ҳақида гапирганда, Спержен жароҳат олиш мумкин бўлган тошли қирғоқни эмас, балки нажотимиз қояси каби бўлган Масиҳни назарда тутди. Ҳар кун биз тақдирнинг зарбаларига қандай муносабатда бўлишни белгилаш учун янги имкониятларга эга бўламиз. Агар биз ўрнимизда ҳимоя ҳолатида туриб олсак, у ҳолда юзага кўтарилган масала муаммолигича қолиб кетади. Аммо агар биз камтарлик қилсак, бу қийинчиликлар Муқаддас Рухга ҳаётимизни чуқурлик билан тўлдиришига ва бизни чиндан ҳам солиҳ одамлар қилишга имкон беради. Ҳаёт қийинчиликлари бизнинг кимлигимизни камайтирмасдан, ички бор дунёимизни намоён қилади. Бизнинг моҳиятимиз ўтмишдаги ва ҳозирги кунда

қилган ишларимизга эмас, балки Масихга, У қилган ишларга асослангандир. Синовларда биз мустаҳкам ва собит бўлиб, Масихга ўхшаб борамиз. Чиндан ҳам, Масих ҳамма нарсада мендан устун бўлган ўша машҳур Қоядир. У ҳаётимнинг марказидир. Кечаси мен тинчлик топадиган ва тонг саҳардан таянчим бўладиган Ўша қоядир. У бизнинг ягона умидимиз ва таянчимиздир.

## Замин тайёрлаш

Энди эса денгиздан қуруқликка ўтайлик. Мен Колорадо штатининг энг гўзал жойларида яшайман. Бу жойда баъзан янги майсалар кўзни қувонтиради, лекин унинг иқлими қуруқ ва ери унумсиздир. Шунинг учун ҳаётимни қуриган ернинг бир парчаси билан солиштириш, мен учун қийин эмас. Бизнинг ўлкаларда қийин об-ҳаво шароитлари тўфайли тупроқ жуда қаттиқ. Аммо боғимдаги тупроқ қуриб қолишига қарамасдан, қалбим юмшоқ бўлиб қолишини истайман. Ҳар сафар бирор нарсадан хафа бўлганимда, у арзимас даражада кичик ёки хавфли даражада катта бўлса-да, мен заминимга зиён етгани ҳақидаги фикрдан қутула олмайман. Ағдариб чиқилган ер орасида, ерга қайта кириб кетишга ҳаракат қилаётган зарарли ҳашаротларга кўзим тушади. Улар ер остида ёмирлашиб юрганини кўраман. Шунда мен хабарсизлигимдан фойдаланиб қолган бу зарарли ҳашаротлар, дўстлик ниҳолларини заифлаштириб ва ўсиш жараёнини секинлаштириб, никоҳимнинг илдизларини кемириб ташлаганини тушунаман. Бу содир бўлганда (бу эса мен ҳоҳлагандан кўра тез-тез содир бўлиб туради), Отам билан суҳбатим тахминан шундай бўлади:

«О, йўқ! Бу даҳшатли! Бу қандай содир бўлиши мумкин? Самовий Ота, буни кўраяпсанми? Ҳозиргина айтганларимни ёки ўйлаган фикрларимни эшитдингми?» У эса шундай деб жавоб беради: “Лиза, бу сен учун очиқлик бўлди, лекин Мен учун эмас. Бу қуртлар сенинг қалбингда узоқ вақтдан бери яшайди. Энди шу саволга жавоб бериш вақти келди: Улар

келгусидаги ҳосилиннга хавф солиб, у ерда қолишларини истайсанми?”

Яқинроқдан туриб қараганимда, ҳали ниш урмаган уруғларни пайқамаслигим мумкин эмас. Булар вақт талаб қиладиган уруғлардир. Булар ҳали ҳаётимда ва оиламда амалга ошмаган Худонинг чуқур ваъдаларидир. Мен ҳатто улар қачонлардир ўсиб чиқишига шубҳалана бошляпман. Менинг Отам сабр билан тушунтиради:

“Бу касаллик жуда тез тарқалади. Сенда доим танлаш имкони бор, уларни турли баҳоналар билан кўмиш ва уларнинг ишини яна яшириш мумкин. Лекин улар жойида қолаверадилар. Агар сен бу касалликдан қутулмоқчи бўлсанг, сен улардан сўзда ва амалда воз кечишинг ва уларни олиб ташлашимга рухсат беришинг керак”.

Улар аслида нима эканлигини кўрганимда, мен тавба қиламан ва ҳасад, шубҳа ва инсон олдидаги қўрқувдан иборат зараркунандалардан воз кечаман.

«Балли! Биз шу ерда эканмиз, бу бегона ўтларни кўряпсанми? Кел, уларни ҳам юлиб ташлайлик. Тупроқ ҳали юмшоқ вақтида бу ишни қилиш осон бўлади. Энди эса уларнинг ўрнига Каломимнинг уруғини экайлик”.

Бир дақиқа! Бу ахир ҳақиқий жанг-ку. Кўринмас зараркунандалар – бу масаланинг бир томони, лекин кўринадиган ўтларни юлиб ташлаш, айна пайтда ваъданинг бажарилишини кутиш бу масаланинг бошқа томонидир. Мен бегона ўтларни яна озгина вақтга қолдирсамми ёки йўқми деган аҳмоқхона фикрлар учун тўхтайман. Ҳеч бўлмаганда янги новдалар пайдо бўлгунча уларга тегинмай турсамчи? Уларсиз мен тақир ерга ўхшаб қоламан.

Мен баҳслашишни бошлайман:

- “Худованд, агар шундай бўлса менинг тупроғим кучсиз ва қуруқ бўлиб кўриниб қолади”.

- “Лиза, сен ҳосилдор кўринишни хоҳлайсанми ёки ҳосилдор бўлишни хоҳлайсанми?”

Бу савол ҳозирги авлод учун берилган саволдир.

Ташқи кўринишимиз ички дунёмиздан муҳимроқми? Агар биз фақат ҳосилдор бўлиб кўриниш учун ҳаракат қилсак, биз ўсишнинг келгуси мавсумларини хавф остига қўйган бўламиз. Яширин экилган нарса бир кун келиб ошкор бўлади. Мен оғир хўрсинаман.

- “Розиман, раҳмат”.

- “Келишдик”.

Шундай қилиб, мен қуруқ ердай бўлиб турибман, лекин уялмайман, чунки энди ичимдаги ваъдалар тўсқинликсиз ўса бошлашини биламан. Синовлар ва қайғулар ерни тозалайди ва келгусидаги ўсишга халақит берадиган барча нарсани юлиб ташлайди. Бу учрашувлар бизни тозалаш ва келгусидаги имкониятга тайёрлаш учун керак. “Синовлар” сўзини осонгина алмаштириш мумкин бўлган қўйидаги сўзлар бор: синаб кўришлар, қайғу-ҳасратлар, баҳолаш, оғриқ ва азоб-уқубатлар, тажрибалар, имтиҳонлар ва шунчаки тестлар.

Юқоридаги кечинмалардан ноқулайликларни бошдан кечирганимизда, биз заиф ва кучли томонларимизни аниқлаймиз. Биргалиқда ва алоҳида-алоҳида, бу машаққатлар қалбимизнинг қуруқ ҳосилсиз жойларини юмшатишга ва уни янги босқичга тайёрлашга ёрдам беради. Жиддий тайёргарлик ишисиз, Худо Каломидаги намликнинг катта қисми ҳаётимизга сингмай қолади. Қалбимиз қурғоқчиликдан қотиб қолган ва сувни сингдира олмайдиган тупроқ каби бўлиб қолади. Агар қуруқ ерга ишлов берилмаса, ҳатто жала қуйганда ҳам, сероблик ичида, барибир қурғоқчиликни бошдан кечирамиз.

Синовлар бизга Худоимиз қандай эканлигини кўрсатади. Синовларнинг мақсади тўғрисида, сизга тўлиқ қўшилишим

мумкин бўлган пайтлар бўлган. Ўша пайтда мен сизга шундай деган бўлардим: агар сиз Худонинг Каломига мувофиқ яшаётган бўлсангиз, сиз билан ҳеч қандай ёмонлик содир бўлмайди. Мен ёш ва аҳмоқ эдим ҳамда вақт синовига бардош бера олмайдиган таълимотлар билан суғорилган эдим. Мен буни чуқур таълимот деб ўйлаганман, аслида у туфайли мен ҳаётнинг юзаки даражасида яшаганман.

Менга ҳаёт ва художўйлик учун керак бўлган барча нарса, чиндан ҳам Худонинг Каломида топилади, лекин ҳақиқатнинг ҳаётимизга кириб бориши ва ўз ишини қилиши учун ҳаёт қийинчиликлари бизни тиз чўктиради. Шу нуқтаи назардан Худонинг Каломи – бу ҳаётнинг сифатини яхшилашга мўлжалланган таклифлар тўплами эмас, балки ҳаётнинг ҳақиқий сўзларидир.

### **Ўз ҳаётингиз ерини чопиб юмшатиш**

Ҳаётимда бир қисқа ва чигал давр бўлган. Бу асосан муғомбирлик қилишни ва баъзи нарсаларни яширишни маъқул кўрган сабабли бўлган. Мен янги имонга келган масиҳий ва яқинда турмушга чиққан аёл эдим, олдинда ерни чопиб юмшатиш иши кутиб турарди. Ернинг устида фақатгина бир нечта тирналган излар кўриниб турарди. Лекин ҳамма нарса, қай тарзда бирдан ўзгарганини эслайман. Мен бутун вужудим билан берилиб ибодат қилардим ва Худого сажда келтирардим. Мен соддалик билан, чўпоннинг эндигина турмушга чиққан хотини бўлганлигим учун, ҳаётимда тартибга солиш мумкин бўлган деярли ҳеч нарса йўқ деб ўйлардим. Мен тўлиқ хотиржамликда, ҳаётимни *чопиб юмшатиш* учун Худони таклиф қилдим. Бир кун ҳам ўтмай, айтган сўзларимга пушаймон бўлдим.

*Азиз Самовий Ота!*

*Ахир мен Сендан чопиб юмшатишни сўрадимми? Ўз сўзларимни қайтариб олсам майлими? Мен ҳис-ҳаяжонга берилиб, нотўғри гапириб қўйдим. Мен Сендан ҳаётимнинг манзарали дизайни билан шуғулланишингни сўрамоқчи эдим.*

У сўзларимни қайтариб олишимга рухсат бермади. Муқаддас Рухнинг бошқарувига кўра мен “чопиб юмшатиш” сўзини айтдим. Кўплаб бошқа масиҳийлар сингари менинг ҳаётим ҳам, кучли истаклар ва юзаки ибодатлар билан тўлиб тошган эди. Бу хавfli пайтга қадар ибодатларим мени бўш ҳис билан қолдирарди. Мен айтадиган сўзлар ҳаётимга ҳеч қандай таъсир кўрсатмас эди, шунинг учун мен бағишланишдан кўра кўпроқ, мажбурият сабабли ибодат қилардим. Мен бошқаларнинг қандай ибодат қилаётганини эшитардим ва ўзим ҳам шундай ибодат қилардим. Ҳа, менга ибодат – бу Худо билан гаплашиш эканлигини айтишарди, лекин қўлимдан ҳеч нарса келмасди, мен ўзимни тахт ўрнатилган хонада фаришталар қуршовида турганимни тасаввур қилардим. Улар, мени бемаъни гапларни айтаяпти деб ўйлаётганини тасаввур қилардим.

Бу фикрлар менинг ибодатларимни, қалбимдаги тўлқинланиб турган умидсизлик туғенини жиловлаши мумкин бўлган сўзлар билан ифодалашимга тўсқинлик қиларди. Мен қандайдир каттароқ нарсага бўлган оғир очлик ҳисси билан, нима қилишни билмасдим.

Энди Худо ибодатларимга чуқур мазмун бериши учун, синовлардан фойдаланаётганини биламан. Худога ҳаётимни чопиб юмшатишига рухсат бермагунимча, Унга ичимда чуқур ишлашига қандай рухсат беришни билмасдим. Ҳар қандай қийинчилик ёки синовни мен дарҳол боғлаб қўярдим! Қийинчиликларни дадиллик билан енгиш ўрнига, ўзимни эски одатларим ва кишанларим билан боғлаб қўярдим. Улар мени енга бошлаганда, мен қочар эдим. Агар қочилишнинг иложи бўлмаганда, улар ўз-ўзидан ғойиб бўлишига умид қилиб беркиниб олардим.

Ҳаёт қийинчиликлари мени кўрқитарди ва жаҳлимни чиқарарди. Мен бошқалар билан муносабатда қаттиққўллик қилиб, ўзимга нисбатан эса янада кўпроқ қаттиққўл бўлиб қолдим. Қадрдоним, агар сиз ҳам шундай йўл тутаетган бўлсангиз, бу ҳаёт, ўзингизга қаттиққўл бўлиш учун ниҳоятда мураккаб эканини билиб қўйинг. Бир неча ўн йил давомида Сперженнинг

ҳақ эканини англаб етдим. Вақт ўтиши билан ўтмишга назар ташлаб, Худонинг Каломи биз кимга тегишли эканимизни айтаётганини ва синовларга қандай муносабатда бўлишимиз орқали, нимадан ясалганимизни кўрсатаётганини кўра оламан. Ҳаёт машаққатлари бизни ўзгартириш ва биз орзу қилаётган одамга айлантириш кучига эга. Лекин босиб ўтаётган йўлимизнинг қаеридадир, жангда қатнашмасдан туриб қаҳрамон бўлиш ҳақидаги ёлғонга ишондик.

## Чуқур қудуқлар

Мен чуқур қудуқлар деб аталадиган одамлар билан учрашишни яхши кўраман. Бу сиртида кўринадиганидан кўра, киши ичида кўпроқ нарсага эга эканини англатади. Чуқур қудуқларнинг сирлари, улар гапириб берадиган ҳикоялари бор, мен эса ҳикояларни яхши кўраман. Бу одамлар шундай синовлардан ўтганки, бошқа қудуқлар бундай синовлардан ўтганда, аллақачон лойқаланган ва ифлосланган бўларди. Лекин бу одамларнинг қудуғидаги сув ўз тозалигини сақлаб қолган. Чуқур қудуқлар фаввораларга айланиб, бошқаларга мусаффолик беради. Чуқур қудуқ улкан акс эттириш қобилиятига эга. Чуқур қудуқ билан мулоқот қилишда сиз у ҳақида эмас, балки ўзингиз ҳақингизда кўпроқ билиб оласиз.

Мен бир нечта шундай аёлларни биламан. Уларни ҳар доим кўпроқ билишни истайсиз. Уларнинг олдида мен шошиб қоламан, чунки ҳали ҳам, менинг уларга берадиган саволларим кўп. Мен уларнинг ёнида бўлганимда, гапиришдан кўра эшитишни афзал кўраман. Мен уларнинг ҳар бир сўзини илиб олишни истайман. Мен ўзим чуқур қудуқ бўлишни хоҳлайман, лекин ҳаётимда кўпроқ кўлмакка ўхшаган пайтлар ва соҳалар бўлиб туради. Баъзан чуқур қудуқни билиш учун қалбим билан ишлашим зарур бўлади. Уларга мен қандай китоблар ёзганим ва қандай анжуманларда дарс берганим қизиқ эмас. Уларнинг кўпчилиги ўзлари ҳам, шу билан мақтанишлари мумкин. Улар олдинга қараб ҳаракат қилишда давом



этадилар. Улар учун менинг нима тўкиб сочаётганимни билишлари шарт эмас, уларга ўзимни нима билан тўлдирётганимни эшитиш қизиқ. Улар мендан эрим, болаларим, набираларим, қалбим ҳақида сўрашади. Улар қаерга юмшоқлик билан тегиш кераклигини ва қаерда синаб кўриш кераклигини билишади. Мен уларга қалбимни қандай очганимни ва ичимдаги барча нарсани тўкиб солганимни ўзим билмай қоламан. (Эримга бу ишим ёқмайди).

Мен куч билан эмас, балки меҳрибонлик таъсири остида ичимдагини ошкор қиламан. Мен бу чуқур қудуқлар билан учрашганимда, кўп нарсаларни тушуна бошлайман. Бундай инсонга айланиш учун ҳаётга тўғри муносабатда бўлиш зарур. Чуқурликни сотиб олишнинг имкони йўқ, унга интилиш керак. У ҳалол бўлиш учун етарлича жасоратли бўлганимизда келади. Шу маънода, чуқурлик кўпроқ тез-тез машқлар орқали ривожланадиган мушакларга ўхшаб кетади.

## Тилаклар қудуғи

Бир мунча вақт олдин, Жон билан менга ишга ёллаш агентлигидан мурожаат қилишди. Кўнгилочар телеканаллардан бирида замонавий дунёда одамларни қизиқтирадиган баъзи чуқур ҳаётий масалаларга руҳий назар ташлайдиган телекўрсатув яратишга қарор қилишган экан. Бундай илтимос билан бизга аввал ҳам мурожаат қилишганди. Бизга илгари ҳам шунга ўхшаш кўрсатувларда иштирок этишни таклиф қилишганди ва мен бундай кўрсатувнинг қаҳрамони бўлишни истамаслигимни аниқ билардим. Мен ўз ходимларимга бундай кўрсатувларга чиқишнинг маъноси йўқлигини айтдим. Лекин вакил уларни бу кўрсатув ўзгача турда бўлишига уларни ишонтирган. Продюсерлар томошабинларни маҳаллий жамоатга жавоб олиш учун борган кунларни эслатадиган машина яратишни исташарди. Биз катта ҳафсаласизлик билан бу таклифга рози бўлдик.

Жон бир шаҳарда эди, мен эса бошқа шаҳарда эдим ва биз видео конференция алоқаси орқали ўзаро боғландик. Бизга бир

нечта саволлар беришди ва биз уларга рўйирост ва очиқ жавоб бердик. Очиғи, бизга иккинчи марта қўнғироқ қилишларини кутмаган эдим, лекин бизга қўнғироқ қилишди. Продюсер бизнинг ғайратимиз уларга ёққани ҳақида ва улар биз билан яна битта суҳбатни ўтказишни истагини маълум қилди. Бу сафар биз скайп алоқаси орқали суҳбатлашдик ва суҳбатимиз видео ёзувга олинди. Улар бизга суҳбат давомида бериладиган саволлар рўйхатини юборишди. Биринчи савол қуйидагича эди:

“Менинг ўн олти ёшли қизим ўзидан ёши катта бўлган ва жинсий ҳаёт тажрибасига эга йигит билан жинсий муносабат қилиб юрибди. У қизнинг ҳаётидаги биринчи эркак. Мен она сифатида унинг шифокор кўригидан ўтишини ва ҳомиладорликдан сақланиш воситаларини қўллашини сўрасам бўладими? Мен нима қилишим керак?”

Мен узоқ ўйлаб ўтирмадим, менга бирдан “йўқ” сўзи келди. Вояга етмаган қиз ота-онаси билан бир ўйда яшаши керак. Мен ҳеч иккиланмасдан жавоб бердим ва Муқаддас Китоб бизни зино қилмасликка ва уни рағбатлантирмасликка даъват қилишини тушунтирдим. Мен бу оилага бирга йиғилишни, бу қизга ва йигитга бошқа учрашмасликлари кераклиги сабабини тушунтириш учун гаплашишни маслаҳат бердим...

Мен жавобимни тугатмасимданоқ, вакил мени гапимни бўлди ва а) уларнинг жинсий муносабатлари барибир давом этишини, б) улар Муқаддас Китобдан парча келтиришларини истамасликларини айтиб тушунтира бошлади. Улар фақат руҳий маслаҳатлар хоҳлаётган эканлар. Сўнг вакил агентликда саволлар рўйхатини тузишганини ва бу саволлардан бири шахсан унинг ўзи номидан берилганини айтди. Бу аёлнинг опаси бир эркак билан жинсий муносабат қилиб юрган экан, она эса қандай қарор қабул қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатга муҳтож эди. Мана шу пайтда суҳбатни давом эттиришнинг кераги йўқлигини тушундик.

Агентликда бизнинг Муқаддас Китоб ўқитувчилари эканимизни

билардилар, лекин улар Муқаддас Битиклардан иқтибос келтиришимизни истамасдилар. Улар биздан чуқур руҳий жавоблар олишни, лекин бунинг Муқаддас Китобдаги парчаларсиз бажаришимизни истардилар. Наҳотки, бунинг иложи бўлса? Наҳотки, Худонинг маслаҳатисиз чин донолик мавжуд бўлса? Агар мен “Янги давр” оқими мутахассисидан иқтибос келтирганимда, улар эътироз билдирган бўлардим ёки йўқми, деб ўйлаб қолдим. Улар биздан қулоққа чуқур жавоблардек эшитиладиган юзаки жавобларни эшитишни истардилар. Бу тилаклар қудуғи эди.

Улар зиддиятларга аралашини ва таъқиқлашлар ҳақида ўзлари билмаган ҳолда кимнидир ранжитиб қўйишни истамасдилар. Улар нотўғри йўл тутаетган одамларни марҳаматлашимизни ва уларнинг ёмон ишлари, аслида яхши эканини уларга айтишимизни истаётгандилар. Улар олдиндан: “Бори ана шу, шунинг учун одамларнинг хато қилаётганликларини айтмаслик учун одатдаги қабул қилинган нарсани айтамыз”, деб ўйлардилар. Улар муроса қилишни афзал кўришарди, лекин айна пайтда улар ҳақиқатга яқин нарсани эшитишни истардилар. Улар масиҳий фикрлар очик эмас, балки яширинча янграшини хоҳлардилар. Ҳа, улар Худонинг буюклиги фикрига қўшиладилар, лекин улар Исони ва Муқаддас Китобни эшик ортида қолдиришни истайдилар.

Бошқа сўзлар билан айтганда, улар мендан шунга ўхшаш сўзларни эшитишни истаганликларига ишончим комил: “Оналик севгисини кўрсатинг, қизингиздан дарҳол таносил касаллиги учун анализлар топширишини сўранг. Уни кутилмаган ҳомиладорликдан ҳимоя қилиши учун унга ҳомиладорликдан сақланишни ўргатинг. Келгуси сафар, унинг йигити келганда, эрингиз билан бирга унга ўз қизингизни жуда қадрлашингизни айтинг. Унга унинг ёши катталигини ва жинсий ҳаётда тажрибаси кўпроқ эканини ҳурмат қилишингизни айтинг. Ундан оилангиз номидан бир қути презервативларни совға сифатида қабул қилишини сўранг. Шу йўл билан, сиз унинг қизингизга таносил касалликни юқтирмаслиги учун ишонч ҳосил қилишга доир бор имкониятни ишга солган бўласиз”.

Бу қанчалик бемаъни маслаҳат эканлигини кўраяпсизми? Лекин мен тушунаман. Продюсерлар Муқаддас Калом ҳақиқатини эшитишни истамасдилар, улар тилаклар қудуғини хоҳлаётгандилар. Улар менга ва Жонга гўё шундай деяётган эдилар: “Биз сизларга тилла берамиз, сиз эса одамларнинг истакларини қондиринг, илтимос. Уларнинг гуноҳларини марҳаматланг ва улар ўзларини яхши ҳис қилишсин”.

Қўрқаманки, кўплаб масиҳийлар чуқур қудуқни ривожлантириш кераклигини эшитиш ўрнига тилаклар қудуқлари билан кифояландилар. Жуда кўплаб аёллар чуқур истакларга, лекин айна пайтда юзаки ҳаётга эга. Улар ўзлари эргашаётган дунёвий маслаҳат бу фақат ўз овозларининг қуруқ акс садоси эканини, бундан бошқаси йўқ, деб тасаввур қиладилар... Шунинг учун улар қуруқ тилаклар қудуқлари билан кифояландилар. Улар ўз ҳаёти ҳақида фикр юритиб, қўйидаги нарсаларни истайдилар:

Буни гапирмасликни.

Буни қилмасликни.

Унга турмушга чиқмасликни.

Унга турмушга чиқишни.

Мақтабга боришни.

Кўп дўстлар орттиришни.

Унга ўхшашни.

Буни сотиб олмасликни.

Буни сотиб олишни.

Кўпроқ ибодат қилишни.

Муқаддас Китобни кўпроқ ўқишни.

Кўпроқ интизомли бўлишни.

Кўпроқ сабрли бўлишни истайдилар.

Агар хоҳлаган нарсамизга эришишимиз мумкин бўлганда эди, унда биз ҳаммамиз гўзал, чиройли, кучли ва жасур бўлар эдик. Уолт Дисней шундай деган: “Орзу – бу ухлаган пайтда қалбда

пайдо бўладиган истакдир”. Мен бу фикрга қўшиламан, лекин орзу ва истак биз уйғониб, орзу билан бирор нарса қилсаккина ҳақиқатга айланади. Истак орзунини ҳаракатга келтиради, биз ишни ҳаракатга келтирамиз. Ҳаммаси яхши бўлиши учун биргина хоҳлашнинг ўзи камлик қилади, яхши ҳаракат ҳам қилиш керак. Мана шунда чуқурлик ривожланади.

## Ёлғоннинг хавфи

“Ҳеч ким ўзини ўзи алдамасин. Орангизда кимдир ўзини бу дунёда доно, деб билса, ўзининг ақлсиз эканлигини тан олсин, шундагина у ҳақиқатан ҳам доно бўлади. Чунки бу дунёнинг донолиги Худонинг назарида ақлсизликдир. Муқаддас Битикларда қуйидагича ёзилган-ку: “У доноларни ўзларининг айёрликлари орқали тутиб олади”. Яна шундай ёзилган: “Эгамиз доноларнинг ниятини англайди, ниятларнинг беҳудалигини У билади” (1-Коринфликларга 3:18-20).

Бу ерда шундай деб ёзилган: “Ҳеч ким ўзини ўзи алдамасин”, лекин аёл киши ўзини осонгина алдаши мумкинлигини биламиз. Хўш, нега инсон, хоҳ у эркак ёки хоҳ у аёл бўлсин, ўзини ўзи алдашни истайди? Аслида, ҳеч ким ўзини-ўзи атайин алдашни истамайди. Лекин эримнинг тез-тез айтадиган шу гапида жон бор: “Ёлғоннинг муаммоси унинг ёлғончи эканидир”.

Ёлғон шундай қиладики, нарсалар, одамлар, вазиятлар ва маслаҳат ўзгача кўринишга эга бўлади. Ёлғон шу даражага бориши мумкинки, Худога итоат легализмнинг кишанларига ўхшаб қолади. Ёлғон шундай қилиши мумкинки, қалбингизнинг душмани дўстнинг овозига ўхшаб гапирди. Ёлғон шунчалик ҳаддан ошиши мумкинки, ёмонлик яхшиликка, яхшилик эса ёмонликка ўхшаб кўринади. Ёлғоннинг кучи шундан иборатки, у сувни шунчалик лойқалайдик, сиз нимага ишониш кераклигини ажрата олмай қоласиз. Худо бизда мана шунақа таҳдид пайдо бўлишини билган, шунинг учун У бизга вақт ўтиши билан ўзгармайдиган, қолаверса

маданиятда ва инсонларнинг ҳиссиётларида тусланишларга дучор бўлмайдиган андазани берган. Бизнинг андазамиз – бу Худонинг Каломи ва бу андазаларга эга бўлган ҳудожўй инсонлардир.

Биз танлаймиз. Биз нимани истаяпмиз: бу дунёнинг донолигиними ёки абадий доноликними? Ҳар сафар яратилган нарса ўзини Яратувчисидан кўра ақллироқ деб ўйласа, у ўзини-ўзи алдаган бўлади. Вазиятлар сувни лойқалатганда, фақат Худонинг Каломи бизга аниқлик бериш кучига эгадир. Агар сиз Муқаддас Каломни чуқур ўрганмасангиз, хато қилиш натижасида, аҳмоқлик сизга доноликка ўхшаб туюлади. Сиз ёлғонга ишониш сабабли, макрни ва махфийликни, очиқлик ва тўғрилик деб қабул қилишингиз мумкин.

**Биз нимани  
истаяпмиз:  
бу дунёнинг  
донолигиними  
ёки абадий  
доноликними?**

Ёдингизда бўлсин, илоннинг донолиги макр ва айёрлик билан ўралган эди. Айёрлик ўз қурбонига бирор нарсани фойда сифатида кўришга мажбур қилади, аслида у бутунлай бошқа мақсадни кўзлайди. Илон ниқоб тақиб олган ва Одам Ато ҳамда Момо Ҳаво олдига ички маълумот билан иттифоқчи қиёфасида келди. У ўзини ёрдам беришни истаётган ҳақиқий дўстдек кўрсатди. У Одам Ато ва Момо Ҳавога, қандай қилиб Худога ўхшаш бўлиш, яхши ва ёмонни ажрата олиш учун билимга эга бўлиш воситасини таклиф қилди. У ҳатто Худонинг донолигига қулоқ солмасалар ҳам, улар юқори даражага кўтарилишини ваъда қилди. Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога алданиб қолишни истамадилар, улар илон ваъда қилган нарсани истадилар. Улар илоннинг сўзларига ишонишни рад қилиш ўрнига, Худо уларни алдаганига ишонишга қарор қилишди. Илон уларга худодек бўлиб қолишларини ваъда қилди, лекин аслида, улар худосизларга айланди. Каломда бизга огоҳлантириш берилган:

“Ҳамма инсонлар ёлғончи бўлган тақдирда ҳам, Худо Ўз Сўзига доим содиқ” (Римликларга 3:4, замонавий таржима).

Ўз донолигимизни ахлоқлик деб атаганимизда, шунингдек ўзимизни Абадий ва Доно Зот олдида камтарин тутганимизда, бу тавба қилиш орқали ёлғон исканжасидан қутилиш йўли бўлади. Биз ҳақиқатни қабул қилиш учун ёлғондан юз ўгирганимизда, тавба қилган бўламыз.

Шайтоннинг маккорона ваъдалари бугунги кунда бутун ер юзи бўйлаб янграмоқда. Бир вақтлар унинг таклифи Худонинг амридан кўра мулойимроқ, меҳрибонроқ ва анча фойдалироқ бўлиб туюлган эди. Хўш, сиз учун қайси бири яхшироқ? Ейиш ва ўлишми ёки ейиш ва доноликка эга бўлишми? Илон инсоннинг мағрурлиги ва ахлоқлигини бизга қарши ишлатади. Ким ўзининг донороқ эканига ишонишдан воз кечади? Шунинг учун у бизга хушомад қилади. Ҳақиқат шундаки, Масихдан ташқарида ҳақиқий донолик йўқ. Масихдан ташқарида вақт ва дунёвий тажриба билан чекланган билим бор.

“Худонинг Руҳи яққол айтяптики, охириги замонларда баъзи одамлар имондан қайтадилар. Улар ёлғончи руҳларга ва жинлар таълимотига қулоқ соладилар” (1-Тимўтийга 4:1).

Ёлғон руҳ ҳар доим бизга Худонинг Каломидан ташқарида билим борлигини айтади. У бизни замонавий дунёда яшаётганимизга ва Худо бир пайтлар айтган Ўз сўзларини унутганига ишонтиришга уринади.

Бу руҳлар илоннинг сўзларини такрорлайди: «Худого қулоқ солманг, ўзингиз худо бўлинг». Кўпчилик одамлар буни пайқамайди, чунки улар фақат жодугарлик ва шайтонга сиғиниш билан шуғулланувчилар алданади деб ўйлайдилар. Бироқ кўпинча, ёлғончи руҳлар ва жинларнинг ўз кўзлаган мақсади бўлади, лекин улар бошқа нарсани кўрсатадилар. Агар сиз масиҳий бўлсангиз, улар сизнинг қалбингизни эгаллай олмайди, шунинг учун улар сизнинг ҳокимиятингизни тортиб олиш ва қудуғингизни булғаш учун бор имкониятни ишга соладилар. Дунёдаги худосиз

нарсаларнинг кўпчилиги, бизнинг даврда кенг тарқалиб кетган. Муқаддас Битиклар бизни аниқ огоҳлантиради:

*“Сафсатабоз кампирларга хос бемаъни афсоналардан юз ўгир. Художўй бўлишга астойдил ҳаракат қил. Ахир, шундай бир мақол бор-ку: “Жисмоний машқ тана учун фойда берар, художўйлик эса ҳар томонлама фойда келтирар, у дунёю бу дунёда ҳаёт бахш этар”. (1-Тимўтийга 4:7-8).*

Сафсатабоз кампирларга хос бемаъни афсоналар бўлгани учун бу афсоналардан ҳеч қандай зарар бўлмайди деб адашманг. Бундай эмас. Булар бизни қандайдир ҳақиқатга ўргатиш учун сеҳр билан қопланган эртақлар эмас, бу ўлдириш, ўғирлаш ва ҳалок қилиш учун юборилган жинларнинг таълимотидир.

Худо маслаҳати чегаралари ташқарисида ҳақиқий донолик мавжуд эмас.

Исо ҳеч қачон биз эшитишни истайдиган нарсада тўхтаб қолмайди, У чуқур юришда давом этади ва биз эшитишимиз керак бўлган нарсани гапиради.

## **Ўз қудуғидан сув олиш**

Ҳар биримизнинг ичимизда ҳақиқий қудуқ бор. Бу бизнинг қалбимиз, биз сув оладиган жойдир. Пайғамбар Йермияҳ уни ховуз деб атайтиди.

*“Менинг ҳалқим иккита гуноҳ қилди: Улар Мени – ҳаётбахш сув булоғини тарк этдилар. Ўзлари учун сардобалар қазидилар, сувни ушлаб туролмайдиган ёриқ сардобалар қурдилар” (Йермияҳ 2:13).*

Бизнинг қалб қудуқларимиз жуда саёздан бошлаб, то жуда чуқур кўринишдаги қудуқлар бўлиши мумкин. Ундаги сув сатҳи бизнинг қобилиятларимизга мувофиқ кўтарилиши ёки пасайиши



мумкин. Қудуқ қанчалик чуқур бўлиши муҳим эмас... Агар ҳовузда ёриқ бўлса, у сувни ушлаб тура олмайди. Вақт ўтиши билан қудуқни чуқурроқ қилиш ва мустаҳкамлаш мумкин. Қалбимиз худди қудуққа ёки идишга ўхшайди. Унда биз чуқур истаклар, қўрқувлар ва орзуларни сақлаймиз.

Баъзан қалбим қудуғидаги сув туриб айниб қолади. Баъзан унинг оқимга айланганини сезаман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳатто қудуқ саёзланиб қолганда ёки суви ярмигача камайганда, ёки тўлиб тошганда ҳам, доим қудуқда сув бўлади. Қадимда душманлар сувни қум билан тўлдирганлар ёки ичига ахлат ташлаганлар, чунки сув ҳаёт манбаи эканлигини ҳамма тушунган. Ҳаёт давомида ямаб қўйилган юрак яралари ҳам, шу ишни амалга ошириши мумкин.

Қудуғимиз тўлиб-тошаётганини ҳис қилганимизда, қалбимиздаги чуқур қайғуларни ва истакларни овозга айланишига йўл қўйиб бериб, уни очишимиз мумкин. Мен ўзимни ёмон ҳис қилганимда, қудуғим ифлосланганда, уни очиш ва қалбни янгилаш учун, бор-йўғи қўшиқ керак бўлади. Кулги, оила ва художўй дўстлар билан бирга вақт ҳам, ҳовузни тўлдиради. Каломни ўқиш, кундалик дафтар тутиш ва ибодат, жазирама кунда фаввора ёнидаги совуқ ичимлик каби мени тетиклаштиради.

## Ўтмишга эга аёллар

Ҳаммамизнинг ўтмишимиз бор. Баъзиларнинг ўтмиши ёрқинроқ, баъзиларники эса ёрқин эмас. Баъзиларимизнинг яхши ўтмишимиз бор, бошқаларнинг ўтмиши эса ёмон. Гап сизнинг ўтмишингиз қандай бўлганида, унинг яхши ёки ёмон бўлганида эмас, балки ўтмиш билан яшаш хавfli эканидадир. Биз шон-шўҳрат ёки уятнинг соясида яшаш учун яратилмаганмиз. Биз ёруғ нур билан тўлган келажакка боқиб, ҳозирги куннинг нурида яшаш учун яратилганмиз. Солиҳларнинг йўли мана шундан иборат.

Мен инсон табиати ортга қарашга ва ўтмиш ҳақида гаплашишга интилишини, Худо эса олдинга қарашини ва бизнинг

келажагимизни эълон қилишини тушундим. Одамларнинг ҳикояларини эшитиш яхши, лекин олдинга интилиш учун уларнинг орзуларини билишимиз биз учун муҳимдир. Мен кўп сафарларга боришим ва ваъз айтишим сабабли, минглаб аёлларга умид ҳақида маълум қилиш имтиёзига эгаман. Мен жасорат билан эълон қилганимда, уларнинг юзлари қандай яшнаб кетишини кўришингизни истардим.

“Ҳаётингиздаги ҳужумлар ўтмишингиз билан эмас, балки келажақдаги имконият билан боғлиқдир”. Тўсатдан улар ўз ҳаёти тарихи тугамаганлигини англаб етадилар. Улар ўз ҳаётлари қандайдир бир мақсадга қаратилганини, қолаверса душман уларни мунтазам ва атайин нишонга олганини тушунадилар. Шу пайтда, улар сиз ҳам тушунишингиз керак бўлган нарсани англаб етадилар. Масала ўтмишда эмас, балки фақат келажақдадир. Ҳа, бизни танлов оқибатлари кутиб туради. Мен бунини тушунаман. Шунга қарамай, сиз нимаики қилманг, Худо сиздан олдинда боради ва сиз йўл йўқ деб ўйлаган жойда, йўл очиб боради.

Сиз ўтмишга назар ташлайсиз ва ўз ҳаракатларингиз билан олдингизда очилган ягона эшикни ёпиб қўйганингизни тасаввур қиласиз. Биласизми? Бу ёлғон. Ҳа, бу эшик ёпиқ, лекин сиз бурилиб қарасангиз, сиз учун очилган бшқа эшикни кўрасиз.

У бошқача кўриниши мумкин, унга кириш қийинроқ бўлиши мумкин, лекин сиз Худо ёрдамида ҳаракат қилсангиз, У ҳар доим сизни, сиз бўлишингиз керак бўлган жойга олиб келади. У сизга чуқур ва мустаҳкам қудуқ қазиш ва ундан сув олиш учун зарур бўлган асбобларни беради. Муаммо шундаки, кўпчилик ёрилган ва саёз тилаклар қудуғи ёнига ўтиради ва шундай деб йиғлайди: “Қаники, бу хатони қилмасам эди! Мен ҳаммасини бузиб қўйдим!”

Бунинг имкони йўқ! Сиз, азиз дугонам, унчалик кучли эмассиз. Ўтмишга эга бўлган аёлнинг, келажаги йўқ дегани эмас. Ўтмишга эга аёл бўлиш, одамлар сизнинг келажагингизни назорат қилиш ҳуқуқини беришини англамайди. Худо сизнинг келажагингиз устидан назорат қилади. Бахтиёр Августин бизга

Ўз қудуқларимизни қандай чуқурлаштириш ҳақида шундай яхши маслаҳат беради: “Сиз кўтарилишни истайсизми? Пастга тушишни бошланг. Сиз осмонга етадиган минора қуришни режа қилаяпсизми? Аввал камтарлик пойдеворини ўрнатинг”.

Исо бизни энг қуйи нуқтада учратишни истайди ва У бунини бир марта эмас, балки кўп марта хоҳлайди. Кўпинча биз нажотнинг дастлабки пайтида У билан учрашиш зарур бўлганлигини тушунамиз, сўнг У бизни ўз тақдиримизга ташлаб қўйган деб ўйлаймиз. Бу мутлақо нотўғри. Дастлаб биз У билан нажот Раббийси сифатида учрашамиз, кейин биз камтарликда қалбимизни тиклайдиган ва қалбимиз ҳовузларидаги ёриқларни тўғирлайдиган Зот сифатида У билан учрашамиз.

### **Саёз сувда чўкаётганлар**

Мен қутқарувчилар курсида ўқиганимда, ҳар йили кўпчилик одамлар ҳавфсиз жой яқинида чўкишини билиб олдим. Учта катта таҳлика остидаги гуруҳлар – бу майда болалар (беш ёшгача бўлган болалар), ёш ва бепарво одамлар (йигирма ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган эркеклар) ҳамда кекса ёшдаги одамлар (олтмиш ёшлардагилар) бор экан. Қизиғи шундаки, сувга чўкиб кетганларнинг қарийб ярми, ҳавфсиз жойдан икки юз метр узоқликда бўлган масофада ҳалок бўладилар. Улар ваҳимага тушишни бошлайдилар ва қандай қутулишни тушунмай қоладилар. Шунинг учун одамларнинг катта қисми бир метрдан чуқур бўлмаган саёзликда чўкиб кетадилар. Агар улар тўғри фикрлашни сақлаб қолганларида эди, оёқларини учини сув тагидаги ерга тегизиб, ёрдам етиб келгунга қадар тик турган ёки сув устида тебраниб турган бўлардилар. Чуқурлик ҳар доим ҳам ҳалокатга сабаб бўлмайди, кўпинча қутулмаган ҳодисаларнинг бошланишидан ваҳимага тушиш ҳалок қилади. Бепарво одамлар сув ҳавфли бўлиши мумкинлигини тушунмайдилар ва ўзларини дахлсиз деб ўйлайдилар.

Келинг, саёз жойларда чўкадиган аёлларнинг авлоди бўлмайлик. Келинг, Муқаддас Рухнинг чуқур қазишига имкон берайлик.

## Ҳаётбаҳш қудуқ

Ҳаёт йўлимизни тугатганимизда, ҳаммамиз: “Баракалла”, деган сўзни эшитишни истаймиз. “Баракалла” сўзи биз даъват қилинган хизматни қандай бажаришимиз кераклигини тасвирлайди. Инсон ҳаёти ва севги ҳақида гап кетганда, “мукаммал бажарилган” деган тушунча мавжуд эмас. Фақат яхши меҳнат қиладиган номукаммал одамлар бор. “Баракалла” сўзи – бу ҳаммамиз учун совғадир. Бу сўз “соғлом ва ақлли” маъносини англатади. У хато қиладиган ва йиқиладиган, лекин ҳар сафар яна ўрнидан турадиган одамларни тасвирлайди. Биз ҳар доим йиқилишдан кўра кўпроқ, ўрнимиздан туришимиз керак.

Агар бизни қўллаб-қувватлаб турадиган чуқурликни истасак, бундай муносабатни ўзимизда ривожлантиришимиз керак. Келинг, Ҳикматлар китобининг (24:16) “The Passion” номли таржимасида нима деб ёзилганини кўрайлик:

“Худони севадиганлар бахтсизликни бошдан кечиришлари ва етти марта йиқилишлари мумкин, лекин улар қайта ва қайта турадилар”.

Бахтсизлик – бу ҳаёт мактаби. Ҳар бир дарснинг баҳосини, яна бир марта ўрнингиздан туриш учун сизга нима зарурли билан ўлчаш мумкин. Ўридан туриш, кўзгуга қараш ва хато қилганингизни эътироф қилиш осон бўлмаслиги ва ҳатто, бу қимматга тушиши ҳам мумкин. Лекин фосиқ учун йиқилиш ҳалокатли бўлади.

“Фосиқлар эса битта кулфатдан йиқиладилар ва ўринларидан абадий тура олмайдилар”.

Мен иккита етакчини эслайман. Уларнинг иккаласи ҳам қобилиятли ва истедодли эди. Уларнинг иккаласи ҳам бир хил қоқилдилар ва йиқилдилар. Лекин улар тикланишнинг турли хил йўллари танладилар. Бир чўпон ўз жамоати ва насиҳат қилувчи гуруҳи томонидан таклиф қилинган режага эргашди. Бу инсонга, унинг хотинига ва уларнинг бутун оиласига юқори талаблар қўйилган эди. Улар ҳамма нарсани қолдиришларига ва ўзлари узоқ вақт яшаган дўстларини ва муҳитини қолдириб, бошқа шахарга кўчишларига, ўзлари барпо қилган жамоатни қолдиришларига тўғри келди. Улар шифо олиш жараёнини ўтишга ёрдам берадиган янги руҳий уйни топдилар. Бу оила фақат туб ўзгаришлар уларнинг тикланишига ёрдам беришига кучли имон билан, бутунлай янги ҳаётни бошлаган.

Улар баъзида ўзларига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлганини ва катта тўлов тўлашга мажбур қилишганини ҳис қилганига ишончим комил. Улар бир вақтлар дўст деб ҳисоблаган одамларнинг нафратланишидан ҳафа бўлишганини биламан. Биз одамлар билан муомала қилганда, доим хатога йўл қўйишимиз мумкин. Лекин бу оила ўз қалбини хафалиқдан сақлаб, ўтмишга эмас, балки келажакка қараб яшашга қарор қилди.

Бир куни Жон бу етакчи билан унинг хизмати, ўқиши ва шифоланишининг хотиржам вақтида тушлик қилиш учун учрашди. Вақт ўтарди, улар олға боришда давом этардилар. Ҳозир бу жуфтлик бахтли ҳаёт кечирмоқдалар, уларнинг никоҳи мустаҳкам, уларнинг фарзандлари муваффақиятли инсонлар бўлиб улғаймоқдалар. Улар жамоатлар барпо қилиш билан шуғулланадиган Америкадаги йирик ташкилот билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Шу алоқалар туфайли улар олган ҳаёт сабоқлари ҳақида очиқ гапириб беришлари, бошқа етакчиларга шифо олиш ва ўз ҳаётларида содир бўлган йиқилишдан сақланиш учун ёрдам кўрсатишлари мумкин. Улар қайта ва қайта ўрниларидан кўтарилганлар. Қийин бўлса ҳам, улар бунинг уддасидан чиққанлар.

Бошқа етакчи ва унинг хотини ўзгача йўлни танладилар. Мен

Жон бу етакчи билан ёзма суҳбат ўтказганини эслайман. Эрим уни нима бўлишидан қатъий назар, мустаҳкам туришга даъват қилди. У рози бўлди. Лекин бахтсизлик юз берди ва улар ўзгача йўлни танладилар. Улар ўзларига таклиф қилинган тикланиш жараёнидан воз кечдилар. Уларга жамоат етакчилари, улардан бемаъни ҳаракатларни талаб қилаётгандек ва уларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлаётгандек туюлди. Эҳтимол, баъзи нарсаларда чиндан ҳам шундай бўлгандир. Буни фақат Худонинг Ўзи билади.

Фожиа шундан иборатки, ўз хафагарчиликлари туфайли, улар яна ўтмишдаги гуноҳларига қайтишди. Улар ўзларига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишгани борасида мутахассисга айланишди. Афсуски, улар ўзлари учун ҳеч қандай сабоқ олишмади.

Агар биз йиқилишга ҳаёт сабоғи сифатида эмас, балки ҳукм сифатида қарасак, навбатдаги йиқилиш бизни кўп куттириб қўймайди. Агар сиз бир марта йиқилган бўлсангиз, бу сизнинг омадсиз эканингизни англатмайди. Сиз тирик экансиз, сиз оғир вазиятларга дуч келаверасиз. Бу қоидада истиснолар бор деб ўйламанг. Баъзи одамлар бошқаларга қараганда, қайғу ва бахтсизликларни муносиб тарзда бошдан кечирадилар. Буни олдини олиш мумкин эмаслигини билиш учун етарли тажрибага эгаман. Одамлар сизни ранжитади ва кўнглингизни қолдиради. Баъзилар атайин, бошқалар эса билмасдан шундай қиладилар. Ҳаёт баъзан ташвишлар, ҳеч бўлмаганда ноқулайликлар келтиради. Нима бўлмасин, ҳаммада бахтсизликлар юз бериб туради. Лекин ажойиб ҳақиқат бор. Ҳаётимда шундай воқеалар содир бўлганки, мен уларни ҳеч қачон унутмайдигандек туюлган. Шунга қарамай, уларнинг кўпчилигини қарийб эслай олмайман. Нима учун? Мен ўрнимдан турдим ва юришда давом этдим. Мен юрар эканман, менга янги кулфатлар ёғиларди. Ўшандан бери кўпригим остидан кўп сув оқиб ўтди. Ўттиз ёшимда мен бу кулфатларни енгиб ўтишга умид ҳам қилмагандим, бугун эллик ёшим менга магистрлик унвонини олиб келди.

Ҳар бир тўсиқ бизга бирор нарсага ўрганиш имкониятини беради. Биз тўсиқлар ва қийинчиликларни билишни бошлаймиз. Биз хавфсизлик камарларимиз маҳкам тортилган бўлиши учун уларни текшириб кўрамиз. Биз йўлимизни ёритиши учун Калом ўқиймиз. Ҳар сафар ўрнимиздан тураётганимизда, бизнинг қобилиятларимиз яхшиланиб боради. Қудуқ чуқурлашиб боради ва Муқаддас Руҳнинг ҳаётбахш суви учун жой беради.

### **Содиқлик билан маррага етиб келиш**

Инглиз тилида “яхши” ва “қудуқ” сўзлари бир хил талаффуз қилинади. Қудуқ бизга жилға ёки фаввора каби сув манбаси манзарасини тасвирлайди. Биз сув чашмасидан ҳаёт ва куч олганимизда, биз бошқа одамларга тетиклик улашиш учун янги куч билан тўламиз. Ҳаёт сувининг чуқур қудуқлари ўз манбаси битмас-туганмас эканини билади. Шунда одамлар бизга қараб, саёз ирмоқ тубида тўкилиб ётган тангаларни эмас, балки Худонинг ақл бовар қилмайдиган содиқлигини кўрадилар.

“Баракалла! Сен яхши ва ишончли хизматкорсан!” деб айтилган сўзларни эшитиш, иш бажарилганлиги ҳақида тасдиқни олишни англатади. Муқаддас Китоб яхши ва ёмон тугаш ҳақидаги нарсалар ҳақида сўзлаб берадиган воқеалар ва масалларга тўла. Нуҳ пайғамбар кўп йиллар давомида кема қурган. Шамшон тўлиқ кўзлари кўрмай қолишига қарамасдан, ўз йўлини илоҳий кучнинг ажойиб намоиши билан тугатди. Масиҳдан тонган Петрус ва Масиҳни қувғин қилган Павлус, пировардида ўз хизмати қудрати билан ажойиб йўлни босиб ўтдилар. Аввал ҳаражатларни ҳисоблаб чиқмасдан, уй қуришни бошлаган бошқа одам ҳам бор. У яхши бошлади, лекин ишини тугата олмасдан, одамларнинг кулгиси остида қолди (Луқо 14:27-29). Ўз хўжайинидан бир тиллани олган бошқа хизматкор ҳам бор эди. У тиллани ўз хўжайини қайтиб келгунга қадар ерга кўмиб қўйишга қарор қилган. Тиллалар

ерда ўсмайди, шунинг учун у тиллани ердан қазиб олганда, унинг қўлидаги тилла миқдори ўзгармасдан илгаригидек қолган. Шу иши учун хизматкор ярамас деган ном олади ва қоронғиликка улоқтирилади (Матто 25:14-30).



**Муҳими  
ҳаёт суръати  
эмас, балки  
югуришни яхши  
тугаллашдир.**

Учала ҳикоя ҳам, муҳими ҳаёт суръати эмас, балки югуришни яхши тугаллаш эканини кўрсатади. Саботли, содиқ, ўзгармас итоаткорлик ҳар доим ғайрат ва фаолликнинг тасодифий авж олиши муҳитида ғалаба қозонади. Агар йўлда биз бирон жойда қоқилсак ёки ҳатто йиқилсак, лекин доимо ўрнимиздан турсак ва тўғри йўналишда юришни давом эттирсак, Худо бизни уйимизга етказади. Ҳаётда муваффақиятли юриш учун чуқур мустаҳкам қудуқлар қозиш керак ва бу бошлаган ишимизни содиқлик билан тўғри тугатиш учун фидойилик талаб қилинади. Ҳар қандай одам истаклар қудуғини яратиши мумкин, лекин бизнинг вазифамиз, Худонинг Каломи билан қувватланган ва Муқаддас Рухнинг манбаси тозалиги билан янгиланган чуқур қудуқлар, ҳаёт ҳовузларини қазишимиз керак. Бунда Худодан буюк мукофотни – тенгги йўқ ҳаёт ва ваъдани топиш мумкин.

## Мулоҳаза юритиш учун саволлар

1. Ҳозирги пайтда ҳаётингизнинг қайси соҳасини Худо “чошиб юмшатмоқда”?
2. Чуқур қудуққа ўхшаш аёлни қандай тасвирлаган бўлар эдингиз?
3. Каломга асосланмаган руҳий инсон бўлиш мумкинми?
4. Ўз қудуғингизга, қай тарзда кўпроқ ғайрат билан ғамхўрлик қилган бўлардингиз?



## Рақобатдан ташқаридаги Худонинг қизи

“Золим ҳукмдор ўлади ва унинг куч-қудрати тугайди,  
жафокаш ўлади ва унинг куч-қудрати бошланади”.

СЁРЕН КЪЕРКЕГОР

### Бу аёл

- Дунёдаги энг қудратли ва шафқатсиз ҳукмдорга қарши очиқ итоатсизликни кўрсатди.
- Хушxabарни жасорат билан ваъз қилди.
- Ҳамма калтаклар, васвасалар ва қийноқларга чидади, айни пайтда Хушxabарга, дўстларига ва Раббийга содиқ қолди.
- Зиндонга ташланди, лекин бу унинг иродасини букмади.
- У оиласиз, лекин ёлғиз эмас эди.
- У ҳаворийлар қаторига киритилган, илк Жамоат тарихчилари унинг хизматини аломатлар ва мўъжизалар сони бўйича, тенгги йўқ деб ҳисоблаганлар.

Эҳтимол, сиз ким ҳақида гап кетаётганини билишни истаётган бўлишингиз мумкин. Мен тушунаман. Мен ўзим у ҳақида яқинда эшитдим. У жамоат онаси бўлган кўплаб аёллардан бири ва

уларнинг исмлари вақт қумлари остида кўмилиб кетган. Ҳаётимда мен бир неча марта унинг қаҳрамонликлари ҳақида эшитганман. Мен у ҳақида кўпроқ билишни истардим. Мен ушбу афсонавий аёл ҳақида алоҳида ҳикояларни етарлича эшитганимдан сўнг, Жамоат тарихи ҳақидаги китобдан, у ҳақида батафсил ҳикоя тузишни бошладим. Мен Муқаддас китоб ўқитувчиларига қўнғироқ қилдим, интернетда маълумот изладим ва бу ҳақида китоблар сотиб олдим. Мен унинг исмини билиб олишим билан, етарли манзарани ярата олдим ва унинг ҳаётини тасаввуримга келтирдим. Энди эса сиз ҳам у билан, албатта, учрашишингиз керак деб ўйлайман.

Унинг исми Фотина ёки баъзан уни Фотини деб аташар эди. Бу юнонча исм бўлиб, “равшан бўлган” маъносини англатади. У масиҳийлик имонига эга бўлгандан сўнг шу исми қабул қилди. Барчамиз билан бўлгани каби, Исо унинг дунёсини нур ҳақидаги очиқлик билан тўлдирди. У бағишланган масиҳий сифатида болаҳонада йиғилган шогирдлар орасида бўлган эди. Муқаддас Рухнинг кучи уларга тушиб келганида, у ҳам ўша жойда эди. Тил шаклидаги аланга унинг устига ҳам тушди ва У Муқаддас Рухга тўлди ва бошқа тилда гапира бошлади. Ҳосил байрами куни, Фотина ер юзининг ҳамма бурчакларида Хушxabарни ваъз қилиш учун топшириқ олди.

Бизнинг жасур опамиз, уни чеклаши мумкин бўлган ҳамма нарсадан, ҳаёт қулайликларидан воз кечди ва Африканинг энг чекка ерларига қадар етиб борди. У ёлғиз бормади, ўзи билан бирга ҳамма қариндошларини эргаштириб олди. Унинг Исо билан учрашуви, ҳаётини тубдан ўзгартирди. Натижада, унинг икки ўғли ва бешта опаси ҳам Раббимизга имон келтирди. Фотина, унинг ўғли Юсуф ва опалари, Исо Масиҳ Ҳаворийлар китобида буюрганидек, ер юзининг бурчакларига бордилар (1:8).

Африкада улар содиқлик билан меҳнат қилганлар, Карфагенда Масиҳ ҳақида Хушxabар ёйганлар ва ажойиб ҳосил келтирганлар. Улар император Нерон бутун империя ҳудуди бўйлаб масиҳийларни таъқиб қилаётганини, уларни қамоққа ташлаётганини

эшитганларида, Фотина Худонинг донолигини излай бошлаган. Исо унинг тушига кирган ва унга Римга боришини ҳамда ҳукмдор олдида туришини буюрган. Шунинг учун императорнинг ғазабидан яшириниш ўрнига, Фотина ва унинг ўғли Карфагендаги кўплаб масиҳийларнинг ҳамроҳлигида Римга қараб сузиб кетишган.

Улар агар Масиҳга ишонишларини очиқ эътироф этишса, қандай оқибатларга дуч келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилганлар. Одамлар уларни Худога яширин сажда қилишларини айтиб ёлворганлар. Рим қўшинида зобит бўлиб хизмат қилган унинг ўғли Виктор билан, ўғлининг Себастиан исмли бошлиғи ўртасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтган:

“Виктор, сен ва онанг, аканг Масиҳга эргашаётганларингдан хабарим бор. Сенга дўст сифатида императорнинг иродасига бўйсунини сўрайман. Агар сен масиҳийлар ҳақида гап етказиб турсанг, уларнинг барча мол-мулкига эга бўласан. Мен онангга ва акангга мактуб ёзаман ҳамда улардан Масиҳни очиқчасига ваъз қилмасликларини сўрайман. Улар ўз эътиқодига яширинча амал қилаверсинлар”. Виктор шундай деб жавоб берди: “Мен акам ва онам каби масиҳийликни тарғиботчиси бўлишни истайман”. Шунда Себастиан деди: “О, Виктор, иккаламиз ҳам сени, онангни ва акангни қандай қайғу кутаётганини биламиз”.

Агар бу қарор мусибатни кафолатлашини билганимизда, қайси биримиз ўз имонимизни очиқ тарғиб қилишда давом этган бўлардик. Кейинчалик, унинг ўғли Виктор онаси, акаси ва холаси билан бир хил тақдирга дучор бўлди. Мана бу унинг император Нерон билан биринчи учрашуви ёзилган ҳужжат:

“Фотинанинг ташрифи ва унинг фаолияти шаҳарда қизиқиш ўйғотди. “Бу аёл ким?”, деб сўради одамлар. “У кўплаб издошлари билан келган ва Масиҳни жасорат билан тарғиб қилаяпти”. Аскарларга уни император ҳузурига келтириш буюрилди, лекин Фотина уларни ўзи кутиб олди. Улар уни ўғли Юсуф ва масиҳий дўстлари билан Нерон ҳузурига олиб

келишди. Император уларни кўриб, шаҳарга келиш сабабини сўради. Фотина шундай деб жавоб берди: “Биз сизни Масихга ишонишга ўргатиш учун келдик”. Ярим телба Рим империяси ҳукмдори уни қўрқита олмади. У императорни имонга келтиришни хоҳларди!”

Нерон унинг тарғиботини қабул қилишни истамагани ажабланарли эмас. У тақдирлари Исонинг қўлида деб айтганларнинг қўлларига темир таёқлар билан уришни буюрган. Соқчилар Фотинани ва у билан бирга бўлган ҳаммани имони учун калтаклаш жойига етаклаб кетган. Улар уч соат давомида, асирларнинг қўлларига темир таёқлар билан урган, лекин масиҳийлар оғриқни ҳис қилмаганлар ва жаллодларнинг кучи тугамагунга қадар улар ҳамду сано куйлашган.

Нерон калтаклаш уларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганини кўриб, уларни қамоққа ташлаган, Фотина ва унинг опасини имондан қайтариш учун, уни ишонтириш режасини тузган. Бу сафар уларни ўз иродасига бўйсундиришни, яхши йўл орқали қилишни ўйлаб топган. Унинг бўйруғига кўра катта зиёфат залида олти тахт қўйишган ва уларнинг ҳар бирининг олдида Рим империясида топиш мумкин бўлган турли туман бойликларни жойлаштиришган. Император кўпчилик аёллар кўрганда бардош бера олмайдиган жавоҳиротларни йиғиш учун маблағини аямаган. Тилла ва кумушдан ташқари, ҳар бир аёл олдида қимматбаҳо буюмлар ва чиройли кийимлар қўйишади. Барча бу бойликлар ҳамда ҳашаматдаги осойишта ҳаёт, уларга масиҳийлик имонидан қайтиши ва римдаги бутларга қурбонлик келтириши учун таклиф қилинган.

Император уларни бундай таклифга кўндириш учун қизи Домнинани бу ишга жалб қилган. Домнина залга кирганида, у Фотинани илиқ кутиб олган ва сўхбатда Масихнинг исмини тилга оган. Фотина адашиб уни имонли опа-сингиллардан бири сифатида қабул қилган. У Домнинани маҳкам қучоқлаб, унга Масихнинг ўзгартирувчи севгиси ва буюклиги ҳақида очиқ

гапириб бера бошлаган. Домнина ўзининг кимлигини яшириб тура олмаган, лекин имонга қаршилик кўрсатиш ўрнига, у масиҳийликни қабул қилган. Сухбат пайтида император қизининг хизматкорлари бўлган, улар ҳам масиҳий опа-сингилларнинг оғзидан Хушxabарнинг жасур ваъзини эшитишган ва имонга келишган. Сўнг Фотина Домнина ва унинг хизматкорларидан залдаги ҳамма қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетишларини ва уларни Рим кўчаларидаги қашшоқларга тарқатишларини сўраган. Домнина чўмдирилган ва янги исми қабул қилган.

Бундан хабар топган Нерон ғазабга келган. У Фотинани ва унинг опа-сингиллари ҳамда ўғиллари билан бирга оловда қатл қилишни буюради. Бунинг учун катта ўчоқ қурилган, лекин уларни бу ўчоққа ташлаганларида, олов уларга зиён етказмаган. Кейин Нерон уларни заҳар билан ўлдиришларини буюрган. Жаллод келганда, Фотина заҳарли ичимликни биринчи бўлиб ичиш истагини айтган, лекин заҳар унга ва унинг оиласига таъсир қилмаган. Қолаверса, Нерон заҳар беришни буюрган одамлардан бири Масиҳга имон келтирган. Уларни уч йил давомида қамоқда сақлаганлар, бу давр давомида улар император ўйлаб топиши мумкин бўлган турли хил қийноқларга дучор бўлганлар. Лекин у уларни имонларидан қайтаришга қанчалик кўп уринса, улар ҳақидаги овоза шунчалик кўп тарқалган. Уларнинг имони ва кучли сўзи бутун империя бўйлаб тарқалган, уларнинг қамоқхонаси ибодат ўйига айланган. Рим аҳолиси дуо олиш ва Хушxabар эшитиш учун мунтазам равишда қамоқхоналарга келишган. Уч йил давомида Масиҳ ҳақидаги хабар қамоқхоналардан чиқиб, Рим бўйлаб тарқалган ва кўплар имонга келган. Нерон қамоққа ташлаган собиқ хизматкорларидан бирини ўз ҳузурига келтиришларини буюрган. Бу одам содир бўлган воқеани гапириб берган. Шунда император Фотинадан ташқари қамоқда сақланаётган ҳамма масиҳийларни бошини танасидан олиш ҳақида буйруқ берган. У қайғу ва ёлғизлик ёрдамида, Фотинанинг қатъиятини синдиришга умид қилган, шунинг учун у Фотинани қамоқдан чиқаришни ва чуқур,

қоронғи ва қуриб қолган қудуққа ташлашларини буюрган. Баъзи манбалар у бошида жуда руҳий тушкунликда бўлганини маълум қилади. Уни бир неча ҳафта давомида очиқ қабрда ёлғизликда қолдиришган. Бу Фотина учун қайғули кунлар эди, у ҳасрат чеккан, лекин ўз оиласи ва яқинларини йўқотгани учун ҳасрат чекмаган. Аёл уларнинг ердаги қамоқдан халос бўлганларини ва осмондаги ўйларидан жой олганларини билар эди. У ўз ўғиллари ва опа-сингиллари каби, унга ҳам жафокаш бўлиш имтиёзи берилмагани ва шу орқали, уни жафокаш тожидан маҳрум қилишгани учун қайғуда эди. Менда ўқиганларим орқали, ўша давр унинг учун энг қийин пайт бўлгани ҳақидаги таассурот пайдо бўлди.

Ҳар бир тарихий манбада бу давр эслатиб ўтилган. Шундай манбалардан бирига кўра, у қудуқ тагида жон берган, лекин умидсизлик туфайли эмас, балки ўз танловига кўра ҳаётдан кўз юмган. У Стефан каби тушида Нажоткорни кўрган ва Унга ўз руҳини топширган. Бошқа ёзма манбаларда, уни узоқ вақт қамоқда сақлаганларидан сўнг, унинг тушида Исо келган ва қамоқда жон берган.

Қандай бўлмасин бу аёлнинг ҳаёти, ҳаётбахш суви бор чуқур қудуққа ўхшайди. Бу қудуқ бошқа кўплаб одамларнинг чанқоғини қондиради ва янгилайди.

## **Замонавий жафокашлар**

Фотина ишқибозлар ва мухлисларни яратмаган, унинг ҳаёти гувоҳлар ва жафокашларни келтириб чиқарган. Бу аёлда мен эга бўлишни истаган нарса бор эди. Бу нарса ҳаммамизга келажакда керак бўладиган фазилат – мустаҳкам қатъиятдир. Жамоатлар масиҳийликка хайрихоҳ бўлганда ўсади. Лекин садоқатли шогирдлар синовлар даврида туғилади. Машҳур католик тарихчиси Кристофер Генри Доусон шундай деб ёзади:

“Жамоат жаллодларнинг таёқлари ва болталари соясида ўсган, ҳар бир масиҳий жисмоний қийноқлар ва ўлим хавфи остида яшаган. Илк масиҳийликнинг бутун тарихи жафокашлик ҳақидаги

фигр билан йўғрилган. Лекин бу фақат қўрқув эмас, балки юксак мақсад ва умид ҳамдир. Жафокашни мукамал масиҳий, янги жамиятнинг ва унинг дунё билан зиддиятининг чемпиони ва қахрамони деб ҳисоблаганлар. Ҳатто синовларга бардош бера олмаган ва эътиқодидан қайтган масиҳийлар ҳам, жафокашларга ўз халоскорлари ва ҳимоячилари сифатида қараганлар”.

Биз бузуқ қабиҳлик ва зўравонлик асрида яшаяпмиз. Ҳар сафар бундан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин эмас деб ўйлаганимда, яна ҳам кўпроқ ёмонлашмоқда. Масиҳийлар азоб чекиб ўлим топишда давом этаяптилар ва дунё ғазабланиш тўлқинини кўтариш ўрнига, бефарқ ҳолда турибди. Қалбим оғрийди, лекин умуман ҳайрон бўлмайди. Яқинда америка ерида, ўз имони учун мактаб ўқувчилари ҳаётдан кўз юмдилар. Қуролланган одам ҳужум қилиб, Масиҳга эътиқод қилган ҳамманинг бошига, ўз имонидан воз кечганларнинг эса оёқларига қуролидан ўқ узган.

Буни нафрат тўфайли қилинган жиноят деб аташ ўрнига, бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз, қуролни назорат қилиш масаласини муҳокама қилишди. Агар Муқаддас Китоб тўғри талқин қилинса, енгиллик ва озод бўлиш дунёги етакчилар орқали келмайди. Лекин бу биз зулмат олдида жим туришимиз кераклигини англатмайди. Биз Биринчи Юҳанно мактубида ёзилгани бўйича, ҳаётбаҳшликнинг очиқлиги бўлишимиз керак (4:4):

“Сизлар эса, азиз болаларим, Худодансизлар ва сохта пайғамбарларни енгингизлар. Ахир ичингиздаги Рух дунёдаги шайтондан устундир”.

Масиҳийларни дунёнинг турли мамлакатларида қатл қилишяпти ва ҳамма жойда ўзини масиҳий деб аташга журъат қилган барчага, глобал огоҳлантириш сифатида, ваҳшиёна қатл этишлар ёзилган видео ёзувларни тарқатишяпти. Бўлаётган воқеаларга кўра жиноятчилар бизнинг ким эканимизни билади, биз эса буни унутдик деб ўйлайман.

Бир мунча вақт олдин ҳарбий муслмонлар, масиҳийлар тонгги ибодатга йиғиладиган Кениядаги коллеж биноларининг бирига бостириб кирган ва ҳамма йиғилганларни отиб ташлаган. Сўнг қуролланган жиноятчилар яқин атрофдаги ётоқхоналарда яшовчи талабаларга ҳужум қилганлар. Улар қурол билан талабаларнинг эътиқоди ҳақида сўраган. Яна бир бор, ўзини масиҳий деб айтишга журъат қилган ҳамма отиб ташланган. Тахминан 150 киши ҳалок бўлган ва кўпчилик яраланган. Бу қотилликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олган ташкилот ижтимоий тармоқлар орқали бу бошланиши эканини айтиб мақтанган ва масиҳийларга қарши жиноятлар кўпроқ бўлишини ваъда берган.

Масиҳ учун азоб-уқубатларга тайёрланиш вақти келди. Синовнинг тўсатдан келиб қолиши ва Масиҳдан воз кечишдан кўра, жавоб беришга тайёр бўлган қалбга эга бўлиш ва азоб-уқубатларга шай туриш яхшироқдир. Биз ҳам синовларга худди шогирдлар каби муносабатда бўлишимиз керак.

*“Ҳаворийлар Олий кенгаш ҳузуридан хурсанд бўлиб чиқдилар, чунки улар “Худо бизни Исонинг номи учун ҳақоратланишимизга лойиқ ҳисоблади”, дер эдилар. Улар ҳар куни Маъбад ҳовлисида ва одамларнинг уйларида таълим берардилар. Исонинг Масиҳ экани тўғрисидаги Хушxabарини ваъз қилишда давом этардилар” (Ҳаворийлар 5:41, 42).*

Сиз Масиҳга бўлган эътиқоди учун калтакланган бирор кишини ҳеч учратганмисиз? Сиз Раббимиз номи учун ҳақоратга дучор бўлгани учун хурсанд бўлган киши билан ҳеч гаплашганмисиз? Мен шундай одамларни учратганман. Бу азиз одамларнинг ҳаёти уларни калтаклаганлари учун эмас, балки ўз азоб-уқубатларида тирик Исо билан учрашганлари учун ёрқин беғуборлик билан тўлган. Улар мен интилаётган июн тожини олишди. Мен масиҳийлик эътиқоди учун ҳаётини хавф остига қўйиб, қишлоқларда ишлаётган кишиларни учратиш имконига эга бўлганман. Бу одамлар қарийб ҳар куни хавф-хатар остида бўладилар. Кўпинча бу кишилар китобларимизнинг



таржимаси устида меҳнат қилаётган қадрдон ака-ука ва опасингилларимиздир. Мен хавфсизликда ёзадиган китобларни, улар ўзини хавф-хатар остига қўйиб ёзадилар. Кўпинча мен ўзимни уларнинг ёнида меҳнат қилишга нолойиқ деб ҳисоблайман. Уларнинг ҳаёти менга Биринчи Коринфликлар мактубида ёзилган Павлуснинг сўзларини эслатади:

“Хўш, нима учун бизлар ҳар дақиқа ўз ҳаётимизни хавф-хатар остига қўйяпмиз? Ҳар кунни ўлимга рўбаро бўлаётганим рост! Биродарларим, Раббимиз Исо Масиҳ сизларнинг ҳаётингизда қилаётган ишларидан фахрланаётганим чин бўлганидай, айтаётган гапларимда ҳам бирор ёлғон йўқ” (15:30, 31).

### **Ғарбдаги заифлик**

Сиз билан самимий бўлсам майлими? Мени ғарбдаги жамоатнинг ҳолати қўрқитади. Афсуски, ҳозирги пайтда Унинг номини булғаётган одамларни тез-тез учратаёпмиз. Баъзан мени, ўз лоқайдлигим ва худбинлигим қўрқувга солади.

Яқинда Жон ва мен чўпонлар билан кечки овқат пайтида суҳбатлашдик. Улар Исо Масиҳни ўз Раббийси деб эътиқод қиладиган жамоат аъзоларини, зино гуноҳи ҳақида ҳар доим огоҳлантиришларини айтишди. Бунга жавобан улар ҳайрон бўлиб қарашади ва ишончсиз вазларни келтиришади. Эркаклар ва аёллар никоҳда бўлмаган ҳолда биргаликда яшайдилар. Буни улар бирор кунни барибир никоҳ қуришлари ва ҳозир жинсий муносабатга эга эканликларининг ёмон жойи йўқлиги билан тушунтирадилар.

Бошқа бир хизматкор, каломга асосланган бирор сабаб бўлмасада, ўз хотини билан ажрашишни режа қиладиган бир машҳур масиҳий етакчи ҳақидаги воқеа билан ўртоқлашди. У ажрашиш сабабли тахминан бир йил давомида ваъз қилиш имкониятини йўқотиши мумкинлигини, лекин сўнг ҳаммаси ўз ўрнига тушишини айтган. Афсуски, у ҳақ бўлиши мумкин. Одамлардан қўрқиш, энди бизни гуноҳдан тўхтатмайди. Фақат

Худодан қўрқиб бизни ёмонлик қилишдан сақлайди.

Бир кун махсус хизматдан сўнг, Муқаддас Руҳ кучли ҳаракат қилган ва юзлаб аёлларга ўз хочини кўтаришни ва Исога эргашишни буюрганда, хизматкор саҳнага чиқди ва ҳамма аёлларга босимни ҳис қилмасликларини, улар Худога нимадир қилиши керак эмаслигини, Унга фақат уларнинг борлиги муҳимлигини айтди. Наҳотки?

Раббий Исо фақат Худонинг Ўғли экани билан чекланиб қолмаганлиги учун, балки шу билан бирга, хизмат қилиш учун Ўзининг илоҳий табиати ва имтиёзини ихтиёрий равишда қолдиргани учун Ундан миннатдорман. Мен жамоатга қарайман ва унинг қанчалик дунёга чуқур кириб ва у билан аралашиб кетганини қўрқув билан кузатаман.

### **Ўтмишга эга аёл**

Фотинанинг ҳаётида ҳаммаси ўзгача бўлган. У чуқур гуноҳда яшаган ва уни жамиятнинг четлаштирилган аъзоси деб ҳисобланган пайтлар бўлган. У келажак учун унга ҳеч қандай умид қолдирмайдиган қонун остида яшаётган ўтмишга эга аёл эди. Муқаддас Битиклар бу аёлнинг ўтмишини очиб беради. Биз уни биринчи марта учратганимизда, у исми йўқ, ажрашган ва жамиятнинг имтиёзларидан маҳрум қилинган аёл эканини биламиз. Унинг ҳаёти барча соҳаларда мағлубиятга учраган, ҳеч ким унинг бир кун хизматкор бўлишини тасаввур қила олмаган. Унинг ўзи бунга тушунган, шунингдек Хушхабарни саволлар ва таклифлар тарзида гапириб берган. Балки сиз ҳам бизнинг дугонамиз каби ўзингизда одамларнинг ҳукмини шунчалик ҳис қиласизки, сизнинг барча ишончингиз фақат шама ва саволлар шаклида намоён бўлади. Уларни кечиринг.

Сизни ўтмишингиз билан боғлайдиган одамлар, Худонинг раҳм-шафқати ҳақидаги очиқликни ва юқоридан туғилиш кучини бошидан кечирмаганлар.

Балки сиз ўзингизга савол бераяпсиз. Менинг ўтмишим менга кўп саволларни кўндаланг қўйди. Бу ҳаётимнинг энг қоронғи ва нопок жойи бўлсада, кейинчалик оқланиш туфайли, улар менинг энг чуқур қудуқларимга айланди. Тўғри, янги имонлиларни дарҳол етакчилик мавқеига қўймаслик керак, лекин шунга қарамай ҳамма масиҳийларни нажот кучининг гувоҳлари бўлишга даъват қилиш зарур. Исонинг қимматбаҳо иноятини суистеъмол қилиш ёки Уни ўзининг гуноҳкор ҳаёт тарзини оқлаш учун ишлатмаслик керак (Римликларга 6:1, 2). Аксинча, ҳаётимиз солиҳликнинг кўпайишини кўрсатиши ва янги исмлар ҳақида гувоҳлик бериши учун иноят, бизни ўзгартириши керак.

Фотина “равшан бўлган” деган янги исмни олишдан аввал, биз уни фақат этник келиб чиқиши бўйича билар эдик. Биз унинг Исо билан шахсий суҳбатини эшитган пайтимизда, у билан учрашдик. У бизнинг дугонамиз, самариялик аёл. Бир пайтлар бешта эри бўлган бу аёл бир кун келиб, бешта опа-сингиллар билан бирга меҳнат қилиши ажабланарли! Менга бу жуда ёқади, чунки Муқаддас Китобда беш сони иноятни ифодалайди. У иноят устига иноятни бошдан кечирди.

Мен бу аёлни ҳар доим ёқтирганман. Кўп йиллардан бери мен уни катта имкониятга эга аёл сифатида қабул қилиб келаман. У чуқур қудуқ эди, лекин саёзликда яшади. Унинг синовлари ва танлови унинг ичида чуқур, қоронғи ва қуруқ чуқурликни қазиди. Унинг қалбининг душмани, бу жой унинг ҳаётида абадий ёриқ бўлишини, у бошқалардан ажратилган ҳолда яшашини ва ўз орзуларини кўмиб ташлашини истади.

Мен Юҳанно Хушхабари китобининг тўртинчи бобида тасвирланган, Исонинг бу аёл билан суҳбатини ўқиганимда, мен доим ўзимни унинг ўрнига қўйиб кўраман. Мен толиққан Исони қудуқ ёнида қолдириш яхши бўлади деб ўйлаган шогирдларни хаёлимда тасаввур қиламан. Чўпонлар учун ўз сурувини суғориш вақти бўлмагани учун ўша жойнинг аёллари эрта тонгда, аллақачон уйларига сув ташиб бўлишган.

“...Йўл юриб чарчаган Исо қудуқнинг ёнига ўтирди. Тахминан туш пайти эди. Шу пайт Самариялик бир аёл сув олгани келиб қолди. Исо унга: Менга ичгани сув бер, деди. Исонинг шогирдлари эса овқат сотиб олиш учун шаҳарга кетган эдилар” (Юҳанно 4:6-8, замонавий таржима).

Исо узоқ сафардан ва фарзийларнинг хиралигидан чарчаган эди. Мен Уни эски Ёқуб қудуғи ёнига ўтирганини тасаввур қиляпман. Тушлик пайтида Яқин Шарқнинг қуёши шафқатсизлик билан қиздирмоқда, лекин У қудуқ ичидан келаётган салқин шабадани ҳис қилаяпти. Исо унинг ичига қараяпти ва ўз кунларидаги воқеалар билан Ёқуб воқеасини солиштириб, қудуқ тарихи ҳақида ўйляяпти. Уларнинг Яҳудияга бўлган сафари тўсатдан тугаган, йўл узоқ ва чанг эди. У диний етакчилар Унда ва Яҳё Чўмдирувчида қанча шогирдлар борлигини санаб, бундан мусобақа мавзуси қилгани ҳақида хабар топганда, у чўмдиришни тўхтатган (Юҳанно 1).

Нега улар аслида нима бўлганини кўрмадилар? Улар биргалашиб ишладилар. Ҳа, кўп оломон келди. Одамлар кўп йиллик қурғоқчиликдан сўнг очликдан қийналар эди. Энди уларга пайғамбарлик ва ваъда ёрдам бераётган эди. Уларнинг ҳаёти сувга чўмдириш вақтида тавба ва сув орқали қайта тикланаётган эди. Ҳаммаси муқаддас ва умидга тўла эди, лекин улар буни циркка айлантира бошладилар. Шунинг учун У Иордан сувларини тарк этиб шу сахро томонга келишга мажбур бўлди.

Бир лаҳзага у кўзларини чангдан ва қуёшнинг кўзни қамаштирадиган нурларидан юмди. У шу қадимги қудуқ ёнида дам олди ва Ўз шогирдларининг қайтишини кутди. Унинг оғир хўрсиниши эшитилади. Тўсатдан, Унинг қалби кутиш билан тўлади, У Муқаддас Рўҳнинг шивирлашини эшитади: “Менда бу ҳосилсиз самария ери учун режа бор”. Исо битта ҳосил сўзини эшитади. У кўзларини очади ва сув учун келган битта Самариянинг қизини кўради. У оғир кўза кўтариб олган. Унинг кўзаси эрта тонгда сувга келадиган бошқа аёлларнинг кўзасига ўхшайди. Унинг

қўзаси қалби каби бўшдир. Бу қиз шунчалик камситилганки, у ҳатто аёллардан ҳам ўзини олиб қочади. Муқаддас Китоб тадқиқотчилари у тушлик пайтида, қудуқ ёнида кам одамлар бўлишини билиб келганини тахмин қиладилар.

Исо уни кузатиб туради. У аёлнинг Унга бир қараб қўзини олиб қочганини пайқайди. Аёл Унинг кийимига қараб, яҳудий эканини тушунади. Яҳудийлар самарияликлар билан гаплашмайди ва улардан нафратланадилар. Бу аёл аллақачон муаммоларга дуч келган ва энди у яна бир муаммони бошдан кечиришни истамайди. У ҳар эҳтимолга қарши қудуққа бошқа томондан келади ва сўнг қўзасини пастга тушириб, сув олишга тайёрланади. Раббимиз аёлга гапиради. У ҳайрон бўлиб бошини кўтаради ва тўхтаб қолади. Исонинг овозидаги оҳанг ва майинлик уни мафтун қилади. У ундан сувни худди талаб қилгандек эмас, балки уни қаергадир таклиф қиляётгандек сўрайди. Аёл журъатсизлик билан жавоб беради:

“Самариялик аёл Унга: - Сиз яҳудий бўла туриб, қандай қилиб мендан, самарияликдан ичишга сув сўраяспиз? Ахир яҳудийлар самарияликлар билан алоқа қилмайдилар-ку, - деди” (Юҳанно 4:9, замонавий таржима).

Хурофий фикрлар шунчалик кучли эдики, агар яҳудий самариялик ичган пиёладан ичса, у нопок бўлади деб ишонишганини тасаввур қилишингиз мумкин. У нафақат Самариялик, балки аёл ҳам эди. Лекин Исо унинг қўзасидан ичишга қўрқмади... У бу аёл учун ғазаб косасидан ичиш учун тайёр. Исо бу аёл таниган бошқа эркаклар каби ундан фойдаланишни истамайди. Исо у билан танишишни истаydi. Эҳтимол, У билан гаплашишни истаydi. Эҳтимол, Исо Уни тушунмайдиган диндор етакчиларнинг такаббурлигидан чарчаган бўлиши мумкин. Балки, кўпчилигимиз сингари, У ҳам қалбини нотаниш одамга очиш орқали тасалли топган бўлиши мумкин.

“Исо унга жавобан: - Агар сен Худонинг инъомини ва Ким сенга: “Менга сув бер”, - деяётганини билганингда эди, сенинг

Ўзинг Ундан сув сўрар эдинг ва У сенга тирик сув берар эди, - деди” (10-оят, замонавий таржима).

Аёл хайрон қолди. Инъом берадиган Худо ҳақида гапираётган бу одам ким экан? У Исога яқинроқ туриш ва Унда бундай ажойиб нарсаларни айтишга имкон берадиган нима борлигини кўриш учун қудуқни айланиб ўтади. Балки Унинг оёғи олдида бирорта кўза тургандир? У бу Одамнинг таклифини тушунтириш мумкин бўлган ҳеч нарсаи йўқлигини кўради. Бу Одамнинг ҳам ваъдаси унга таниш бўлган бошқа эркакларники каби қуруқ ваъда бўлиши мумкинми? У қизиқиб қолиб, Унинг ҳаётбахш сув бериш қобилияти ҳақида сўрайди.

“Аёл эса Унга деди: - Ҳазрат, Сизнинг сув тортиш учун идишингиз йўқ, қудуқ эса чуқур. Сиз қаердан тирик сувга эгасиз?” (11-оят).

У сувни қудуқ тубидан олиш мумкинлигини таъкидлайди. Эҳтимол, бу яҳудий Ёқубнинг қудуғи устидан кулаётгандир? Қудуқ бой тарихга эга ва бу қудуқ бошқа қудуқларга қараганда чуқурроқ. Аёл У билан суҳбатни давом эттирди.

“Отамиз Ёқуб бизга шу қудуқни берди. Унинг ўзи ҳам, болалари ҳам, чорвалари ҳам ундан сув ичган эди. Наҳотки, Сиз ундан буюкроқсиз?” (12-оят).

Бу қудуқни кўп асрлар давомида Ёқубнинг қудуғи деб аташгани қизиқ. Ёқуб исмининг ўзи “алдаш, жойсиз қолдириш, товонидан ушлаб олиш” маъносини англатади. Худо хотин зоти билан илон зоти ўртасида душманлик пайдо қилишни ваҳий берганида, У илон хотин зотининг товонини чақиб олишини айтган. Кейинчалик Худо Ёқуб исмини Исроилга, “Худо шаҳзодаси” номига ўзгартирган.

Бир ўйлаб кўринг: Эркаклар томонидан кўп марта алданган ва улар унинг асосий эҳтиёжларини қондира олишига ишонган бу аёл, энди ўзи Ёқуб қудуғи ёнида Исроил Шаҳзодаси билан

гаплашиб турибди. У гапида хато қилаётган бўлсада, Исо нима демоқчи эканини аниқ билади.

Бу қудуқнинг мавзуси қудуқнинг ҳолати ҳақида эмас, балки унинг чанқоқлиги ҳақида эди. Исо ҳар доим энг яхши уддалайдиган ишни қилади... У унинг саволларини эътиборсиз қолдирди ва унинг чуқур истаклари ҳақида тўғридан-тўғри гапирди.

“Бу сувдан ким ичса, яна чанқаб қолади. Лекин Мен берадиган сувдан ким ичса, абадий чанқамайди. Мен берадиган сув ўша одамнинг вужудида булоққа айланиб, абадий ҳаёт сари жўшиб оқади” (Юҳанно 4:13, 14).


“Ҳар кимса” сўзида, Исо бу ер бера оладиганидан кўра кўпроқ нарсани хоҳлайдиган ҳаммани назарда тутди. У яҳудийларни, самарияликларни, ҳозирги даврда ёки келгусида бу булоққа бир кун келадиган барчани ўз ичига олади. Ердаги ҳар битта қудуқ бизнинг кучли инсоний чанқоқлигимиз тимсоли ҳисобланади.

Муқаддас Китобнинг “The Passion” номли таржимасида бу оят мана шундай ёзилган:

“Агар сиз Ёқуб қудуғидан ичсангиз, сиз қайта ва қайта чанқайверасиз” (Юҳанно 4:13).

Эски қудуқлар сизнинг чанқоғингизни абадий қондира олмайди. Фақат Худо буни амалга ошира олади. Ушбу эски қудуқлар одамларга тўлиқ ёрдам бера олмаган, чунки уларнинг манбаси ердаги шартлар билан боғлиқ бўлган. Исталган пайт душман суқилиб кириши ва қудуққа заҳар ёки ахлат ташлаши ёки узоқ муддатли қурғоқчилик уни қуритиши мумкин эди.

Эски қудуқ каби қонунни инсоний буйруқлар осонлик билан заҳарлаши ёки инсон томонидан яратилган урф-одатлар ва



***Ердаги ҳар  
битта қудуқ,  
бизнинг кучли  
инсоний  
чанқоқлигимиз  
тимсоли  
ҳисобланади.***

қоидалар ерга кўмиши мумкин эди. Самарияликлар Тавротнинг фақат дастлабки бешта китобини тан олишган ва ўз тоғида сажда қилишган. Гарчи яҳудийлар ҳатто, қонуннинг тўлиқлиги ҳам биз хоҳлаган ҳаётни бера олмаслигини исботлаган бўлсаларда, улар қонун соясида яшаганлар. Бу эски қонунлар, имон оталаримиз Муқаддас Рухнинг ҳаётбахш сувига муҳтож эканимизни кўрсатиш учун берилган. Қонун сажда қилиш учун жойни талаб этади. Қонун Худога етишни имконсиз қилади. Худога сажда фақат қоидаларга амал қилиш билан кифояланади ва ҳаёт манбаи бўлишдан тўхтайдди. Қонун остида бизнинг саждамиз мунтазам эмас, балки ўқтин-ўқтин бўлиб қолади. Қонун шароитида Худони узоқ масофадан кўриш мумкин, лекин унга тегиниб бўлмайди. Қонун бизга Худони кўриш мумкин бўлган Синай тоғини беради, лекин у жойдан Худонинг қучоғига эришиб бўлмайди.

Худога сажда қилиш учун мўлжалланган маъбадимиз ичкарида эмас, балки унинг яқин атрофида бўлиб қолса, унда биз бегона бўлиб қолиш хавфига учраймиз. Исонинг самариялик аёл билан учрашуви қонуннинг кўп чекловларини ёриб ўтди. Бу аёл қонунни бўзди ва эркаклар билан яшади. Ҳатто ҳозирги нисбатан либерал жамоат ҳам, у ҳақида “гуноҳда яшаяпти”, деб айтган бўлар эди. Лекин Исо унинг гуноҳига қарамади, бевосита унинг ғамгин қалбига гапирди.

Қонун сиздар ўзи бера олиши мумкин бўлганидан ортиқроғини талаб қилади. Ҳаётбахш сувни бирор идишга қўйиб ёки ўлчаб бўлмайди, чунки у суюқ нурдир. Ўлик сув ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин эмас. Агар сиз шунчаки Ёқуб қудуғидан сув ичишни эмас, балки ўзингиз билан сув олиб кетишни истасангиз, унда сизга идиш керак бўлади. Сиз идишингизга сиғадиган даражадаги сувни ўзингиз билан олиб кета оласиз. Ўлик сув ялтирамайди, у оғир. Агар ҳар кун тавсия қилинган икки литр сув ичилса, киши вазнининг оғирлиги бўйича бу икки килограммни ташкил қилади. Агар тўрт кишидан иборат битта оила учун сув овқат тайёрлаш, тозалаш, кир ювиш, ювиниш учун олинса, бу аллақачон



икки юз килограммдан ортиқ оғирликка эга бўлади. Бу сувнинг оғирлигидан ташқари идишнинг ўз оғирлиги ҳам бўлади. Бу сувни ташиш учун маълум бир масофани босиб ўтишга тўғри келади.

Сув олиш учун ҳар куни қайта-қайта йўл босиб ўтиш керак. Исо доимий ва босилмайдиган чанқоқлик ҳақида гапирди. Бу аёл Яқин Шарқ қизидир, у саҳрода ўсган, у ҳаётида чанқоқлик нималигини билган. Сув қанчалик муздек бўлмасин, унинг севгига, ғамхўрликка ва муносабатга бўлган кучли чанқоғини қондирадиган қудуқ ёки сув йўқ. Унинг қалби сувсизликдан қуриб қолган. У ўз истагини тўлдирадиган ва руҳини тетиклаштирадиган нарсани топишга умид қилар эди, лекин қайта-қайта ёлғонга дуч келарди. Бу аёлнинг истаги кўпчилигимизники каби нормал эди, у жавобни нотўғри жойлардан излаган эди.

Севгига ташналикнинг ёмон жойи йўқ.

Ўз ҳаётини бошқа одам билан яқин муносабатда қуришни исташнинг ёмон жойи йўқ.

Муносиб тарзда яшашни исташнинг ёмон жойи йўқ.

Мақсадли ҳаёт кечиришни хоҳлашнинг ёмон жойи йўқ.

Дўстларга эга бўлишни хоҳлашнинг ёмон жойи йўқ.

Сажда ҳаётида яшашни исташнинг ёмон жойи йўқ.

Исо унинг истагини масхара қилмади ва бунинг учун уни камситмади. У аёлнинг чанқоғини қондиришга ваъда берганда, унинг чанқоғи асосли эканини тасдиқлади. Исо чорасизлик ўрнига унга абадий ҳаётни таклиф қилди. У қалбнинг тубсиз чуқурлиги ва тушқунлигидан туриб, Унга самимий илтижо қилди:

“Ҳазрат, мен ташна бўлмаслигим ва сув тортиш учун бу ерга келмаслигим учун менга шу сувдан беринг, - деди”  
(Юҳанно 4:15).

Бу кучли фарёдда мен умидни эшитаман. Унда мен ўзимни кўраман. Илтимос, Раббий Исо, шундай қилки, мен бу ерга бошқа келишимга ҳожат қолмасин, чунки бу жой менга ҳар доим

Йиқилганим ҳақида эслатади. Мен ҳам унга ўхшаб, ёшлигимдаги қонунларга риоя қила олмадим. У бу мукофот учун тўлов қилмаганини ва унга сазовор бўлмаганини билади. У бу мукофотни фақат бепул олиши мумкин эди. У ўз қарамлиги учун бор мол-мулкни совурган, унинг чанқоғи уни қулга айлантирган.

Исо унга ҳаётбахш сув беришидан аввал, У ўзини бўшатишга тайёр эканини кўриши керак бўлган. Ҳақиқатан ҳам, у ҳамма нарсани ортда қолдирдимми? У бу аёл узоқ вақтдан бери қудуқдан олган ўлик кўлмак сув ҳақида, яъни эркаклар ҳақида гапирди.

“Бориб, эрингни бу ерга чақириб кел, деди Исо” (16-оят).

Исо бу сўзлар билан унинг устидан ҳукмронлигини кўрсатмоқчи ёки унинг гуноҳини таъкидламоқчи бўлган деб ўйламанг. Аниқроғи, у эр ҳақида эслатиш орқали унинг дарди манбасини кўрсатишни истади. Бизнинг жасур синглимиз бу ҳақиқатни айтиш орқали, руҳоний таклиф қилаётган ҳаётбахш сувдан ўзини маҳрум қилиши мумкинлигини яхши билган.

“Менинг эрим йўқ” (17-оят).

Эҳтимол, бу ҳақиқат унинг қалбида оғир юк бўлиб турган. Бешта муваффақиятсиз никоҳ. Шу билан бирга, у айбдорлик ҳисси ёки ўз ҳатти-ҳаракатларини оқлаш учун бирор изоҳ кўрсатмади. Унда фақат қуруқ жирканч ҳақиқат бор эди. Менинг эрим йўқ...

“Эрим йўқ, деб сен тўғриси айтдинг, деди Исо. Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Сен тўғриси айтдинг!” (17, 18-оятлар).

Исо ҳақиқатни айтадиган ва жасурлик билан тавба қиладиганларга жавоб бериши мумкин. Бу аёл ҳақиқатни айтди, Исо эса унинг ўтмиши тафсилотларини қўшимча қилди. Бешта эркак кейинчалик уни ташлаб кетиш учун уни хотиним деб айтган. Баъзан нега унинг гуноҳларини юзига солишгани ҳақида ўйлайман.

Менинг катта онам уч марта никоҳдан ўтган, тўртта эркакка турмушга чиққан. У вазият қурбони бўлмаган, бу унинг танлови ва иллоти бўлган. Эҳтимол, бу аёлнинг ҳаёт вазияти бошқача бўлган. Лекин биз чиндан ҳам у адашганлигини аниқ билмаймиз. У қонун остида яшаган, бунга кўра унга уйланган эркак бу аёл билан никоҳ, хато деб қарор қилиши ва унинг кўнгли қолганини тасдиқловчи қоғоз билан бу аёлни ташлаб кетиши мумкинлигини англатган. Қонунга кўра у ўз ташаббуси билан эрларини ўзгартириши мумкин бўлмаган. Қайта турмуш қуриш учун ажралиш ҳақидаги тасдиқ керак бўлган. Бешта муваффақиятсиз никоҳни тасаввур қила оласизми? Бу аёлнинг дили шунчалик яраланганки, у битта тўшақда, лекин турли хил исмдаги эркак билан яшашга тайёр. Унинг ҳаёти қониқишни рад этадиган иштаҳаларга тўла. Унинг руҳи ғамгин, лекин умиди ҳали ҳам милтиллаб ёнапти.

“Ҳазрат, Сиз пайғамбар эканингизни кўриб турибман, деди аёл” (19-оят).

Яқингача мен бундай иқдорликнинг аҳамиятини тушунмас эдим. У ўзи учун нотаниш дунёга қадам ташлади, чунки самарияликлар фақат битта пайғамбар – Мусо эканига ишонишган. Бу аёл Исони пайғамбар деб тан олганда, у пайғамбарнинг мукофотига сазовор бўлиш имконига эга бўлади. Чунки шундай деб ёзилган: “Кимки пайғамбарни пайғамбар бўлгани учун қабул қилса, пайғамбарга муносиб мукофотни олади” (Матто 10:41, замонавий таржима).

Пайғамбарнинг мукофоти нимадан иборат? Мен бу мукофот турли қобилиятлар орқали ифодаланишига ишонаман, лекин ҳаётбахш ҳақиқатнинг ошкор бўлиши ва уни англашдан қимматроқ нарса йўқ. Пайғамбарларни яна башорат қилувчилар деб ҳам аташади. Исо қаерга бормасин, одамларнинг ақл кўзларини очди. Аёл Исони пайғамбар сифатида қабул қилишга қарор қилганида, у ўз келажагига қаради ва Ундан қаерда сажда қилишни сўради. Мен унинг эски ҳаётдан ва эски йўллардан қанчалик чарчаганини тасаввур қила оламан. У ҳаётида сажда қилиш жойи эмас, баки

кимга сажда қилиши муҳим аҳамиятга эга эканини тасаввур ҳам қила олмаган.

“Исо унга деди: Эй аёл, Менга ишонгин, шундай вақт келадики, ўшанда Отага на бу тоғда, на Қуддусда сажда қиласизлар” (21-оят).

Арамей тилидан таржима қилинган “The Passion” номли таржимада бу оятнинг маъноси кенгроқ қилиб берилади:

“Азиз аёл, Менга ишон, шундай вақт келадики, ўшанда Отага на бу тоғда, на Қуддусда сажда қиласизлар, балки ўз қалбингизда сажда қиласизлар”.

У Исони пайғамбар сифатида шарафлар эди, аслида ҳам бу шундай эди. Ўз навбатида, Исо ҳам унга “азизим” деб жавоб берди. Бу сўз “севимли, қадрли, азиз, жуда қадрли, гўзал” маъноларини англатади. Қизик, уни охириги марта қачон шундай деб чақиришган экан. Исо самариялик аёлнинг эзилган қалбини ва яраланган руҳини, унинг тақдирини ўз ичига олган сўзлар билан шифолади.

Мен ҳали ҳам Исо Ўзининг ҳар бир қизини, қай тарзда таклиф қилаётганини эшитаман: “Менга ишон, Менинг азизим, қадрли ва севиклигим, сенинг вақтинг келди...”. Ишониш вақти келди. Бир лаҳза тўхтанг. У сизнинг руҳингизга нима деб шивирляпти? Худоимиз бизга тоғда, шаҳарда ва ҳатто, жамоатда ҳам яқинроқ бўлмайди. Ҳеч бир инсон, сизни Унинг ҳузурида туришдан тўхтата олмайди. Яхшиямки, ҳеч қандай хато сизнинг ичингиздаги Зотдан ажрата олмайди. Исо қалбингизнинг қудуғида сизнинг саждангизни кутаяпти. Муқаддас Битиклар Худоимиз овози каби яқин эканини бизга эслатади.

“Ёзув нима демоқда? “Сўз сенга яқиндир: сенинг оғзингга ва сенинг юрагинггадир”, яни бу – биз воизлик қилаётган имон сўзидир” (Римликларга 10:8).

Бу аёл ўз ҳаётининг энг тубига етганида, Исо унга бутунлай

янгича қарашни берди. Бирор макон билан чекланмаган Худо ҳақида эшитганмисиз? Инсон қаерда бўлмасин, у билан учрашишни истаган Худо ҳақида эшитганмисиз? Бу хабар унга қанчалик ёққанини бир тасаввур қилинг. У ўз халқи ва яҳудийлар ичида рад қилинган. Лекин Худо унинг қалбида Ўзи учун муқаддас жой яратди. У ўзи ҳақида Худо билан ростгўй ва самимий бўлганидек, Худо Ўғли ҳам унга Ўзини ошкор қилди. Унинг танлови ўз ҳаёти доираси чегарасидан четга чиқишга мажбур қилди. Исо уни ичкарига киришга таклиф қилади.

“Сизлар – Самарияликлар кимга сажда қилаётганингизни билмайсизлар, бизлар эса кимга сажда қилаётганимизни биламиз. Чунки нажот яҳудийлардан келади. Аммо шундай вақтлар келадикки, ҳақиқий сажда қилувчилар Отага Рухда ва ҳақиқатда сажда қиладилар. Бундай вақт келди ҳам! Ота шу йўсинда Ўзига сажда қилувчиларни излайди. Худо Рухдир, Унга сажда қилувчилар ҳам Муқаддас Рух бошчилигида ҳақиқатни билган ҳолда сажда қилишлари лозим” (Юҳанно 4:22-24).

Исо ҳақиқат билан унинг чегараларини тебратди. Агар бу устознинг сўзлари тўғри бўлса, демак, Ота унинг ўзи каби бўлган топинувчини, яъни руҳда ва ҳақиқатда сажда қилишни истайдиган топинувчини излайди.

Биз истехзони сезмаймиз, чунки Исо очиб берган ҳамма нарсани тушунарли ҳақиқат деб қабул қиламиз. Лекин ўша пайтда Унинг сўзлари бутунлай янги бўлган. Афтидан, У илгари Ота Худо ҳақида ҳеч қачон эшитмаган. Бу ҳақида “The Passion” таржимасида мана шундай ёзилган:

«Бундан буён Отага сажда қилиш, тўғри жойни танлаш эмас, юрак масаласи бўлади. Худо Рухдир ва Худо Унга сажда қиладиган, шунингдек Уни Рухда ва Ҳақиқатда севадиган ҳақиқий сажда қилувчиларга эга бўлишни истади” (Юҳанно 4:22, 23).

Бу аёл энди, унга чанқоқ бўлган Худо билан алоқада бўлиши мумкин. У ўша пайтда ҳукмрон дин билан тўқнашуви тажрибаси асосида, улуғвор умидни англаб етганига ишонаман. У нимага ишониши кераклигини аниқ билмаган, унинг қалби умид, уят ва мўъжизадан дуқиллаган, лекин у ўзи билганларини дадиллик билан айтган.

“Аёл Исога деди: Мен Масих келишини биламан. У келганда, ҳамма нарсани бизга тушунтиради” (25-оят).

Менимча, Исо унинг болаларча содда имони олдида жим қараб тура олмади. У ҳақиқат ҳақидаги Хушхабарн ундан бошқа яшира олмади. Исо қуйидаги гапни секин айтганида, У аёлга диққат билан қараётганини тасаввур қиламан:

“Ўша Менман. Сен билан гаплашиб турибман” (26-оят).

Исо аёлнинг Масихдан кутган нарсани аниқ қилиб бажарди. У аёлнинг ўзи ҳақида гапириб берди. Баъзан Худоимиз ҳамма нарсани айтмасдан, бизга ҳамма нарсани ошкор қилади. Хотиржам бўлинг, азизим. Мойланган Масихимиз, кўпинча ўзимиз ҳақимизда ҳақиқатни айтиб, сажда ҳақидаги саволларимизга жавоб беради. У бир силташ билан бемаъни анъаналарни фош қилади ва Ўзининг ҳақиқат қиличи билан инсоний фикрларни кесиб ташлайди. Ким ўз кўзасини ташлаб Унинг ортидан югурмайди? Бу бизнинг Исо. У уялганлардан уялмайди. У уларни Ўз қаноти остига олади ва уларга фарзийлар (баъзан шогирдлар ҳам) тинглашни рад қилган муҳим ҳақиқатларни ошкор қилади.

Бу лаҳза ўтди. Шогирдлар қайтиб келишди ва Исонинг фақат нафратланишга лойиқ бўлган аёл билан сўхбат қилаётганини кўриб ҳайрон бўлишди. Лекин аёл энди уларнинг унга бўлган муносабатига эътибор бермади. Сиз ўзингизни Худо томонидан қабул қилинганингизни ҳис қилишингиз биланоқ, инсонни рад қилиш сиз учун қандай аҳамиятга эга бўлади? Қизиқ,

шоғирдлардан ҳеч ким самарияликларни Исони кўришга таклиф қилмаган эди. Лекин бу кўрқинчли эмас, чунки Исо аллақачон, Ўз элчисини юборган эди. У узоқ вақтдан бери самариялик аёл ҳақида ўйлаган эди.

“Аёл кўзасини ўша ерда қолдирди-да, шаҳарга бориб, одамларга деди: Юринглар, бир одамни кўринглар. У менинг қилган ҳамма ишларимни айтиб берди! Ўша Масих эмасмикин? Одамлар шаҳардан чиқиб, Исонинг олдига бордилар” (28-30-оятлар).

Агар диққат билан қарасак, у сўзларни синчиклаб танлаганини кўрамыз. У Исони пайғамбар деб чақирмади ва Уни яҳудий деб айтмади. Чунки у бунга иккаласини ҳам айтиш билан ўз юртдошлари, ундан юз ўгириши мумкинлигини биларди. У Масихга йўл очиш учун уларга ўз гувоҳлиги билан ўртоқлашди. Дугонамиз фақат бориш ва эшитишни эмас, балки бошқаларга боришни ва Унга қарашни таклиф қилиши менга жуда ёқади. Кўрмоқ – ишонишни англатиши мумкин. Кўзларимиз очилганда, биз бошқалар ҳам кўришини истаймиз.

Исо қимматбаҳо, муҳим ва муқаддас, лекин бошқа одамларнинг назарида оддий, бузуқ ва нопок бўлган нарса ҳақида, бу аёлга қай тарзда ошкор қилгани менга жуда ёқди. Ҳамма энг ёмон инсон деб ҳисоблаган одамга, Худонинг сирларини айтиш орқали У ҳаммамизга эшик очди. Мана шунинг учун китобларимнинг кўпчилигида унинг воқеасини тилга оламан. Мен уларнинг суҳбатида доим янги жиҳатни кашф қиламан ва ҳеч қачон унга бефарқ қолмайман.

Кўп йиллардан бери мен бу яқин суҳбатни жуда яхши кўриб келаман. Бу суҳбат уни тўлиқ омадсиздан, муҳим, садоқатли одамга айлантирди. Менга ҳатто унинг исми Муқаддас Китобга ёзилмагани ҳам ёқади, чунки мен бу ҳикояга ўзимнинг исмиمنى осонлик билан жойлаштиришим мумкин. Бу унинг исми Фотина, яъни “равшан бўлган” эканлигини билишимдан анча вақт аввал

бўлди. Ўша куниёқ у Самарияда хушxabар айта бошлади, лекин у шу ерлар билан чекланиб қолмаганлигини биласиз.

Унинг ҳикояси ҳар биримиз учун, саёз ҳаёт кечираётган чуқур қудуқ учун далда бўлиши керак. Фоҳиша аёл пайғамбар билан сажда ҳақида гапиришини яна қандай тушунтириш мумкин? Унинг қудуғи нафақат чуқур, балки шу билан бирга у қуруқ ҳам эди. Унинг бешта эри ва иккита ўғли бор эди, лекин унинг изланиши тугамади. Жуда катта имкониятга эга бўлган бу аёл ўзини бутунлай бағишлади.

Бирдан ҳамма нарса ўзгарди. У инъом ҳақида билиб олди. Исо уни таклиф қилди ва у жасорат билан Ундан ҳаётбахш сув сўради. Бу ажойиб Масих уни тўлиқ биларди ва чексиз севарди. Шунинг учун тенгги йўқ қиз Унинг таклифига жавоб берди ва Унинг ҳаётбахш сувидан тўйиб ичди, сўнг ўрнидан турди ва Фотинага, мустаҳкам қарор билан хавф-хатарни қарши олиш учун йўл олган хушxabарчи ва ҳаворийга айланди. Ўтмишга эга аёл, сиз унинг мисолига эргашасизми?

## Мулоҳаза юритиш учун саволлар

1. Ҳаётингизда Худонинг кучига бўлган чанқоқлик борми?
2. Сизга Фотина ҳақидаги ҳикоя қандай таъсир қилди?
3. У қудуқ ёнидаги аёл бўлиб чиққани сизга ёқдими? Бу ҳикояда бизга қандай ваъда бор?
4. Сиз қайси соҳаларда чуқур қудуқ бўла туриб, саёз ҳаёт билан яшаяпсиз?



## Рақобатдан ташқаридаги ҳаёт

“Сиз ўз олдингизга янги мақсад қўйиш ва бирор янги нарса ҳақида орзу қилиш учун ҳеч қачон жуда кексайиб қолмайсиз”.

К.С. ЛЬЮИС

**М**ен сиз билан жасорат ва бағишланиш ҳақидаги яна бир қадимги ҳикоя билан ўртоқлашишни истайман. Бир пайтлар Фекла исмли, гўзал ва турмушга чиқмаган қиз яшаган. Бир куни у қўшни уйда Павлуснинг Хушхабар ваъзини эшитиб қолади. У ўтириб Павлуснинг ёш эркаклар ва аёлларни, ўз ахлоқий софлик ва яхши фазилатлари ёрдамида Масихни улўлаш учун қандай даъват қилаётганини диққат билан эшитади. Фекла унаштирилган эди, лекин Павлуснинг сўзларидан сўнг у келгусида турмушга чиқишдан воз кечади ва қолган умрини Худонинг улўворлиги учун яшашга қарор қилади. Павлус ўша пайтда Феклага қандай таъсир кўрсатганини билмаган. Айни пайтда қизнинг онаси ва куёви унинг қарорини нотўғри деб ҳисоблайдилар. Улар Павлусга қарши ғазабланган халқни кўтариш учун ўзларининг барча алоқалари ва таниш билишларини ишга

солади. Натижада, ҳаворийни Икония ҳукмдорларидан бирининг олдига ҳукм қилиш учун олиб келишади. Бу ҳукмдор дарҳол уни қамоққа ташлатади.

Ғам билан адо бўлган Фекла ўзининг ҳамма қимматбаҳо буюмларини йиғади ва Павлус билан учрашиш ва ундан Исо ҳақида Хушxabарни шахсан эшитиш учун уларни соқчиларга беради. Қизнинг қариндошлари йўқолган қизини Павлуснинг қамоқхонасида топиб, иккаласини ҳам шаҳар ҳокими ёнига олиб боришади. Павлусни қамчилатиб, шаҳардан ҳайдаб юборишади. Феклани ўз онаси ҳакам қўлига топширади ва қизни ўлимга ҳукм қилишади. Бошқа қизлар шундай исён кўтармаслиги учун уни гулханда ёқишлари керак эди.

Феклани қатл қилиш учун олиб кетилаётган пайтда, Павлус ва бошқа масиҳийлар шаҳар ташқарисида йиғилиб қаттиқ ибодат қилишади. Феклани устунга боғлаб қўйишади, лекин гулханны ёқишганда, олов унга зиён етказмайди. Сўнг қаттиқ бўрон бошланади. Бўрондан кейин кучли ёмғир қизнинг оёқлари остидаги оловни ўчиради ва у ўлимдан қутулиб қолади. Бу юнон худолари томонидан юқоридан юборилган аломат деб ўйлаб, шаҳар бошлиқлари қизни озод қилади ва уни шаҳардан ҳайдаб юборадилар. Рад қилинган Фекла бошқа қувилган масиҳийларга қўшилади ва улар биргаликда Павлус билан Антиохияга боришга қарор қилишади.

Улар шаҳарга кириши биланоқ, катта нуфузга ва ҳокимиятга эга Александр исмли киши Фекланинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, қизни Павлусдан сотиб олишга ҳаракат қилади. Лекин рад жавобини олиб, уни куч билан тортиб олишга уринади. Лекин Фекла ўз номуси учун қаттиқ курашади ва бу кураш давомида Александрнинг бошидаги лавр тожини тушириб юборади ва Худо фарзандига тегинмасликни айтиб, нафрат билан ҳамманинг кўзи олдида уни итариб ташлайди.

Ғазабланган Александр уни Антиохия ҳукмдори олдида судраб келади. Сўроқ қилиш пайтида Фекла қутулиш ва қочиб кетиш учун Александрнинг кийимини йиртганини тан олади. Яна Феклага

Ўлим жазоси берилади. Қатли кейинги кун ўтказишга қарор қилишади. Бу сафар у тилка-пора бўлиши учун ёввойи ҳайвонлар олдига ташланиши керак бўлган.

Антиохия аёллари бу ҳукми эшитиб аччиғи келади. Фекла устидан чиқарилган ҳукм улар учун адолатсиз туюлади. Бир аслзода рим аёли ёш масиҳий Феклани бокиралигини сақлаб қолиш учун, уни қатл кунига қадар, қамоқда эмас, ўз уйида қолишига рухсат сўраб чиқади. Бир кечада бу аёллар яқин дўстларга айланишади.

Эртаси кун эрталаб, кекса аслзода аёл, Феклани занжирларга боғлаб саҳнага йиртқич урғочи шер олдига олиб чиқишаётган пайтда, аччиқ-алам билан йиғлайди. Кийимлари ечиб олинган қизни шерлар ва айиқларга тилка пора қилдириш учун майдонга итариб чиқаришганда, тўпланган оломон бақиради. Биринчи бўлиб урғочи шер ҳамла қилади. У Фекланинг олдига югуриб келади, лекин унга ҳужум қилиш ўрнига, бурилиб Фекла оёғи остида химоя қилувчи ҳолатида туриб олади.

Кейин айиқ ҳамла қилади, лекин у қизга етиб келмасидан олдин урғочи шер уни ўлдиради. Кейин бошқа шер ташланади, лекин урғочи шер яна қизни химоя қилади. Бу жанг иккала шернинг ҳам ўлими билан тугайди. Уларнинг бир-бирига чирмашиб кетган таналари қизнинг оёғи остига қулайди. Бу ўйинларга бошчилик қилаётганлар, бошқа ҳайвонларни ҳужум қилишга гиж-гижлайдилар. Лекин йиртқич ҳайвонлар бирин-кетин ортга чекинадилар ва ҳужум қилишдан бош тортадилар. Ҳозиргина шовқин бўлиб ётган майдонни Худонинг ваҳимаси тўлдиради. Шунда Фекла овозни баланд қилиб, жасорат билан ибодат қила бошлайди.

Шаҳар ҳокими ўрнидан туриб, ўйинларни тўхтатади. У бу аёл кимлигини ва унинг кучи манбаси нима эканини билишни истар эди. Фекла жавоб бериб дейди: “Мен тирик Худонинг қулиман... Мен Худонинг марҳамати бўлган Инсон Ўғлига ишондим. Чунки У нажотга ва абадий ҳаёт манбасига йўлдир. Ким Унга ишонмаса, яшамайди...”

Ҳоким унга кийим олиб келишни ва қўйиб юборишни буюради.

Ўша куни юзлаб, эҳтимол, минглаб одамлар Масихни қабул қилишади. Илк Жамоатнинг йилномаларида хабар қилинишича, Антиохия аёллари, шаҳар деворлари ҳамду-санонинг кучли товушларидан титраб силкинмагунча Худони бир овозда улуглаганлар.

Фекла тўқсон ёшида вафот этгунига қадар узоқ, бахтли ҳаёт кечиради ва Хушхабарни тарғиб қилади.

## **Жасоратли ҳаёт**

Фекла исмли аёлни нима бундай кучли қилди? У яланғоч эди ва уялмади, чунки ваҳийга кўра у Исо Масихда ўзини таниб-билди. У жуда ёш имонли бўлсада, Худо Шоҳлигининг ишончли элчисига айланди. У майдонда ибодатда овозини баланд кўтариб, ўлим қаршисида жасорат кўрсатди. Ҳатто лойиқ тарзда кийинган бўлганда ҳам, унга минбарда туришни ва ваъз қилишни таъқиқлаган бўлардилар. Мана шу жасоратли қиз ўша майдонда ёввойи ҳайвонлар орасида яланғоч туриб, Раббий учун кўплаб жонларни қутқариб қолди. Мен бундай ҳикояларни ўқиганимда, Момо Ҳавонинг (ишончим комилки, Соранинг ҳам) табассумини тасаввур қилишни яхши кўраман. Ахир, Адан боғининг ғамхўрлиги ва хавфсизлигида бўла туриб, Момо Ҳаво бой берган жангни, очиқ душманлик майдонларида юқоридан туғилган Худо қизлари томонидан кўп марта зафар қозонилган.

Оломон ҳукм ижросини томоша қилиш учун келди, лекин бунинг ўрнига улар тўлиқ оқланишнинг гувоҳи бўлдилар. Бизнинг ҳаётимиз бу меросни давом эттирсин. Биз ҳар куни нажотимиз ва Масихдаги бутун борлиғимиз, Масихда ва фақат Унда эканлигини эълон қилганимизда, биз Худо билан бўлиш қобилиятимизни кўпайтирамиз ва Исонинг қайтишини тезлаштирамиз.

Бугунги кунда Муқаддас Китоб ҳақида инсоният тарихида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ маълумотга эгамиз. Бу билим бизни қаерга олиб келди? Бизда кўп маълумотлар бор, лекин айтиш пайтда ўзгарининг етишмаслиги мавжуд. Кўп ҳолларда бугунги кунда ҳаётнинг

кўп соҳаларида, ақл ва истеъдод, Худонинг Каломи ва Муқаддас Рухнинг бошқарувидан кўра муҳимроқ бўлиб қолмоқда, деб қўрқаман.

Лекин мен кўпроқ нарсани истайман. Мен руҳим билан Муқаддас Рухнинг ва тенгги йўқ ҳосилнинг ёғилишини ҳис қиламан. Бу бузилган дунё Худонинг кучини кўришга муҳтождир. Эҳтимол, илк Жамоат каби ибодат қилиш вақти келди.

“Энди, эй Эгамиз, уларнинг таҳдидларига қара! Бу қулларнинг жасорат билан Сенинг сўзингни айтишлари учун бизга имкон бер. Қудратингни кўрсат, токи Муқаддас қўлинг Исо номи билан хасталарга шифо берайлик, аломатлар ва мўъжизалар кўрсатайлик” (Ҳаворийлар 4:29, 30).

Хўш, бундай ибодатлар тўфайли нималар юз берди?

“Ҳаммалари ибодат қилиб бўлганларидан кейин, улар йиғилиб турган жой силкинди. Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб, Худонинг сўзини жасорат билан гапирадиган бўлдилар” (31-оят).

Бу Худонинг Каломи жасорат билан тўсқинликсиз ваъз қилиниши керак бўлган вақтдир. Кўп жиҳатдан, Фекла ўз даврида дуч келган қийинчиликлар, биз дуч келаётган қийинчиликлардан унчалик фарқ қилмайди. У ҳеч ким ундан кутмаган нарсани танлаганида ва Худога тўлиқ бағишланган ҳаётни кечиршига қарор қилганида, кучли норозилик кўтарилган. Унинг оила аъзолари уни тўхтатишга, ҳукумат уни ўз имонини ўзгартиришга мажбур қилишга уринарди, эркалар куч билан унга эга бўлишга ва исёнкор деб билган қаршилигини жиловлашга ҳаракат қилишарди. Шунга қарамай, Фекла ҳақиқатан ҳам озод эди. Ҳаёт ёки ўлим унинг учун муҳим эмас эди. У ўзининг кимлигини, яъни Буюк Худонинг қули эканини аниқ биларди.


## Тенги йўқ ҳаёт

Биз ҳамма жойда тўфон содир бўлаётган замонда яшайпмиз. Агар сиз кимлигингизни ва кимга тегишли эканингизни билсангиз,

бу тўфонга бардош бера оласиз. Биз тенгсиз ҳаётни, фақат Муқаддас Рух ярата оладиган ҳаётни танладик.

Рух ҳаётимиз манбаи экан, энди Рухнинг етакчилиги остида ҳаёт кечиришимиз лозим. Шухратпараст бўлмайлик, бир-биримизни гижгизламайлик, бахиллик қилмайлик” (Галатияликларга 5:25, 26).

Шундай қилиб, биз бошлаган нарсамизни тугатамиз. Ўзингизга хошлигингизни англаш орқали руҳнинг етакчилиги остида яшашни бошланг. Сиз кимнингдир нусхаси бўлиш учун яратилмагансиз. Сиз Худонинг Ўғли учун аталгансиз. Самовий Отангиз сиз ҳали биринчи нафасни олишингиздан олдин, ҳаётингизнинг энг тубидаги тафсилотларини ёзиб қўйган. У ҳаётингизни жонли ҳарфлар билан ёзиб олган. Ҳеч ким ҳаётингизни сизнинг ўрнингизга яшай олмайди. Сизнинг китобингиз саҳифалари очилиш вақти келди.



**Сиз кимнингдир нусхаси бўлиш учун яратилмагансиз. Сиз Худонинг Ўғли учун аталгансиз.**

Бошқа одамларнинг тақдири билан яшаш орқали, Муқаддас Рух сиз учун тайёрлаган нарсаларни бажарилмасдан қолишига йўл қўясиз. Ҳамма ва ҳар биримиз ўз йўлимизга ва тақдиримизга эгамиз. Агар сиз тенгсиз ҳаёт кечирмоқчи бўлсангиз, Муқаддас Рух етакчилиги жуда ҳам муҳимдир. Рух етакчилигидаги ҳаёт – бу шунчаки тушунча ёки романтик орзу эмас. Бу руҳий интизом ва шахсий сажданинг тимсоли. Бу маънавий интизом ва шахсий сажданинг тимсолидир. Ҳаёт – бу ўйин-кулги эмас, балки бағишланишдир. Шахсий ҳаётда ва жамоат соҳаларидаги фаолиятда итоаткорликнинг ҳар бир қадами билан, Худо ҳаётингиз учун Ўз мақсадини ойдинлаштиради, Унинг овози эса сиз учун янада аниқроқ эшитила бошлайди.

Ҳаётингиз ва унинг имконияти – бу Худо томонидан берилган қуролдир. Агар сизда бор бўлган барча қимматбахо нарсалар

ва истеъдодлар бошқа одамларнинг фикрлари ва умидлари билан кўмилиб кетса, бу жуда ачинарли бўлар эди. Сизга ер юзида томошабин бўлиш вазифаси берилмаган. Сиз ҳаётингизда қилишингиз мумкин бўлган кўп муҳим ва қизиқарли нарсалар бор. Бунни билиш фурсати келди.

Ҳозирги вақт – бу сизнинг келажагингиздир. Вақт чизиғи ичида сиз учун ажратилган маълум бир вақт нуқтангиз бор. Ҳеч биримиз учун эртанги кун кафолатланмаган. Лекин айнан шу лаҳза, бу ерда ва ҳозир сизники эканини, шунингек уни ҳеч ким сиздан тортиб ололмастегини билинг. Танловингизнинг кучи ҳаётингизнинг қолган барча лаҳзаларига таъсир қилиши мумкин.

Сизда ваъдалар билан тўлдирилган ажойиб тақдир бор. Аммо ҳаётингизнинг китоби очилмаган ҳолда қолиб кетиши мумкин. Ёки сиз уни очишингиз ва унинг саҳифаларини навбат билан варақлаб ўтказишингиз мумкин. Павлус Галатияликларга мактубида нима деб ёзганига эътибор беринг:

“Ҳар ким ўз ишини текшириб кўрсин. Шунда у фақат ўзидан фахрланса бўлади, ўзини бошқалар билан солиштиришга ҳожат бўлмайди. Зотан, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши лозим” (Галатияликларга 6:4, 5, замонавий таржима).

Агар сизга ўхшамайдиган одамларга тикилиш билан ҳаддан ташқари банд бўлсангиз, ўзингизни топиш қийин бўлади. Агар сиз юришни ва кучсизланиб қолмасликни истасангиз, “Ҳаёт” деб аталувчи бу сафарда сизнинг ролингиз нима эканини билишингиз керак.

“Шундай қилиб, қай тарзда яшаётганингизга диққат қилинлар. Нодонлар каби эмас, балки донолардай ҳаёт кечиринлар. Фурсатни ғанимат билинлар, чунки биз яшаётган бу кунлар ёмонликка тўла” (Эфесликларга 5:15, 16, замонавий таржима).

Агар вақтни тўғри сарфламасангиз, эҳтиёжлар ва чалғитувчи нарсалар тўфайли кунлар бир зумда ўтиб кетади. Бу китобни бир

четга қўйиб, дарҳол ручка ва қоғозни қўлингизга олинг. Вақтдан донолик ва енгилтаклик билан фойдаланиш йўлларини белгилаб олинг, кунларингиз нима ишлар билан бандлигини кўриб чиқинг ва яна орзу қилиш учун вақт топинг.

Мақсадларингиз ва орзуларингизни синчковлик билан таққосланг. Демак, тенги йўқ қизлар, нима ҳақида орзу қилаяпсизлар? Сиз балки ҳаётингиз зерикарли ёки оддий эканини аниқлашингиз мумкин. Аммо унинг ҳозирги ҳолати муҳим эмас. Сизнинг иштиёқингиз нимадан иборат? Агар сиз иштиёқни йўқотган бўлсангиз, Худонинг ҳузурига қайтинг ва уни яна топгунингизча ўша ерда қолинг. Онгингиз ва қалбингизни тозаланг. Сайрга чиқинг, сажда мусиқасини тингланг, ўз қалбингиз манбаси билан алоқани тикланг.

Сиз мақсадлар қўйиш ва орзу қилиш учун ҳеч қачон кекса, жуда камбағал, жуда бой, жуда билимли ёки жуда маълумотсиз бўлмайсиз. Бундан ташқари, сиз бунинг учун ҳеч қачон ёш эмассиз.

Баъзида кўп масиҳий аёлларга назар ташлаганимда, уларнинг кўпчилиги ўз ҳаёти ва хизматини қандай ажойиб тарзда бажараётганини кўриб, ҳайратда қолганимни тан оламан. Ҳозирги кунда олдинги сафларда шунчалик кўп гўзал, жасоратли ва художўй аёллар борки, менинг қалбим умидга тўлади. Мен юқорига ўрмалашни тугатиб, пастга сирпаниб тушиш вақти келгандир, деб ўйлай бошлайман. Яқинда мен бу ҳақида ўйладим ва мени тuzатаётган Муқаддас Рухнинг овозини эшитдим. “Уларнинг пайдо бўлиши сенинг чекинишинг кераклигини англатмайди. Сен олдинга интилишда давом этишинг керак. Улар сени ортга тортишини эмас, балки олдинга силжитишини режалаштирганман”.

Менинг кўтарилиш йўналишим турлича бўлиши мумкин, лекин Худо шундай деганини ҳеч қачон эшитмаганман: “Пастга қара, умидсиз бўл”. У аксинча, шундай дейди: “Юқорига кўтарил, дадил бўл!” Унинг қизлари бирлашганида, Худонинг улуғворлигини кўраман.

Шундай қилиб, азизим, мен сиз билан ўз иштиёқим ҳақида



Ўртоқлашмоқчиман. Ўша иштиёқ – бу сиз! Мен Мойланган Масих сизда намоён бўлиши учун доим меҳнат қилиш ҳақида ибодат қиламан. Мен сизга азалдан ишониб топширилган нарсани топа олишингиз учун таъминланганингизни ва илдиз отганингизни кўришни орзиқиб кутаман. Мен сизнинг муҳим изланишингизда – Раббимизни излашда сизга ёрдам беришни истайман. Мен бу китобни ёзганимда, жуда кенг мавзуни ёритишга бел боғлаганимни англадим. Чунки биз кўплаб рақиблар, бизнинг розилигимиз учун курашаётган бир кунда яшайпмиз. Павлус бошқа даврда яшаган ва шунга қарамай, у севган жамоат ҳам, худди шундай курашларни бошдан кечирган.

“Мен сизларни Худонинг рашки билан қизғоняпман, чунки гўё бир пок бокира қизни ягона эрга никоҳлагандай, сизларни Масихга тақдим этмоқчиман. Аммо Момо Ҳаво илоннинг ёлғон-яшиқларига ишониб, йўлдан оздирилгани каби, сизларнинг ҳам ўй-хаёлларингиз бузилмасин ва сиз ўзингизни чин юракдан, самимийлик билан Масихга бағишлаганингизни унутиб қўймасмикансиз, деган хавотирдаман. Ахир, баъзилар биз ваъз қилган Исодан бошқа бир Исо ҳақида ваъз қилса ёки сизлар олган Рухдан бошқа бир рух ҳақида ва сизлар қабул қилган Хушхабардан бошқа бир хушхабарни айтса, бундай одамларни хуш қаршилаб ўтирибсиз” (2-Коринфликларга 11:2-4, замонавий таржима).

Ёки бу оятлар Муқаддас китобнинг “The Message” таржимасида шундай деб ёзилган:

“Мени қайғуга солаётган нарса ва сиз ҳақингиздаги барча ғамхўрликларим – бу менинг ичимда ёнаётган Худонинг иштиёқидир! Пок ва бенуқсон келинни ўз эрига тақдим этган сингари, сизнинг қўлингиз ва юрагингизни Масихга ваъда бериб қўйганман. Ҳавони хушомадлик билан алдаган илон, сизларни ҳам йўлдан оздиради деб қўрқаяпман ва сиз Масихга бўлган оддий пок севгингиздан юз ўгирасиз.

Худди бегона одамлар, биз сизга очган Масихдан бошқасини воизлик қилаётганга ўхшаяпти, улар бошқа мактубни, бошқача руҳ билан воизлик қиляпти – сизлар эса бунни қабул қиляпсизлар”.

Мени она ёки буви сифатида қабул қилиб, қулоқ солинг. Сиз мураса ёки ўхшаш бўлиш учун яратилмаганмиз. Яратувчи сиздаги ДНКга Ўзининг ноёблигини жойлаштирган. Фақат сиз дунёга Унинг севгиси ва улуғворлигининг такрорланмас ифодасини бера оласиз, бунни қандай қилишингизнинг самараси ва мукофоти сиз билан абадийликда бирга бўлади.

## **Боқий тожлар**

Бу китобнинг бошида сиз ким эканингизни ва Худо ким эканини ҳамда қандай қилиб бизга берилган воситалар ёрдамида У билан яқинроқ муносабатларга эришиш мумкинлигини тушунтирдим. Бизни Худонинг табиатига шерик қиладиган беқиёс ва қимматли ваъдалардан ташқари, ҳокимиятнинг рамзи бўлган безаклар ҳам мавжуд.

Менга қимматбаҳо зийнат буюмлари ёқади, лекин ҳаммаси эмас. Мен тарихга эга қимматбаҳо зийнат буюмларни яхши кўраман. Менинг никоҳ ва тўй узукларим никоҳимизнинг тарихини акс эттиради. Менда ҳар бир ўғлим туғилганда совға қилинган узуклар бор. Менда қилич рамзи бўлган шода, ўқ шаклидаги ва яна қиз боланинг курашини ифодаловчи билакузуклар бор. Менда дўстларим томонидан совға қилинган тақинчоқлар, қолаверса ҳаётимдаги муҳим воқеалар ва ўзгаришлар билан боғлиқ тақинчоқлар бор. Совға ортида турган маъно ва вақт унинг зеб-зийнат ёки шунчаки оддий тақинчоқ эканини аниқлашимга ёрдам беради.

Менга Ханна Харнарднинг “Сенинг юксакликларинг томон” номли масиҳий романи ёқади. Биринчи марта мен бу асарни йигирма ёшимда ўқиганман, лекин бу китобни шу кунгача сақлаб келаман. Мен болаларим ўсмир бўлган пайтда уни ўқиб

берганман. Ҳозир ҳам ўзимга керак бўлган пайтда уни ўқийман. Бу асар-аллегорияда, қўрқувга тўла бир ёш аёл уйдан чиқиб, баланд тоғлар томон йўл олади. Бу жойда мукаммал севги қўрқувни ҳайдайди. Бутун сафари давомида у нотекис сўқмоқлар, бурилишлар ва синовларга дуч келади. Мен “Қўрқаман” исми қаҳрамон ҳар жойда қурбонгоҳ ясайди. У эсдалик учун тош танлаб олиб уни халтасида олиб юради.

Маълум бир вақт ўтиши билан у шунчалик тушкунликка тушадикки, ваъда унга жуда олисда бўлиб туюлади, у халтасидаги эсдалик учун солган тошларни кераксиз буюмдек ташлаб юбориш васвасасини ҳис қилади. Бу тошлар унга фақат кўнгилсизликларни эслатади. Лекин ўйлаб кўриб, уларни яна териб олади. Кейинчалик бу тошлар бефойда нарсалар эмаслиги маълум бўлади. Уларнинг ҳар бири унинг тожидаги қимматбаҳо безакларга айланади.

Илоҳиётчилар Муқаддас Битикларда бешта аниқ тожлар тилга олинган деб ҳисоблайдилар. Солиҳлик тожи бор. Биз уни гуноҳ ва уятни Масиҳнинг солиҳлигига алмаштирганимизда, шунингдек У бизни Ўз нажоти билан тож кийдирганида оламиз. Шодлик тожи шароитларга қарамасдан, Худога сажда қиладиган ва Уни улуғлайдиганлар учун аталгандир. Улуғворлик тожи – бу Унинг улуғвор қайтишини сабрсизлик билан кутаётганлар учун аталган. Китобнинг охириги бетларида мен қолган иккита тож ҳақида батафсил гапириб беришни истайман.

### ***Чиримайдиган тож***

У ҳақида Биринчи Коринфликларга мактубида гапирилади (9:24-27):

“Наҳотки билмасангизлар, масофага югураётганларнинг ҳаммаси югуради-ю, аммо бир киши мукофот олади. Сизлар ҳам мукофот олиш учун югуринглар. Мусобақада курашадиган ҳар бир одам ўзини ҳамма нарсадан тияди. Улар бунини чиримайдиган тож олиш учун, биз эса чиримайдиган тож олиш учун қиламиз. Шунинг учун мен ҳам мақсадсиз югураётгандай

югурмаяпман, ҳавони ураётгандай муштламаяпман, лекин ўз танамни бўйсундириб, ўзимга қул қилияпман, токи бошқаларга воизлик қилиб, ўзим нолайиқ деб топилмайин”.

Бу тожни югуриш мусобақасида қатнашган киши мукофот сифатида олади ва бизнинг қандай машқ қилишимиз бизнинг қандай югуришимизга таъсир қилади. Машқ қилиш хурсанд қиладиган машғулот эмас, лекин бу мусобақада қатнашишдан маҳрум қилиш ва югуришдаги мағлубият ҳисобланмайди. Кўп ҳолатларда Муқаддас Рух – бу бизнинг мураббийимиздир.

“Раббийни хафа қилманг. Унинг қалбини чилпарчин қилманг. Сизда ҳаракат қилаётган ва нафас олаётган Унинг Муқаддас Рухи, сизнинг ҳаётингизнинг энг сирли қисмидир, бу сизни Унга муносиб қилади. Ушбу инъомни оддий нарсадек қабул қилманг” (Эфесликларга 4:30, “The Message”).

Ҳамма нарса мумкин, лекин ҳамма нарса ҳам фойдали эмас. Худди шунга ўхшаб, ҳамма нарса ҳам югуришни яхши бажаришга ёрдам бермайди. Лекин Худо бунинг учун нима кераклигини билади. У бизнинг югуришда қачон тезлашишимизни ва секинлашишимизни билади. У кимдан шахсий машқларни олишни ва кимдан узоқроқ юриш кераклигини билади. Биз Унинг тавсияларига кўра ғалаба қиламиз. Биз ўткинчи нарса учун мусобақада қатнашмаймиз, биз абадийликка интилиб югураемиз.

“Бу дунёда ўзларингиз учун бойлик ғамланганлар. Ахир, бундай бойликни куя ейди, занг босади, ўғри тушиб ўғирлайди. Аксинча, ўзларингиз учун осмонда бойлик йиғинлар. Бундай бойликни куя емайди, занг босмайди, ўғри ҳам ўғирлай олмайди. Хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади” (Матто 6:19-21, замонавий таржима).

Сизнинг қалбингиз самода бўлганда, сиз самога йўл топа оласиз. Сизнинг хазинангиз қалбингизга яширилган ва у севги

билан кўриқланади. Биз сўзларга, ғояларга, китобларга, фикрларга, ижтимоий алоқаларга, гўзалликка, ижодга ва доноликка тўла бўлган дунёда яшаймиз. Бу рўйхатдаги кўп нарсалар шунчаки чиройли. Лекин бунда бизни албатта, ўзига тортишга ҳаракат қиладиган, сизни қийнайдиган қандайдир хавф ҳам бор ва вақти келиб, умуман йўлдан адашиб кетишимиз мумкин. Худонинг Каломи бизни огоҳлантиради:

“Дунёни ҳамда дунёдаги нарсаларни севманглар. Кимки дунёни севса, унда Отанинг севгиси йўқдир. Чунки дунёда бор бўлган ҳамма нарса – тананинг ҳирси. Кўзнинг ҳирси ва турмуш тарзидан мағрурланиш Отадан эмас, балки шу дунёдандир. Дунё ҳам, унинг ҳирси ҳам ўтиб кетади, лекин Худонинг иродасини бажарадиган киши абадий яшайди” (1-Юҳанно 2:15-17).

Бунинг ҳаммаси бизни дунёга бўлган меҳр билан боғлайди ва чирмаб олади.

Бу дунёнинг эҳтирослари учта тоифага бўлинади:

1. Инсон танасининг ҳирси ёки хоҳиши, токи ҳамма нарса биз хоҳлагандек бўлиш истаги.
2. Кўзнинг ҳирси ёки кўзимиз тушган ҳамма нарсага эга бўлиш истаги.
3. Турмуш тарзидан мағрурланиш ёки ўзини муҳим киши сифатида тутиш.

Ҳар биримиз ҳаёт давомида, камида шуларнинг биттаси билан, балки ҳатто уччаласи билан ҳам курашишимизга тўғри келади. Улар ҳаётингизда жуда кўп тарзда намоён бўлиши мумкин ва уларнинг ҳар бири ҳаётнинг турли даврида ҳар хил кўринишни олиши мумкин. Эрим билан энди турмуш қурганимизда ва ҳали болаларимиз туғилмаган пайтда, мен жуда худбин эдим. Мен ҳамма истакларимнинг бажарилишини хоҳлардим ва дўконда кўрган қарийб ҳамма нарсани сотиб олишга тайёр эдим. Худого шукур, менинг бу жирканчли хулқимни рағбатлантириш учун

етарли маблағимиз йўқ эди. Лекин бу менинг ўша буюмларга кўзим тушмаганлигини ва қандай қилиб бўлса ҳам, уларга эга бўлишни истамаганимни англамайди. Сўнг беш йил ичида учта фарзандим туғилди ва ўша пайтда менинг ягона орзуим фақат бироз ухлаб олиш бўлиб қолган эди! Муҳим киши сифатида кўриниш истаги ҳақида гапирадиган бўлсак, ёшим ўтган сари, оилам, дўстларим ва бир нечта руҳий қизларим учун қадрли эканимни англаш, мен учун етарли эканини кўпроқ ҳис қилмоқдаман.

Кўпинча хулқни шакллантирадиган бу эҳтирослар абадийлик вази остида парчаланиб кетишга маҳкум бўлган дунёга боғланган.

Оммавий ахборот воситалари, реклама ва оммавий ўйин-кўлги нафси озиқлантиришга қаратилган. Биз инсоният тарихида ҳеч қачон худди ҳозирги даврдаги каби ўзимиз танимаган ва муносабатда бўлмаган инсонларнинг ҳаёти ҳақида жуда яқиндан билиш имкониятига дучор бўлмаганмиз. Одамлар ўзлари кўриб турган кишилар (дўстлар, қариндошлар) билан муносабат қуриш қийин бўлган бир пайтда, кўзга кўринмас Худо билан муносабатда бўлиш улар учун қийин эканининг ажабланарли жойи йўқ.

“Худонинг иродасини бажарган одам эса абадий яшайди”  
(1-Юҳанно 2:17).

Дунёдан ажралиш учун биз ўз иродамизни рад этамиз ва Худонинг иродасини қабул қиламиз. Унинг иродасида биз бу хавfli алоқалардан шифо топамиз.

“Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича сеving, яна Ўзгани ўзингизни севгандай сеving” (Луқо 10:27).

Ҳаётингизда Худонинг севгиси кўпайса, бу дунёнинг жозибаси камайди. Мен Худо ҳақида фикр юритганимда ва Унга мени севишига имкон берганимда, мен ўзимни идрок қилишим осонлашади. Мен ўзимни идрок қилишим осонлашганда, мен

бошқаларни кўпроқ яхши кўраман. Менинг эътиборим Худога қаратилган бўлганда, бошқаларга севги намоён қилганимда, мен беҳуда нарсалар ортидан қувишга камроқ мойил бўламан. Чунки менинг муносабатларим бу бўшлиқни тўлдиради.

“Эй садоқатсиз бандалар! Дунёга кўнгил қўйиш, Худога душманликни билдиришини, наҳотки билмасангизлар?! Ким дунё билан дўст бўлишни истаса, Худога душман бўлади” (Ёқуб 4:4, замонавий таржима).

Баъзан биз Муқаддас Битикларни жиддий қабул қиламизми ёки йўқми, ёки Муқаддас Битиклар бизнинг “иноят уйини қуриш”имизга тааллуқли эмасми, деб ўзимга савол бераман. Онгли равишда ўз Яратувчисига қарши чиқишни танлайдиган бирор кишини тасаввур қилиш қийин. Павлус бир вақтнинг ўзида ҳам қонун ва ҳам иноят остида яшашни истаган зинокорлар билан муомалада бўлган. Ёқуб абадий аҳдга эга бўлганларга, лекин Лутнинг хотини каби бу дунёнинг таъсири билан курашаётганларга мурожаат қилади.

Бу ўзгариш дунёни яхши кўришни хоҳлашдан бошланишига, аниқроғи, дунёвий ҳамма нарсаларга бағрикенглик билан бошланишига эътибор беринг. Ёқуб бу ерда аниқ нима демоқчи? Бу дунёда дўстларга ёки ҳатто, дунёвий дўстларга эга бўлиш бу дунё билан дўстлашишни англатмайди. Биз дунё учун дўстлар эмас, балки дунёда дўстлар бўлишимиз керак. Биринчиси дунё аҳолисига бўлган муносабатимизни кўрсатади, иккинчиси эса бу дунёнинг қадриятлари тизими билан дўстликни англатади. Сиз ҳеч қачон ўзингиз таъсири остида бўлган киши устидан ҳоқимиятга эришмайсиз. Биз дунёимизнинг ғояларини ҳуш кўришга эмас, балки унга раҳм-шафқат кўрсатишга даъват қилинганмиз.

Бу қуйидагиларни англатади:

- Бу дунё билан улфат бўлиб ечиниш эмас, балки бу дунёнинг яланғочларини кийинтириш.
- Дунёвий нарсаларга оч қолмасдан, дунёдаги очларни тўйдириш.

- Биз дунё билан тўшакни баҳам кўриш учун эмас, балки азоб чекаётган дунё тўшаги олдида ўтириш учун даъват қилинган шифолаш элчиларимиз.
- Ҳатто биз одамлар билан шахсий даражада мулоқотда бўлганимизда ҳам, биз Шоҳнинг амрларига ҳурмат билан муносабатда бўладиган, Шоҳликнинг элчилари сифатида ҳаракат қилишимиз керак. Бу шуни англатадики, бир кун келиб, бу муносабатлар синовдан ўтади.

Сўлмас тожга эга бўлиш учун биз ўз рақобатчилигимиздан воз кечишимиз ва Худонинг Уни, бошқаларни ва ўзимизни севиш даъватини қабул қилишимиз керак.

### ***Ҳаёт тожи***

Ниҳоят, охирги тож – бу ҳаёт тожидир. Афтидан, уни яна азоб-уқубат чекувчилар тожи деб аташ мумкин. Ибронийларга мактубида “имон оталари” сифатида санаб ўтилган Муқаддас Китобнинг қаҳрамонларидан кўпчилиги: Стефан, Петрус ва Масихнинг бошқа издошлари бу тожни олишган. Биз абадийликнинг бошқа томонида туриб, Масихнинг бошқа издошларининг исмларини ҳеч қачон билмаймиз. Бу одамлар ўзида борини қурбон қилганлар. Ҳаёт тожи тенгсиз қиймат эвазига олинади.

“Ўлим хавфи остида бўлганимда ҳам содиқ қол, шунда Мен сенга ҳаёттожини бераман. Кимнинг қулоғи бўлса, Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини эшитсин. Ҳали келганлар иккинчи ўлимдан ҳеч қандай зарар кўрмайдилар” (Ваҳий 2:10, 11).


Менга Муқаддас Китобнинг “The Message” таржимасида бу оят қандай очиб берилгани жуда ёқди: “Менда ҳаёт тожи бор, сенинг ўлчамингга кўра, у сен учун махсус тўқилган ва аллақачон сени кутаяпти”.

Биз кўплаб одамларнинг юраги қўрқувдан титрайдиган даврда



яшаяпмиз. Шафқатсизлик, касалликлар, очлик ва ўлим қўрқувини соладиган урушлар. Тўхмат, айблов ва қувғинлар одамлар олдида қўрқувни келтириб чиқаради. Афтидан, шайтон бизни ҳаракатсизлик гирдобига чўктиришини ва ҳар доим ўзимизни ҳимоя қилишимизни истайди. У Нерон каби бизни бир томондан шафқатсизлик ва даҳшат билан гангитиб қўйишни, иккинчи томондан бойлик ва зино билан йўлдан уришни хоҳлайди. Душманамиз ҳаммасидан ҳам кўра, бизни фаввора олдида абдий туришимизни, тилақларимизни айтиб, тинимсиз танга санаб унга отишимизни истайди. Лекин бу тожга эга бўлиш учун чуқурликка шўнғиш керак.

Яқинда мен бир кунда учта қўрқинчли воқеа билан танишдим. Уларнинг иккитасини мен руҳий қизларимдан бирининг тармоғида ўқидим. У оиласи билан Исроилда, жинсий қуллик билан кураш ташкилотини бошқаради. Биринчи мақолада ўз жонига қасд қилган бир юз элликта ёш қиз ва аёллар ҳақида ўқидим. Уларнинг ҳаммаси ИШИД террорчи ташкилоти жангчилари томонидан асирга олинган ва жинсий ҳаёт учун қуллар сифатида сақланган. Гўё бу таҳқирлашларга қўшимча қилишга интилиб, бу оғир жароҳатлардан (руҳий ва жисмоний) ташқари, террорчилар уларнинг жасадларини кучукларга едирган. Ўз кўзимга ишонмай, мен бу мақолани кўп марта ўқиб чиқдим. Шундай даҳшатли ёмонлик рост бўлиши мумкинми?! Ҳали ҳам мен бу сўзларни ёзаётганимда кўз олдимга, бу қизларнинг танасини аямасдан парчалаётган итлар манзараси келади. Менинг тасаввурим чизаётган манзарадан даҳшатга тушиб, мен Ваҳий китобидаги сўзларни эслайман:



**Бу тожга эга  
бўлиш учун  
чуқурликка  
шўнғиш керак.**

“Шунда аждар аёлдан ғазабланди. У аёлнинг уруғининг қолдиғи билан, яъни Худонинг амрини сақлаётган ҳамда Исо Масиҳнинг гувоҳлигига эга бўлганлар билан жанг қилгани чиқди” (Ваҳий 12:17, замонавий таржима).

Бундай хатти-ҳаракатлар инсоннинг журъати етмайдиган шафқатсизликдир. Бундай ишни қилишга фақат шафқатсиз аждар қодир. Бу ғазаб Худонинг амрига итоат қилган ва Исонинг гувоҳлигига кучли содиқ бўлган аёлга ва унинг фарзандларига қарши қаратилган (Ваҳий 12:17, «The Message» таржимасига қаранг). Охирги ўн кун давомида бу манзара мен учун тобора қайғули бўлиб борди ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада катталашди.

Кейинги мақолада Қуръонни ёд олган эркакларни, жинсий ҳаёт учун қул аёллар билан мукофотлаш ҳақида сўз борарди. Кофирларни зўрлаш иши, сажда ҳаракати билан тенглаштириларди. Шунинг ачинарлики, ушбу китоб чоп этилгунга қадар, янада кўп шафқатсиз жиноятларнинг тўлқинлари бу даҳшатларни ўз остига кўмишга улгуради, деб қўрқаман.

Учинчи воқеа менинг ишхонамнинг почтасига келди. Қувғин ёки қашшоқлик, одамларни масиҳийлик ҳақидаги маълумотларга эга бўлишини чеклайдиган мамлакатларда, бепул масиҳий медиа – ресурслар ва адабиётларнинг тарқатилишини мувофиқлаштирувчи муҳим ходимимиз бор. Яқин Шарқда ишлайдиган жасур дўстларимиздан бири Сирияда масиҳийларга ҳужум пайтида ҳалок бўлган. Бу киши ҳалок бўлган вазиятни тушунтириб, бизга шундай деб ёзишди: “Айримлар кўп нарса беришга, кимдир эса ҳаммасини беришга чақирилган”.

Бу янгилик мени эсанкиратиб қўйди. Учрашувга кетаётиб, унинг тўсатдан бева қолган хотинига фикримда хат ёзишга ҳаракат қилардим. Мен нима ёзмайин, бу бева қолган аёлнинг ҳаёти ва у тушиб қолган вазиятга нисбатан ҳақоратдек туюлиши мумкинлигини ҳис қилардим. “Афсусдаман” сўзи – бу жуда ҳам юзаки, “раҳмат” сўзи ушбу вазиятда ноўриндек туюларди. Мен ҳеч қачон азоб-уқубатли ўлимни билмаган ҳолда, хавфсиз уйда ўтириб, унга хат ёзаётганимни тушунардим. Менинг ихтиёримда ҳар доим масиҳий сажда мусиқаси ва ўқишим учун етиб ортадиган даражада кўп масиҳий адабиётлар, шунингдек Муқаддас Китоб бор. Менинг омборларим озиқ-овқатга, шкафларим эса кийим-

кечакка тўла. Бугунги кунда набираларимга кўз-қулоқ бўлиб турганимда, улар Масихдаги ака-ука ва опа-сингилларимиз азобларни бошдан кечириётганини билмасдан, кулади ва ўйнайди.

Мен уялдим. Бирдан ўзимни ҳаётим устидан таҳқирлангандек ҳис қилдим. Худди менинг ҳаётимнинг қадри бўш чиғаноқ каби қийматсиз бўлиб қолгандек, барча билганларим ва эга бўлган нарсаларим, худди набираларим пуфлайдиган совун кўпиклари каби пуч бўлиб қолди. Мен бирор танишимга телефон қилгим келди. Ичимдаги саволлардан бирортасига жавоб бера олмасам ҳам, мен нималарни ҳис қилаётганимни тушуна оладиган ёши каттароқ ва донороқ аёл билан гаплашишни истардим.

Менда “нима учун” деган саволлар кўпайиб кетган эди. Нима учун менда кўп нарса бор, лекин океаннинг бошқа томонидаги аёллар эса шундай умидсизликка тушиб қолганки, улар бир лаҳза ортиқ яшашдан кўра, ўз жонига қасд қилишга тайёр? Адолат қаерда? Мен бошдан кечириётган оғир руҳий оғриққа бирор чора топишни истардим. Ўшанда менга таққослашни бошлаётганим ҳақидаги фикр келди. Бундай кескин фарқни ҳис қилишнинг ёмон жойи йўқ, лекин таққослашнинг ўзи фойдасиздир. Бу саволларга жавоб йўқ. Фақат аждарга айланган илон ҳамда унинг таъсири остида, бир-бирига нисбатан даҳшатли ишлар қилган эркаклар ва аёллар бор. Шунда мен танлашим мумкинлигини англадим. Мен бундай ғазабга тўлган саволларни беришда давом этишим ёки ҳаётимдаги савол белгиларини ундов белгиларига ўзгаришига йўл қўйишим мумкин. Мен кўз ёшларимни артдим ва уларнинг ҳаёти мен учун грамматика дарси бўлиб хизмат қилади ва ҳаётимда тўғри тиниш белгиларини қўйишга ёрдам беради, деб қарор қилдим.

Қувғинлар ҳақидаги бундай воқеалар янгилик эмас. Бу қувғинлар ҳар бир асрда бир неча марта содир бўлган. Эллик беш ёшимда абадийликнинг бу томонида туриб, барибир ҳеч қачон жавоб бера олмайдиган саволлар устида бош қотирмайдиган аёл бўлишим керак. Ёшнинг ўзи умуман олганда бемаъниликка мазмун бера олмайди. Биз аллақачон марра чизиғида турибмиз ва бизнинг

кунларимиздаги воқеалар абадийликни янада жозибалироқ қилади. Демак, имконимиз бор экан, яхши меҳнат қилишимиз керак. Фақат абадийликда бу ҳикоя маънога эга бўлади, лекин ҳозирча, бу ерда ва ҳозир биз ибодат қилишимиз мумкин ва агар қалбимиз рақобатдан, ҳасаддан ва таққослашдан озод бўлса, Худо ибодатларимизни эшитишига ишончимиз комил бўлиши мумкин.

“Ҳаммамиз бир тананинг аъзоларимиз, қалбимиздаги Муқаддас Рух ҳам бирдир. Худди шунингдек, Худо бизни даъват қилиб, ҳаммамизга берган умид ҳам бирдир. Раббимиз бир, имонимиз ҳам бирдир, бир мақсадда сувга чўмдирилганмиз. Барчамизнинг Отамиз Худо бирдир. У ҳаммамиздан устун бўлиб, ҳаммамиз орқали Ўз иродасини бажо қилади. У ҳаммамизнинг орамиздадир. Масих Ўз иноятига кўра ҳар биримизга турли хил инъомлар берган” (Эфесликларга 4:4-7).

### **Ўз ҳаётингиз билан яшанг!**

Бизга жуда кўп нарсалар инъом қилинган: бизнинг ўзига хос нуқтаи назаримиз – бу инъомдир, биз кўрган ва бошдан кечирганларимиз – бу ҳам инъомдир. Бизда танлов бор. Буларнинг барчаси бизни чулғаб олишига рухсат беришимиз ва ҳеч нима қилмаслигимиз мумкин. Биз ҳаётнинг бу инъомларини аҳамиятсиз деб билишимиз ва ўзимизнинг кўнглимиз совушига йўл қўйишимиз мумкин. Ёки бошдан кечирган лаҳзалар кучи ҳақида ўйлаб ва олдинга ҳаракат қилиб, ҳайрон бўлишда тўхтамасдан яшашимиз мумкин.

Охирги ўн йиллар ичида мен урғочи шерлар, қилич ва хочга эга аёллар ҳақида, аёл сифатида қандай жанг қилиш ҳақида, жонни тарбиялашдан кўра кўз ёшлар билан ўпиш ҳақида кўпроқ ёзганман. Энди сизнинг ичингизда ўз вақтини кутаётган барча нарсалар амалга ошади деб ёзаяпман ва умид қиламан. Чунки:

Сиз тенгги йўқ сифатида яшаш учун даъват қилинган қизсиз.

Сиз тенгги йўқ Ота томонидан севиклисиз.

Сиз тенгги йўқ вақт ичида яшаяпсиз.

Сиз тенгги йўқ мамлакатдансиз.

Сиз тенгги йўқ қурбонлик эвазига сотиб олингансиз.

Сизга тенгги йўқ Зотнинг исми ишониб топширилган.

Сиз тенгги йўқ Худо Руҳининг кучига эгасиз.

Сиз тенгги йўқ тилга эгасиз.

Сиз тенгги йўқ Тананинг бир қисмисиз.

Сиз тенгги йўқ қурол билан қуроллангансиз.

Сиз тенгги йўқ урушда қатнашаяпсиз.

Сиз тенгги йўқ ибодатлар қилиш учун даъват қилингансиз.

Бизга тенгги йўқ имкониятлар берилган, чунки биз тенгги йўқ ҳосил учун қўйилганмиз.

Бизнинг тақдиримиз – бу тенгги йўқ абадийликдир.

Келинг, гўзаллик, куч, солиҳлик ва буюклик бўйича тенгги йўқ бўлиб яшайлик. Кимдир кўп беради, кимдир ҳаммасини топширади.

Умидингизни ёритиб, Унга хизмат қилиб, ҳамма вақт ва ҳамма жойда севиб, Худо олдида туринг. Ахир сиз, синглим, дугонам тенгсиз тақдир соҳибисиз. Шундай экан, муаббатдан туғилган жасорат билан боринг, ўз тақдирингизни дадиллик билан яшаб ўтинг!

### **Мулоҳаза юритиш учун саволлар**

1. Фекла ҳикояси орқали сиз қандай ибратли сабоқ олдингиз?
2. Дунё билан дўстлик ва дунёга дўст бўлиш ўртасида қандай фарқ бор?
3. Ҳаётингизнинг қайси соҳаларида тиниш белгиларини ўзгартиришингиз керак?
4. Тенгги йўқ ҳаётни қарши олиш учун қандай қадамларни қўясиз?



## МИННАТДОРЧИЛИК СЎЗЛАРИ

Тасаввур қилиб кўринг, ҳар биримиз ўзимизни қанчалик сеvimли ва қадрли эканимизни тушунсак, дунё қандай бўлар эди. Лиза Бивер ўзининг «Рақобатдан ташқарида» номли китобида, биз Худо томонидан қанчалик ўзига хос тарзда яратилганлигимиз ва сеvикли эканимизни билишга ва тушунишга илҳомлантиради. Айнан шунинг учун ҳар биримиз Худонинг режасини амалга оширишда ҳал қилувчи ва муҳим даъватни олганмиз. Бу китоб – Худога ва У сиз учун тайинлаган вазифага интилишга таклифдир.

- **Холли Вагнер**, чўпон ва муаллиф

Биз ўхшашликни нотўғри жойларда қидираётган, дарбадар қалбларга тўла маданиятда яшаяпмиз. Бу китоб эркакларга ва аёлларга руҳий ўхшашликнинг ҳақиқий манбасига йўл кўрсатувчи чин компасдир. Биз Худога тегишлимиз, У бизни танлаган ва биз ўзига хос тарзда сеvиклимиз. Лиза бу абадий ҳақиқатларни ажойиб тарзда ҳаётга тадбиқ қилган. Бу китобни, албатта, ўқиш керак!

- **Бреди Бойд**, Колорада Спрингсдаги «Нью Лайф Черч» жамоати чўпони ва «*Бандликка тобелик*» китобининг муаллифи

«Рақобатдан ташқарида» китобида, Лиза Бивер Худо бизни ким қилиб яратгани ва У ҳар биримизни ўзига хос тарзда сеvиши ҳақидаги чуқур ҳақиқат билан ўртоқлашади. Бу китобни ўқигандан сўнг, кимдир Худо уни сеvишига шубҳаланиши мумкинлигини тасаввур қила олмайман!

- **Крис Ходжис**, «Черч оф хайлендс» жамоатининг катта чўпони ва «*Тоза ҳаво*» ва «*Тўртта коса*» китобларининг муаллифи

Агар сиз шахсий инқирозга юз тутган бўлсангиз, бу китоб ҳаммасини ўзгартиради. Ҳар биримиз Масихда ким эканимизни тушуниш ҳаммасини ўзгартиради. Ўзимизни ҳимоя қилишга интилиш ўрнига, биз Худонинг буюк нажот режасида ўз ўрнимизни топамиз.

- **Шейла Уолш**, «Худо ҳолдан тойганларни яхши кўради» китобининг муаллифи ва «Имон аёллари» номли анжуманининг асосий нотиғи

«Рақобатдан ташқарида» китоби муҳим ҳақиқатларни очиб беради ва у бу авлодга кучли таъсир кўрсатишига ишонаман. Лиза Бивер Худонинг севгисини янгича, шундай гўзал ва ёрқин шаклда етказадик, у ҳар бир ўқувчини шубҳасиз мафтун қилади. Ўқувчилар бу китобга тобора чуқурроқ кириб борар экан, улар Худонинг ўзларига бўлган севгисини ҳамда Ундан ўз шахсиятини топишнинг қанчалик муҳимлигини кўпроқ билиб оладилар.

- **Мэтью Барнетт**, «Дрим центр» жамоатининг ҳамкор асосчиси

«Рақобатдан ташқарида» китоби – бу Худонинг ҳамма одамларга бўлган севгисининг ажойиб эслатмасидир. Лиза ўз фикрларини орасталик ва ихчам йўл билан ифодалаб, бу мавзуга янги очиқлик билан ёндашади. Бу ҳақиқатан ҳам ҳар бир ўқувчини илҳомлантирадиган ажойиб китобдир.

- **Кэролайн Барнетт**, «Дрим центр» жамоатининг чўпон ёрдамчиси

Рақобатчилик ва таққослашларга муккасидан кетган дунёда, бу китобни ҳар бир она, қиз, етакчи ва дўст ўқиши шарт. Ўзимизни бир-биримиз билан солиштириш ўрнига, ўзаро бирлашиш вақти келди. Бир-биримизга сабр қилиш ўрнига, бир-биримиз учун хурсанд бўлиш вақти келди. Бизнинг рақобатчиларимиз йўқ. Шунинг учун ҳаммининг муваффақиятга эришиши учун имкон берамиз.

- **Шарлот Гамбилл**, Бирлашган Қироллик, Бредфорддаги «ЛАЙФ черч» жамоатининг катта чўпони



Агар сиз ўзингизни кераксиз деб ҳисобласангиз ёки сиз аниқ бир мақсадга эга бўлмасангиз, «Рақобатдан ташқарида» китоби ичингиздаги танқидни жим қилиш учун керак бўлган нарсадир. Худо сизни ҳар қандай шароитда қаноат топишингиз ва таққослашсиз ҳаёт кечиришингиз учун мўлжаллаб яратган.

- **Чўпон Стивен и Холли Фуртик**, «Элвейшн Черч» жамоати

Лиза, сиз таққослашсиз ва рақобатсиз ноёб ижоди эканингизни тушуниш орқали келадиган озодлик ва ишончни, қандай бошдан кечиришни ва Худо сизга берган ўзига хос даъватга кириш учун сизда керак бўлган ҳамма нарса борлигини тушунишга ёрдам беради.

**Виктория Остин**, Техас штати, Хьюстондаги «Лейквуд черч» жамоатининг чўпон ёрдамчиси

Лиза Бивернинг «Рақобатдан ташқарида» китоби сизни Масихдаги ўзлигингизнинг янги ўлчовига эътиборингизни уйғотади. Лизанинг китоби заковат ва илоҳий донолик билан тўла. У сизни ҳаётингизда Худонинг ўзига хос даъватига интилишингиз учун чақиради, илҳомлантиради ва қуроллантиради. Агар сиз Худонинг тақдирингиз ҳақида айтганларига мувофиқ яшашга интилсангиз, бу китоб сиз учун! Мен ҳақиқатан ҳам уни тавсия қиламан.

- **Крис Валлотон**, Калифорниянинг Реддингдаги «Бетел черч» жамоатида катта чўпон ёрдамчиси

Кўп йиллар давомида Лиза Бивер бизнинг яқин дўстимиз бўлган ва у «Рақобатдан ташқарида» китобида ўртоқлашаётган донолик кўп одамларга озодлик беришига ишонамиз. Бу китобларни ўқиш давомида Худодан таққослашга, рақобатга интилишни енгиш учун ёрдам беришини сўранг, қолаверса У сизни яратган ўзлигингизни қандай қабул қилишни ва қадрлашни кўрсатишига имкон беринг.

- **Жеймс Робисон**, «ЛАЙФ аутрич интернейшнл» ташкилоти асосчиси ва президенти

Мен Лизани яхши кўраман. У етказаётган сўз жуда муҳим. Мен бу китобни ўқиб чиқишингизни ва ундаги хабарга ишонишингизни истаيمان. Сиз кимлигингизни тушуниш ва сизнинг бошқаларга бўлган эҳтиёжингизни англаш зарур. Бу китоб сизни кучли қилади. Отангизнинг сизга ҳақиқий ва саботли ўзлигингизни қандай кўрсатаётганини ҳис қиласиз.

- **Женн Жонсон**, ҳамду-сано хизмати етакчиси ва «Бетел Мьюзик» кўшиқлари муаллифи

«Рақобатдан ташқарида» китоби — бу барча ёшлардаги аёллар учун ўйғонишга бўлган ажойиб даъватдир. Лизанинг барчамиз Худо томонидан севикли эканимиз ва даъват қилинганимиз ҳақидаги хабари жуда зарур. Мен бу китобнинг ҳар бир саҳифасини тўлдириб турган унинг саъй-ҳаракатини ва ғайратини ёқтираман.

- **Алли Уортингтон**, «Бандликни бузиш; Ақлдан озган дунёда эркинлик ва мақсадни қандай топиш» китобининг муаллифи

Лизанинг жасоратли ва Рўҳга тўлган сўзлари аёлларни таққослаш, мағрурлик ва ҳасаддан озод бўлишларига ёрдам беради. У ваъз қилганига мувофиқ ҳаёт кечиради. Сиз Исога тегишли бўлганингизда, сиз рақобатдан ташқаридасиз.

- **Сара Бесси**, «Исо – феминист» ва «Чалкаш; Ривожланаётган имонни тушуниш» китобларининг муаллифи

Лизанинг янги китоби – бу улкан хазинадир! Бу китоб Худо қўллари билан юзимизни қучиши, эътиборимизни Ўзига қаратиши ва сўнг секинлик ва ишонч билан «Мен сени севаман» деб айтиши билан тенгдир.

- **Лиза Харпер**, муаллиф ва Муқаддас китоб муаллими

Худого тегишли эканингизни, Худо оиласида ўзига хос ўрнингиз борлигини ва Масихнинг характерини тушуниш, соғлом қалб ва руҳнинг доимий ўсиши учун керак. Бу абадий тамойиллар ҳақида гап кетганда, Лиза Бивер Калом ҳақиқатини ҳамда шахсий очиқликни тушунтиришнинг ўзига хос қобилиятини кўрсатади. Сиз нафақат кимлигингизни, балки Унинг рақобатдан ташқаридаги қудратли Нажоткор эканини ҳам қайтадан кашф қиласиз.

- **Брайан и Бобби Хьюстон**, халқаро «Хиллсонг» жамоатининг асосчилари ва катта чўпонлари

Аёллар таққослаш ва рақобатга мойиб бўлган бу дунёда Лиза Бивер энг яхши уддалайдиган ишни қилади, яъни ўзининг қўйидаги ғамхўр, мустаҳкамловчи ва шифо берувчи сўзлари билан бизни ўзининг аёл қалбига яқинлаштиради: «Қизим, сен мукамалсан, чунки сен ўзига хос тарзда севиклисан». «Рақобатдан ташқарида» китоби бизни рақобатга бўлган эҳтиёждан узоқлаштиради ва биз муваффақият билан Отанинг қалбига қўнамиз ва Унинг бағрида илдиз отамиз. Бу китобни чуқурроқ муносабатларга, ўхшашликка ва мақсадга интилаётган барча аёллар ўқиши шарт.

- **Криста Блэк Глиффорд**, мукофотлар билан тақдирланган қўшиқлар муаллифи, ваъзхон ва «Худо хунукларни севади» ва «*Шифо топган қалб*» номли китобларнинг муаллифи

Лиза Бивернинг «Рақобатдан ташқарида» номли янги китоби — бу Худонинг ҳар биримизга бўлган ўзига хос севгисининг ажойиб тасвирланишидир. Бу китоб бизнинг рақобатчиларимиз йўқлигини эслатади. Чунки Худо бизни ўзига хос қадр-қиммат ва Ундаги ўхшашлик билан яратган. Бу ҳамма ўқиши керак бўлган китоб!

- **Жентезен Франклин**, «Фри чейпел» жамоатининг катта чўпони ва «Нью-Йорк Таймс» рўйхатидаги машҳур китобларнинг муаллифи

Қадрли дўстим Лиза Бивер буни яна амалга оширди. «Рақобатдан ташқарида» китоби – бу кучли, башоратли ва илҳомлантирувчи китобдир. У сизнинг кимлигингизни ва Худонинг фарзанди сифатида кимга тегишли эканингизни аниқлашга ёрдам беради. Бу китобни сиз танийдиган ҳар бир аёлга совға қилинг. Мен ўзим ҳам шундай қиламан.

- **Кристин Кейн**, «A21» ва «Аёллар учун олға силжиш»нинг асосчиси

Худо бизни бир хил эмас, балки ўзига хос тарзда севади. «Рақобатдан ташқарида» китобида Лиза сизнинг қайтадан куч ва мақсадга эга бўлишингизга ёрдам берадиган ҳақиқатларни очиб беради.

- **Марк Беттерсон**, «Нью-Йорк Таймс» рўйхатида кўра машҳур «Ерга ёзаётган» китоби муаллифи ва «Нэшнл комьюнити черч» жамоатининг чўпони

# ШЕРЛАРНИНГ УЙҒОНИШИ

*Уйғон ва ўз дунёни ўзгартир*



«Шерларнинг уйғониши» китобида Лиза Бивер, шернинг тасвири ва ҳаёти, қатъиятли, шу билан бирга мулойим аёлнинг тасвирини тақдим этади. Бу ажойиб жонзот ҳақидаги қутилмаган маълумотлар билан, Лиза аёлларни мақсад, интилиш ва жасоратни қўлга киритишга чорлаган. Бу мактуб орқали сиз қуйидаги имкониятларни билиб оласиз:

- Куч ва қудратнинг лол қолдирадиган намунаси бўлиш
- Етукликка етмаганларни жон-жаҳд билан ҳимоя қилиш
- Атрофдаги ҳамма нарсани ўзгантирадиган умумий ўқиришни кўтариш.

# ҚИЛИЧ ТУТГАН ҚИЗЛАР


Ўз хочингни қаҳрамонларча олиб юриш



Худонинг сўзи – бу аксарият ҳолларда фойдаланишдан кўра, ўрганиш учун қулай бўлган қиличдир. Қизларга қилич бериш ва улар қай тарзда самони ерга тортишини кузатиш вақти келди. Аёллар бутун дунё бўйлаб, хурофот, жинсий қуллик, ҳақорат ва ҳатто, ирсият учун нишон ҳисобланадилар. Лиза Бивер, бундай ҳужумлар, аёлларнинг ўтмишда ким бўлиб келаётганидан кўра, келажакда ким бўлиши ҳақида кўпроқ гапириши ҳақида ёзади. У “Қилич тутган қизлар” китобида, руҳий душман уларни ҳар қадамда қуролсизлантириш имконини қидираётганини тушунтиради. Аёллар қаҳрамонга айланиши, Худо уларни қандай яратган бўлса, шундай бўлиши ва туриши учун – мард, доно, фарқлашга қобиляттли ва кечиримли бўлиш вақти келди. Ўз қиличини кўтариб, қаҳрамон бўлиш вақти келди.

# X MessengerX

Ҳамма учун, ҳамма ерда шогирдлик йўли






- Дунёнинг 125 тадан ортиқ тилларида бепул
- Илова ва онлайн орқали олиш мумкин
- Сизнинг ўсишингиз учун яратилган манбалар
- Ўз тарихингиз ва шогирдлик йўлингизни кузатиб боринг



Барча қурилмаларингизда кўриш, ўқиш ва эшитиш учун шогирдлик бўйича материаллар билан бирга «Мессенжер» кутубхонасини, шунингдек, электрон китоблар, аудиокитоблар, қисқа метражли китоблар, видеодарслар, Муқаддас китоб ва ҳоказо манбаларни олинг.

## MessengerX.com



Дунё бўйлаб App Store ва Google Play иловаларида олиш мумкин.

«Рақобатдан ташқарида» китоби бизнинг Масихдаги ўзига хослигимиз учун давом этаётган урушга нисбатан ноёб нуқтаи назарни очиб беради».

— ЖОЙС МАЙЕР

Муқаддас Китоб муаллими ва машҳур китоблар муаллифи

Биз бошқа одамларга рақобатчилар сифатида қарашимизнинг, шунингдек ўзимизни таққослаш ва рақобат билан чеклашимизнинг сабаби бор. Биз ўзимизга ва бир-биримизга қарши чиқишимизга умид қилиб, онгимизга, иродамизга ҳиссиётларимизга ҳужум қиладиган душманимиз бор. Шу тарзда, биз яқинларимиздан узоқлашамиз, ўзига хослигимизни ва мақсадимизни йўқотамиз.

"Рақобатдан ташқарида" китобининг машҳур муаллифи Лиза Бивер, Худонинг севгиси – бу кишанларни бузиш ҳақидаги очиқлик билан ўртоқлашади. Сиз одамларни рақобатчи сифатида кўришни тўхтатишни ва Яратувчи билан сиз орзу қиладиган чуқур муносабатларни, ҳақиқий ўзига хослик ва яқинлик ҳақидаги ваъдага эга муносабатларни куришни ўрганасиз. Башоратли доноликка тўла бўлган, бизнинг давримиз учун долзарб ҳисобланган бу соғлом Муқаддас Китоб таълимотида, Лиза ҳазил ва иштиёқ билан бизни даъват этади!

- Рақобатдан воз кечинг ва бу сизда энг яхши жиҳатларни очиб беради.
- Сиз иштирок этишингиз керак бўлган суҳбатлардан яширинишни тўхтатинг.
- Аёллар фойдасиз, содда ва ишонувчан деган фикрни рад этинг.
- Ҳаётингизда жинсий рақобатдан халос бўлинг ва эркаклар билан бирга меҳнат қилинг.

Рақобатдан ташқаридаги ҳаётга қадам ташлаш вақти келди.

Лиза Бивернинг самимий, иштиёқли ва ҳазил услубидаги Муқаддас Китоб ҳақиқатлари, амалий қўллаш билан бирлашиб кетади. Унинг «Аёл каби жанг қил», «Шерларнинг уйғониши» ва «Қилич тутган қизлар» каби китоблари 65 дан ортиқ тилларга таржима қилинган ва бутун дунё бўйлаб миллионлаб нусхада тарқалмоқда. Лиза ва унинг эри Жон, машҳур китобларнинг муаллифлари ва «Messenger International» хизматининг биргаликдаги асосчиларидир.

**MessengerX.com** саҳифасида кўпроқ маълумот олинг.



Бу китоб муаллифдан совға.  
У сотув учун мўлжалланмаган.

Кўпроқ маълумот олишни  
иштираёсизми? Сканиранг.

